



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.2  
МОДУЛ

МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА  
МАШГУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА  
МАШГУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Малака йўналиши:

тарбиячилар

Тингловчилар контингенти:

Махсус мактабгача таълим  
муассасасининг тарбиячилари

**Тошкент-2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълим вазирлигининг 2018 йил “\_\_\_”  
даги “\_\_\_” сонли буйруғи билан тасдиқланганмаксус  
мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг малакасини ошириш тоифа  
йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:** Л.Р.Миржалолова- Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги  
халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача,  
бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси  
мудири, п.ф.н., доцент

О.А.Махмудова- Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача,  
бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси  
в.б.доценти

Д.Махмудова- Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача,  
бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси катта  
ўқитувчиси

Н.Т.Жўраева - Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача,  
бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси катта  
ўқитувчиси

Д.Б.Қосимова- Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача,  
бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси катта  
ўқитувчиси

М.Х.Шарипова- Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача,  
бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси  
ўқитувчиси

**Тақризчилар:** Н.Н.Джамилова-Низомий номидаги ТДПУ “Мактабгача  
таълим методикаси” кафедраси доценти, п.ф.н.

М.Файзуллаева-Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва  
мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
oshiриш институти “Замонавий педагогик технологияларни  
жорий этиш ва норматив методик таъминлаш” бўлими  
бошлифи

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва  
мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти  
илмий кенгашининг 2018йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси  
 билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган

## **М У Н Д А Р И Ж А**

I. Ишчи дастур .....	7
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари..	18
III. Назарий машғулот материаллари .....	23
IV. Амалий машғулот материаллари .....	103
V.Кейслар банки .....	243
VI. Мустақил таълим.....	247
VII.Глоссарий .....	251
VIII. Адабиётлар рўйхати .....	255

**ИШЧИ ДАСТУР**

## Кириш

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатдан янга даражага кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашади.

Мамлакатимизда айни пайтда вужудга келган шарт-шароитлар малака оширишнинг шакли, мазмуни ва уни амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқишини ва бу жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритишни тақозо этмоқда. Хусусан, шу кунларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тарбиячиларининг малакасини ошириш мазмуни ва шаклларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони, 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори, шунингдек Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ сонли “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурини амалда жорий этиш, шу асосда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутади.

“Махсус мактабгача таълимда машғулотларни ўтказиш технологияси” модулининг ишчи ўқув дастури мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у маҳсус

мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига таълимда инновацион технологиялар, машғулотларни методик жиҳатдан тўғри ташкил этишнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** маҳсус мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишга оид касбий билим ва кўникмаларини малака талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- маҳсус мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг замонавий педагогик технологиялари ва методлари ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- маҳсус мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида машғулотларни ташкил этиш методикалари, самарали методларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **Тингловчи:**

- машғулотларни ўтказишга замонавий ёндашувлар ва инновацияларни;
- машғулот ишланмаларини ишлаб чиқишига қўйилган замонавий талабларни **билиши;**
  - машғулотлар жараёнида интеграция ва инновациялардан фойдаланиш;
  - машғулотларда тарбияланувчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишида ривожланган мамлакатлардаги жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш **кўникмаларига ;**
  - турли ёш гурухларида машғулотларни режалаштириш;
  - турли ёш гурухларида интеграциялашган машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;
  - машғулотларда ахборот технологияларини қўллаш **малакаларига;**

- замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- машғулотнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Машғулотларни ўтказиш методикаси модулидан машғулотлар назарий ва амалий шаклда олиб борилади.

Назарий машғулотларда турли методикаларни қўллаш технологияси, машғулот ишланмаларига қўйилган талаблар, машғулотларнинг фаолият турлари бўйича ўзига хос хусусиятлари ва уни ўқитиш методикаси ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда тингловчиларга машғулот ишланмаларини тузиш, тарбияланувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш, машғулотларни кузатиш ва таҳлил этишга ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, назорат саволлари, топшириқлар, грухли фикрлаш, кичик грухлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модулмазмунни ўқув режадаги “Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси”, “Таълим жараёнида педагогик дастурий воситалар”, “Мактабгача маҳсус психология ва маҳсус педагогика асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тарбиячиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Мазкур модул “Ўзбекистон таълим-тарбия жараёнларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Мактабгача маҳсус психология ва маҳсус педагогика асослари” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун

йўналишлари ва услубий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

### **Модулнинг таълимдаги ўрни**

Тингловчиларга маҳсус мактабгача таълимда машғулотларни ўтказиш методикасини ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўнижмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

#### **4.2. “Маҳсус мактабгача таълимда машғулотларни ўтказиш технологияси”**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Ҳаммаси</b>	<b>Жумладан</b>		<b>Мустакил таълим</b>
			<b>Жами ўқув юкламаси</b>	<b>Назарий</b>	
4.2.1	Атроф-олам билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси	4	4	2	2
4.2.2	Табиат билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси	4	4	2	2
4.2.3	Нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш технологияси	4	4	2	2
4.2.4	Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини ўтказиш технологияси	4	4	2	2
4.2.5	Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологияси	8	6	2	4
4.2.6	Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш технологияси	4	4	2	2
4.2.7	Бадиий адабиёт билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси	4	4		4
4.2.8	Ўйинларни ташкил этиш методикаси ва технологиялари	4	4	2	2
4.2.9	Машғулотларни мультимедия технологияси асосида ташкил этиш	4	2		2
4.2.10	Кичик ёшдаги болаларнинг сенсор тарбияси	2	2		2
4.2.11	Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш	2	2		2
4.2.12	МТМларда интеграциялаштирилган машғулотларни ташкил этиш	2	2		2

4.2.13	Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш	8	8			8	
	<b>Жами</b>	<b>54</b>	<b>50</b>	<b>14</b>	<b>28</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Атроф-олам билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Болаларнинг Она Ватан ва атроф-олам, буюк сиймолар, байрамлар, машҳур саркардалар ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Болаларни халқ амалий санъати, катталар меҳнати, транспорт ва алоқа воситалари билан таништириш. Буюмларнинг бир неча хил белгилари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш. Буюмларнинг ясалиши ва ишлатилиши ҳақида сұхбатлар ташкил этиш. Болани соғлом турмуш тарзига одатлантириш. Уларга одамнинг ички аъзолари (юрак, жигар, ошқозон, ўпка) ва уларнинг жойлашуви, вазифалари ҳақида маълумот бериш. Болаларга йўлда ҳаракатланиш ва кўчада ўзини тутиш қоидаларини ўргатиш.

### **2-мавзу: Табиат билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Мактабгача таълим муассасаларида табиат билан таништириш методикасининг мақсад ва вазифалари. Табиат билан таништириш машғулотларида тарбиячининг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар. Болаларни табиат билан таништиришнинг метод ва шакллари. Гурух табиат бурчагида ўстириладиган гуллар ва жонзотларга қўйиладиган талаблар, турли ёш гурухларида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништириш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш. Табиат қўйнидаги болалар меҳнатини ташкил этиш.

### **3-мавзу: Нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Мактабгача таълим муассасаларида нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш методикаси. Турли ёш гурухларида нутқ ўстириш машғулотларини

ташкил этиш. Машғулотларда нутқ ўстириш вазифаларининг ҳал этилиши. Болаларнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш. Тарбиячиларни болаларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда интерфаол усуллардан фойдаланишини қўллашга ўргатиш.

#### **4-мавзу: Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат маъруза)**

Мактабгача таълим муассасаларида элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини ўтказишметодикаси. Турли ёш гурухларида элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини ташкил этиш. Болаларнинг математик тушунчаларини, сенсор туйғуларини ўстириш. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга сон-саноқ, катталик, геометрик шакл, теварак-атрофда мўлжал олиш, вақтни чамалаш ҳақида тушунчалар бериш.

#### **5-мавзу: Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолиятга доир машғулотларни ўтказиш методикаси. Тасвирий фаолият турлари ва уни ўргатиш усул ҳамда воситалари. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни расм чизишга (предметлар расми, мазмунли расм, декоратив расм) ўргатиш. Турли ёш гурухларида аппликация машғулотларини ташкил этиш. Аппликация турлари бўйича машғулотларни ўтказиш (яси аппликация, ҳажмли аппликация). Қофоз ва картон билан ишлашда трафарет, шаблон ва муҳр асосида ишлаш техникаси. Мактабгача таълим муассасаларида лой иши (пластилин билан ишлаш, лой билан ишлаш, тузли ҳамда чинни хамир билан ишлаш). Табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлаш. Тасвирий фаолият машғулотларида ноъананавий усуллардан фойдаланиш.

#### **6-мавзу: Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари, болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш. Асосий ҳаракат турларига ўргатиш. Турли ёш

гурухларида ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси. Турли ёш гурухларида эрталабки бадантарбияни ўтказиши методикаси. Чиниқтириши тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиши. Болаларнинг соглом турмуши тарзи ҳақидаги билимларини кенгайтириши ва жисмоний маданиятини шакллантириши.

**7-мавзу: Ўйинларни ташкил этиш методикаси ва технологиялари ( 2 соат).**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнида ўйинларнинг роли. МТМларда ўйинларни ташкил этиш мазмун-моҳияти. Таълимий ўйинларнинг турлари ва педагогик аҳамияти. Болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ўйинларнинг ўрни. Ўйинларнинг болалар таълим-тарбиясидаги психологик ва психолингвистик омиллари.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Атроф-олам билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Турли ёш гурухларида атроф-олам билан таништиришнинг интерфаол машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиши. Компьютер орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар.

**2-мавзу: Табиат билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Турли ёш гурухларида табиат билан таништиришнинг интерфаол машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиши. Компьютер орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар.

**3-мавзу: Нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

Турли ёш гурухларида нутқ ўстириш машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиши.

**4-мавзу: Элементар математик тасаввурларини шакллантириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат амалий)**

Турли ёш гурухларида элементар математик тасаввурларини шакллантиришнинг педагогик технологиялар асосидаги машғулотишланмаларини ишлаб чиқиши.

**5-мавзу: Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиши технологияси (4 соат).**

Турли ёш гурухларида тасвирий фаолиятнинг турлари (расм, аппликация, лой иши, қуриш-ясаш) бўйича машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиши. Тарбиячилар билан тузли ҳамда чинни хамир устида ишлаш.

**6-мавзу: Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиши технологияси (2 соат).**

Турли ёш гурухларида жисмоний тарбия машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиши.

**7-мавзу: Бадиий адабиёт билан таништириш машғулотларини ўтказиши технологияси (4 соат).**

Турли ёш гурухларида бадиий адабиёт билан таништириш машғулотларини ўтказиши методикаси. Бадиий адабиёт машғулотларида интерфаол методлардан фойдаланиш. Бадиий адабиёт машғулотларида ҳикоя, ривоят, эртак, топишмоқ ва мақолларнинг мазмун-моҳиятини болаларга етказишида педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Мактабгача ёшдаги болаларни бадиий адабиёт билан таништиришда педагогик технологиялар асосида машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиши.

**8-мавзу: Ўйинларни ташкил этиши методикаси ва технологиялари (2 соат).**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнида ўйинларнинг роли. МТМларда ўйинларни ташкил этиши мазмун-моҳияти. Таълимий ўйинларнинг турлари ҳамда уларни қўллаш. Ривожлантирувчи ўйинлар жараёнида болаларга раҳбарлик қилиш.

**9-мавзу: Машғулотларни мультимедия технологияси асосида ташкил этиши (2 соат).**

Тингловчиларга ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланилган холда машғулот ишланмаларини ёзиш тартибини тушунтириш, слайд яратиш, машғулотларни мультимедиа ёрдамида ташкил этиш. Тингловчиларга компьютердан фойдаланишга ўргатадиган компьютер ўйинларидан фойдаланиш. Тарбиячиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш.

#### **10-мавзу: Кичик ёшдаги болаларнинг сенсор тарбияси(2 соат)**

Мактабгача ёшдаги болаларда сенсор тарбияни ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти. Болаларнинг сенсор қобилиятини ривожлантириш. Сенсор тарбияни ривожлантиришда дидактик ўйинларнинг ўрни.

#### **11-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларга экологик таълим бериш(2 соат).**

Мактабгача ёшдаги болаларга экологик таълим-тарбия беришнинг мазмун-моҳияти. Болаларниатроф-оламга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш бўйича таълимий ўйинларни ташкил этиш, тадбир ишланмаларини ишлаб чиқиши.

#### **12-мавзу: МТМларда интеграциялаштирилган машғулотларни ташкил этиш (2 соат)**

Мактабгача ёшидаги болаларга таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида “Илк қадам” ўқув дастури асосида машғулотларни интеграциялаштириш. Ҳар бир бола шахсини ривожлантиришга қаратилган интеграциялаштирилган машғулотлар болалар учун қизиқарли ва тушунарли бўлишини таъминлаган ҳолда машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиши.

### **Кўчма машғулот**

#### **Кўчма машғулот мавзуси: Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш(8 соат).**

Тажрибали мутахассис фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасасида ташкил этиладиган машғулотларни кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. “Машғулотларни ўтказиш методикаси” мавзуси бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этади.

Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулот ўтишнинг метод ва усуллари, ишпланмаларидан фойдаланиш. Мутахасислик модулларидан очиқ машғулотларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш. Очик, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга кўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

### **Кўчма машғулот гурух журналига қайд этилади.**

*Мазкур машғулотлар талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахасислар фаолият қўрсатаётган мактабгача таълим муасасаларида кўчма машғулот (очиқ машғулотлар) тарзида ўtkазилади. Унда ўtkазилган машғулотни тегишилимезонлар асосида таҳлил қилиши орқали тарбиячиларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиши ташкил этилади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган таълим муассасаси тарбиячиларини жалб этиши, уларнинг машғулотларини таҳлил қилиши орқали уларга методик ёрдам қўрсатиш ҳам кўзда тутилади. Машғулот натижаси сифатида очиқ машғулотни кузатиши ва таҳлил қилиши вараги тўлдириллади ва малака ишига илова қилинади.*

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Машғулотларни ўtkазиш методикаси” мавзуларида мустақил иш бажарилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон

Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимига бағишенгандын Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Билимли авлод буюк келажакнинг тадбиркор ҳалқ-фаравон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишенгандын тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Халқ сўзи”газетаси, 2018.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 80 б.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

8. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б

## **2. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори. 2017 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3931-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрь куни “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш» масалаларига бағишлиланган йиғилишидаги нутқи.

7.«Билимдон» дастури. Т.: 2014

8.Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”. Т.: 2018

9. Илк қадам” ўқув дастури. Т.: 2018.

### **3. Махсус адабиётлар**

1.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари Т.: 2006. – 163

2. Қодирова Ф.Р. ва бошқ. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси методикаси. Т.: “Истиқлол”, 2006.

3.Л.Миржалолова. Болаларни ҳикоя қилишга ўргатиш. Т.: 2006

4.Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. Т.: РБИММ, 2008. 68 б.

5.Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог–ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.

6.Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гурӯҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар). Т.: Истеъдод, 2010.

7.Л.Миржалолова. Сўз бирикмаларини тузиш машқлари-нутқ маданиятини ўстириш воситаси. Т.: 2011

8.Л.Миржалолова. Болаларнинг сўзлашув нутқини ўстиришда дидактик ўйинларнинг роли. Т.: 2013

9.Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

10.Саломова Р.С. «Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» Т.: 2014.

11.Махкамжонов К.М. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 .

12. Нуриддинова М.М. «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия йўриқчилари учун меъёрий ҳужжатлар мажмуи». Т.: “Мухаррир”, 2013.

13.Файзуллаева М. ва бошқ. “Соф танда-соғлом ақл” Т.: 2014

14.Усмонхўжаев Т. ва бошқ. “500 ҳаракатли ўйинлар”. Т.: “Янги аср авлоди”, 2014.

15. Хўжаев Р. ва бошқ. “Ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси. Т.: “Чўлпон номидаги – матбаа ижодиёт уйи”, 2010.

16.Евстафьева Л.Г. Подвижные игры для детей дошкольного возраста по программе “Болажон”.2012 г.

17.Ибрагимова З., Мактабгача таълим муассасаларида бадиий адабиёт. (*илк, кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлар учун машғулотлар тўплами*). Т., 2012.

18.Ибрагимова З. “Болажон” таянч дастури бўйича бадиий адабиёт мажмуаси. 1- китоб., Т., 2013.

19.Ибрагимова З. “Болажон” таянч дастури бўйича бадиий адабиёт мажмуаси. 2- китоб, Т., 2013.

20.Файзуллаева М. ва бошқ. Нутқ ўстириш, саводга тайёргарлик. Т., 2014.

21.Амирова. Г.А., вабошқ. Мактабгачатальиммуассасаларида апликация машғулотлари. Т.: 2014.

22.Рахмонқулова З.А., Файзуллаева М., Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (*илк, кичик, ўрта гуруҳлар учун*). Т.: 2015.

23.Сулаймонов А. Мактабгача таълим муассасаларида ҳайкалтарошлиқ машғулотлари. Т.: 2015

24.Рахмонқурова З.А., ва бошқ. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-мухит билан танишириш (*катта, тайёрлов гурухлари учун*). Т.: 2015.

25.Сулаймонов А. ва бошқ. Тасвирий фаолият. Т.: 2016

26.Л.Миржалолова. Болаларнинг нутқий фаолигини ошириш. Т.: 2016.

27. Л.Миржалолова. Ўзбек тили машғулотларида болаларга ўзаро савол-жавоб қилишни ўргатиш методикаси. Т.: 2016

28.Mo'minova L. R., Maxmudova O.A. , Karimova SH.A. "Nutqni tekshirish va rivojlantirish bo'yicha logopedik al'bom" Т.: 2016.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).

2. Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази:[www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz)

3. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giu.uz](http://www.giu.uz)

4. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

5. Мактабгача таълим вазирлиги: [www.mtv.uz](http://www.mtv.uz).

6. Республика болаларкутубхонаси: [www.kitob.uz](http://www.kitob.uz).

7. «Мактабгачатаълим» журнали: [www.jlmt.uz](http://www.jlmt.uz).

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**


# **МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## **“Чорраха” методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

Ўқувчиларни 4-5 та кичик гурӯхларга бўлиб, чорраханинг туташган марказида, яъний ўртасида мавзуга оид топшириқ олинади. Топшириқларни тўрт тарафдаги йўлларга муҳокамаси ёзилади.



## **“Фоялар ғилдираги” технологияси**

**Технологиянинг методи:** Мазкур технология иштирокчилардаги ўз ғояларидан умумий ғоялар, хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**


Хар бир тингловчи ўз ғояларини “Фоялар ғилдираги” га битта мавзу асосида баён қиласдилар. Барча ғоялар умумлаштириб, мухокама қилиниб, умумий ғоялар мажмуаси яратилади.



## **“Коллаж” методи**

Коллеж сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, қирқиб ёпиштириш маъносини билдиради. Педагоглар бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан маслаҳатлашиб, ўз фикрларини турли хил шакллар ёки расмларни қирқиб ёпиштириш орқали баён этадилар.

Ҳар қандай мавзуу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Топшириқларни қирқиб ёпиштириш орқали фикрини етқазиб бериш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин.




## “Чархпалак” методи

“Чархпалак” методибу-педагогик стратегия бўлиб, у тингловчиларни бирон бир мазмунни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, тингловчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларни фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундейди.

Бу эса тингловчиларга ўз билимлари, тушунишлари ва тасаввурлари даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу метод якка, кичик груп, жамоа билан ишлашда қўлланиши мумкин. Груп ҳолатида қўлланилиши групчилар фикрини тўплаш ва уларни бир тизмдаги қурилмага келтириш мумкин.



**“ЮМАЛОҚЛАНГАН ҚОР” МЕТОДИ-** бу метод ҳар қандай тушунчага мүмкін қадар аникроқ таъриф топишга имкон беради, тингловчиларга гурухларда ишлашни, бошқалар фикрига қулоқ солишини ва умумий нұқтаи назарни ишлаб чиқишини ўргатади. Гурухлардаги иш тугашига күра, ҳар бир гурух вакиллари навбати билан үз плакатларини хона тахтасига илиб қўяди ва ўқийди. Берилган саволларга жавоб беради.

Кейинги навбат ўқитувчига берилади. Ўқитувчи барча гурухлар иштирокидаги умумийликни топишга ёрдам беради.



**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. “Атроф-олам билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси” (2 соат).**

**Режа:**

1.Мактабгача ёшдаги болаларнинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва англашга ўргатиш.

2.Болаларнинг катталар меҳнати ҳамда соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, катталарнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятитўғрисидаги билимларини кенгайтириш.

**Таянч тушунчалар:**теварак-атроф, муҳит, жараён, шаклланиш, омил, тушунча, одат, тасаввур, дунёқарааш, тафаккур, мулоқот.

**1.1.Мактабгача ёшдаги болаларнинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва англашга ўргатиш.**

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқтолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий маънавиятини такомиллаштириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқтол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилювчи омилидир.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш орқали улар томонидан ҳар томонлама билимларни эгаллаши, психик жараёнларнинг ривожланиши, қобилиятларини ўсиши, дунёқарашини шаклланиши, ахлоқий сифатлар, ижобий хулқ-атвор одатларини ўзлаштирилишига ишилади.

Болани ўраб турган атроф-олам ҳақидаги тушунчалар: она Ватанга муҳаббат, уларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва

ижоди билан таништириш, машхур саркардалар, байрамлар, халқ амалий санъати ҳақидаги билимларини бойитишида муҳим аҳамият касб этади.

“Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилган “Илк қадам” ўкув дастурида турли ёш гурӯҳ болаларини атроф-олам ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришда «Билиш жараёнининг

ривожланиши»



соҳаси 6-7 ёшли бола компетенциялари бўйича қўйидаги билимларни эгаллаши кўзда тутилади:

- атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва кўринишларни

кузатади ҳамда тадқиқ қиласди;


- атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатни намоён этади.



Ватан, маҳалла тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш борасида “Ўзбекистон – менинг Ватаним” мавзуида бир ой давомида “Менинг шаҳрим”, “Менинг шаҳрим – менинг маҳаллам”, “Менинг шаҳрим – менинг маҳаллам”, “Мен ва менинг оиласи”, “Мен ва менинг



дўстларим”, “Ўзбекистоннинг оқ олтини”, “Транспорт билан танишув”, “Ер усти транспорти”, “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти”, “Бизнинг яхши ишларимиз”, “Барча касблар муҳим”, “Ватан химоячилари куни”, “Бизнинг инок



мамлакатимиз”, “Бизнинг мамлакатимиз – дўстлик ва тинчлик мамлакати”, “Қўшни мамлакатлар” ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш; Ўзбек халқ оғзаки ижоди мавзулари асосида бола қалбида ўз миллатига муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.

Болаларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш; улуғ алломалар: Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

**Байрамлар:** Боланинг умумхалқ байрамлари билан таништиришда уларнинг психологияк хусусиятларини ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда самарали натижага эришишда мавзуларни тўғри танлай олиш мақсадга мувофиқдир. 1 сентябрь - Мустақиллик қуни, 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар қуни, 8 декабрь - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган қун, 1 январь - Янги йил байрами, 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами, 21 март - Наврӯз байрами, 9 май - Хотира ва қадрлаш қуни ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтириш ва бойитиш; болалар билан биргаликда 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш байрамларини нишонлаш; шакл ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлган байрамлар, сайлларни мунтазам равишда ташкил қилиб туриш. Масалан, “Мehrжон”, “Қовун” сайли, қушлар, гуллар байрамлари ва бошқалар.


### **Машхур саркардалар:**

Боланинг улуғ саркардалар  
Амир Темур, Жалолиддин



Мангуберди, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги билимларини кенгайтириш; Ўзбекистон ҳарбий қўшинлари ва уларнинг вазифаси, 14 январь ҳарбийларнинг касб байрами эканлиги ҳақида тасаввурларини кенгайтириш.

**Халқ амалий санъати:** Болани ўзбек халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилигидан: заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, ганчкорлик кабилар билан таништириш; халқ усталари томонидан тайёрланган буюмлардаги; каштачиларнинг тиккан сўзаналари, заргарларнинг нозик дид билан ясаган тақинчоқлардаги гўзалликни, ранглар жилосини ҳис қилишга ундаш. Шу тариқа бола қалбида халқ ижодиётига, амалий санъат асарларига нисбатан қизиқиши ҳиссини таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир.



**2-мавзу: Табиат билан таништириш машғұлотларини ўтказиши  
методикасы (2 соат).**

## **РЕЖА:**

2.1. Мактабгача таълим муассасаларида табиат билан таништириш методикасининг мақсад ва вазифалари.

2.2. Болаларни табиат билан таништиришнинг метод ва шакллари.

2.3. Жонли ва жонсиз табиат билан таништириш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш.

**Таянч тушунчалар:** экология, жонли ва жонсиз табиат, тирик организмлар, табиат қонунлари, экспедиция.


### **2.1. Мактабгача таълим муассасаларида табиат билан таништириш методикасининг мақсад ва вазифалари**

Табиатга нисбатан - ақлий, эстетик муносабатлар - бола томонидан ўзлаштирилаётган билимларнинг мазмuni билан яқиндан боғлиқдир. Табиат билан таништириш мазмуни билан боғлиқ бўлган билим табиатда болалар фаолиятини ва уларнинг ўзини тута била олиши, интизомини бошқариб турари ва мақсад сари йўналтиради. Табиатга бўлган муносабатни шакллантиришда болалар идрокига етарли даражада етиб борувчи табиат қонунлари бўйича билим алоҳида ўрин эгаллайди. Табиатга нисбатан бўлган муносабатни ривожлантириш, (машғулот, экспедиция, сайр қилиш каби ҳаётий вазият) боланинг маънавий-ижобий, руҳий кечинмаларига асосланган педагогик жараённи ташкил қилиш билан яқиндан боғлиқдир.

Тарбиячи болада тирик жонга нисбатан ачиниш, уни асраб-авайлаш, жонли табиат билан учрашганда ундан баҳра олиш, қувониш, ҳайрон бўлиш, ўзининг қилган ишидан мағурурланиш, қониқиши ҳиссини уйфота билиш керак.

Болаларга табиат билан мулоқотда бўлганда ўз тенгдошлари ва катталар қилган ишларни баҳолашни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиат билан таништириш тарбияда педагогик жараён олдида турган барча вазифалар умумлаштирилган ҳолда ечилиши талаб қилинади. Табиат билан



таништириш тарбия вазифалари бу соҳада фаолият кўрсатишга тайёр шароитда амалга оширилиши мумкин.

Табиат билан таништириш бўйича билимларни танлаб олишда илмийлик принципиасосий ҳисобланади. Педагогик маданиятнинг асосини болалар томонидан жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро боғлиқлиги вауларнинг бир бутунлигини тушуниш ташкил қиласи. Жонсизтабиат тирик организмнинг эҳтиёжини қондирувчи манба тарзиданамоён бўлади.

Масалан, балиқлар сувда ҳаёт кечиришга мослашганлар, сув уларнинг шаклий тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзини очиб беради.

Тузилган дастурларда ҳаёт кечириш муҳити, тирик организм йилнинг мавсумларига мослашишини ўрганувчи билимларинг мавжудлигини кўзда тутиши лозим. Организм бир-бири билан ўзаро боғлиқдир, бир организм иккинчи организм ҳисобига ҳаёт кечираади.

Хозирги вақтда болалар билан ўтказиладиган машғулотларда табиат билан инсоннинг бир бутун эканлигини олдинга сурувчи ғоя тўлиқ ҳолда очиб берилиши керак. Инсон жонзот сифатида яшаётган муҳит билан чамбарчас

боғлиқ ҳолда, табиат ва инсоннинг ўзаро ҳаракатлари инсоннинг атроф-муҳитга ва табиатнинг инсонга таъсирида намоён бўлади.



## **2.2. Болаларни табиат билан таништиришнинг метод ва шакллари**

Инсон ўз ҳатти-ҳаракатини юксак ривожланган онги орқали бошқара оладиган, ўз ҳаракатлари ва қилаётган ишларининг оқибатларини олдиндан кўра-била оладиган онгли жонзот сифатида кўрилади.

Табиат билан таништириш билимлар мазмуни турли хил тирик организмлар, уларнинг табиат билан таништириш тарафдан умумийлик ғоясини ўз ичига олади.

Дастурларда табиатнинг маълум тизимда тузилиши ғояси алоҳида олинган тирик организм даражасида, ҳаёт кечириш муҳити ва ўзаро бир-бири билан алоқалари, организмлар тизими даражасида акс эттирилган. Бу ҳол ўз навбатида тирик организм чўл, сув ҳавзалари, дала, адир, тепаликлар каби ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлган ўзаро алоқалари бўйича энг элементар тасаввурнинг шаклланишига ёрдам беради.

Мактабгача ёшдаги болалар томонидан ўзлаштирилган табиат билан таништириш билимлар келгусида мактабларда олинадиган табиат билан таништириш таълим учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Табиат билан таништириш билим мазмунини танлаб олиш асосидаги кейинги принцип - қулайлик принципидир. Мазкур принципга асосан, мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган дастурларга болаларнинг қабул қилиш қобилиятини ва уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиришлари қулай бўлган билимлар танлаб олинади. Бу принцип, айниқса, муайян ёш гурӯҳи учун белгиланган билимларнинг мазмуни ва характеристида намоён бўлади.

Мактабгача ёшдаги кичик гурӯҳ болалари табиат обьектлари тўғрисидаги умумий тасаввурларни ўзлаштириш қобилиятига эга бўладилар. Улар жониворлар, ўсимликларнинг фақатгина алоҳида олинган, яққол кўзга ташланадиган хусусиятларини кўрадилар.

Шунинг учун болаларни кўпроқ яқин атрофда жойлашган, тез-тез учраб турадиган табиат обьектлари билан яқиндан таништириб бориш, уларни

кузатиш вақтида эса иложи борича кўпроқ белгиларни кўрсатиб бориш керак. Мактабгача ёшдаги кичик гуруҳ болалари эндиғина табиатдаги баъзи бир ўзаро боғлиқликларни кузата бошлайдилар.

Масалан:

Ёмғир ёғмоқда – ерда кўлмаклар пайдо бўлди.

Қуёш - кўлмак - сувсиз кўлмак.

Карам - қурт- чумчук.

Қурбақа - лайлак – бургут.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўрта гурухи обьектлар бўйича аниқ тасаввурларни ўзлаштиришлари мумкин, шунинг учун дастур обьектлар тўғрисидаги билимларни чуқурроқ, яъни кўпроқ белгилар, жониворлар ва ўсимликларнинг яшаш тарзи, уларни парвариш қилиш тўғрисида тўликроқ маълумотларни ўз ичига олган.

Ўрта гурух болалари ўзаро алоқаларнинг турлари, хилма-хил моҳиятга эга бўлган морфо-функционал, вақтинчалиқ, сабаб ва оқибат каби ҳолатларни кўздан кечирадилар.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг катта гурухларида, болаларнинг қабул қилиш имкониятлари борган сари ўсиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда предмет, тушунча ёки умумлаштирилган тасаввур даражасидаги билимларни ўз ичига олган. Бу ёшдаги болалар “балиқ”, “күш” жониворлар билан танишадилар.

Балиқ - бу жонивор. У сувда яшашга мослашган, шунинг учун унинг тузилиши ясси, гавдаси ялтироқ тангачалар билан қопланган ва силлиқ. Балиқ жабралари ёрдамида нафас олади, сузгичлари ёрдамида сузади. Балиқ икра сифатидаги тухумларни қўяди, баъзилари эса кичик балиқчаларни дунёга келтирадилар.

Ундан сўнг тарбиячи қушнинг расмини кўрсатади. “Қушлар - ҳам жониворлар ҳисобланади. Уларнинг баъзилари сувда ҳаёт кечиради (ғоз, ўрдак, оқкуш), баъзилари дараҳтларда яшайди (қалдирғоч) баъзилари қуруқликда яшайди (қарға, майна). Қушнинг гавдаси момиқ патлар билан қопланган, у худди одам сингари ўпкаси ёрдамида нафас олади. Бир хил қушлар яхши учадилар, бир хил қушлар эса панжалари орасида бириктирувчи пардалари бўлганлиги сабабли сувда яхши сузадилар.

Тарбиячи узун тирноқли, сузадиган ва сузмайдиган қушларнинг расмларини кўрсатади. Ундан сўнг, қушлар тухум қўядилар, тухумдан эса уларнинг болалари - жўжалар чиқади деб тушунтиради”.

Катта ёшдаги болалар анча мураккаб бўлган алоқаларнигина эмас, балки мазмунига қараб (генетик, сабаб, замон, макон ва бошқалар) бутун занжирли алоқаларни ўзлаштира оладилар. Бу ҳол ўз навбатида режага табиат билан таништириш системалар, уларнинг таркиби, ўсимликлар, жониворлар ва инсоннинг ўзаро алоқалари тўғрисидаги маълумотни киритишга имкон яратади.

Табиат билан таништириш билимлар тизимини ўзлаштириш ўз навбатида аста-секинлик билан билиб бориш (қабул қилиш) анчагина мураккаб усулларни тушуниш, кўргазмали ҳаракатли усуллардан, мавҳум, яъни мантиқ орқали сезишга ўтишни таъминлайди. Болани фаол билиш позициясига қўйиш ўз навбатида боладаги бу қобилиятни ривожлантиришга, қизиқишини оширишга ҳамда мустақил фикр юритиш имкониятини юзага келтиради.

Табиат билан таништириш билимларнинг бола томонидан ўзлаштирилиши



табиатга нисбатан эстетик муносабатда бўлиш, болада шодлик, қониқиши, завқ-шавқ уйғота олишга ўргатади.

Табиат билан таништириш билимни болалар томонидан ўзлаштиришнинг характерли натижаси, уларда ўзини ўраб турган оламга ёрдам бериш, раҳм-шавқат, ачиниш, ҳавотирлик, ўзи ва бошқаларнинг ҳаёт кечиришига жавобгарлик ҳиссини уйғотиши, табиатга нисбатан инсоний муносабатда бўлишга хизмат қилади.

### **1.3. Жонли ва жонсиз табиат билан таништириш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиши.**

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасасида кечаётган педагогик жараёнда болалар фаолиятини ташкил этишнинг турли хил шаклларидан фойдаланиб келинмоқда. Машғулот, экспурсия болалар кичик-кичик гурухлари билан ўтказилади. Яшаб турган жой, табиатни қузатиш ёки табиат кучоғида меҳнат қилишни кичик гурухлар билан, якка тартибда ташкил қилиш самарали натижа беради. Жумладан, ўргатиши жараёнида ҳар хил усуслардан фойдаланиш (кўргазмали, амалий, сўзлашув) мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ўргатиши усуслари.** Тарбиячи ва болаларнинг фаолият кўрсатиши усуслари. Бунда билиш, ўрганиш ҳамда атрофдаги ўраб турган оламга нисбатан бўлган тарбия шакллантирилади.

Кўргазмали усусларни қузатиш, расмларни кўздан кечириш, моделлаштириш, кинофильм, диафильм, деапозитивларни кўрсатиши каби тадбирлар киради. Кўргазмали усуслар мактаб ёшидаги болада табиат тўғрисидаги аниқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради.

**Амалий усуслар.** Бу усул, асосан, ўйиндан иборат. Ўйин давомида ўтказиладиган элементар тажрибалар ва ушбу усулни моделлаштириш ёрдамида тарбиячи табиатда содир бўладиган ҳодисалар ва алоҳида олинган предметлар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро алокани ўрнатиш йўли орқали болаларда вужудга келган тасаввурни аниқлаштиришга ёрдам беради.


**Сўзлашиш усули.** Бу усул ўз ичига тарбиячи ва болаларнинг ҳикоялар айтиб беришини, табиат тўғрисидаги бадиий асарларни ўқиши, тирик

организмларни ўзаро бир-бири билан алоқада бўлиши тўғрисида сухбатлар ташкил қилишдан иборатдир. Сўзлашиби усулидан фойдаланиш болалардаги табиатга нисбатан ижобий ҳис-туйғуни шакллантиришга ёрдам беради. Болаларни табиат билан таништириш жараёнида ишлатиладиган турли хил усулларни жамлаб, бир-бири билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб бориш керак.

Керакли усулларни танлаб олиш ва улардан жамланган ҳолда фойдаланиш, турли ёшдаги болаларни имкониятлари, ривожланиш даражаси уларни олдига қўйилган тарбиялаш ва билим бериш билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажариш характери орқали аниқланади. Бола билиши керак бўлган табиат обьектлари ва табиат ҳодисаларининг хилма-хиллиги ҳам ўз навбатида турли хил усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Масалан, қурбақа, итбалиқ, думли қурбақани ҳаёт кечириш тарзи унинг ҳаракатларини кузатмасдан туриб билиб бўлмайди. Худди шундай уйда ўсадиган ўсимликларни ҳаёт кечириш тарзи, уларни парвариш қилиш, уларга сув қувиш, тагини юмшатиш каби ҳаракатларни кузатиш орқали, қор ва муз хоссалари эса улар билан турли хил тажриба ва ўйинлар ўтказиш орқали кузатилади.

Ёввойи ҳайвонлар тўғрисидаги билим бадиий адабиётларни ўқиши, тарбиячи ҳикоялари, юмшоқ ва елимли ўйинчоқлар, ёввойи ҳайвонларнинг рангли расмларини кўрсатиш ёрдамида шаклланади. Тарбиячи ўз ҳикояларида ёввойи ҳайвонлар қандай қилиб ўзлари яшаётган муҳитга мослашишлари тўғрисида тўхталиб ўтишлари шарт.

Табиатни, атрофдаги оламни билишда катта эътибор кузатишга қаратилади, чунки кузатиш табиат билан таништириш



тарбиянинг асосий усули ҳисобланади.

Кузатишдан мақсад - бу предметларнинг ички ва ташқи тузилмалари, сифати ва хоссалари, ўзгариш сабаблари (ўсимлик ва жониворлар), мавсумий ўзгаришларни аниқлаш ва ўрганиб боришдан иборат.

Олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун тарбиячи болаларни қабул қилиш хусусиятини янада фаоллаштириш мақсадида турли хил ўйинлардан фойдаланади. Масалан, болаларга саволлар беради, маълум бир предметни ўрганиб чиқиши таклиф қиласди, обьектларни бир-бири билан таққослади, маълум бир обьектларнинг табиат ҳодисалари билан алоқасини аниқлаб беради.

Болаларни табиат билан таништиришда қўлланиладиган кузатиш усули *асосий усул* ҳисобланади. Бу усулдан самарали фойдаланишининг аҳамияти мактабгача ёшдаги болалар учун тушунарли бўлган билимлар характери билан боғлиқдир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тўплаган билимлари асосан табиат обьектлари, ҳодисаларни образли қилиб қабул қилиш, яъни тасаввур қилишдан иборатдир. Тасаввур қанчалик рангли ва аниқ бўлса, бола қийналмасдан ўз тасаввурларидан амалиётда фойдаланади. Бунинг учун болаларни тез-тез табиат қучоғига олиб чиқиши, ундаги ҳодисаларини кузатиш, уларнинг ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш керак.

Табиатни кузатиш эстетик ва табиат билан таништириш таассуротларни битмас-туганмас манбаи ҳисобланади ва болалар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Тарбиячи томонидан кузатишнинг турли хил усуллари қўлланилади. Масалан: боғчаларда турли хил ўсимлик ва жониворлар, жонсиз табиат обьектлари, турли хил обьектларни аниқлаш учун кузатишни ўрганиш усулидан фойдаланилади. Бу усул ўз навбатида болаларда табиат тўғрисида ёрқин, жонли тасаввурларнинг тўпланишига сабаб бўлади.

Болада табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, ўсимлик ва жониворларнинг ўсиши ва ривожланиши тўғрисидаги таассуротларнинг шаклланишига ёрдам берувчи кузатишлардан ҳам фойдаланилади.

Кузатишилар якка тартибда ёки 3-6 кишидан иборат бўлган кичик гурӯҳлар билан, баъзида бутун гурух билан ўтказилади. Кузатишига бундай ёндашиш тарбиячи ўз олдига қўйган мақсадга боғлиқдир. Машғулотларда жонивор ва ўсимликлар, катталарнинг қилаётган меҳнатларини кузатиш мумкин. Бу вақтда болалар билан ишлаш кичик гурӯҳлар ёки фронтал тарзда ташкил қилинади. Экскурсиялар кичик гурӯҳлар ёки якка тартибда ташкил қилинади.

Кузатишиларнинг ҳар бир тури тарбиячи томонидан ўзига хос тарзда бошқарилиб турилади. Турли хилдаги кузатишиларни олиб бориш учун қўйидаги талабларни бажариш керак:

1. Кузатишининг мақсад ва вазифаси аниқ бўлиши керак. Ҳар бир ҳолат учун белгиланган вазифани билиш, ўрганиш характеристига эга бўлиши, болани ўйлашга, эслашга, олдига қўйилган саволга жавоб излашга ундаши лозим.
2. Ҳар бир кузатиш тури учун тарбиячи томонидан унчалик катта бўлмаган билим даражаси танлаб олинади. Табиат объектлари тўғрисидаги тасаввурлар табиат объектлари билан тез-тез учрашиб туриш натижасида бола онгида астасекинлик билан шаклланади.


Ҳар бир алоҳида олинган кузатиш болани янги билим олишга, бор тасаввурларни эса янада чуқурлаштиришга ва кенгайтиришга имконият яратади.

3. Кузатиши ташкил қилишда ўзаро алоқаларни таъминлайдиган тартиблаштиришдан фойдаланишни қўзда тутиш лозим. Натижада, болаларда уларни ўраб турган табиат тўғрисида чуқур ва тўлиқ тасаввур шаклланади.

4. Кузатиш болаларнинг онги ва сўзлашиш фаоллигини оширишга ёрдам бериши керак. Ақлий фаолликни ошириш хилма-хил йўллар ёрдамида амалга оширилади. Масалан болалар олдига аниқ ва ечими қулай масала қўйиш, кузатиш бўйича бола тўплаган тажрибасидан фойдаланиш, кузатиш натижаларини гапириб бериш, бир объектни бошқа бир объект билан таққослаш, турли хил даражадаги мураккаб саволларни ўртага ташлаш ва х.к. Кўпгина мунозарали, муаммоли ва табиат билан таништириш мазмунга эга бўлган саволлар билан боланинг онги, тафаккурини қўзғатиш керак.

5. Кузатишлар болаларни табиатга бўлган қизиқишини янада кучайтариши, табиатда кечадиган ўзаро боғлиқлик тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишга ундейди.

6. Кузатиш жараёнида тўпланган билим доимо мустаҳкамланиб, тўлдирилиб, янада чуқурлаштирилиб бориши ва бошқа усул, иш шакллари ёрдамида тартиблаштирилиши, умумлаштирилиши керак. Бундай шаклларга тарбиячининг ҳикоялари, табиат тўғрисида бадиий китобларни ўқиши, расм чизиши, ҳар хил шаклларни ясаш, табиат календарини олиб бориш, кўрган ва кўзатганлари тўғрисида давра сухбатлар ўтказиш киради.



Ҳар бири алоҳида олиб борилган кузатишлар натижасида болаларда табиатнинг у ёки бу обьект тўғрисида тасаввурларининг шаклланиши, табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини пайдо қиласи.

Шунингдек, ўз навбатида болаларда олиб борилаётган кузатишга нисбатан қизиқиш мавжуд бўлиши керак. Ушбу қизиқишини уйғота билиш йўллари хилма-хилдир. Масалан, аквариумдаги балиқларнинг ҳаракатини кузатишдан олдин, тарбиячи болаларга аквариумни ювиш, уни балиқ солишга тайёрлаш ишида қатнашиш, жонли қуённи кўрсатишдан аввал қуёнга бериладиган сабзавотларни тозалаш, тўғрашни таклиф қиласи.

Бермоқчи бўлган ҳайвон тиригини кўрсатиш, унинг тўғрисида топишмоқ, мақоллар айтиб бериш орқали болалардаги қизиқиш кучайтирилади.



Кузатиш олиб бориш жараёнида тарбиячи томонидан болалар дунёқарашини кенгайтириб бориш,

болаларни билиш, ўрганиш асосан уч босқичдан иборатдир.

Тарбиячи болаларга турли хил саволлар беради, топишмоқлар айтади, олдиларида турган предметни яхшироқ кузатишни таклиф қиласы, уларни бир-бiri билан таққослашга ундейди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ташқи хусусиятлари, бир организм иккинчи организм ҳисобига яшашини очиб берувчи, меҳнат билан боғлиқ ҳаракатлар, ўйинлар, шеълар, бадиий асарлардан парчалар ўқишдан кенг фойдаланади.

Бу ҳаракатлар ўз навбатида болаларда қузатилаёттан объектга нисбатан қизиқиш уйғотади.

Кузатиш жараёнида ҳайвонлар ҳаракатини кузатиш орқали болалар шароитга яраша ҳайвонларнинг хулқлари ҳам ўзгариб бориши билан танишадилар. Ўсимликларни кузатиш, ўсимликнинг энг ажралиб турувчи қисмини (гули, барг, шох) кўздан кечиришдан бошланади. Ундан сўнг навбат билан ташқи тўзилиши (баландлиги, шакли, устки қисми) кўздан кечирилади. Шундай қилиб, тарбиячи болаларни кузатишни системали равишда олиб боришга ўргатади.

Болалар боғчасида болаларни табиат билан таништиришда кўргазмали, амалий, оғзаки усууллардан фойдаланилади.

Кузатиш - мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим беришнинг етакчи услугаридан бири ҳисобланади. Кузатиш, расмларни кўриш, электрон воситаларидан фойдаланиш киради.

Кўргазмали методлар гуруҳига болалар билан бирга расмларни кўриш, электрон қўлланмаларидан фойдаланиш киради.

Болаларни табиат, ундаги воқеалар ва ҳодисалар, ҳайвонлар ва ўсимликлар тўғрисидаги билимларини, тасаввур ва тушунчаларини кенгайтириш, аниқлашда турли ўйинлардан фойдаланилади. Мактабгача таълим



муассасасидаги таълим-тарбиявий мақсадларда қўлланиладиган дидактик, ҳаракатли, ижодий ўйинлар шулар жумласига киради.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Болаларнинг табиат билан боғлиқ бўлган билим ва малакаларини қандай йўллар билан шакллантирилади?
2. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари педагогик жараёнида болалар фаолиятини ташкил этишнинг турли хил йўлларини кўрсатиб беринг?
3. Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништиришда “кузатиш” қандай имкониятлар беради?
4. “Экология” атамаси қандай маънони билдиради?
5. Болаларни табиат билан таништириш, табиатни муҳофаза қилишга ўргатиш қандай йўл билан амалга оширилади?

**3-мавзу: Нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

**Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасаларида нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш методикаси.
2. Турли ёш гурухларида нутқ ўстириш машғулотларини ташкил этиш ва машғулотларда нутқ ўстириш вазифаларининг ҳал этилиши.
3. Болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.

**Таянч тушунчалар:** ўзлаштирииш, таъсир, муруват, тасаввур, ижтимоий, такомиллаштирииш, садоқат, назария, оғзаки нутқ, равон нутқ, тамойил, нутқ, таълим, мустаҳкамлаш, фаоллаштирииш, савод, бўғин, талаффуз, тафаккур.

### **3.1.Мактабгача таълим муассасаларида нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш методикаси.**


Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия беришда энг асосий вазифалардан бири болаларгаона тилини ўргатиш, нутқини ривожлантириш, нутқий муносабатга, муомалага ўргатишdir. Нутқ ўстириш услубиёти


педагогик фан болиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларда нутқни шакллантиришга қаратилған педагогик қонуниятларни ўрганади.



Нутқ ўстириш услубиёти фанининг асосий вазифаси- нутқ ўстириш услуби ва услубиётларини, уларнинг энг самарали воситаларини илмий-педагогик асосларда ишлаб чиқиш ва болалар боғчалари тарбиячиларини улар билан таъминлашдан иборатдир. Тарбиячилар эса ўзлаштирилган услуг ва услубиёт ёрдамида болаларда зарурый нутқий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга харакат қиласидилар. Нутқ ўстириш услубиётининг мақсади болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришдан, атрофдагилар билан нутқий мулоқотда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Нутқ ўстириш услубиёти вазифаси ўз ичига бир қанча маҳсус хусусий вазифаларни ҳам қамраб олган. Жумладан, мактабгача таълимда болалар нутқини ривожлантириш бўйича қўйидаги маҳсус, хусусий вазифалар амалга оширилади:





**1. Болаларни теварак-атроф билан таништириш, нутқини ўстириш, луғатини бойитиши.** Луғат устида ишлаш болаларни теварак-атроф билан таништириш орқали амалга оширилади. Болаларни теварак-атрофдаги буюмлар, ҳодисалар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, катталар меҳнати ва ҳоказолар билан таништириш жараёнида уларнинг номларини, сифатларини, хусусиятларини, характерларини сўзлар билан айтамиз.

**2. Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш.** Луғат тилнинг қурилиш материали ҳисобланади. Грамматика эса гапда сўзларнинг ўзгариши ва уларнинг ўзаро боғланиш усулларини белгилайди. Бундан ташқари, грамматика тилнинг қурилиш моделини (сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи) белгилайди. Бола атрофдагилардан грамматик томондан шаклланган нутқни эшитади. Эшитганининг маъносига тушуниш билан бирга, тилнинг грамматик томонини эгаллайди, моделини билиб олади. Бола она тилининг барча грамматик шаклларини қанча эрта ўзлаштирса, у ақлий жиҳатдан шунчалик тез


ривожланади. Агарда болаларда нутқнинг грамматик томони нотўғри шаклланса, ақлий ривожланиши кечикади.

Шунинг учун тарбиячи грамматиқанинг (морфология ва синтаксис) турли шаклларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи дидактик ўйин ва машқларни ташкил этади. Масалан, келишик қўшимчасини ўзлаштириш учун «Топ-чи, мен қаерда бўлдим?» (катта гурухда); иккинчи даражали гап бўлакларини ўзлаштириш учун, «Мен бошлайман, сен эса охирига етказ!», отнинг келишиклар билан турланишини ўзлаштиришда «Топ-чи, нима етишмайди?», феъл замонларини ўзлаштириш учун «Сиз нима қилишни хоҳлайсиз?» ва ҳоказолар.

**3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.** Бола, энг аввало, тилнинг товуш томонини эгаллаши керак, яъни товушларни тўғри талаффуз этиши лозим. Нутқнинг товуш томони устида ишлаш ўзбек тилининг фонетикаси ва орфоепиясига асосланади. Бола катталарга тақлид қилиб, сўзларда урғуни тўғри ишлатишга ўрганиб олади, она тилининг интонацион томонини ўзлаштиради ҳамда сўзларни тўғри талаффўз қилишга одатланади. Айниқса, бола атрофдагилар билан нутқий мулоқотда бўлаётганда самимий оҳангда бурро ва аниқ гапиришга ўргатилади. Ҳар бир болада нутқнинг бундай сифатларини тарбиялаш, келгуси ҳаётида, яъни мактабда, ўқув юртларида таълим олишда, мустақил меҳнат фаолиятида жамоа, жамият ўртасида ўз фикрларини тўлиқ ва тушунарли қилиб баён этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Агарда тарбиячи бола нутқидаги, товуш талаффузидаги нуқсонлар, оҳанг ва темпга, дикциясига (аниқ, бурро гапириш), нутқининг мазмундорлиги ва ифодалилигига эътибор бермаса, бундай нуқсонлар билан мактабга борган бола билимни ўзлаштира олмайди ва бу унинг келажакдаги мустақил ҳаётида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, яъни нутқида нуқсони бўлган боланинг нутқи бошқаларга тушунарсиз бўлади, ўз фикрини ифодалашда қийналади, уялади, натижада гапирмасликка ҳаракат қилиб, индамас, жizzаки бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси унинг руҳий ривожланишига ҳам таъсир этади.

**4. Сўзлашув нутқини(диалогик) шакллантириш.** Болаларга билим ва тарбия беришда сўзлашув нутқига (диалогик) ўргатиш катта аҳамиятга эгадир. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан сўзлашиш болаларнинг кундалик фаолиятлари ва турли воқеа-ҳодисаларни кузатиш натижасида ҳосил бўлган тушунчаларни аниқлаш ва уни бир тизимга солишида энг зарурий иш вазифаси ҳисобланади. Болада сўзлашув нутқини шакллантириш-бу бошқаларнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, сўзлашишни қувватлаш, саволиарга жавоб бериш ва сўрашдир (саволлар бериш). Бола сўзлашув нутқининг ривожланганлик даражаси унинг лугат бойлигига, тилнинг грамматик томонини эгаллаганлигига боғлиқдир. Болани сўзлашув нутқига ўргатиш унинг маданий нутқни эгаллаганлик даражасига ҳам боғлиқдир.

**5. Хикоя қилишга (монологик нутқа) ўргатиш.** Болаларни мактабга тайёрлашда монолог нутқни ривожлантириш жуда муҳимдир. Монологик нутқ боладан ўз фикрини тушунарли ва изчил баён қилишни талаб этади, бундай нутқ турини эса бола 5 - 6 ёшда эгаллай бошлайди. Чунки бу ёшда мантиқий тафаккур ривожлана бошлайди, болада катта сўз бойлиги тўпланади, тилнинг грамматик қурилишини эгаллаб олади.



Нутқнинг монолог шакли болаларга кўрган нарсалари ҳақида батафсил ва изчил сўзлаб беришга, ўз фикрларини тўғри тузилган жумлалар орқали баён қилишга имкон беради. Боғланган нутқ (монологик нутқ) болада бошқаларнинг

ҳикоясини тинглашга ва уни тушунишга, қисқа, ўзларига таниш бўмаган воқеани қайта ҳикоя қилиб беришга, эртакда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг гапларини ифодали айтиб бера олиш малакасининг шаклланишига ёрдам беради. Мактабгача тарбия ёшидаги (катта гурух) болалар расмда тасвиirlанган нарсалар, ўз ҳаётига доир воқеалар ҳақида оддий ҳикоялар тўзишга, кўргазмали қуролсиз, мустақил тарзда ҳикоя тўқишига ўргатилади. Болаларни ҳикоя қилишга ўргатиш уларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беради, фикр юритиш доираси кенгаяди, диққат, тафаккур каби психологик жараёнлар ривожланади, нутқи ифодали болиб боради, болада ўзини тутиш ва жамоа олдида сўзлай олиш малакаси ҳосил бўлади.

**6. Бадиий адабиёт билантишириш.** Болалар бадиий адабиёти кенг тарбиявий вазифаларни амалга оширишга ва бола шахсини ҳар жиҳатдан камол топтишига ёрдам беради. У боланинг кишилар ҳаёти ҳақидаги билимларини кенгайтиради, эмоционал таассуротларини бойитади.

Кичик ҳажмдаги шеърларни интонацияларга риоя қилиб ёдлаб олиш ва таъсиран қилиб айтиб бериш ва ҳ.к. Бола ҳикоя, шеър, эртак тинглаётганида қувонади, ҳузурланади. Бу эмоционал таъсиrlаниш болада бадиий адабиётни эстетик идрок этиш, яъни уни санъат асари сифатида ҳис этиш қобилиятининг пайдо бўлишига, унда ахлоқий сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Тарбиячи болаларни бадиий асар билан таниширилар экан, ҳар бир болада китобга нисбатан қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаши керак.

Тарбиячи болаларни бадиий асарлар билан таниширилар экан, у болаларда қўйидаги малакаларни шакллантиради:

## МАЛАКАЛАР

Бадиий асарларни  
tinglaш ва тушуниш

Асар қаҳрамонларининг хатти-  
харакатларини баҳолаш

## Инсонлардаги ахлоқий сифатлар ва нуқсонларни таърифлаб бериш

## Адабий асарнинг мазмунига доир саволларга жавоб қайтариш

**7. Болаларни бошланғич саводга тайёрлаш.** Болалар боғчасида болалар нутқини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган барча педагогик ишлар уларни мактабга тайёрлашга қаратилгандир.

Мактабда тўғри оғзаки нутқ, бошқаларни тинглай олиш, улар нутқининг мазмунини тушуниш, зарур бўлганда ўртоғининг жавобини тўлдириш ёки тўғрилашда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Нутқ болалар учун таҳлил предмети бойиб қолади, бу эса болалардан зўр ақлий кучни талаб этади.

**3.2. Турли ёш гуруҳларида нутқ ўстириш машғулотларини ташкил этиш ва машғулотларда нутқ ўстириш вазифаларининг ҳал этилиши.**

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол, интеллектуал салоҳиятли авлод ва унга таълим-тарбия бериш сифатига боғлиқ. Шу боис Ватани, ҳалқини севадиган, истиқлол ғояларига садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни этиштириш давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир шунинг билан бирга таълим тизимидағи туб ислоҳотлар орқали шахс маънавий камолотини таъминлаш мазкур йўналишнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, маънавий баркамол шахсни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларидан бири эканлиги кўрсатилган. Мактабгача таълим умуман олганда, ўзлуксиз таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр бўлган

соғлом ва тўлақонли шахс сифатида шаклланган болани тарбиялашни кўзда тутади.

Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлаш учун унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур. Бола нутқининг ривожи кўп жиҳатдан унинг руҳиятига, соғлом, тетик ўсишига, аҳлоқий сифатларига, ўқув дастурини ўзлаштиришда меъёри бажарилишини таъминлашшига, кўлланмаларнинг монандлигига боғлиқдир. Бу масалалар мактабгача таълимда ўз ечими ифодасини топиши ва ўз она тилида равон гапира оладиган қилиб тарбиялашга қаратилиши зарур. Болаларнинг ақлий жараёнини ривожлантириш учун уларнинг нутқини ўстириш зарур. Бола ҳар бир сўз маносини тушуна олиши уни ўз нутқида эркин ифодалашга мувофиқ бўлиши керак. Тушунчалар тизимига мослашган бола ўз фикрини жамлаб гапиришга ва ифодалаб беришга ўрганади.



Оғзаки нутқини ўстириш бўйича ўтказиладиган машғулотларда асосан, болаларнинг оғзаки нутқини ўстиришга, нутқни грамматик томондан тўғри шакллантиришга: нутқнинг морфологик ва синтаксис томонларини шакллантиришни давом эттириш: содда ва қўшма гаплар тўзиш, бунда барча сўз туркumlаридан фойдаланишга ўргатиш, болаларни гапирганда сонни отга, сифатни отга, сифатни феълга тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш, товуш ва сўзларни тўғри талафуз этишга, равон гапиришга, мустақил ҳикоя қилишга эътибор берилади. Оғзаки нутқини ўстиришда мустақил ҳикоя қилишга ўргатиш катта ўрин эгаллайди: болалаларни ўз хаётларида учраган воқеалар, суратларга қараб, тарбиячининг

таклиф қилған мавзуси асосида ҳикоялар түзишга ўргатилади. Тайёрлов гурух болаларининг ҳикоялари мазмунан боғланган, маълум изчилликда, грамматик томондан тұғри тузилган бўлиши керак.

Тайёрлов гурухларида йил давомида ўтказиладиган машғулотлар болалар ёшига мос бўлиши ва кетма-кетликда олиб борилиши керак.

Шундай қилиб, нутқнинг грамматик тузулишини шакллантириш жараёнида синтактик бирликлар билан амаллар бажариш кўникмаси шаклланади, муайян мулоқот шароитида ва равон монологик фикрларни түзиш жараёнида тил воситаларини онгли равишда танлаш таъминланади.

Бола тилининг грамматик тўзумини шакллантириш унинг нутқи (тили) ривожланишининг умумий оқимида рўй бериши лозим; педагогик раҳбарлик шакллари ва методлари умумий нутқий ривожланишнинг босқичма-босқич хусусиятга эгалигини, энг аввало диалог ва монологни, сўзгача бўлган мазмунли-семантик тизимдан вазиятга оид ихтиёрий иборали нутқа ўтиш (ундан кейинчалик диалог ва монолог ривожланади), болаларнинг нутқий ҳаваскорлиги соҳаси сифатида тенгдошлар билан мулоқотнинг диалогик шаклларини ўзлаштиришни ҳисобга олиши лозим.

Грамматика болаларнинг грамматик нутқини ўзлаштириш жараёнида стратегик ўрин тутади, зеро «Грамматика – шундай воситалар репертуарики, унинг воситасида биринчидан, мустақил нарсалар ва фикрлар ўртасидаги муносабатлар муайян қоидалар асосида ифодаланади, ўзгадан, муайян қоидалар асосида янги сўзлар ҳосил бўлади» (Л.В.Шерба). Шундай қилиб, грамматик тизим нафақат мантиқий муносабатлар ифодаловчиси сифатида синтаксис ва морфологияни, балки сўз ҳосил қилишни ҳам ўз ичига олади. Болаларда грамматик операциялар кўникмаларини шакллантириш учун бола ўрганилаётган тилдаги у ёки бу грамматик элементларни қўллашга зарурат бўладиган ўйинлардан фойдаланиш лозим: отларнинг кўпликтаги сони, сон – кўплик ёки бирликтаги отдирил ва бошқалар. Ўрганилаётган тилнинг грамматик тўзилишини бола турли хил нутқий фаолият жараёнида ўзлаштиради. Бола сабаб-оқибат, микдор ва бошқа муносабатларни билиш

орқали, бир вақтнинг ўзида уларни грамматик шакллар ва тўзилмалар орқали ифодалаш (бирлик ва кўплик, отлар келишиги, феъл замонлар ва турлари ва бошқ.) усулларини ҳам билиб олади.

Бола турли-туман грамматик воситаларни ўзлаштириб олади (қаратқич келишиги қўшимчалари, сўз ҳосил қилишда кўплик сон, суффикслар).

Монологик нутқни ривожлантириш назарияси ва методикасининг янада



ривожланиши болалар равон нутқ турлари ва фикр билдиришнинг турли хилларини ўзлаштириш хусусиятларининг чуқур тадқиқ этилиши билан тавсифланади. Изоҳловчи нутқлар, мулоҳаза шаклидаги жумлаларнинг

хусусиятлари ўрганилади ва унинг негизида болаларга монологларнинг турли хилларини ўргатиш методикаси яратилади. Ф.А.Соҳин, О.С.Ушакова ва уларнинг шогирдлари томонидан равон нутқни шакллантиришниниг турли жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар равон нутқни баҳолашнинг шунчаки мантиқлилик, изчилликдан кўра янада аниқроқ мезонларини қидиришни галдаги вазифалардан бири қилиб қўйди. Равонликнинг асосий кўрсаткичи сифатида сўзлар, гаплар ва фикрларнинг қисмлари ўртасида зарур алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, матнни таркибий жиҳатдан тўғри тўзиш қобилиятини шакллантириш қабул қилинган. Олимлар болаларни ўқитишни уларнинг юқори даражадаги ақлий ва нутқий ривожланиш даражасини таъминлаш, тил қобилиятларини шакллантириш имконини берадиган даражада оптимал ташкил этиш йўлларини топиш борасида фаол иш олиб бормоқдалар.

Болалар аниқ ва тушунарли сўзлайдиган, иборалар, сўзлар ва ҳар бир товушни алоҳида-алоҳида аниқ талаффуз этаётган, яъни яхши дикцияга эга бўлган педагог ёрдамида она тилидаги товушларни муваффақиятли равишда ўзлаштирадилар. Кўпинча педагогларнинг талаффузи бироз ноаниқ ва

тушунарсиз бўлади, улар товушлар ва сўзларни оғизни етарли даражада очмасдан талаффуз қиласидилар, айрим товушлар ютиб юборилади, ундошлар тушунарсиз талаффуз этилади.


### **3.3. Болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.**

Боланинг нутқи катталар нутқи асосида ривожланиб боради. нутқининг тўғри шаклланиши атрофдагилар нутқига, нутқий тажрибага, тўғри нутқ мухити ва таълим-тарбияга боғлик. Нутқ тугма қобилият эмас, балки ҳаёт давомида боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши билан бир қаторда шаклланиб боради. Нутқ бўзилишларини ўрганиш, тушуниш учун бола нутқининг нормал ривожланиш йўлини, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, нутқининг муваффакиятли шаклланишида катта рол ўйновчи шароитни билиши лозим. Бундан ташқари бола нутқининг ривожланиш жараёнидаги ривожланиш даврини аниқ билиш зарур. Бу эса, нутқининг ривожланиш жараёнидаги у ёки бу камчиликларни ўз вақтида билиш ва аниқлаш учун керак бўлади. Масалан, 1 ёшу 4 ойлик бола гапирмаяпти.


Педагог боланинг нормал ривожланишида биринчи сўзлар қачон пайдо бўлишина билса, у холда бу боланинг нормал ёки нонормал ривожланаётганини хал қила олади. Бола нутқининг ривожланиш хусусиятларини билиш, нутқ бўзилишларига тўғри ташхис қўйиши учун ҳам зарурдир. Баъзи мутахассислар уч ёшли боланинг товуш талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш учун уни логопед қабулига юборадилар. Шу тўғрими? Йўқ, албатта. Чунки, нутқи нормал ривожланаётган болага ҳали бу ёшда баъзи бир товушларни нотўғри талаффуз этиш хос бўлади. Бу кўриниш физиологик дислалия деб аталиб, бу ёшдаги болаларда артикуляция аппаратининг ҳали етарли даражада шаклланмаганлигини билдиради. Нутқ камчиликларини бартараф этишда тўғри ва аниқ тарбиявий-тузатиш иш режасини тузиш учун бола нутқининг ривожланиш қонуниятларини яна бир карра билиш зарур ҳисобланади.

Муаллифлар бола нутқининг шаклланиш даврларини турлича кўрсатадилар, уларни ҳар хил номлайдилар ва ҳар бирининг ёш чегараларини турлича ифодалайдилар.

Г.Л.Розенград-Пупко болада нутқ ривожланишни икки даврга ажратади:



А.Н.Леонтев бола нутқининг шаклланишини 4 даврга бўлиб кўрсатади:



Бола туғилган дақиқадан бошлиб овоз чиқаради. Бу овоз қичқириқ ва йифидан иборат бўлади. Тўғри, бу овоз одам нутқидан ўзок. Лекин, ана шу қичқириқ ва йифи нутқ аппаратининг 3 бўлимини (нафас олиш, овоз ҳосил бўлиш, артикуляцион) ривожланишда катта роль ўйнайди. Икки хафта ўтгач, бола гапираётган одамнинг овозига эътибор бера бошлайди. Унга гапираётганда қулоқ солади, йиглашдан тўхтайди. Бу даврда лугат бойлигининг ўсиши давом этади.

Боланинг 4-6 ёшида унинг лугати бойлиги ўсиб бориши билан биргаликда нутқининг грамматик томони ҳам ривожланиб боради. Бола ҳаётининг 4-йилига

келиб, улар ўз нутқларида содда ва мураккаб гапларни қўллай бошлайдилар. 5 ёшга келиб эса қўшма гаплардан эркин фойдалана оладилар. 5 ёшли болалар қўшимча саволларсиз ҳикоя ва эртакларни айтиб бериш қобилиятига эга бўладилар. Бу даврда фонематик идрок сезиларли даражада ривожланади.

Бола аввал унли ва ундошларни, сўнг сонор, шовқинли ва сирғалувчи товушларни ажрата бошлайди. Нормада 4 ёшли бола барча товушларни ажрата олиши, унда фонематик идрок шаклланган бўлиши лозим. Бу вақтга келиб, товушларни тўғри талаффўзнинг шаклланиши тугалланади ва бола ҳар томонлама тўғри аниқ гапира олади.

7 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврнинг ўзига хос томони шундаки, болалар нутқининг ривожланиши олдинги даврларга нисбатан онгли равища рўй беради. Бу даврда болалар товушлар анализи, нутқнинг грамматик қонуниятларини эгаллайдилар. Бу даврда нутқнинг янги тури ёзма нутқ етакчи роль ўйнайди. Грамматик қонструкциялар ҳам мураккаблашиб боради, чунки, агар, қачонки каби боғловчиларни ишлата бошлайдилар. Бу боланинг тафаккур жараёнлари мураккаблашиб бораётганлигини ва бу нутқда ўз ифодасинин топаётганлигини кўрсатади. Бола нутқнинг ривожланиш жараёни ўз вақтида тўғри кечиши учун маҳсус шароитлар зарурдир. Бунинг учун: бола руҳий ва жисмоний жиҳатидан соғ бўлиши, нормал ақлий қобилиятига эга бўлиши нормал эшитиш ва кўриши, етарли даражада руҳий фаолликка эга бўлиши, гаплашиш эҳтиёжига эга бўлиши, тўғри нутқ мухитига эга бўлиши лозим. Болада нутқнинг нормал ривожланиши, унга доимо янги тушунчаларни ўзлаштириб олишга, атроф-олам ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтиришга имконият яратади. Шундай қилиб, нутқ, унинг ривожланиши тафаккурнинг ривожланиши билан ўзвий боғлиқдир.

### **Назорат учун саволлар**

1. Нутқ услубиёти фани нимани ўрганади? Унинг мақсади нима?
2. Нутқ ўстириш услубиёти қандай саволларга жавоб беради?
3. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда она тилининг аҳамияти нимадан иборат?

4. Тил тафаккур қороли ва муомала воситаси деганда нималарни тушунасиз?

5. Болаларни ахлоқий ва эстетик руҳда тарбиялашда она тилининг роли қандай?

6. Мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини ривожлантириш бўйича иш вазифалари, мазмунни нималардан иборат?

7. Болалар нутқини ривожлантириш дастурининг илмий асоси ва тузилиши ҳақида нималарни биласиз?

8. Мактабгача таълим муассасаларидағи нутқни ривожлантириш дастурининг илмий асоси нималарда ифодаланади?



#### **4-маъруза: Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини ўtkазиш методикаси (2 соат).**

**Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасасининг ҳар хил ёш гурухларида элементар математик тасаввурларни ривожлантиришга оид ишларни ташкил қилиш.

2. Элементар математика машғулотларига қўйиладиган дидактик талаблар.

3. Болаларда элементар математик билимларни мустаҳкамлаш ва уларни амалда қўллаш

**Таянч тушунчалар:** сон, сонлар, тўғри ва тескари саноқ, геометрик шакллар, арифметик масалалар, вақтни чамалаш, фазода мўлжалга олиш, миқдор, катталиқ.

**4.1. Мактабгача таълим муассасасининг турли хил ёш гурухларида элементар математик тасаввурларни ривожлантиришга оид ишларни ташкил қилиш.**

Кичик гурухда болаларга сонларгача бўлган давр ўргатилади. Бунда уларга миқдорий муносабатлар тушунтирилади..

Болалар буюмларнинг ўзунликлари, кенгликлари, баландликларини таққослашга ўргатилади; геометрик фигуralар: доира, квадрат билан таниширилади; фазовий йўналишлар билан таниширилади: «ўзидан» олдинга, орқага (орқасидан), ўнгга (ўнгдан), чапга (чапдан) ўзларини тўғри қўллашга ўргатилади.


Машғулотлар ўкув йили бошидан бошлаб ҳафтасига 1 мартадан (1 йилда 36 марта) ўтказилади. Сентябрь ойида бир машғулотнинг давомийлиги 10 минутдан ошмаслиги керак. Октябрь ойидан бошлаб машғулот давомийлиги секин-аста 15 минутга етказилади.

Ўрта гурухда машғулотлар сентябр; ойидан бошлаб, ҳафтасига 1 марта ўтказилади. Машғулот 20 дақиқа давом этади. Йил давомида 36 та машғулот ўтказилади.

Болалар ҳаракатли-кўрсатмали шаклда берилган ўкув материалларини яхши ўзлаштиради. 5 ёшга қадам қўйган болаларни ўқитишида дидактик ўйинлардан кенг фойдаланиш керак. Топшириқларнинг бажарилиш жараёнида тарбиячи болаларни ўз ҳаракатларини (нима қилганларини ва қандай қилганларини, натижада нима ҳосил бўлганини) тушунтириб беришга ундейди.



6 ёшли болаларда ўз хулқ-атворини бошқариш қобилияти пайдо бўлади; эркин хотира, диққат ривожланади. Шу ёшда топшириқни бажаришга, ўз ишига ижобий баҳо олишга интиладилар. Улар ўкув топшириқларига катта қизиқиш билан қарайдилар.

Болалар катта гурухда биринчи ўнлик сонларини яхши ўзлаштиришлари керак.



Хар хил буюмлар тўпламини санаш, уларнинг қаторда келиш тартибларини аниқлаш жараёнида сонлар моҳиятини ўзлаштириш амалга оширилади. Болалар билан бажариладиган ҳамма ишлар улар олдинги босқичларда олган билимлар ва уларни ҳисобга олиш асосида ташкил қилинади. Ўрганишни ўтилганларни такрорлашдан бошлаш керак. Хар қайси янги билим олдин ўзлаштирилган билимлар тизимиға киритилиши зарур.

Машқлар микдори етарли бўлгандагина болаларда пухта малака ва кўнимкалар шаклланиши мумкин. Болаларни буюмлар, ўйинчоқлар, геометрик фигуralар, карточкалар ва расмлардаги тасвиirlарни санаш (қайта санаш, қўшиб санаш, ажратиб санаш) га, объектлар микдорларини сезиш билан аниқлашга машқ қилдириш керак.



Мазкур гурухда ҳафтада 1 тадан машғулот ўтказилади.

Мактабга тайёрлов гурухи бола 7 ёшга қадар сон, буюмларнинг шакли ва катталиги ҳақида нисбатан кўпроқ билимларни ўзлаштирган бўлиши, фазода (2 ва 3 ўлчовли) ва вақт бўйича мўлжал ола билиши керак.

Тарбиячи болаларда математик билимларга устивор (турғун) қизиқиш, улардан фойдаланиш малакаси ва уларни мустақил эгаллашга интилишни

тарбиялашга ҳаракат қилиши керак. Шу ёшда болаларда мустақил фикрлашни, фазовий тасаввурни ривожлантириш, айниқса, муҳим.

Мактабгача тайёрлов гурухи учун элементар математик тасаввурларни ривожлантиришда болаларнинг олдинги босқичларда олган билимларини системалаштириш, кенгайтириш ва чукурлаштиришни назарда тутади.

Мазкур гурухда ҳафтасига 2 тадан (бир йилда 72 та) машғулот ўтказилади.


Математикадан ҳар қандай машғулотни тузишда болалар тарбиячининг столи ёнида ишлашлари билан бир қаторда ўз ўринларида тарқатма материаллар билан мустақил ишлашлари ҳам назарда тутилиши зарур.

#### **4.2. Элементарматематика машғулотларига қўйиладиган дидактик талаблар**



Тарбиячи машғулотга тайёрланар экан, дастур мазмунини синчиклаб ўрганади. Математик билимлар болаларга қатъий аниқланган система ва изчилликда берилади, бунда янги материаллар ҳар бир вазифа бир қатор кичик топшириқларга бўлинади.

Бу кичик топшириқлар кетма-кет ўрганилади. Масалан, тайёрлов гурухи болаларини буюмларни бўлакларга бўлиш билан таништириш бундай кетма-кетликда амалга оширилади: болалар биринчи машғулотда буюмларни иккита teng қисмга бўлишни машқ қиласидилар ва ярим нима эқанини ўзлаштирадилар; иккинчи машғулотда болаларнинг teng иккига бўлинадиган буюмлар ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилади ва шунга мос луғати активлаштирилади; тарбиячи учинчи машғулотда болаларга буюмларни teng тўрт қисмга бўлиш усулларини таништиради, шунингдек бутуннинг қисмга муносабатини



кўрсатади; кейинроқ болаларга геометрик фигуналарни икки ва тўрт қисмга бўлишнинг ҳар хил усулларини кўрсатади, болалар бутун билан қисм орасидаги муносабатларни ўрнатишади.

Шундай қилиб, дастурнинг ҳар бир бўлими кетма-кет ўтказиладиган бир неча (уч-олти) машғулотда амалга оширилади. Болаларнинг билимлари машғулотдан машғулотга кенгаяди, аниқлаштирилади ва мустаҳкамланади.

Янги материални ўрганиш жараёнида ўтган материални такрорлаш болаларнинг билимларини чуқурлаштирибгина қолмай, балки улар эътиборини



янги материалга қаратиш, унинг пухта ўзлаштирилишига имкон беради.


Одатда янги мавзууни уч-беш машғулот давомида, олдин унинг биринчи қисмида, кейинроқ иккинчи қисмида ўрганилади. Мавзууни икки ҳафта, баъзан уч ҳафта ўтганидан кейин такрорлаш керак. Эски материалга қайтиш даври борган сари дастурнинг ҳар бир ўрганилган бўлими ўқув йили охирига қадар тарбиячининг фикр доирасида бўлиб туриши керак.

Шу муносабат билан бир



машғулотнинг ўзида дастурнинг бир бўлимига ёки ҳар хил бўлимнинг, яъни «Микдор», «Саноқ», «Катталик», «Шакл» ва бошқа бўлимларига оид масалалар ўрганилиши ва такрорланиши мумкин.

Ўргатишнинг ҳамма бўлимлари бўйича



дастурни болалар изчил ўрганишини ва уларда элементар математик билимлар системасини шакллантиришни шундай қилиб таъминлаш мумкин бўлади.

Ўқитиши тажрибасида, машғулотлар биринчи қисмида 8-10 дақиқа давомида янги материал ўрганилади, иккинчи қисмида (9-12 дақиқа давомида) олдинги машғулотларда олинган билим ва кўникумалар мустаҳкамланади, охирида эса болаларга илгари ўзлаштирилган билимлар 3-4 дақиқа тақоррлатилади.

Янги материални ўзлаштириш болалардан кўпроқ зўриқиши талаб қиласи. Шу сабабли машғулот охирида таниш материални киритиш бир оз бўшашиш имконини беради. Масалан, тайёрлов гуруҳидаги машғулотларнинг биринчи қисмида 5 сонининг ўзидан кичик икки сондан иборат таркиби билан таништириш, иккинчи қисмида доира ва овал чиза олиш малакаси қаралади, 3 ва 4 сонларининг иккита кичик сондан иборат таркиби ўрганилиши, билимлар мустаҳкамланиши мумкин. Учинчи қисмда «Нима ўзгарди?» ўйинида буюмлар тўпламини санаш (масалан, самолётлар звенолари нечталигини, ҳар қайси звенода нечтадан самолёт борлигини, ҳамма самолётлар нечталигини аниқлаш)га доир машқлар бажарилиши мумкин. Машғулотнинг тўзилиши (структураси) дастур бўлимларининг ҳажми, мазмуни, кўргазмалилиги, тегишли билим ва кўникумаларнииг ўзлаштирилиш савияси ва бошқа омилларга боғлиқ.

Болалар (ўрта, катта ва мактабга тайёрлаш гурухларида), буюмларни ва геометрик фигуralарни ҳар хил аломатлари бўйича гурухларга ажратишни, ўйинчоқлар, фигуralар, жадваллар тўпламига тайёрлов гурухларида «қанча» сўзи билан саволлар ўйлаб топишни машқ қиласи. Шунингдек «Қўшниларингни топ», «Мен қайси сонни ўтказиб юбордим?», «Ким кўп билса, у ўзоқ санайди» каби ўйинлар ўтказилади. Янги материални тушунтиришда тарбиячининг ёки чақирилган боланинг ҳаракатлари ҳамма болаларга кўриниб туриши муҳим.

Машғулотларни муваффақиятли ўтказишида кўрсатма-қўлланмаларни тўғри танлашнинг аҳамияти катта. Математик тасаввурларни шакллантиришда ҳам, болаларни дастлабки умумлаштиришларга келтириш (кўшни сонлар орасидаги боғланишлар ва муносабатлар, «тeng», «ортиқ», «кам», «бутун», «қисм») борасида ҳам кўрсатмалилик бошлангич момент бўлиб хизмат қиласи. Ҳамма машғулотларда кундалик турмушда ишлатиладиганбуомлар, ўйинчоқлар, табиий материаллардан кенг фойдаланилади. Ҳамма болалар ўйинчоқлар билан ўйнашлари учун ўйинчоқлар кўп миқдорда танланади.

Математик билимлар абстракциялаш йўли билан ўзлаштирилиши сабабли турли-туман буюмлардан фойдаланилади. Ўргатишнинг маълум босқичида жадваллар, схемалар (олмани иккита ва тўртта teng қисмга бўлиш схемаси) кўрсатмали материал бўлиши керак.

Кўрсатмалиликнинг характеристи ёшданёшга ўтиш билангина эмас, балки жойга ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг ҳар хил босқичларида конкрет билан абстракт орасидаги муносабатларга боғлик ҳолда ҳам ўзгариб туради.

Чунончи ўргатишнинг маълум босқичида буюмлар тўпламини санаш «Сонли жадваллар», «Сонли зиначалар» ва бошқа машқлар билан алмаштирилади.

Кўрсатма-қўлланмаларни танлаш ва улар комбинацияси машғулотлар жараёнидаги билим ва кўникумаларни эгаллашга боғлик.



1	3		6	7	9	
2	4		7	8	10	
1	3	5		8	9	
2	4	6		9	10	

Болалар билимларини умумлаштиши, ҳар хил боғланишларни, муносабатларни кўрсатиш керак бўладиган ҳолларда кўрсатмалиликнинг бир неча турини комбинациялаш керак. Масалан, қўшни сонлар орасидаги боғланиш ва муносабатларни, ёки сонларнинг бирлик-лардан иборат миқдорий

таркибларини ўрганишда ҳар хил ўйинчоқлардан, геометрик фигуralар жадваллари ва ҳоказолардан фойдаланилади.



Математика машғулотларида, одатда, кўп турдаги буюмлар тўпламидан, кўргазмалардан фойдаланилади. Шу сабабли буларни

жойлаштириш тартибини ўйлаб кўриш жуда муҳим.

Кичик грухда болаларга материал хусусий қутида (конверт) берилади. Катта болаларга тарқатма саноқ материалини столга битта патнисда (битта қутида) бериш мумкин. Кўп турдаги буюмлардан фойдалангандан уларни шундай жойлаштириш керакки, машғулотни бошлиш учун керак бўладиган материал энг устида турсин.


Билим, малака, кўниқмаларни ўзлаштиришга ҳар хил усуллардан фойдаланиш ва уларни бирга қўшиб ишлатиш билан эришилади. Усулларни танлаш у ёки бу дастур масаласи мазмуни, шунингдек болаларнинг тегишли билим ва кўниқмалари даражалари, ниҳоят, ҳар қайси ёш хусусиятлари билан аниқланади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун тарбиячи ҳар хил характердаги, яъни амалий, ўйин, мусобақа элементлари билан боғлиқ машқлардан, интерфаол усуллардан фойдаланади. Уч-тўрт ёшдаги болаларни ўқитишида, айниқса, ўйин элементларидан кенг фойдаланилади. Шуни эсда тутиш муҳимки, дидактик материални ва усулни

алмаштириш билим ва кўникмаларни алоҳида зўриқишиларсиз ўзлаштиришни таъминловчи воситадир.

Ўйин моментларига ҳаддан ташқари берилиб кетмаслик керак, чунки ўйин асосий нарсадан-математик ишдан чалғитиши мумкин, натижада болалар машғулот режасида назарда тутилган билим ва кўникмаларни ўзлаштира олмайдилар.



#### **4.3. Болаларда элементар математик билимларни мустаҳкамлаш ва уларни амалда қўллаш.**

Болалар олган билимлари кундалик ҳаётда, ўйинда, меҳнатда, турмушда,



шунингдек бошқа машғулотларда доим мустаҳкамланиши жуда муҳим.

Билимларни мустаҳкамлашда дидактик ўйинлар, жумладан, халқ дидактик ўйинлари, пирамидачалар ва бошқа ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар муҳим роль ўйнайди. Фазода

мўлжал (ориентация) олиш машқларини таъминловчи ўйинларга катта аҳамият берилади.

Жисмоний тарбия ва мусиқа машғулотларида болаларнинг тартиб саноқ билан шуғулланишларига, ҳаракат йўналишларини аниқлашлари ва ҳоказоларга тўғри келади.


Геометрик шаклларни билиш, катталик белгиларини ажратада олиш ва улар орасида ўлчов муносабатларини ўрната олиш малакаси, буюмлар орасида фазовий муносабатлар ўрната олишдан ташқари болалар ҳар доим расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, конструкциялаш ва бошқа машғулотларида фойдаланишлари лознм.

Болаларнинг билимлари борган сари мустаҳкамроқ ва таъсирчанроқ бўлиб боради, янги шароитларга ўтказилади, болалар уларни мустақил қўллашга ўрганадилар, уларнинг фойдасига тушунаднган бўладилар.

Болаларнинг санашнинг, ўлчай олишнинг муҳим эқанига ишонч ҳосил қилишларида уларга ёрдам бериш зарур. Катталар ўзларининг математик билимларидан қандай фойдаланишлари (масофани ўлчашларини, ўлчовни қандай олишлари буюмларни санашларини ва х. к.) ни кузатиш ташкил қилинади.

Тарбиячи болаларга нима учун одамларга ўлчай олиш, санаш ва ҳоказолар кераклигини тушунтиради. Мактабгача таълим ёшдаги болаларда математик билимларга ва уларни эгаллашга қизиқишиш уйғотиш зарур. Бу мактабда математик билимларни муваффақиятли ўргатишнинг гарови бўлади.

Болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришда тарбиячи ўргатишнинг ҳар хил


1	
2	
3	
4	
5	
6	
7	
8	
9	
10	



усуллари - амалий, кўрсатмали, оғзаки, ўйин усулларидан фойдаланади. Усулни танлашда бир қатор омиллар мазкур босқичда ечиладиган дастур масалалари, болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, зарур дидактик воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Тарбиячининг метод ва усулларнинг асосли танланишига, ҳар бир аниқ ҳолда улардан рационал фойдаланишга доимо эътибор бераб туриши қуидагиларни таъминлайди:

- элементар математик тасаввурларнинг муваффақиятли шаклланиши ва уларнинг нутқда акс эттирилиши;
- тенглик ва тенгизлик муносабатларини (буюмни сони, ўлчами, шакли бўйича) идрок қилиш ва ажратиш, натижавий муносабатлар (ўлчами ёки сони бўйича орттириш ёки, камайтириш)ни, анализ қилинаётган обьектларнинг миқдори, шакли, катталигини умумий белги сифатида ажратиш, алоқа ва боғланишларини аниқлаш малакаси;
- болалар ўзлаштирган амалий иш усуллари (масалан, қарши қўйиш, санаш, ўлчаш билан таққослаш) ни янги шароитларда қўллашга йўналтириш ва мазкур вазиятда аҳамиятга эга бўлган белгилар, хоссалар, боғланишларни аниқлаш, топишнинг амалий усулларинимустақил излашга йўналтириш. Масалан, ўйин шарт шароитларида белгиларнинг тартиби, алмашиниб келиш қонуниятини, умумий хоссаларн топишни ўргатиш мумкин.



Элементар математик тасаввурларни шакллантиришда амалий метод етакчи метод ҳисобланади.

Унинг моҳияти болаларнинг буюмлар ёки уларнинг ўрнини босувчилар (тасвиirlар, график расмлар, моделлар ва х. к.) билан ишлашнинг жиддий аниқланган усулларини ўзлаштиришга йўналтирилган амалий фаолиятларини ташкил қилишдан иборат.

Ҳамма ёшдаги групкаларда бажариладиган машқлар ўйин элементлари кичик групхда - сюрприз момент кўринишида, ўхшаш ҳаракатлар, эртак қаҳрамони ва ҳоказо дан иборат бўлади. Катта групкаларда бундай машқлар изланиш, мусобақа характеристини олади.

Комплекс машқлар энг самаралидир, чунки, улар дастурнинг ҳар хил бўлимларига доир масалаларни бир вақтда бир-бири билан таркибан бирга ҳал

қилиш имконини беради. Масалан, «Геометрик фигуранар», «Катталик», «Миқдор ва саноқ» бўлимларига оид масалаларни бир вақтда ҳал қилиш имконини беради. Бу хил машқлар машғулотларнинг фойдали иш коэффициентини оширади.

Дидактик ўйинлардан энг кўп фойдаланилади. Бола билиш мазмунини ўйин шаклига кирган ўргатувчи масалани (ўйин мазмунида), ўйин харакатлари ва қоидалари олдиндан назарда тутилмаган ҳолда ўзлаштиради. Дидактик ўйинларнинг ҳамма тuri (буюмли, столда ўйналадиган босма ва оғзаки турлари) элементар математик тасаввурларнишакллантиришнинг самарали восита ва усулларидир. Буюмли ва оғзаки ўйинлар математика машғулотларида ва улардан ташқарида ўтказилади, столда ўйналадиган- босма ўйинлар одатда машғулотдан бўш вақтларда ўтказилади.

Кўрсатмали ва оғзаки методлар элементар математик тасаввурларни шакллантиришда амалий ва ўйин методлари билан бирга қўлланади. Бу уларнинг моҳиятини ҳеч бир камайтиrmайди. Мактабгача таълимда кўрсатмали, оғзаки ва амалий методларга таалкуқли ва бир-бири билан узвий боғлиқликда қўлланиладиган усуллардан кенг фойдаланилади:

### **Назорат саволлари**

1. Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини режалаштириш ва ташкил этишнинг мақсад ҳамда вазифалари нималардан иборат?
2. Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларининг қандай бўлимлари бор?
3. Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини режалаштиришда “Давлат талаблари” ва “Илк қадам” ўкув дастуридан қандай фойдаланиш лозим?
4. Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотлари болаларнинг ривожланишига қандай таъсир қиласи?

## **5-маъруза: Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат)**

**Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасаларида расм чизиш машғулотини ташкил этиш.
2. Мактабгача таълим муассасаларида куриш-ясаш машғулотини ташкил этиш.
3. Мактабгача таълим муассасаларида лойдан буюм ясаш машғулотини ташкил этиш.
4. Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулотини ташкил этиш.

**Таянч тушунчалар:** индикатор, оригами, киригами, кусудама, цукудама, бадиий-эстетик тарбиялаш, конструктор, сунъий пластик масса, усул, услуг.

### **5.1. Мактабгача таълим муассасаларида расм чизиш машғулотини ташкил этиш.**

Мактабгача таълим муассасаларининг бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадиий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади. Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадиий адабиёт, расм чизиш, аппликация ва бошқ.) комплекс тарзда қўлланилганда гина аниқ бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган «Тасвирий фаолият» машғулотлари болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Бадиий фаолият машғулотларининг барча турлари болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

«Тасвирий фаолият» машғулотлари жараёнида:

1. Бадиий дидни тарбиялаш;
2. Амалий бадиий фаолият ва малакаларни ривожлантириш;
3. Фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни

ривожлантириш;

4. Қўлнинг аниқ харакатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш;

5. Касбий бадиий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади.

Мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган «Болажон» таянч дастурининг тўзилиши ва мазмунининг таҳлилидан аёнки, кичик гурухдардан бошлаб энг кўп вақт тасвирий фаолиятга ажратилган. Агар тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари- аппликация (0,5 соат), куриш-ясаш (0,5 соат) ва лой ишини (1 соат) қўшиб ҳисобласак, жами 4 соатни ташкил этади. Ҳафталик юклама 12 соатни ташкил этилишини эътиборга оладиган бўлсак, тасвирий фаолият барча фаолиятларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта бўлим ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантикий ва дидактик боғликларда амалга оширилади. Бу омил тасвирий фаолият машғулотлари мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англалади.

Расм чизиш болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишда асосий ўрин эгаллайди ва учта турни ўз ичига олади:

- алоҳида предметларни чизиш.
- сюжетли расм чизиш.
- декоратив расм чизиш.

Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг асосий вазифаси-теварак-атрофдаги борлиқни тасаввур қилишда болаларга ёрдам бериш. Уларда кузатувчанликни ривожлантириш, эстетик гўзаллик ҳиссини тарбиялаш ҳамда тасвирлаб бериш усусларини ўргатиш тушунилади. Бу билан бирга тасвирий фаолиятнинг асосий вазифаси-маълум бир ёш учун мос тасвирий материаллари билан турли хил предметларнинг турли тимсолларини яратиш каби ижодий болаларда шакллантириш амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида ҳар бир ўтказиладиган машғулотларда болаларни мустақил ишлашга, қўл мускулларини ривожлантиришга ўргатиб бориш зарур. Тарбиячи ҳар бир ўтказиладиган машғулотига ижодий ёндашган ҳолда ва ўз маҳоратини ишга солган ҳолда янгилик яратса олишлари лозим. Болалар илк ёш гуруҳидан бошлаб, тайёрлов гуруҳигача иш жараёнлари оддийдан мураккабга қараб боради. Бунинг учун ўтказиладиган машғулотларда айникса тасвирий фаолият, расм, аппликация, лой ишларини яратишда амалий иш фанининг аҳамияти каттадир.

## **5.2. Мактабгача таълим муассасаларида қуриш-ясаш машғулотини ташкил этиш.**

Қуриш-ясаш лотин тилидан олинган бўлиб, турли предметларни, қисм ва элементларни маълум бир ҳолатга келтириш, маъносини билдиради. Қуриш-ясаш фаолияти-амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеаликдир.



**Қуриш-ясаш материалларининг турлари.** Мактабгача таълим муассасаларида болаларга қуриш-ясаш фаолиятини ўргатишда қурилиш материали, турли конструкторлар, қофоздан, табиат, ташландиқ материалларидан фойдаланилади. Материални тури- қуриш ясаш турини аниқлаб беради.

**1. Қурилиш материаллари.** Қурилиш материали-майдага ва йирик-геометрик фигуралардан (куб, цилиндр, призма ва ҳоказо) иборат. Машғулотларда қурилиш материалларидан турли хил тўпламлардан фойдаланилади: М.П.Агаповнинг 2, 3, 4, 5, 6, 7-сонли мазмунли тўпламлари. Кичик қурилиш материаллари: «Космодром», «Темир йўл вокзали» ва бошқалар.

**2. Конструкторлар.** Мактабгача таълим муассасасаларда конструкторлардан (тахтали, пластмасса, металл ва керамика) фойдаланадилар. Бу тўпламлар орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Тарбиячи раҳбарлигидаги болалар оддий бирлаштириш усулидан суратлар бўйича турли хил ҳаракатли конструкциялар ясайдилар. Асосий дикқат болаларни маълум қисмларини бирлаштириш малакаларини шакллантиришга қаратилади. Бунда болаларни қўлларини мускуллари иштирок этади, қўл мускуллари ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Тарбиячи раҳбарлиги остида болалар янги бирлаштириш йўлларини ва турли хил ҳарактердаги конструкцияларни расмга, чизмага қараб яратишга



ўрганадилар. Бу ишларни болаларга таклиф этишдан олдин, тарбиячининг ўзи бу конструкторлар, уларга берилган методик кўрсатмалар билан яхшилаб танишиб,




ўрганиб чиқиши зарур. Болаларга қурилиш материаллари ва конструкторлар тўплами ҳаммаси бирданига берилмайди, балки аста-секин, кетма-кет болаларнинг ўзлаштиришларига қараб берилади.

**Лего, мозаика, “Танграм”, “Тухум”**булар стол ўйинлари ҳисобланиб, болаларни конструкторлик, дизайнерлик, яратувчанлик хислатларини шакллантиради ва ривожлантиради.


### **Қоғоздан қуриш-ясаш.**

**Оригами.** Бу қоғозни буқлаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.





**Киригами.** Бу қоғозни йиртиш ёки симметрик қирқиши йўли билан ясаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.



**Кусудама.** Бу қоғозни буқлаш йўли билан гул ясаш маъносини билдиради.



**Цукудама.** Бу кусудама модулларидан қўғирчоқ ясаш маъносини билдиради.



Барчаси битта сўз билан “оригами” деб юритилади.

**5.3.Мактабгача таълим муассасаларида лойдан буюм ясаш машғулотини ташкил этиш.**

Пластилин, лой иши, чинни ҳамир тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлиқ ва амалий санъатнинг муҳим турларидан бўлган кулолчилик, сополдўзлик ҳалқ ҳунармандчилиги санъатлари билан мустаҳкам боғлиқдир.

**Моделлаштириш**- бадиий ижодиётнинг энг аниқ шаклидир. Бола яратган нарсанини нафақат кўради, қўлига олади, пайпаслайди, керак бўлса ўзгратиради. Моделлаштиришнинг асосий асбоби қайчи, қалам, мўйқалам эмас балки қўлдир, тўғрироғи икки қўлидир, шу сабабли маҳорат даражаси ўз қўлларнинг эгалик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, моделлаштириш техникаси оддий, содда ва ўзини ривожлантириш учун энг қулай восита деб ҳисоблаш мумкин.


Моделлаштириш, яъни лой иши машғулотлари, бола ривожланишида комплекс таъсир этади:

1. Шакл, ҳажм, пластик, рангни идрок этиш ҳиссиётини, сенсор сезувчанлигини ривожлантиради;
2. Майда қўл моторикасини, фазовий таффакурни ва тасаввурни ривожлантиради;
3. иккала қўл ишини синхронлаштиради;
4. ишни режалаштириш, амалга ошириш, натижани башоратлаш ва унга эришиш, керак бўлса ўзгартириш киритиш ишларида кўникума, малакалари шаклланади;

### **Лой ишида қўлланиладиган усуллар**

1. Юмолоқлик – бир бўлак лойдан кафтда айлана харакатлар билан шар ясалади.
2. Шар ясаш, сўнгра ўзунасига харакатлар билан уни тухум, устун кабиларга айлантириш.
3. Яссилаш – шариқдан ясси нон ясалади, қўлнинг ҳолати доимо ўзгариб туради.
4. Чўзиш – шарикнинг бир қисми чўзилади.
5. Суриш (ямаш) буюмнинг айрим қисмларини ўзаро бириктириш.

Лой билан ишлаш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишида иш жойини бекаму-кўст жиҳозланганлиги муҳим аҳамиятга.



#### **5.4. Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулотини ташкил этиш.**

Тасвирий фаолият машғулотларида предмет, буюм ва турли нарсаларни аппликация технологиясида тасвирлаш мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий ривожлантиришга хизмат қиласиган кўп қиррали машғулот турларидан бири бўлиб, улар шакл ва рангларни ажратса олишга ўргатади, болаларнинг бадиий-эстетик ҳиссиётларини ва қўл майда моторикасини ривожлантиради. Аппликация машғулотлари болаларда тозалик, диққатни жамлаш каби сифатларни ҳам таркиб топтиради.

Аппликациянинг индивидуал ва жамоа шакллари турли мазмунда бўлиши мумкин.

Аппликация турлар бўйича уч хилга бўлинади:

- предметли аппликация;
- сюжетли - мавзули аппликация;
- декоратив аппликация.

Аппликацияни бажариш жараёни икки босқичдан иборат:

- шаклларни қирқиши;
- шаклларни фонга ёпиштириш.

Аппликация бадийй безаш воситаси сифатида ўзига хос декоратив жозиба яратади.

Аппликацияни ўқитиша қуйидаги масалалар ечилади:

1. Геометрик шакллар ва ўсимликлар кисмларидан бадийй безак тузиш;
2. Картон ёки матога аник бир ритмда жойлаштириш;
3. Сюжетни тасвирлаш;
4. Предмет тасвирини алоҳида бўлаклардан яратиш;
5. Аппликация учун деталларни ҳар хил материаллардан, турли техника орқали тасвирлашни ўзлаштириш;
6. Қирқишининг турли услублари, йиртиш уларни асосга жойлаштириш техникаси билан ёпиштириш, тикиш ва х.к.
7. Рангни сезиши шакллантириш, асосий ранг ва тусларни билиш, ранг бирикмаларини тузиш маҳоратини ўзлаштириш;
8. Шакл, нисбат, композиция ҳиссини шакллантириш;
9. Геометрик шаклларни ажратиш, уларни номини билиш;
10. Асосий ва қўшимча ранглар билан таништириш;
11. Ҳажм ва сонларни билиш;
12. Композицион маҳорат малакаларини шакллантириш;
13. Сюжетли аппликацияда предмет (буюм ёки нарса)ларни жойлаштириш.



Қирқишининг асосий услубларини ўзлаштириш малакаси қуйидагича:

- Қоғозни кўзда чамалаб ёки букилган жойи бўйича қирқиши;

- Шаклларни, бурчакларни кирқиши оркали думалок шаклларни яратиш;
- Силуэт ва алоҳида бўлаклардан қирқиши;
- Симметрик бўлмаган шаклларни қирқиши;
- Контур бўйича қирқиши;
- Шаклни коғоз бўлакчаларини йиртиш орқали яратиш;
- Ёпиштиришнинг асосий услубларини ўзлаштириш (елим, мўйқалам, латталардан фойдаланиш);
- Шаклларни кетма-кетликда ёпиштириш малакаси.

Аппликация машғулотларини тўлақонли ўтказиш учун материал ва жиҳозларни олдиндан тайёрлаб қўйиш муҳимдир.


Аппликацияга ўргатишда турли шаклларни қирқа олиш малакаларини эгаллаш, уларни маълум тартибда жойлаштириш, образ ва сюжетга мос равшда ёпиштиришни тахмин қиласди. Ҳар бир ёш гурухларда аппликация машғулотлари қўлланиладиган таълимий усуллари ўзига ҳос хусусиятга эгадир.

Мактабгача таълим муассасасида ўтказиладиган аппликация машғулотлари болаларнинг сезиш қобилиятларининг ривожланишига, таъсир этиб, уларни эстетик жиҳатдан тарбиялашни ва ижодий фаоллигини шакллантиришга, шунингдек, меҳнат кўникмаларини шакллантиришга ва уларда ҳарактернинг иродавий хусусиятларини вужудга келишига таъсир этади. Аппликация машғулоти жараёнида бола ранг ва унинг ҳосила ранглар билан танишади машқ қиласди, шаклни ва предметни тўзилишини билишга ўрганадилар. Ритм ва симметрия ҳақида тушунчалари кенгайиб бориб, коғоз варагида мўлжаллай олишга ўрганадилар. Болалар аппликация фаолиятида ранг ва унинг уйғунлашуви билан жуда кўп марта машқ қиласдилар, шунинг учун улар кўплаб ранг ва унинг уйғунлашувини тезда эсда сақлаб қоладилар ва бир-биридан ажратадилар.



© 2004-2010 e-papa.ru

Аппликация машғулотларида болалар күпинча геометрик шакллар билан муносабатда бўладилар, натижада улар теварак атрофдаги предметларда геометрик шаклларни абстракт кўринишини кўра олишга ўрганадилар. Мураккаб тўзилган шаклларни тўзилишини яхшироқ тушунишига, уларни тўғри таҳлил ва синтез қилишга ўрганадилар. Болалар геометрик шакллар билан танишишлари жараёнида ҳали ўзларига таниш бўлмаган шаклларнинг номини тўғри аниклашга ўрганадилар. Масалан, болалар шаклнинг бурчакларини санаб, унинг 3 та ёки 4 талигини натижада учбурчак ва тўртбурчак, кейинчалик уларни ўзлари мустақил кўпбурчак каби шаклларнинг номини билиб борадилар. Аппликация машғулотлари болаларда катталик ва фазони мўлжаллаш бўйича олган тасаввурлари ва қофоз бетини тўғри мўлжаллай олиш каби ўқувлари ривожланади. Болалар шаклни ёпиширишни елимсиз алоқа қилишлари натижасида бу шаклини мантиқий ва ритмик ҳолида




жойлаштиришга ўрганишлари, асосан ўртасида ўнгда, чапда, юқорида, пастда, орқада, қарама-карши тамонда, атрофида каби сўзлар билан танишиб оладилар. Болаларни қофоз бетида нуқта мўлжал олишга ўргатиш-болаларни мактабда муваффақиятли ўқишлигини асосий шартларидан

биридир.

**Аппликация ишини бажаришда ишлатиладиган керакли асбоб ускуналар.** Асбоблар ишлатилишига мос бўлиши билан бирга эстетик ва гигиеник талабга жавоб бериши керак. Аппликация учун керакли ашё мураккаб эмас; қайчи, елим учун мўйқалам, оддий қалам, қирқим учун қутича, латтача, газета қофози.

**Қайчи–учи тўғри, катта–кичик, катта қайчи 14-20 см, тўғри, учи учли ва айланавий катта тасвирларни қирқиш учун**



**Кичик қайчи:** 8-10 см майдада деталларни кирқишиң учун қайчи ўткыр бўлиши керак. Стаканга қайчи учи пастга қараган ҳолда қўйилиши, дўстига ўзатганда ҳам учини ушлаган ҳолда ўзатиш керак, қайчи кўндалангидан кўлни силкитиш, ўқталиш мумкин эмас.

**Елим учун мўйқалам.** 2-3 та мўйқаламга эга бўлиш керак. Мўйқалам апликациянинг мазмунини катта–кичиклигига боғлиқ. Катта ҳажмдаги апликацияга учи энли мўйқалам, майдада деталларга эса, кичик мўйқаламдан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Иш тугагандан сўнг, мўйқаламни яхшилаб ювиб, артиб, қуритиб, мўйини юқорига қилиб қўйиш керак.

**Мўйқалам қўйгич-елим** ишлатишда елимнинг ортиқчаси суркалиб кетмаслиги столни ифлос қилмаслиги учун ишлатилади.

**Қалам.** Тасвир контурини чизиш учун оддий, М ва ТМ (юмшоқ, яrim юмшоқ) қалам ишлатилади. Улар яхши очилган бўлиши шарт. Контур чизишда ручка ва химиявий қаламни ишлатиш мумкин эмас.

**Елим учун идиш–елим** кичик идишчаларга солиб бўлади, пластмасса идишлар, сопол тақсимчалар танланади. Ишлатиб бўлингандан сўнг тезда ювиб қўйиш керак.

Болалар апликация машғулотларида қимматли меҳнат малакалари ва қўнималарини эгаллайдилар. Улар озода, батартиб ёпиширишга, ўз иш жойларини тоза сақлашга ўрганадилар ва мураккаб асбоб ҳисобланган қайчи билан ишлашга ўрганадилар. Буларнинг барчаси болаларнинг мактабдаги қўл меҳнати дарсига тайёрлайди. Болалар енгил вамайда қофоз шакллари билан ишлашлари натижасида, ўз ҳаракатларини тезлигини тўхтатиб туришга ўрганадилар. Машғулот жараёнида улар оз бўлсада-қийинчиликни енгадилар, бу эса болаларда ҳарактерининг иродавий хусусиятини чидам, сабр кабиларни тарбиялади.

### **Назорат саволлари**

1. «Тасвирий фаолият» машғулотлари жараёнида қандай таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади?
2. Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
3. Ёш гурухлари учун расм чизиш фаолиятига ўргатишнинг асосий ва умумий вазифалари нималардан иборат?
4. Сюжетли расм чизишнинг қандай мақсадлари мавжуд?
5. Декоратив расм чизиш вазифалари нималардан иборат?
6. Куриш-ясаннинг турлари ҳақида сўзлаб беринг.
7. Моделлаштириш ёки лой иши материалларнинг турлари.
8. Моделлаштириш техникалари ҳақида маълумот беринг.



## **6-мавзу: Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш методикаси (2 соат)**

**Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларининг мақсад ва вазифалари.
2. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларни ташкил этиш.
3. Мактабгача таълим муассасаларида турли ёш гуруҳларда болалар билан ўйналадиган спорт ўйинлари.

**Таянч тушунчалар:** дастур, спорт, мактагача таълим, жисмоний ривожланиш, жисмоний тарбия, ўйин фаолияти, жисмоний ҳаракат.

### **6.1. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларининг мақсад ва вазифалари.**

Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотининг мақсади ва вазифалари болалардаги турли жисмоний ривожланиши кўникма ва малакаларини шакллантириш, улардаги кучлилик, тетиклик, чаққонлик, зийраклик каби жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборатdir. Мунтазам равишда ўтказиладиган жисмоний машғулотлар болаларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий таъсир қилиб, ижодий имкониятларини оширади.

### **Мактабгача таълим муассасаларида болаларни жисмоний тарбия машғулотининг мақсадлари қуйидагилардир:**

1. Болани саломатлигини мустаҳкамлаш;
2. Болани жисмонан бақувватлаштириш;
3. Болаларни ахлоқий томондан ижобий сифатларини тарбиялаш.

### **Мактабгача таълим муассасаларида болаларни жисмонан тарбиялаш вазифалари:**

1-вазифа. Болаларни мақсадга тўғри йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштириш учун шарт-шароит яратиш.



2-вазифа. Ҳаракатнинг ҳаёт учун мухим турларини шакллантириш: юриш, югуриш, эмаклаш, сакраш, ўрмалаш, отиш, илиб олиш, сўзиш, велосипедда учиш, оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш.

3-вазифа. Сафланиш ва қайта сафланиш.

Бу ҳаракат мактабгача таълим муассасалардаги машғулотнинг бошидан то яқунигача давом этади.

4-вазифа. Ўйин ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш, чаққонлик, эпчиллик, зийраклик, иродалилик, сабр-қаноат, кучлилик шу билан бирга гавдани тик тутиш малакаларини ошириш;

5-вазифа. Болалар қоматларини тўғри шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ясси оёқлиликни олдини олиш.

6- вазифа. Фаол ҳаракатга бўлган қизиқиши тарбиялаш.

7- вазифа. Жисмоний машқ ва ўйинларнинг фойдаси ҳақида, асосий гигиеник талаблар ва қоидалари ҳақида етарли даражада тасаввур ва билимлар бериш.

Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия машғулотлари ўкув йилига 72 машғулотга мўлжалланади. Барча гурухларда ҳафтасига 2 машғулотдан боланинг физиологик ҳолатига қараб ҳафта кунларига бўлинади. Мактабгача таълим муассасасларда жисмоний тарбия машғулотларини йўриқчи олиб боради.

Жисмоний тарбия йўриқчисининг иш ҳужжатлари қуйидагилардан иборат: “Илк қадам” ўкув дастури асосида йиллик режа, ҳафталик иш режаси спорт байрамлари сценариялари, тарбиячи билан ҳамкорликдаги иш режаси, болалар билан индивидуал ишлаш режаси, спорт мусобақалари режаси ва бошқалар.

## **6.2.Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш.**

Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия тизимида - кун тартиби, мужассам машғулотлар, овқатланиш, чиниқтириш (табиий ва сунъий ) жисмоний машқлар , маданий гигиеник кўникумалар, эрталабки ва кечки соатлар, қувноқ дақиқалар, уқалаш, даволовчи гимнастика, спорт ўйинлари ташкил этади.



Жисмоний тарбия машғулотларини тўғри ташкил қилиш ва машғулотларни тўғри ўtkазиш уни самарали ҳал этиш ниҳоятда муҳим саналади.

Машғулотларни тўғри ташкил этилса, қизиқарли, ибратли жиҳатлари оширилса, болаларнинг ўз вақтида дам олишларига эътибор қаратилсагина жисмоний тарбия машғулотларнинг самарадорлиги ортиб боради.

Жисмоний тарбия машғулотларида машқ ва ўйинларнинг тўғри тақсимланиши ўта муҳимдир. Бунда машғулотнинг асосий вазифасини ажратиш лозим, унинг мазмуни кўзда тутган мақсадини ҳисобга олиб, бола



танасининг маълум қисмларига ҳар томонлама таъсир ўтказиш зарур. Шу жумладан машғулотларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида турли машқларни бир-бирига боғлаб олиб бориш жуда муҳимдир.

Жисмоний тарбия машғулотларини режалаштирганда ҳаракат тартибини ва такрорийлигини, вазифасини тўғри тақсимлаш ва болаларни гурухларга уюштиришнинг аниқ ва оқилона усуллари кўзда тутилади. Бунга аввало етарли ҳаракат фаоллиги ва машғулотларнинг

зичлигини таъминлаш орқали эришилади. Машғулотларни режалаштиришда гурухнинг аниқ шароити, зарур жиҳозларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади. Очиқ ҳаводаги машғулотлар мазмуни йил фаслларига, об-ҳавога мувофиқ равишда танланади. Машғулотни режалаштириш ва ўтказиш усуллари турлича бўлиб, улар асосий ҳаракат ва ўйин машқлари, бир қолипдаги машғулотлардан тортиб, турли хилдаги ҳаракатли ўйинлар, халқ ўйинлари, эстафеталар, очик ҳаводаги машғулотларни ўз ичига олади.

Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия машғулотлари қўйидаги қисмлардан иборат:

- 
1. Машғулотнинг мақсади,
  2. Керакли жиҳозлар,
  3. Машғулотнинг бориши,
  4. Ташкилий қисм
  5. Асосий қисм ,
  6. Асосий ҳаракат турлари,
  7. Мустаҳкамловчи машқлар
  8. Ҳаракатли ўйинлар
  9. Тинч ўйинлар ва якуний қисм.

Куннинг турли вақтларида боланинг ҳаракат фаолияти ҳисобга олиниши ҳаракат кўнимкалари ва малакаларини такомиллаштириш учун ҳаракат даражаси сифатларини ўстирадиган машқларнинг турли усуллари тавсия этилади.



Болаларнинг жисмоний мустақиллик фаолияти жисмоний тарбия йўриқчиси тарбиячининг бевосита раҳбарлигига ўтади. Тарбиячи ҳар бир боланинг ўйин ва машқларни эркин танлашга ёрдамлашади.

Тарбиячи ҳаракат фаолиятига мос

жиҳозни танлаш йўли билан болаларда ташкилотчилик қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради. Тарбиячи бу ишларни режалаштираётганда болаларнинг ташхиси, ўзига хос хусусияти, жисмоний ва ақлий ривожланиши, саломатлиги ва тайёргарлиги, қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олади.

Машқларни бирор бир табиат ҳодисаси, жонзотларнинг хатти-ҳаракатларига боғлаб ёки тақлид қилиб бажаришни таклиф қилиш орқали болаларни машғулотларга бўлган қизиқишлигини орттириш мумкин. Бундан ташқари имконияти чекланган болаларнинг айримларида ўзига бўлган ишончлари паст бўлади. Бунда болалар буюмлар, жиҳозлардан фойдаланиш вақтларида уларнинг хавфсизликларини таъминлаш билан бирга, уларда ўзларига бўлган ишончларини орттириб бориш лозим.

Жисмоний тарбия бўйича ҳар бир груп кундалик ҳаракатлар тартибини белгилайди.

Мактабгача таълим муассасаларида йилда икки марта таътил тавсия этилади(январ ойининг бошида ва март ойининг охирида бир ҳафта муддат билан). Таътил вақтида ақлий фаолият ва болаларнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ машғулотлар чекланиб, жисмоний тарбиянинг барча усуллари қўлланилади. Таътил кунлари ўрта групдан бошланади. Қишки давр мактаб ўқувчиларининг таътил кунлари биланъир вақтга тўғри келади. Унда болалар катта ёшдаги ўртоқлари билан ўйнайдилар, катталар ёрдамида турли туман қишки ўйинлар ўйнайдилар.

Баҳорги таътил кунларини эса, сайлларга чиқиш ва табиат қучоғида ўтказиш тавсия этилади.

Тарбиячи (жисмоний тарбия йўриқчisi) жисмоний тарбия машғулотларининг иш мазмунида мактабгача таълим муассасаларида “Илк қадам” ўқув дастури талабларига асосланади. Шу билан бирга тарбиячи жисмоний тарбия йўриқчisi, шифокор, ҳамшира билан келишган ҳолда оилада болаларни жисмоний тарбиялашни тарғиб қиласди. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган тадбирлар ўрта групдан бошлаб бир йилда икки марта ўтказилади. Мактабгача таълим

муассасаларыда жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган тадбирлар тарбиячи, жисмоний тарбия йўриқчиси, мусиқа раҳбари биргаликда амалга оширади.

Шунингдек, ҳафтада бир марта (душанба куни) мусиқа раҳбари билан биргаликда мусиқа остида жисмоний тарбия машғулотлари ўтказилади.

Болаларни жисмоний тайёргарлигини текшириш, машғулотларни ташкил қилиш, тозалик, гигиеник талабларга, хавфсизлик қоидаларига жиддий риоя қилиш шарт. Машғулотлар очик ҳавода ва жиҳозланган спорт залида ўтказилади.

Болалар спорт кийимида ва пойафзалда шуғулланадилар: иссиқ кунда - футболка (майка)-шортиқда; пастроқ температурада – трикотаж костюмда; қишида – спорт иссиқ кийимида шуғулланадилар.

Бундан ташқари, мактабгача таълимда болаларнинг ташхиси, ўзига хос хусусияти, жисмоний ва ақлий ривожланиши, саломатлиги ва тайёргарлиги, қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда турли спорт тўгаракларини ташкил этиш мумкин.

### **6.3. Мактабгача таълим муассасаларыда турли ёш гурухларда болалар билан ўйналадиган спорт ўйинлари**

Мактабгача таълим муассасаларыда ўйналадиган бир қатор спорт ўйинлари ва машқлари мавжуд бўлиб, улардан турли гурухларда фойдаланиш мумкин.

Масалан: Кичик гурух учун: “Курк товуқ ва жўжалар”, “Буюмгача югуриб бор”, “Чумчуқлар”, “Қушлар ва ёмғир”, “Кучук ва мушук болалари” ўйинлари ўйналади.

Ўрта гурух учун: “Миллий кураш” ўйини. Бу ўйинда болалар иккитадан бўлиб курашадилар. Иккита бола бир – бирининг гарданига йиқитишга уриниб кўради. Оёқ билан чалишга ҳаракат қилинади. Иккита боладан бири “рақибининг” курагини ерга тегизиши керак, ўз “рақибини” йиқитган бола голиб саналади.

“Чаққон бўл” ўйини. Бир бола энгашган ҳолда аргимчоқнинг бир учини ер ўзра айлантиради. Атрофдаги 6-7 бола аргимчоқни ерга тушириб

айланганида унинг усти-дан сакрайди. Ким арғимчоқни босиб олса, у ўйиндан чиқади.

**“Саватга тушир”** ўйини. Устунга ўрнатилган саватдан 1,5 метр нарига чизик чизи-лади. Болалар шу чизикқа бирин-кетин келиб, кетма-кет 8 мартадан саватчага тўп таш-лайдилар. Қайси бола саватчага кўп марта тўп туширса, шу бола ғолиб ҳисобланади.



**“Арқон тортиш”** ўйини. Болалар икки гурухга бўлиниб, ўртадан чизик чизилади. Чизикнинг ўнг тарафини биринчи гурух болалари, чап тарафини эса иккинчи гурух болалари эгаллашади. Арқон тортиш вақтида қайси гурух болалари чизикнинг у томонига ўтиб кеца, ўша гурух енгилади. Қайси гурух болалари арқонни ўзи томонга тортиб олса, ўша гурух ғолиб ҳисобланади. Ўйинда 10-14 бола қатнашиши мумкин.

**“Арқондан сакраш”** ўйини. Бу ўйинда, аввало қизлар иштирок этади. Қизлар сони чекланмайди. Иккита қиз арқонни айлантиради. Қолганлар навбатма-навбат арқондан сакраб ўтади. Ким арқондан сакрай олмаса, ўйиндан чиқади. Ким кўп сакраса, ўйиннинг охиригача етказа олса, у ғолиб деб топилади. Бу ўйинда ўғил болалар ҳам қатна-шиши мумкин.

Катта гурухлар учун спорт ўйинлари. **“Қорни ким ўзоққа отиш”** ўйини. Болалар маълум бир чизик олдида туриб, бирин-кетин қорни мумкин қадар ўзоққа отадилар. Қор тушган жой таёқча билан белгиланади. Агар навбатдаги бола қорни ўзоққа оча, яна таёқча билан белгиланади. Ўйин охирида қорни энг ўзоққа отган болалар рағбатлантирилади.

**“Арғимчоқдан сакраш”** ўйини. Арғимчоқларни олдинга ва орқага айлантириб сакраш. Навбат билан гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқда сакраш. Олдинга

сакраб бир оёқдан, иккинчи оёққа сакраш. Ким аргимчоқдан сакраб майдоннинг қарама-қарши томонига бириńчи етиб келса, у ғолиб саналади.

**“Ёнғоқ” ўйини.** Бу ўйинни 2-3 ёки ундан ортиқ бола ўйнаши мүмкин. Ерга доира чизилади ва доирани 2 бўлувчи чизик тортилади. Доира ичига тўғри чизик устига ёнғоқ териб қўйилади. Доирадан 1,5-2 метр масофа ўзоклиқда яна бир тўғри чизик чизилади, болалар шу чизикда туришлари керак. Ҳар бир болага ёнғоқ берилади. Бола чизикда туриб, доира ичидаги ёнғоқни пойлаб уради. Ёнғоқни аниқ нишонга олган бола ёнғоқни ютиб олади. Ўйин шу тариқа давом этади. Энг кўп ёнғоқ йиққан бола ғолиб деб топилади.

**“Тўхта” ўйини.** Ўйин учун доира чизилади. Болалар шу доира ичига турадилар. Бир бола истаган ўртоғига қаратиб тўпни тепага отади. +амма болалар бирданига доирадан чиқиб қоча бошлайдилан. Номи айтилган бола чаққонлик билан тўпни ерга тушурмасдан илиб олади ва шу тариқа ўйин давом этади. Яна бир болага қаратиб тўп тепага отилади, ўйин шу тариқа давом эттирилади.

### **Назорат учун саволлар**

- 1.** Болаларни жисмонан ривожлантиришда эътиборни нимага қаратиш лозим?
- 2.** Мактабгача таълим муассасаларидаги соғломлаштириш ишлари қайси мавсумда амалга оширилади?
- 3.** Болаларни жисмоний ривожланишида ўйинларнинг таъсири нимада?
- 4.** Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотлари неча қисмдан иборат этиб олибборилади?
- 5.** Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган мусобақа, байрам тадбирларида нималарга эътибор қаратилади?

## **7-мавзу: Ўйинларни ташкил этиш методикаси ва технологияси**

### **Режа:**

1. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида ва ривожланишида ўйинларнинг аҳамияти.
2. Мактабгача таълим муассасаларида ўйин турлари.
3. Мактабгача таълим тизимида педагогик ўйинларни амалга ошириш методлари ва технологиялари.

**Таянч тушунчалар:** таълим, тарбия, ривожлантириш баркамол, ўйин, машғулот, дидактик, ҳаракат.

### **1. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида ва ривожланишида ўйинларнинг аҳамияти.**

Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажақдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга тмуносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб ҳисоблайдилар. Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади.

Ўйнаётган болани кузатиб унинг қизиқишлигини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурларини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Ўйин болаларни жисмоний тамондан тарбиялаш тизимида, матабгача таълим муассасасининг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тамондан тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шундай экан, ҳар бир ўйни-машғулотини тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Үйин машғулотларни режалаштираётганда ҳар доим мақсадни ҳамда машғулотдан кутилаётган натижаларни аниқлаболиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан сўнг мақсадга эришиш учун қайси ўйин, топшириқ ёки машқдан фойдаланса яхшироқ самара бериши аниқлаб олинади. Бунинг учун қуидагиларни инобатга олиш зарур:

- танлаб олинган маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда кетма-кетлиги;
- соддадан мураккабга қараб интилиш;
- турли хиллиликка эътибор бериш (нутқий фполиятни турли ҳаракатлар билан, тинч ўйинларни ҳаракатли ўйинлар билан уйғунлаштириб туриш);
- гурӯхий ёки кичик гурӯхлар учун машғулотларни ташкил қилиш. Тарбиячи қачон катта гурӯх билан ҳамда қачон кичик (6-8 боладан иборат гурӯх) гурӯх билан ишлаш лозимлигини ҳал этмоғи даркор;
- машғулотларнинг вақт чегараларини аниқлаб олиш (қайси вақтда болалар билан шуғулланасиз ва қанча вақт давомида).

Машғулотлар давомида болалар ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлганларида гина машғулотларга бўлган қизиқишлари ва ўзаро ишончлари ошиб боради.

Гурӯхий ўйин-машғулотлари режаларига машғулот бошида ҳам машғулот давомида ҳам ўзгартиришлар киритиб бориш мумкин.

Ўйин-машғулотларнинг қатор тамойиллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуидагилар:

1. Ўйинларда эркин иштирок этиш.
2. Ўзаро хурмат.
3. Ўйин қоидаларини англаб олиш.
4. Рефлексия.

**Ўйинда эркин иштирок этиш тамойили-агар ўйин қизиқарли ва қувноқ кайфият бағишливчи бўлса, ҳар бир бола бу ўйинда иштирок этишга интилади.** Қандайдир сабабларга кўра бола ўйинда иштирок этишдан бош тортса, у ўйнаши мумкин бўлган бошқа бир ўйинни таклиф этиш мумкин. Болаларга

ўйиндан бемалол чиқишилари ва яна орқага қайтишларига имконият яратиш лозим.

**Ўзаро хурмат тамойили** – бу ўзаро муносабатлардаги қоидага ўхшашири, яъни ҳар бир ўйин иштирокчиси ўз фикрини эркин билдиришга, танлаш хуқуқига эга, ҳамманингфикри эшитиб-тингланади.

**Ўйин қоидаларни англаб етиш** – машғулотни бошлашдан олдин болалар ўйин-машғулот мақсадлари, қоидалари билан таништирилади. Агарда болаларнинг айримлари бу нарсаларни англаб етмаса, ўйин-машғулотлар қоидалари такрор тушунтирилади.

**Рефлексия** – олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида қайта алоқа ўтказиш муҳимдир. Ўйин-машғулоти якунида бошловчи болалар билан хулоса ясайди. Болалардан кўпроқ нималар ёққани, нималар маълум бўлмагани ва нималарни ўрганганлиги сўралади.

Хулосадан кейин якуний машқни бажариш мумкин. Масалан, болалар доира бўлиб туриб, қўлларини ушлашади. Ҳамма кўзини юмиб, ёқимли нарсалар ҳақида ўйлайди. Шундан сўнг бошловчи кўзини очади ва ўнг тамонидаги боланинг қўлини сиқиб қўяди. Бу бола ўз навбатида кўзини очиб, қўшнисининг қўлини сиқади. Машқ шу тариқа барча болалар кўзларини очгуналарича давом этади. Охирида болаларнинг ҳаммалари бирон-бир қўшиқни куйлашлари ҳам мумкин.

Ҳамкорликда ўтказиладиган ўйинлар болаларнинг бир-бирларига яқинлашишларига, бирлашишларига ҳамда кайфиятни кўтаришга хизмат қиласи. Айнан ўйинлар тарбиячига нисбатан болаларнинг ишончи ва мойилликларини қозонишга ёрдам беради. Қуйида сизнинг дикқатингизга бир қанча ўйинларни ҳавола этамиз.

Ўйинга раҳбарлик қилишда ўйининг мақсад ва мазмунини белгилаш, ўйин гоясини ўйлаб топиш, ўйин қоидаси ва асосий ҳаракатларни тушунтириш, болалар ўртасидаги муносабатни яхшилаш, тарбиявий таъсир орқали ўйинни боришга раҳбарлик қилиб бориш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Үйинлар гурух хонасида, залда, майдончада, ўрмонда, далада ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Бу ўйининг таъсирчанлигини, таассуротларнинг ҳар хиллигини, болаларнинг фаоллигини оширади. Шундай қилиб, дидактик ўйин мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш воситаси бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Айтиш керак, бола билан ўйнар эканмиз, ўйин бола учун эрмак, қувонч манбаи бўлибгина қолмай, балки таълимий характердалиги боис, боланинг диққати, хотираси, ижодий тафаккури ва тасаввурини ўстиришга хизмат қиласиган воситадир. Бу жиҳатлар боланинг бундан буёнги ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ўйин жараёнида болалар янги билим, малакаларни эгаллайдилар, қобилиятларини ўстирадилар. Педагогтарбиячилар болаларга аввалдан режалаштиришилган ўйин мазмуни ва йўналишини таклиф этадилар.

Бу ўйинларни қиёсан бир неча мустақил гурухларга ажратиш мумкин. Ўйинларнинг шундай алоҳида туркумларга бирлаштириш мумкинки, улар болаларнинг таълимий-тарбиявий дастурларда назарда тутилган билим, кўнирма ва малакаларни эгаллашларига, шунингдек, ижтимоий ҳаётга уйғунлашувининг шарти саналган ҳаётий малакаларнинг ўзлаштириб борилишига асос бўлади.


**Идрокни ўстиришга қаратилган ўйинлар** болада нарсаларнинг ранги, шакли, катталигига кўра таҳлил қилиш малакасини шакллантиради. Мактабгача ёш охирига келиб, болалар ранг қаторидаги 7 хил рангни бемалол фарқлай оладилар. Улар асосий геометрик шакллар (доира, овал, тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, учбурчак)ни билишлари лозим. Намунага кўра ёки номи айтилган маълум бир шаклдаги нарсаларни ажратা олишлари керак. Болалар нарсаларнинг катталигини фарқлашда уларнинг ўлчами бўйича териб чиқиши биладилар, 8 - 10 та таёқча, доирача ёки бошқа бир хил турдаги катталиги ҳар хил предметларни катталашиб ва кичиклашиб борувчи тартибда қўйиб чиқадилар. Нарсалар катталигини 3 хил ўлчамда номини айта оладилар (узунлик, кенглик, баландлик). Аммо ақлий муаммоли болаларга нисбатан олиб

қаралғанда бу ўта мушкил операциялардир. Шу сабабли бу борада мунтазам иш олиб бориш лозим.

Навбатдаги ўйинлар гурухы **диққатни ривожлантиришга қаратилған** бўлиб, улар воқеликнинг маълум жиҳатларига қарата диққатни тўплашга ўргатади (диққатни тўпламасдан ҳеч бир ишни бажариш мумкин эмас). Бу ўйинлар туркуми орқали болалар диққатининг турғунлиги, кўчувчанлиги, бўлинувчанлиги каби хусусиятлари шакллантирилади. Диққатнинг турғунлиги бирор нарса устида ўзоқ вақт диққатни тўплаб тура олиш, демакдир. Маълумки, ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар диққати муқим бўлмай, болаларда иш жараёнида муқимлилик бўлмайди. Яъни болалар бир фаолиятда ўзоқ шуғулдана олмайдилар. Диққатни кўчириш - уни бир фаолиятдан иккинчисига ўтказа олишдир. Диққатнинг бўлинувчанлиги бир вақтнинг ўзида кишининг икки ёки ундан кўпроқ нарса билан шуғулдана олишида намоён бўлади.

Болаларнинг ихтиёри педагог диққатидан аста - секин ихтиёрий диққатга ўтилади. Ихтиёрий педагог диққати жараёни айни пайтда бола учун қизиқарли нарсага диққатни қаратишда юзага келади. Ихтиёрий диққат боланинг ўзи учун қизик бўлмаган фаолият билан шуғулдана олишини назарда тутади.

Ўйинларнинг яна бир тури хотирани ўстиришга қаратилған ўйинлардир. Бундай ўйинлар ўқувчиларни ўз олдига мақсад қўя олишга ўргатади: бирор нарсани эслаб қолиш, ана шу мақсадни амалга ошириш воситаларини излаб топиш шулар жумласидандир.



**Тафаккурни ўстириш** – образли-харакатли, кўргазмали - образли, мантиқий тафаккур турларини эгаллашдан иборат. Бундай ўйинлар мобайнида болаларда мантиқий тафаккур элементлари шаклана бошлайди, яъни улар хуносалар қила оладилар, мантиқ қонунларига кўра фикрлайдилар.

Бола ижодий қобилиятининг ўсиши деганда тасаввур - хаёлнинг тараққиёти ва ноанъанавий тафаккур қила олиш тушунилади. Ижодкорлик кўп жихатдан ўз ҳис - туйғулари, олам ҳақидаги тасаввурларини турли усуллар билан баён эта олишга боғлиқ. Бунинг учун эса бола ҳар бир нарсада унинг турли томонларини кўра олиши, нарсага хос алоҳида белгиларнинг барчасини ҳис қилиши, образни кўз олдига келтира олиши керак. Шу сабабли бундай ўйинлар пухта режа асосида мунтазам ўтказиб турилиши керак.

Деярли ҳар бир ўйин учун уни ўтказишнинг соддароқ ёки мураккаброқ кўринишларидан фойдаланиш лозим. Яъни бу синфнинг умумий ёки ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишига боғлиқ равишда риоя қилинувчи ҳолатдир. Болалар топшириқларни бажаришга қийналмаса, унга бирмунча мураккаброқ топшириқ берилади, агар қийналса, соддароқ топшириқ бериш лозим.

Ҳар бир ўйин - ақлий ривожланишида муаммоси бўлган боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти, ҳамкорлик мактабидир. Самимилик, ўзаро қўллаб- қувватлаш, қувноқлик кайфиятларини яратиш билан ўйин орқали бола тараққиётига эришилади.

## **2.Мактабгача таълим муассасаларида ўйин турлари**

**1. Таълимий ўйинлар.** Болани дидактик материал билан ўтказиладиган ўйинларда янги нарсаларни ўрганишга бўлган иштиёқини тарбиялаш.

Нарсаларнинг ўлчами, шакли, ранги ҳақидаги тушунчаларини бойитиш. Турли ўлчамдаги халқачадан пирамида (*минорача*) ясашга, “Геометрик мозаика”га (*доира, учбурчак, квадрат*) хос шаклларнинг ўзаро муносабатлари ичida тўғри мўлжал олишга, тўртта қисмдан (*қирқма расмлар, кубиклар*) бир бутунни ҳосил қилишга, бир хилдаги нарсаларнинг битта сенсор белгиси (*ранг,*

шакл, ўлчам) бўйича мослиги ва фарқларини аниқлашга, қиёслашга ва гурухлашга ўргатиш.

**2.Дидактик ўйин** – болани ақлий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Таълимий ўйинлар болаларда руҳий билиш жараёнларини, фикрлаш қобилиятларини шакллантиради. Дидактик ўйинларнинг муҳим жиҳати болаларнинг фикрлаш фаоллигини, мустақиллигини ва нутқини ривожлантиришидир.

**3.Миллий халқ ўйинлари** - Миллий халқ ўйинлари икки гурухга бўлинади: 1. Миллий ҳаракатли ўйинлар. 2. Миллий халқ ўйинлари.

Миллий ҳаракатли ўйинлар Спорт турлари ҳамда халқимиз қадриятлари билан алоқадор бўлиб, улар асрлар давомида даврларга мос равища ривожланиб, такомиллашиб, эъзозланиб келинган. У болаларнинг жисмонан бақувват, соғлом, жасур, қатъиятли, чаққон, уддабурон бўлиб ўсишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Халқ миллий ўйинларида миллатнинг ўтмиш тарихи, маънавий ва маданий ривожланишининг характер хусусиятлари, урфодатлари, анъаналари жамлангандир.



**4.Спорт ўйинлари** – буларга волейбол, баскетбол, бадминтон, шахарча, лапта, стол тенниси, футбол, хоккей киради.

Спорт ўйинларида энг аввало мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади, шунинг учун фақат содда, бироз ҳаракат техникаси қоидалари, ўйинни ташкил этишнинг ҳақиқий элементлари танланади. Шу туфайли ўйин омиллари катта кишиларда бўлганидек

жисмоний ва асабий зўриқиши уйғотмайди. Айни пайтда улар мақсадга интилганлик, ўртоқлик ва маъсулият ҳиссини ва спортга муҳаббатини тарбиялади. Спорт ўйинларида қатнашувчилар сони аниқ белгиланган, уларнинг вазифалари тақсимланган, ўйин муддати вақти чегараланган бўлади. Ўйинларни ўтказиш шартлари махсус тайёрланган жойни, белгиланган майдончани, тегишли жиҳоз ва инвентарларни талаб қиласди.

**5. Оддий ҳаракатли ўйинларни ўзгартириб туриш** мақсадга мувофиқдир. Бироқ варианtlар фақат ўйинни ранг-баранглаштириш болаларнинг унга нисбатан қизиқишини сақлаб туриш учунгина эмас, балки педагогик вазифалар ҳаракатларини такомиллаштириш, бирмунча мураккаб ўйин ҳаракатлари, қоидаларини бажаришга ўйин вазияти шароитининг ўзгариши учун керак бўладиган жисмоний сифатларини тарбиялаш учун ҳам зарурдир. Улар болалардан муайян ақлий ва жисмоний кучни ва шу билан бирга ўйинга нисбатан ортиб борувчи қизиқиши талаб қиласди.



**6. Саҳналаштирилган ўйинлар.** Болада театрлаштирилган ўйинларга қизиқиши ҳиссини уйғотишида давом этиш. Катталар ёки катта ёшли болалар томонидан саҳналаштирилган ўйинлар ва қўғирчоқ спектаклларидағи

**7. Вокеабанд – ижроли ўйинлар.** Болага таниш воқеалар, ҳаётий мавзулар, адабий асарлар бўйича қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш; ўзаро боғланган бир неча алоҳида ҳаракатларни (*овқат тайёрлаш, столни безатиш,*

*овқатлантирии)* ягона бир мазмунга бирлаштириш, ўйинчоқлар сонини кўпайтириш орқали ўйин фаолиятини кенгайтириш ва бойитишга ёрдам беришда давом этиш.

**8.Қурилиш ўйинлари.** Курулиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар, унда болаларни ўйнатиш жараёнида ўзларини ғояларини рўёбга чиқариш учун ўйин жараёни ташкил этишга ёрдам берилади.

**9.Ҳаракатли ўйинлар.** Боланинг ҳаракатли ўйинларидаги фаоллигини ошириш. Тирмашиб чиқиши, эмаклаш кўникмаларини шакллантирувчи, ҳаракат эпчиллигини ривожлантирувчи: копток, пулфак, аравача, ўйинчоқ автомобиль билан ўйналадиган ўйинларни ташкил этиш. Ўйинда боланинг фаол иштирок этишини таъминлаш. Аста-секинлик билан мураккаброқ ва ҳаракат турларини ўзгартирадиган ўйинларни жорий қилиб бориш. Болани ўйин қоидаларига риоя қилишга ўргатиш. Ҳаракатли ўйинлар: “Поезд”, “Самолёт”, “Пулфак”, “Оппоқ қуёнча ўтирибди”, “Трамвай”, “Ким тезроқ”, “Қуёш ва булут”, “Кўз боғлаш”, “Чавандозлар”, “Болалар қочинглар, күш учиб келди”, “Чори-чамбар”, “Товуқ ва жўжалар”, “Қалдирғоч”, “Ким биринчи?”.

**10.Сюжетли-ролли ўйинларнинг** шартли реал вазияти болага ўзига таниш ҳаётий образнинг қайта бажаришида ёрдам беради. Бола ҳаракатларнинг ўзидан, күш ва ҳайвонларга тақлид қилишдан қувонади: қушчадек парвоз қиласи, қуёнчадек сакрайди, тойчоқдек чопади. Шунинг учун ҳам ўйин пайтида кулги, қувончли хитоблар эшитилиб туради ва ўйин жараёни асосида энди боланинг оддий ижрочилик фаоллиги, ўйин образига киришга дастлабки уринишлари қарор топади.

### **3.Мактабгача таълим тизимида педагогик ўйинларнинг шакллари ва амалга ошириш методлари.**

Педагогик ижрочилик ўйинларини бола уч ёшдан бошлаб ўзлаштира бошлайди. Шу ёшга келиб бола одамлар ўртасидаги муносабатлар билан таниша бошлайди, ҳодисаларнинг ички ва ташқи томонларини ажратади.

бошлайди, ўзида ички кечинмаларни сеза бошлайди. Уларга муносабат билдиради.

Методика – бу тарбиячи меҳнатининг профессионал технологияси бўлиб, тарбиячи уни эгаллаган бўлиши ва болаларга раҳбарлик қилиш усулларини тўхтовсиз такомиллаштириб бориши керак.

Мактабгача ёшда болалар ўйин фаолиятини ўзлаштира бориб ижтимоий кадрли ва ижтимоий баҳоланувчи фаолиятга тайёрлана бошлайдилар. Мактабгача таълим тизимида қўлланиладиган педагогик ўйинларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Болалар кайфиятини кўтарувчи.
2. Ҳамкорликка чорловчи.
3. Болаларни ўзлигини намоён этишга чорловчи.
4. Болаларда ўзига ишонч ҳиссини шакллантирувчи, жисмоний ва интеллектуал муаммоларни йўқотишга қаратилган.
5. Мактабгача болалар хатти-ҳаракатидаги чекланишларни тавсифловчи (диагносика).
6. Болалар шахси сруктурасига ижобий коррекциялар берувчи.
7. Миллатлараро бағрикенгликни шакллантирувчи.
8. Болаларда ижтимоий, жамоавий муносабатларни шакллантирувчи ўйинлар.

Педагогик ўйинларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

**Фаолият турларига қараб:** ижтимоий интеллектуал, меҳнат, ижтимоий ва психологик ўйинлар.

**Педагогик жараёнларнинг характерига қараб:** таълим-тарбиявий, ривожлантирувчи, маҳсулотли, ижодий, психотехник ўйинлар.

**Ўйинлар методларига қараб:** предметли, сюжетли, бадиий ролли, ходисаларни тасаввур этувчи ва драммалаштирувчи ўйинлар.

**Предметлар асосидаги ўйинлар:** математик, экологик, мусиқали, техникавий, жисмоний тарбияловчи, иқтисодий тежамкорлик ва ишбилиармонлик, тадбиркорликни ривожлантирувчи ўйинлар.

**Үйин воситалари бўйича:** ўйин воситалари (копток, пирамида, куб ва бошқ.) билан амалга ошириладиган ўйинлар ва ўйин воситаларисиз амалга ошириладиган ўйинлар хонтахта усида, хонада ва далада ўйналадиган ўйинлар, компьютер ва телевизор ўйинлари каби техник воситалар.

Мактабгача таълимда ёши катталарнинг тўплаган тажрибасини кичик ёшдагиларга сингдириш жараёнида ўйинлар таълим методи сифатида намоён бўлади. Ўйин методларига қараб мактабгача таълим вазифаларидан келиб чиқиб, предметли, сюжетли-ишчан, драммалаштирилган ўйинлардан кенг фойдаланилади.

Мактабгача таълимда ривожлантирувчи педагогик ўйинларни ўқув тарбия жараёнида қўллаш қўйидаги ўзига хос характерга эга бўлади. Биринчидан, ривожлантирувчи педагогик ўйинлар маҳсус топшириқлар мажмуасидан иборат бўлади. Иккинчидан, ўйин фаолиятидаги топшириқлар рангли кублар, ғиштчалар, квадратлар, пластилин, картон қофозлар, конструктор-механик мажмуаларида турли орнамент, расм ва жимжимадор предметлар воситасида амалга оширилади. Учинчидан, топшириқлар мустақил бажарилишини таъминлашмақсадида уларни осондан қийинга томон, аниқ вақт оралиғида сифатли бажарилишини таъминлаш даркор.

Мактабгача таълим муассасаларида интерфаол ўйинлардан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади. Бу ўйинлар жараёнида бола пассив объектдан фаол субъектга айланади. Тарбиячининг асосий вазифаси эса ўйинни ташкил этиш, болалар ижодига шароит яратишдан иборат.

Интерфаол ўйинлар жараёнида бола мустақил фикрини тўғри баён этишга, бошқаларни тинглашга ўрганади, бошқача қилиб айтганда интерфаол ўйинлар орқали келажакда ҳар бир бола учун зарур бўлган ижобий сифатлар шакллантирилади. Интерфаол ўйинларни самарали ўтказиш учун қўйидаги қоидаларга эътибор бериш лозим:

1. Машғулот олдидан болалар ўйин қоидалари ва мазмуниниқай даражада тушунганликларини аниқлаш.
2. Болаларнинг ёш хусусиятлари ва бир-бирларига бўлган

муносабатларини ҳисобга олиш.

3. Ҳар бир боланинг қобилияти ва психологик хусусиятларини эътиборга олиш.

4. Ўйин жараёнида болаларга қизиқ бўлган материаллардан фойдаланиш.

5. Диққат ва эътиборни жалб этадиган услубларни излаб топиш.

6. Болаларга ролларни тўғри тақсимлаш.

7. Ўйиндан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлигини билиш.

8. Ўйиннинг асосий босқичлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва натижаларини прогноз қилиш.

Педагогик нуқтаи назардан тўғри ташкил этилган ўйин боланинг ахлоқий, иродавий хусусиятларини шакллантириш билан бирга унда билим олишга, атрофдаги олам сирларини очишга қизиқиши уйғотади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаларида ўйин технологияларидан кенг фойдаланиш керак.

Ўйинлар технологияси тушунчаси педагогик технологиянинг таркибий қисмидир. Ўйин технологияси анъанавий таълимдаги ўйин методидан ўзининг аниқ мақсади, амалга ошириш керак бўлган жараёнларнинг мантиқий кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги, олдиндан белгиланган натижаларга эришиш кафолати билан фарқ қиласди.

Ўйин технологиясининг назарий асослари. Бугунги кунда таълим тизимиға, жумладан мактабгача таълим тизимиға хам янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар кириб келмоқда. Бу технологияларнинг мазмун моҳиятини, асосий тамойилларини, қонуниятларини, улардан самарали фойдаланиш йўлларини амалиётчи тарбиячи ва ўқитувчиларга етказиб бериш педагогика фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир

«Технология» юононча сўз бўлиб, «течне» - «маҳорат», «санъат» ва «логос» - «тушунча», «ўрганиш» демакдир.“Технология” сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади.

Ўйин технологияси ҳам ўйин методидан ўзининг аниқ мақсади, амалга ошириш керак бўлган жараёнларнинг мантиқий кетма-кетлиги ва ўзаро

боғлиқлиги, олдиндан белгиланган натижаларга эришиш кафолати билан фарқ қиласи.

Л.С. Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

Ҳар қандай ўйин муайян вазифаларни бажаради:

- мафтункорлик;
- коммуникативлик;
- ўз имкониятларини амалга ошириш;
- ташхис;
- ўйин иштирокчилари ўртасидаги муроқот;
- ижтимоийлашувлик.

Ҳар қандай технологияда, жумладан, ўйин технологияларида ҳам, ўқув мақсади аниқ белгиланиши зарур. Бу технологиянинг асосий негизидир. Мақсад тўғри қўйилиши учун тарбиячи болага нимани ўргатмоқчи бўлганлигини билиши керак. Битта машғулотда битта мақсад қўйилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, болаларни З рақами билан таништириш ёки йил фасллари ҳақида тушунча бериш ва х.к.

Ўйин технологиялари (айниқса, боғча болалари учун) ривожлантирувчи мақсадларни (боланинг идроқ, хотира, диққат, тафаккурини ривожлантириш) амалга ошириши ҳам мумкин. Болаларни янги ўйин билан таништириш. Унинг мазмуни ва қоидаларини тушунтириши тарбиясидан пухта тайёргарлигини талаб этади. Айрим ўйинларнинг мазмуни олдиндан бўладиган сұхбатлар асосида болаларни билимларини ойдинлаштириш мумкин. Уларнинг тасаввурлари аниқлашади, ўйин образларга нисбатан муносабат таркиб топади, асосий хаёл ўсади.

Ўйинни қоидаси болаларга тушунарли бўлсагина ўйин қувноқлик ва уюшқоқлик билан билан ўтади.

Мусобақа элементлари мавжуд ўйинларни ўтказишида тарбиячи ўйинни тушунтираётуб қоидаларни, ўйин усулларини, мусобақа шартларини аниқлаштиради, болаларни топшириқларни яхши бажаришга ҳаракат

қилишлар ва яхши уddaлашга ишонч билдирган ҳолда рағбатлантиради. Тарбиячи болаларнинг жисмоний комолоти ва якка ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақалашаётган қучлари тенг гурухлар – командаларни бирлаштиради; ўзига ишончсиз, тортинчоқ болаларни фаоллаштириш мақсадида уларни жасур, фаол болалар билан қўшиб қўяди.

Баъзан ўйинга спорт кўринишини бериш учун команда сардорлари, ҳакам ва унинг ёрдамчиларини сайлаш мумкин.

Мазмунли ўйинларни тушунтириш. Тарбиячининг вазифаси болалар кўзи ўнгидаги ўйин вазиятининг кўргазмали манзарасини гавдалантиришдан, ўйин образларини ёрқин тасвирлашдан, болалар тасаввури ва ҳисларига таъсир этишдан, уларнинг ижодий ташаббусни фаоллаштиришдан иборатдир. Бунинг учун кичик грухларда ўйинчоқ ва хикоядан фойдаланиши мумкин.

Ўйинда ролларни тақсимлаш. Тарбиячи педагогик вазифаларга амал қилиб (янги келган болани рағбатлантириш ёки аксинча, фаол бола мисолида ботир бўлиш қанчалик муҳим эканлигини исботлаш ёки ўзига ишонган бола илтимосини рад этиб, бу ролни қўрқиб турган тортинчоқ болага топшириш) бошловчи тайин этиши ёки болаларни хурсанд қилган ҳолда ўйинга ўзи киришиб ўз зиммасига бошловчи ёки оддий иштирокчи ролини олади.

Шунингдек, бошловчи сайлашни болаларни ўзига хавола этиши ва улардан бу ролни мазкур болага нима учун топширганларини тушунтириб беришларини сўраши мумкин.

Ўйинни якунлаш. Ҳаракатли ўйин жисмоний юкламани камайтирадиган ҳолга келтирадиган умумий юриш билан тугалланади. Юришни аҳамиятига кўра бир хил бўлган кам ҳаракатли ўйин билан алмаштириш ҳам мумкин.

Ўйин тугаган заҳоти уни якунини чиқариш керак эмас, боланинг тез ҳаракатдан дам олишга аста-секин ўтмаслиги юрак фаолиятини ва бутун организмига ноxуш таъсир этади. Тарбиячи ўйинни баҳолашида унинг ижобий томонларини таъкидлайди, ўз ролларини муваффақиятли бажарган, жасурлик, чидамлилик, ўзаро ўртоқлик ёрдами кўрсатган болалар номини

айтади ва қоидаларнинг бўзилиши ҳамда болаларнинг шу билан боғлиқ ҳаракатини кўйин иб кўрсатиб ўтади.

Катта гурух болаларида мустақиллик, ташкилотчилик малакасини тарбиялаш мақсадида тарбиячи уларга кичик гурух болалари билан ўйин ташкил этишини таклиф этади. Ўйин кичик гурух тарбиячиси кўзатуви остида ўтказилади.

### **Назорат саволлари**

1. Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбияси самарадорлигини ошириш учун ўйинлар қандай аҳамиятга эга?
2. Ўйинлардан фойдаланиш усублияти барча гуруҳларда қандай амалга оширилади?
3. Ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган жисмоний сифатлар ва психик жараёнлар ривожига биргаликда педагогик таъсир кўрсатиш услбияти неча ёшли болалар жисмоний тайёргарлигининг табиий динамикасига хос ёш хусусиятларига жиддий таъсир кўрсатади.

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР  
МАЗМУНИ**

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот: “Атроф-олам билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологияси” (2 соат).**

**Мақсад:** Мактабгача таълим муассасаларида атроф-олам билан таништириш машғулотларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни атроф-олам билан таништириш орқали меҳнатсеварлик, мустақиллик кўникмаларини шакллантиришда турли шакл, усул ва воситалардан фойдаланиш.

Мактабгача таълим муассасаларида атроф-олам билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришда турли шакл, усул ва воситалар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқdir. Масалан, кўргазмали метод орқали расмлар, касблар билан таништирилади. Оғзаки методларга тарбиячининг болалар билан ва болаларнинг ўзаро сухбатлари киради. Амалий методда болалар ўзлаштирилган билимларини турли ўйинлар орқали мустаҳкамлайдилар. Бу усуллар орқали машғулотларни ранг-баранг ҳамда қизиқарли ташкил этилади. Шунингдек, меҳнат билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ўзлуксиз, изчил, мақсадга мувофиқ ташкил этилиши ҳам тарбияланувчиларнинг машғулотлар жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида атроф-олам билан таништириш машғулотларида болалар билим ва кўникмаларини шакллантириш қуйидаги шартларга кўра амалга оширилади:

---

- машғулотларни ташкил этишда мақсадни аниқ белгилаш (аниқ мақсад асосида машғулотларнинг ташкил этилиши ўз навбатида вазифаларнинг тўғри белгиланиши, машғулот жараёнининг умумий ҳолатини олдиндан башоратлай олиш натижаларнинг тахминий бўлса-да, белгилаб олиниши учун шароит яратади);

---

- машғулотларни пухта режа ёки лойиҳа асосида ташкил этиш (ушбу ҳолат аниқ мақсад негизида хусусий мақсадларни аниқлаш, машғулот жараёнининг умумий даври ҳамда босқичларида амалга оширилиши талаб этилувчи вазифаларнинг мавжуд вазиятга мувофиқлигини назорат қилиб бориш, машғулот жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чоратадбирларини қўриш, ҳар бир босқичнинг ягона тизим мазмунига мувофиқ келишига эришиш борасида имконият яратади);

- машғулотлар режасини ишлаб чиқишида тарбияланувчиларнинг хоҳишистаклари, қизиқишилари ва эҳтиёжларини инобатга олиш (назарда тутилаётган ҳолат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини машғулотларга жалб этиш, уларнинг машғулотлар жараёнида фаоллик кўрсатишиларига эришишни кафолатлади);

- машғулотлар жараёнида ҳар бир тарбияланувчига нисбатан уларнинг психологияк ҳамда физиологик хусусиятларини эътиборга олиш асосида индивидуал ёндашиш (қайд этилган ҳолат тарбияланувчиларнинг машғулотлар жараёнида руҳан ва жисмонан толиқиб қолишиларининг олдини олади, ҳар бир тарбияланувчига унинг ички имкониятларига мос келувчи топшириқларнинг берилишини таъминлади);

- машғулот жараёнида ушбу жараённинг асосий субъектлари бўлган тарбияланувчилар шахсининг ҳурмат қилиниши, ҳар қандай кўринишдаги фаолликларини рағбатлантирилиб борилишига эришиш (мазкур ўринда рағбатлантириш усуллари сифатида маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зоро, мактабгача тарбия ёши болаларининг психологик хусусиятига кўра улар ўзларининг энг оддий хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам атрофдагилар эътибор беришларини, қўллаб-қувватлашларини истайдилар. Атрофдагилар томонидан болаларнинг жуда оддий даражада бўлсада, динамик хусусиятга эга хатти- ҳаракатларининг «Жуда соз», «Баракалла», «Буни уддалай оласан деб кутгандим, янглишмаган эканман», «Берилган топшириқни сифатли қилиб бажаришингга ишонаман», «Жуда сифатли

бажарилибди» каби олқишлиар ёрдамида рағбатлантирилиб бориши уларнинг машғулотларга бўлган ёндашувларини кескин даражада ижобий аҳамият касб этишига олиб келади. Болада тарбиячи томонидан берилаётган топшириқни ўз вақтида, сифатли бажарилишига нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтиради, шунингдек, талаб этилаётган қоидаларга қатъий амал қилиш кўникмалари шаклланади).

- машғулотлар жараёнининг оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришига эришиш самарали натижаларга эришиш имконини беради. Атроф-олам билан таништириш мазмуни билан боғлик бўлган билимлар атроф-оламда болалар фаолиятини ва уларнинг ўзини тута билишини, интизомини бошқариб туради ва мақсад сари йўналтиради. Атроф-оламга бўлган муносабатни шакллантиришда болалар идрокига етарли даражада етиб борувчи атроф-олам қонунлари бўйича билим алоҳида ўрин эгаллади. Атроф-оламга нисбатан бўлган муносабатни ривожлантириш (машғулот, экскурсия, сайр қилиш каби ҳаётий вазият) боланинг маънавий-ижобий, руҳий кечинмаларига асосланган педагогик жараённи ташкил қилиш билан яқиндан боғлиқ. Болаларга атроф-олам билан мулоқотда бўлганда ўзи, тенгдошлари ва катталар қилган ишларни баҳолашни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда болалар билан ўтказиладиган машғулотларда атроф-олам билан инсоннинг бир бутун эканлигини олдинга сурувчи ғоя тўлиқ ҳолда очиб берилиши керак. Инсон жонзот сифатида яшаётган муҳит билан чамбарчас боғлик ҳолда, атроф-олам ва инсоннинг ўзаро ҳаракатлари инсоннинг атроф-муҳитга ва атроф-оламнинг инсонга таъсирида намоён бўлади.

---

## **Амалий топшириқлар**

Тингловчилар 4 та гурухга бўлинадилар. Гурухларга ном берилади: “Ватан”, “Рамзлар”, “Дўстлик”, “Тинчлик”.

1.“Ватан” гурухи “Атроф-олам билан таништириш” мавзусини, “Рамзлар” гурухи “Рамзлар” ҳақидаги мавзуни, “Дўстлик” гурухи “Буюк сиймолар”

мавзусини, “Тинчлик” гурухи “Биродарлик” мавзуларида амалий топшириқни бажарадилар. Ҳар қайси гурух ўз ишини тақдимотини ўтказади.

2. Ўқув хонасининг 4 та жойига “Кичик” гурух, “Ўрта” гурух, “Катта” гурух, “Мактабга тайёрлов” гурухи деб ёзилган карточкалар илиб қўйилади. Қутичада 4 та гурухга тегишли мавзулар ёзилган карточкалар аралашган ҳолда қўйилади. Тингловчилар мавзуларга доир карточкаларни танлайдилар ва тегишли гурух остига жойлаштирадилар. Бажарилган топшириқлар таҳлил қилинади.

3. Тингловчилар дарсда ўрганган 4 та фикрни карточкага ёзадилар ҳамда ўқиб берадилар.

### **Мужассам машғулот намунаси**

(катта гурух тарбияланувчилари учун)

#### **“Она Ватан” ҳақида сұхбат.**

##### Машғулотнинг мақсади:

Болаларда ўз она Ватанига меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Ўзбекистоннинг мустақиллиги, рамзлари, пахтаси, ипаги ҳақида олган билимларини кенгайтириш; пахтакорларнинг машаққатли меҳнати ҳақида тушунча бериш. Нақш элементларини бадиий дид билан чизишга ўргатиш.

##### Машғулотга тайёргарлик:

1. Пўлат Мўминнинг «Мустақиллик», «Ўзбекистон», «Пахта» шеърларини қайтариш.

2. Ўзбекистон ҳақида мақол ва қўшиқлар айтиш.

Машғулот учун керак бўладиган жиҳозлар: болалар сонига етарли қоғозлар, мўйқалам, сув, салфетка, елим, қайчилар тайёрлаш.

##### Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи машғулотни мақол айтиш билан бошлайди: “Булбул чаманин севар, Одам – Ватани”, “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”.

Тарбиячи: мен ҳозир сизларга Ўзбекистон Республикаси ҳақида сўзлаб бераман (болаларга Ўзбекистон ва унинг пойтахти “Тошкент” шахри ҳақида сўзлаб беради).

Сўнгра болаларда Ўзбекистон, мустақиллик ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш учун қўйидаги саволларни беради:

1. Биз ҳар йили қандай байрамларни нишонлаймиз?
2. “Мустақиллик” байрами ҳақида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистон пойтахти қандай номланади?
4. Ўзбекистон байроғи қандай ранглардан иборат?
5. Қайси меҳмонхоналарни биласиз?

Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи: Болалар ҳозир ўзингиз истаган расмларни чизасиз, бўяйсиз.

Болаларни машғулот давомида рағбатлантириб борилади.

Тарбиячи Э.Воҳидовнинг «Ўлка» номли шеърини ўқиб беради.

Боғларингни сайд этганимда,  
Сен бор эдинг қалбда, Ватаним.  
Боғ ҳуснига шеър битганимда,  
Уни дастлаб сенга атадим.

Минглаб тилда мадҳингни сўзлар  
Бунда ўсган ҳар битта дараҳт.  
Нур эмади миллионлаб кўзлар,  
Кўқдан сенинг ҳуснингга қараб.

Жилмаяди ўзида йўқ шод,  
Янги ой ҳам кетмай қошингдан.  
Этак-этак олиб коинот  
Юлдузларин сочар бошингдан.

Тарбиячи ифодали ўқиб берилган шеърнинг мазмунини болаларга тунтиради.

Тарбиячи: мана бу сизлар чизган расмлар. Расмлар жуда чиройли ва турли тумандир. Раҳмат, болажонларим энди “Мустақиллик” ҳақида қўшиқ эшитамиз.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Атроф-олам билан таништириш машғулотларида болаларнинг қандай билим ва кўникмалари шакллантирилади?
2. Болаларни атроф-олам билан таништиришнинг қандай шаклларини биласиз?
3. Атроф-олам билан таништириш машғулотлари тузилмаси ҳақида маълумот беринг.

**2-амалий машғулот: “Табиат билан таништириш машғулотларини ўтказиш методикаси” (2 соат).**

**Ишнинг мақсади:** Тингловчиларга табиат билан таништириш методлари, унинг турлари ҳақида тушунча бериш, уларнинг табиат билан таништириш машғулотларида ўз ўрнида интерфаол методларни қўллаш ва амалиётга жорий этиш кўникма ва малакаларини ошириш.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар машғулотни бугунги кун талаби даражасида ўтказишни, табиат машғулотларида ўз ўрнида интерфаол методларни қўллашни ўрганиб оладилар ва амалиётга жорий қиладилар.

**Жиҳоз:** Картон, рангли қоғоз, плакат, елим, скотч, тарқатма материаллар.

**Дарсда қўлланиладиган методлар:** “Кичик маъруза”, “Кластер” методи.

**Дарснинг бориши:**

«Кластер» методи.

Вазифа. Табиат билан таништириш машғулотларида қайси методлардан фойдаланасиз?

Тингловчилар жавоби доскада ёзиб борилади.

Гурӯхларда ишлаш.

Жонли ва жонсиз табиат тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

**1-гурух. Жонсиз табиат.** Болаларда жонсиз табиат ҳодисалари ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш.

Ҳаво, магнитнинг хусусиятлари билан таништириш. Болалар учун тушунарли воситалар ёрдамида ҳаво ҳамма жойда: сувда, ғиштда, ерда ва шу кабиларда мавжудлигини тажрибалар орқали кўрсатиш. Ҳавонинг қайишқоқ бўлиши, маълум ҳажмни эгаллаши (совун кўпикларини пуллаш, шарларни пуллаш) мумкинлигини кўрсатиш. Ҳаво ҳаракатланади (шамол) ва у ҳаракат қилиб, предметларни жойдан-жойга кўчириши ва шунингдек, ҳаракатга қаршилик кўрсатиши мумкин (парашют).

Болаларни магнитнинг хусусиятлари билан таништириш. Магнит ўзига металл буюмларни тортиши, магнитнинг хусусиятлари тўсиқлар орқали ҳам намоён бўлиши(магнитга предметлар сув, қофоз, пластмасса, ёғоч, картон орқали ҳам тортилиши).



Магнит ўзига тортиши ва ўзидан итариши билан таништириш.



## 2- гурух.

### Ўсимликлар дунёси.

Болаларни янги хона ўсимликлари билан таништириш. Уларнинг

хусусиятлари: шакли, ҳажми, пояси, барглар, гулининг рангини ажратиш ва характерлашга ўргатиш. Ўсимликларнинг ёруғлик, иссиқлик, нам, озиқлантирувчи тупроққа эҳтиёжлари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш. Болаларни ёруғликни севувчи ва салқинга чидамли, сувни севувчи ва сувсизликка бардош берувчи ўсимликларнинг ташқи тузилишига қараб фарқлашга ўргатиш.

Сабзавотларнинг (8-9 хили), мева (5 хили)ларнинг ва цитрус ўсимликтарнинг (3-4 хили)ларнинг шакли, ранги, ҳажми, таъми, озиқ-овқат сифатида қўлланилиши,

белгиларга қараб қиёслаш ва характерлай олиш кўникмасини шакллантириш,



умумлаштирилган (сабзавотлар, мевалар, гуллар) сўзларни қўллашга ўргатиш.

Болаларда табиатдаги гўзалликдан завқ олишни тарбиялашни давом эттириш. Улар онгига табиатга зарар етказмаслик, экологияни заарламаслик (теварак-атрофни ифлос қилмаслик, ўт-ўланларни босмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, ҳайвон ва қушларга озор бермаслик, уяларини бўзмаслик, гулларни юлмаслик, бунинг оқибатида гуллар, капалаклар йўқ бўлиб кетиши, чумолиларнинг инини бўзмаслик ва х.к.)ни болалар онгига сингдириш.

Болаларнинг ҳовлидаги барча ўсимликлар ва хонаки(қиша вақтинча ўтказилган)

ўсимликларнинг ёруғликка, иссиқликка, сувга, (озуқа) тупроқка бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш. Ўсимликларнинг ўсиш ва ўスマслиги шарт-шароитларининг мавжудлиги ва уларнинг турлича талабларга боғлиқлигини белгилашга ўргатиш.

Ўсимликларнинг ўсиши учун ҳаво, сув, куёш, озуқали тупроқ зарурлигини амалий ишлар орқали таништириш.

Болаларнинг ўсимликларни турли йўл билан кўпайтириш ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Ўсимликлар қаламчасидан, пиёзидан, бутасини ажратиб экишдан униши мумкинлигини хонаки ўсимликлар мисолида кўрсатиш. Ўсимликнинг ўсиши учун ёруғлик, сув, иссиқлик, озуқали тупроқ зарур эканлиги тўғрисидаги билимларини тажриба, амалий машғулотлар орқали такомиллаштириш. Баҳор гуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, болаларни уларнинг ранги, шакли, гуллари, япроқларининг ҳажми, белгиларига қараб қиёслаш асосида характерлашга ўргатиш.



Эрта гуллайдиган бутасимон



ўсимликлар ва дарахтлар билан таништиришни давом эттириш. Баъзи дарахтлар (ўрик, бодом) аввал гуллаб, сўнг барг чиқариши, баъзилари эса барг чиқариб(олма, беҳи) сўнг гуллашини тушунтириш.

Болалар билан биргаликда мактабгача таълим муассасаси

ховлисида дарахт ва гул кўчатларини экиш, тагини юмшатиш ва суғоришга ўргатиш. Қуриган шох-шаббаларни қирқищ, қўмилган гул, ток ва анор кўчатларини очиш ва уларни парвариш қилиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Боғ, полиз ва гулхонада сабзавот ва гул экинлари етиштириш ҳақидаги болалар тасаввурларини бойитиш. Ўсимликларнинг айрим турлари мисолида болалар уларнинг уруғдан кўкариб, то уруғ бергунигача бўлган ўсиш ва ривожланиш даврининг изчиллигини, униб чиқиши учун зарур бўлган шартшароитларни, уларни парваришлаш усулларини болалар онгига сингдириш, амалда кузатиш ишларини олиб бориш.

Ёввойи ўсимликлар уругини тўкиб кўпайиши ва маданий ўсимликларни инсон томонидан етиштирилиши, маданий ва ёввойи ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, барча ўсимликларни эҳтиёт қилиш ва уларни қўриқлаш



асосида маданий ва ёввойи ўсимликлар ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш. Ўсимликлар қандай белгилари асосида (хонаки, дала, полиз экинлари) маданий ўсимликлар

(ўрмон, ўтлоқ экинларини), ёввойи ўсимликларга бўлиниши тўғрисидаги тушунчаларини шакллантириш, гуруҳдаги гуллар номини билиш.

**3-гурух. Ҳайвонот дунёси.** Болаларни ўзларига таниш бўлган ёввойи (қуёнлар, тулкилар ва ҳоказо) ва табиат бурчагида яшовчи ҳайвонларнинг мослашувчанлик хусусиятлари билан таништириш. Ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган муҳитга танасининг тўзилиши ва хатти-харакат билан мосланишига доир белгиларини ажрата билишга ўргатиш. Ўзун бақувват оёклари тез югуриш имконини беради (бўри), агар ҳайвоннинг орқа оёклари ўзунроқ бўлса, унда ҳайвон катта-катта сакраб юради (қуён), ўткир қайрилган тирноқлари дараҳтларга тирмасиб чиқишига ёрдам беради (олмахон), тўмтоқ бақувват, олдинги оёклари ён томонга чиқсан, тирноқлари ерни қазишга мослашган (тошбақа, кўрсичқон).



Ҳайвонларнинг тана қоплами, игнали (типратикан), қаттиқ қопламли (тошбақа) бўлиб, булар душмандан ўзини ҳимоя қилишда ёрдам бериши ҳимоя ва мослашув хусусиятига эга эканлиги хақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Ўсимлик (сув қуйиш, тагини юмшатиш) ва ҳайвонлар (овқатлантириш, катталар ёрдамида аквариум ёки қафасни тозалаш)ни парваришлашни билиш.



Кўзфаслининг ўзига хос хусусиятлари: кунлар совий бошлаб, кундўзи қисқаради. Япроқлар тўкилади, ўтлар сўлийди, ўсимликлар ўсишдан тўхтайди, чунки улар учун зарур бўлган ёруглик ва иссиқликнинг миқдори камаяди. Совуқ тушиши билан ҳашаротлар яширинади, қушларнинг кўпчилиги иссиқ ўлкаларга учиб кетади, ҳайвонлар қишига тайёргарлик кўрадилар: туллайди (барча ҳайвонлар), овқат тўплайди

(олмахон), овқат еб семириб кетадилар ва уйку учун жой излайдилар (типратикан, айик).

Болалар учун янги, Ўзбекистон шароити учун хос бўлмаган уй ҳайвонлари-шимол буғуси билан таништириш. Уларнинг яшаш жойи, ташқи қиёфаси, феъл-автори, инсон томонидан боқилиши ва улар етказадиган фойдалар ҳақида тасаввурни шакллантириш. Ҳайвонларнинг тана тўзилиши ва феъл-автори, табиий шароитларга мослашуви юнгининг қалинлиги, унинг қор остидаги моҳ (шимолда ўсадиган ўсимлик)ни ковлаб олиш қўникмаси, буғунинг кенг қўшалоқ туёклари билан лой, тупроқли ер ва ҳатто қия ерларда ҳам юра олиши, ўзининг белгилари билан уй ҳайвонлари тоифасига кириши ҳақида сўзлаб бериш.

Табиат бурчагида яшовчи қушлар ҳақида, уларнинг яшаш шароити, озиқланиши, кўпайиши тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш. Қушларнинг учишга мослашганлиги ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш (кенг йиғма қанотлари, думи, енгил патлари ҳавога таяниш ва учиш имконини беради).



Киш фаслининг ўзига хос табиати ҳақида тушунча бериш(кунлар қисқа, совук, аёзли бўлиши, ариқ ва кўлмакларнинг мўзлаши, қорнинг паға-паға ёғиши ва бошқ.) ер юзи ва дараҳтлар усти оппоқ қор билан қопланганда табиат қанчалик жозибали кўринишига болалар эътиборини қаратиш, уларнинг эстетик туйғуларини шакллантириш.

Дараҳт ва буталар баргиз, ҳаракатсиз ҳолатда. Ҳашаротлар ҳам, улар билан озиқланувчи қушлар ҳам йўқ. Улар иссиқ ўлкаларга учиб кетишган. Кишлаб қолувчи қушлар ўт-ўланларнинг уруғларини ва ўсимликларнинг

меваларини, одам яшаб турған жой олдидағи овқат қолдиқларини ейдилар. Одамлар қушларни бोқиб турадилар.

Ёввойи ҳайвонларнинг баҳор давридаги ҳаёти ва табиатта мосланганлиги билан болаларни таништиришни давом эттириш: улар уйқудан уйғонадилар, дам олиш ҳолатидан чиқадилар, туллайдилар, жой қурадилар.

Ҳайвонларнинг ривожланиши ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Қушлар ин(уя) қуради, тухум қўяди, болалайди, балиқлар уругкўяди ва болалайди.

Болаларни аквариумда бोқиладиган балиқларнинг тана тўзилиши ва ҳаракатлари, буларнинг ҳаммаси ҳаётга мослашиш белгилари эканлиги билан таништириш. Балиқларнинг танаси, шакли, ҳажми, кўзлари ва оғзининг тўзилишини ажрата билишга, уларнинг хатти-ҳаракти, хусусиятлари(яшаш жойи, ҳаракат усули, овқатланиши) билан қиёслашга ўргатиш.

Болаларда баҳор ҳақидаги умумлашган тасаввурни шакллантириш: кунлар иссиқроқ бўлади, қуёш равшанроқ ёритади, қор ва мўзлар эрийди, ўтлар, наврўзгуллар пайдо бўлади, куртаклар тўлишади ва биринчи гуллар, япроқлар пайдо бўлади. Жониворлар уйқудан уйғонади(ҳашаротлар, ҳайвонлар), учеб кетган қушлар қайтиб келиши ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Болаларни ўзларига таниш уй ҳайвонлари, уларнинг ёз фаслидаги ҳаёти ҳақидаги билимларини аниқлаш, улар ҳақида умумлашган тасаввурни мустаҳкамлаш. Қандай белгилар асосида у ёки бу ҳайвон уй ҳайвони гурӯхига кириши ҳақида болалар билимларини аниқлаш. Ҳайвон ва паррандаларнинг инсон учун фойдали томонлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш. Уларни парвариш қилишга ўргатиш.

Болалар билан ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Қушлар, ҳайвонларнинг болалари жуда нозик туғилиши, улар кўп жиҳатдан катта ҳайвонлардан фарқ қилиши ҳақида сұхбатлашиш. Кичик ҳайвон ёки парранда кўпинча юнг ёки пат билан қопланмаган, кўзи юмуқ, мустақил юра олмайдиган ва овқатлана олмайдиган бўлади. Ота-оналари улар ҳақида ғамхўрлик қилишлари, иситишлари,

овқатлантиришлари, душманлардан қўриқлаши, овқат излаб топиш, юриш, учиш, тирмашиб чиқиши ва сакрашга ўргатиши ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва кенгайтириш. Балиқлар балиқчалари ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар. Балиқларнинг балиқчалари мустақил равишида овқат излайдилар, душманлардан яширинадилар.

Ёввойи ва қўлга ўргатилган ҳайвонларни таний олишга болаларни ўргатиши. Қандай белгилари билан улар у ёки бу гурӯхга тааллуқли бўлишини тушунтириш.

Ёз фаслиҳақида умумлашган тасаввурни шакллантириш: илиқ, иссиқ, ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Ҳашаротлар кўп. Ҳайвонлар фаоллашадилар, болалайдилар. Ўсимликлар гуллайди, етилади, ҳосил беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиат билан таништириш машғулотларида қайси методлардан фойдаланаисиз?
2. Табиат бурчагида яшовчи қушлар ҳақида гапириб беринг.
3. Болаларни қайси ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш лозим?

**З-амалий машғулот: Нутқ ўстириш машғулотларини ўтказиш методикаси (2 соат).**

**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш, атрофдагилар билан нутқий муносабатда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат бўлиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларга она-тилини ўргатиши, нутқни ривожлантириши, нутқий муносабатга, муомалага ўргатишиш ишларини таҳлил қилиш, турли ёш гурӯхлари учун нутқ ўстириш машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиши.

Таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш бевосита замонавий педагогик технологияларни амалиётга самарали жорий этиш даражаси билан боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Педагогик технологияни жорий қилишни инновация жараёни деб қараш мумкин. Замонавий ахборот технологиянинг болалар жамоасида муваффақиятли жорий қилиниши ва яхши самара бериши

бир қатор омилларга боғлиқ. Мактабгача таълим муассаларида, ўқув тизимини янгидан ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жалб қилиш, ривожланган давлатлар ўқув системасидаги янгиликлар ва ютуқларни ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимизда тадбиқ этиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда машғулот жараёнларида педагогик технологияларнинг “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Балиқ”, Т” методида бошқа усулларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Боланинг руҳий камолотининг кўп жиҳатлари нутқ билан боғлиқ равища ривожланади. Чунки, бола мuloқотга киришиши, яъни тенгдошлари ва катталар билан бўладиган мuloқотлари жараёнида жуда кўплаб маълумотларга эга бўлади ва ўзининг руҳиятини кейинги ривожланиш босқичига кўтариб боради. Шунинг учун, бола ҳаётининг дастлабки биринчи ойидан тарбия факат уни парвариш қилиш билан чегараланмаслиги керак. Боланинг илк ёш давридан эшитиш қобилиятини тарбиялаш, шунингдек, боланинг эмоционал соҳаси – жилмайиш, кулиш, ва овоз тонини уйғотиш лозим. Буларнинг ҳаммаси биргаликда болалар нутқини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Мактабгача таълим мазмунини ташкил этишда болалар нутқини ривожлантирувчи ноанъанавий усуллардан фойдаланиш; уларда машғулотларга қизиқиши янада орттириш учун ҳар-хил интеграсиялашган хусусиятга эга бўлган кўргазмалардан фойдаланиш; машғулотларни ўтиш жараёнида интерфаол усуллрни қўллаган ҳолда ўтиш; мактабгача ёшдаги болаларга машғулотларни ташкил этишда доимо болаларнинг тафаккур хусусиятини(кўргазмали образли, кўргазмали ҳаракатли, эмоционал) ҳисобга олиш; таълим жараёни бола ёшига мос бўлиши ёки имкониятларини ҳисобга олган ҳолда методларни танлаш билан боғлиқ бўлиши; болаларга ёндашувда логопед, дефектолог, психолог, тарбиячи, ота – оналар ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача таълим ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантириш уларда нутқ жараёнини ривожлантиришга ўзвий боғлиқ бўлиб, тафаккур нутқнинг маҳсули эканлигини ҳисобга олсақ, болаларда нутқни ривожлантиришда тарбиячилар асосан қуидагиларни машғулотларда ҳисобга олишлари зарур:

1. Боланинг ёш давр хусусиятларини;
2. Боланинг индивидуал имкониятларини;
3. Боланинг характер хусусиятларини;
4. Боланинг тарбиясига кучли таъсир этувчи омилларни (катталар, дўстлари, тарбиявий воситалар ва ҳоказо).

Бола тарбияси ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмаган муаммолардандир. Чунки, ҳар томонлама ривожланган ёш авлоддан жамият ҳам манфаатдордир.

Ҳозирги жамият тараққиёти даврида педагогика фани ва амалиёти олдида таълим тизими ва турли таълимий эҳтиёж ва имкониятга эга болалар тарбияси тизими самарадорлигини ошириш йўлларини излаш вазифаси долзарблашди.

Маълумки, нутқ инсон шахси шаклланишида унинг ривожланиш даражасининг асосий шартларидан бири, оламни англаш жараёнидаги энг асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Кейинги ўн йилликларда таълим тизими тўзилмасида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Бунда икки ўзаро боғлиқ жараён яққол кўзга ташланди: фан - техника тараққиёти билан бирга, тил маданияти, нутқимиз ҳам ўзгарди. Ҳаётимизга компьютер, мобил телефони, телевизор ва бошқа майший техника, интернет каби тушунча ва сўзлар кириб келди. Қундалик мулоқотимиз ҳам шаклан ҳам мазмунан ўзгарди. Болалар ҳовли ва болалар майдончаларидағи ҳаракатли ўйинлар билан камроқ шуғулланадиган, бунинг ўрнига кўпроқ компьютер олдида ўтирадиган, интернет мулоқотига кўпроқ вақт ажратадиган, юзма-юз сухбатлашишдан кўра, кўпроқ телефон орқали мулоқот қилишни хуш кўриб, компьютерда товуш орқали эмас, балки ҳарф териш орқали мулоқот қилишни афзал кўра бошладилар.

Болаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш жараёнида машғулотларда интерфаол усуллардан фойдаланиш мухим аҳамият касб этади

«Ақлий ҳужум» - муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланадиган анчагина машхур методдир.. У болаларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундейди ва берилган ҳар қандай муаммога кўп сонли ечимлар топишда ёрдам беради (Бу вазиятда мен нима қилишим керак? Бу тўсиқни қандай бартараф қилишимиз керак?). Ақлий ҳужум қадриятларни танлаш ва муқобилларини аниқлашга ёрдам беради.

Ақлий ҳужумни ўтказиш қоидалари, фойдаланиш усуллари қўйидагилардан иборат:

1. Ўйлаш жараёнида ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўйилмайди. Агар ўйлаш жараёнида ғояларни баҳолайдиган бўлсак, қатнашчилар эътиборларини ўз фикр ва ғояларини ҳимоя қилишга қаратиб, уларнинг янгилари ва яхшилари устида бош қотирмай қўядилар. Баҳолаш қоидадан истисно қилиниши керак.

2. Ҳаммани ўта хилма-хил кутилмаган ғоялар доирасида ўйлашга ундаш керак. Ҳақиқатдан ҳам ақлий ҳужумда кутилмаган ғоялар юзага келмас экан, айрим қатнашчилар ўз шахсий фикрларини қайта кўриб чиқишлиари аниқ бўлиб қолади.

3. Ғоялар миқдори рағбатлантирилади. Миқдор деярли доимо ўсиб, сифатга айланади. Тезкор изчилликда катта миқдорда ғоялар пайдо бўлганда, одатда баҳолаш истисно қилинади.

4. Ҳар бир киши ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Олдин таклиф этилган ғояларни бириктириш ёки ўзгартиришга кўпинча сабаб бўлганлардан кўра яхшироқ ғояларни келтириб чиқаради. Самарали «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланиш қўйидагиларни тақозо этади:

«Ақлий ҳужум» методининг моҳияти ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бунда мақсад берилган қисқа вақт ичida маълум муаммонинг ечимини топишга қаратилгандир. Бу психотехник ўйин машғулот жараёнида ижодий ва ноандоза фикрлашни уйготади. Битта ёки бир неча гуруҳ ташкил этилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Ҳар бир илгари сурилган ғояни атрофлича кўриб, кенгайтирилади ва улар орасидан энг тўғри ғояни муаммонинг ечими сифатида қабул қилинади. Муаммони ечиш вақти олдиндан белгилаб олинади ва унга

қатъий амал қилинади. «Ақлий ҳужум» ўйини қийин вазиятлардан қутулиш чорасини тез топишга, муаммони кўра билиш чегараларини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон беради. Бундан ташқари жамоадаги муносабатлар ўзгаради, курашиш кайфиятидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гурӯҳ янада жипслашади.

Ҳар бир машғулот жараёнида “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Балик”, Т” методи ва бошқа усулларидан кенг фойдаланиш албатта ўзининг яхши натижаларини беради.

Компьютер ўйинли-тренажёрлари ёрдамида амалга оширилган машғулолар болалар оғзаки ва ёзма нутқидаги нуқсонларни нафақат бартараф этишда, балки уларнинг баркамол бўлиб ривожланишларида қуидаги муҳим аҳамиятга молик устунликларни тақдим этади: компьютер воситасида ўтказиладиган ҳар бир дарс коррекцион таълимнинг яхлит мажмуасидан иборат бўлсагина яхши самара беради. Компьютер дастурлари асосан кўриб, идрок этиш омилларига боғлиқ. Бундан ташқари, натижаларни кўзатиб бориш имконини ҳам беради. Айрим машқлар сўзларни эшишиб, амалга оширишни талаб этади. Шу тариқа, марказий асаб тизими шартли рефлекторларига таъсир этиб, визуал-кинестетик механизmlарни фаоллаштиришга имкон беради, турли логопедик машқларни бажариш орқали асосий коррекцион ишларни: фонематика, лексика ва товушларни тўғри талаффўз этиш масалалари устида ишлаш мумкин. Мультимедияли тўғри сўзлашни ўрганамиз ўйини орқали суратга қараб, турли қувноқ, енгил ҳикоялар тўзиш ва диққат-эътибор билан тинглаш орқали болаларда товушларни тўғри талаффўз қилишга ўргатиш мумкин.

Тарбиячи ўзининг ишида АҚТдан фойдаланиб, болалар оғзаки ва ёзма нутқидаги камчиликларни бартараф этишда турли ўйинли машғулот усулларидан фойдаланиши мумкин. Бу иш жараёнини автоматлаштириши - болалар нутқидаги турли камчиликларни: товуш ва ҳарфларни ифода этиш жараёнларини, уларда интерфаол таълим ёрдамида фонематик иродани

тұғрилаш ва ривожлантириш, интеллектуал материаллар ёрдамида болалар хотирасини мустаҳкамлаш, билимларни чукұрлаштириш, фикрлаш жараёнларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларни ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ўсишига йўналтирилган, заруратга кўра ва коррекциялайдиган янги машқлар киритилади. Тренажёрда матнни идрок этиш ўқув-малакаларини шакллантиришга йўналтирилган материаллар - «Қайта сўзлаб бериш» машқлари ва боғланган нутқни тўзиш малакасини шакллантириш учун - «Суратга қараб ҳикоя тўзиш» машқини тақдим этиш мумкин. «Қайта сўзлаб бериш» машқида тобора мураккаблашиб борувчи матнлардан фойдаланиш зарур. Қайта сўзлаб бериш учун матнларни танлашда турли савол, топшириқ ва таянч сўзларни тайёрлаш лозим. «Суратга қараб ҳикоя тузиш» машқида турли жанрга оид ҳикоялар тўзиш мумкин бўлган таниқли россомлар суратлари ва манзараларидан фойдаланиш яхши самара беради.

### **Замонавий талаблар асосида машғулот ишланмасини яратиш**

**Машғулот ишланмаси (конспект)нинг таркибий қисмлари  
қуйидагилардан иборат:**

**Ўрта гурӯҳ. Нутқ ўстириш машғулоти.**

**Мавзу: “Ақлли қарға” асарини қайта ҳикоя қилиш.**

**Мақсад:**

**1. Таълимий:** Болаларни асарни мустақил ҳолда қайта ҳикоя қилишга, воқеаларни кетма-кет боғланган ҳолда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тўзиб баён қилишга ўргатиш.

**2. Тарбиявий:** Болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, ватанини, табиатни, ундаги барча жониворларни севишга, уни ардоқлашга ўргатиш.

**3. Ривожлантирувчи:** Болаларга эртакни тинглашни, уларда иштирок этувчи персонажларнинг гапларини ўзига хос хусусиятларини тушуниб, ифодали тарзда ҳикоя қилаётган ўртоқларининг нутқини дикқат билан эшитишни, асар матни нотўғри айтилган жойларни пайкашга ўргатишни давом эттириш. Болаларда ифодали нутқни тарбиялаш. “Q” товушини тўғри талаффуз этиш.

**Кутилаётган натижалар:** болалар қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар, асар матнини нотұғри айтилған жойларини пайқашға ўргана борадилар, грамматик жиҳатдан түғри сўзлашишга интиладилар.

Болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган интерфаол усууллар:

1. “Ақлий ҳужум” методи
2. Ҳикоянинг қисқача баёни
3. Савол- жавоблар ташкил этиш
4. Таълими ўйинлар

**Керакли жиҳозлар:** Асар мазмуни акс эттирилган расмлар.

### **Машғулотнинг бориши.**

**Тарбиячи:** «Ақлий ҳужум» методи асосида машғулотни савол ва жавоблар билан бошлайди. Ўлкамизда кўз бошланди. Сиз гала-гала бўлиб учиб келаётган қушларни кўряпсизми?

**Тарбияланувчилар:** Бу қарғалар.

**Тарбиячи:** Ҳа бу қарғалар. Улар дала ва боғларда яшайдилар.

**Тарбиячи:** Қарғалар фойдали қушми?

**Тарбияланувчилар:** Ҳа қарғалар фойдали қуш.

**Тарбиячи:** Қарғалар қандай қағиллашади? Қарғаларни кўзатганимисиз, улар тумшуғида инларига нималарни ташийдилар?

Бугун мен сизга ақлли қарға ҳақидаги асарни ўқиб бераман. Диққат билан эшитсангиз, нима учун уни ақлли қарға деб номланганини билиб оласиз. Тарбиячи асарни ифодали қилиб ўқиб беради ва асар асосида саволлар беради?

- Асар нима ҳақида экан? (қарға).
- Қарға сувсираб учиб юрганда нимага кўзи тушди? (кўзачадаги сувга).
- Сувни ича олдими?
- Нима қилди?

Савол-жавоблардан сўнг тарбиячи асарни яна бир бор айтиб беради ва болаларга асарни такрорлашларини сўрайди. Болаларнинг ҳикояларини

баҳолашда асар мазмунини гапиришига шошилмай бир текисда равон баён эта билишларига эътибор беради.

### **Тетиклаштирувчи машқ:“Қарғалар” ўйини.**

Тарбиячи болаларни уч гурухга бўлади. Биринчи гурух арчалар. Иккинчи гурух қарғалар, учинчи гурух итлар бўлишади. Биринчи гурух арчалар арчаларни тасвирлаб қўлларини пастга туширган ҳолда доира бўлиб турадилар ва “Яшил арча тагида қарғалар қағиллашмоқда” дейдилар. Иккинчи гурух қарғалар доира ичига сакраб-сакраб киришади ва “Қар-қар-қар...” деб қағиллашади. Тарбиячи: мана итлар югуришди ва қарғалар учиб кетишди”-деб айтиши билан учинчи гурух итлар доирага “RRRR”деб ириллаб югуриб келишади ва қарғаларнинг кетидан қувишади. Ушланган қарғалар итлар бўлишади. Ўйин то иккита - учта чаққон қарға қолгунча давом этади.

### **Болаларни савод ўрганишга тайёрлаш бўйича амалий машқ.**

Тарбиячи болаларга қуйидаги тез айтиш айттиради.

Саъва сахар сайрайди,

Салқин боғда яйрайди.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Эртак нима ҳақида экан? (қарға).
2. Қарға сувсираб учиб юрганда нимага кўзи тушди? (кўзачадаги сувга).
3. Сувни ича олдими?
4. Нима қилди?
5. Қарғалар қандай қағиллашади?

### **Назорат саволлари**

1. Болаларнинг нутқини шакллантиришда тарбиячининг ўрни ҳақида сўзлаб беринг.

2. Болаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш жараёнида интерфаол усууллардан фойдаланиш ва уларнинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.

3. Машғулот тушунчаси ва унинг турлари?
4. Машғулот шакллари ва воситалари?
5. Машғулот ишланмаси ва унинг таркибий қисмлари?

6. Нутқ ўстириш услубиётининг еттита вазифаси ҳақида маълумот беринг.
7. Ҳар бир вазифани бирма-бир таҳлил қилиб беринг.
8. Саводга ўргатиш қайси гурухларда олиб борилиши ҳақида маълумот беринг, қандай ишлар бажарилишини изоҳланг.

**4-амалий машғулот: Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини ўтказиш технологияси (2 соат).**

**Ишнинг мақсади:** «Мактабгача таълимда элементар математик тасаввурларни шакллантириш методикаси» фанининг мақсади тингловчиларга мактабгача таълим муассасаларида математика машғулотларини ташкил этиш, унда тарбияланувчиларга миқдор, сон-саноқ, катталик, геометрик шакл, теварак-атрофда мўлжал олиш ва вақтни чамалаш каби тушунчаларни ўргатишга оид ишларни режалаштириш ва ўтказиш усуллари ҳақида тушунча бериш, болаларнинг ақлий фаоллигини ривожлантиришда турли мантиқий ўйинлардан фойдаланиш, мустақиллик, ақлий малака ва кўникмаларни эгаллаб олишлари ва мактабда муваффақиятли ўқишлири учун замин яратиш.




«Сон-саноқ» бўлими «Элементар математик тасаввурларни шакллантириш» бўлимининг асосий ўзагидир Мактабгача ёшдаги болаларнинг мазкур бўлим дастурий масалаларини ўзлаштиришлари мактабнинг бошланғич синфларида уларнинг математиқани онгли ўзлаштиришларининг гаровидир.

**Сон-саноқ.** Мактабгача ёшидаги болаларни ўқитиш ўзига хос хусусиятга эга. Мактабгача ёшида ечилиши керак бўлган вазифалар ҳал қилинмаса, мактабда ўқитиш муваффақиятли бўлмайди. Бу вазифалардан бири аниқ билимлар ва тафаккур усулларидан абстракт билим ва усулларга ўтишдан иборат. Бу хил ўтиш савияси, айниқса, математика ўқитиш учун зарурдир. Бундай савиянинг бўлмаслиги ёки етарли бўлмаслиги икки томонлама қийинчиликка олиб келади. Бир томондан, мактабгача ёшидаги болалар кўпинча мактабга мавҳум математик усулларни эгаллаган ҳолда келадилар,

буларни бартараф қилиш жуда қийин бўлади. Иккинчи томондан, болалар мактабда абстракт билимларки эгаллар эканлар, кўпинча уларни формал, асл мазмунини тушуниб етмаган ҳолда ўзлаштирадилар. Шунинг учун ҳам аниқ шарт-шароитларда математик билимларни қўлланиш имконияти жуда чекланган бўлади. Шу сабабли мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитишнинг муҳим вазифаси математик абстрактлашлар билан аниқ борлиқ орасидаги боғлиқликни таъминлайдиган билим ва ҳаракатларнинг оралиқ савиясини шакллантиришдан иборат бўлиши керак.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача ёшдаги болаларга математика ўқитишда ўтиш савияси мазмуни қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, шундай фаолият ва масалаларни ўзлаштириш керакки, уларда математик операцияларни қўллашнинг зарурлиги болаларга яққол кўриниб туради. Бу, бир томондан, боланинг амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ (тengлаштириш, таққослашга оид) масалалар, иккинчи томондан, уларга шундай шартлар киритиладики, бунда мазкур масалаларни математик воситалардан фойдаланмай туриб (масалан, фазода ажратиб қўйилган икки тўпламни амалда tengлаштириш) амалга ошириш мумкин бўлмайди.



Иккинчидан, муҳитнинг шундай муносабатларини ажратиш кирадики, бу муносабатларни қўлланиш болага конкрет буюмлардан математик обьектларга ўтиш (масалан, буюмларни маълум белгилари бўйича гурухга киритиш ва шу асосда тўплам муносабатларини, tengлик-тengсизлик муносабатларини, қисм-бутун муносабатларини ҳосил қилиш) имконини беради.

Текшириш натижалари шуни күрсатадики, математик операциялар мактабгача ёшда ўзлаштирилган шундай масалалар ва муносабатлар асосида киритилса ва қайта ишланса, математиқани эгаллаш самаралироқ. бўлади. Ё ҳаддан ташқари аниқлик ёки математик билимларнинг формаллиги туфайли пайдо бўладиган қийинчиликлар мазкур ҳолда пайдо бўлмайди.

Мактабгача ёшидаги болаларни ўқитишида математик билимлар таркибини текшириш тенглик-тенгсизлик, қисм-бутун муносабатлари, билвосита тенглаштириш саноқ ва арифметик амалларни тўлиқ ва онгли ўзлаштириш учун асос бўладиган содда масалалар ва муносабатларнинг ўзидан иборат эқанини кўрсатди. Бу муносабат ва масалаларни (уларнинг энг содда шакл-ларини) болалар З ёшдан бошлаб тушуна бошлайдилар. Улар бундай машғулотларга катта қизиқиши билан ёндашадилар, худди шу ернинг ўзида ўзлаштирганлари (тенглик, қисм-бутун ва х. к. муносабатлари)ни ўйинларга кўчирадилар, турмушда амалий ишлар қилишда фойдаланадилар, бир-бирларига (катта ва тайёрлов гуруҳи болалари) шунга ўхшаш масалаларни таклиф қиласидилар.

«Илк қадам» ўкув дастури беш бўлимдан иборат: «Миқдор ва саноқ», «Катталик», «Геометрик шакллар», «Фазода мўлжал олиш», «Вақтга нисбатан мўлжал олиш».

Энди ҳар хил гурухларда «Сон-саноқ» бўлими устида ишлаш услубияти хақида фикр юритамиз.

### **Кичик гурухда болаларни сон-саноқ билан таништириш.**

**Сон-саноқ.** Болаларга алоҳида предметлардан гуруҳ ҳосил қилишни (барча қизил, барча сарик, барча юмалоқ ва бошқа предметларни гуруҳлаш), гурухдан бир предметни ажратишни, “кўп”, “битта” ни фарқлашни, хонада қайси предметлар кўп, қайси битталигини, “биттадан”, “битта ҳам” ибораларини тушунишни ўргатиш.

Тўплам таркибига киравчи предметларнинг миқдорига кўра гурухларнинг тенглиги ва тенг эмаслигини фарқлаш, бир предметни иккинчисининг устига ёки остига қўйиб таққослашни ўргатиш.

"Кўп", "кам", "тeng", "шунча" каби сўзларни тушуниш ва нутқда ўз ўрнида қўллашни, "қанча?" сўроғининг маъносини тушунишни ўргатиш.

Теварак - атрофдан битта ва кўп предметларни топишга ўргатиш.

2 гача санашга 2 та нарсаларнинг сонини айтишга ўргатиш. Масалан, "Бир, икки-иккита ёнғоқ", "Бир, икки-иккита олма. Икки дўстга иккита олма керак".

Мактабгача ёшдаги кичик гурух болаларини саноққа ўргатишдаги бош вазифалардан бири бир тўплам элементларини иккинчи тўплам элементлари билан таққослаш, солишириш йўли орқали болаларни тўпламларни таққослашга ўргатишдан иборат. Бу дастлабки босқич келгусида саноқ фаолиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бола миқдорий таққослаш усулларини эгаллайди. Бола санашни билмайди, шу сабабли у олдин таққосланаётган тўпламларнинг қайсииси кўп, қайсииси кам эқанини, ёки улар teng қувватли эқанини аниқлашни ўрганади. Болаларда келгусида математик тасаввурларни ривожлантириш кўп жиҳатдан саноққа ўргатишнинг бошланғич даврига боғлик.

Кичик гуруҳда тарбиячи болаларда тўплам алоҳида бир жинсли элементлар (буюмлар) мажмуи ҳақидаги тасаввурни ривожлантириши керак.

Ўқитишини буюмларнинг сифат, хоссаларини ажратишга оид машқлардан бошлаш керак. Масалан, бир қанча ўйинчоқлар ичидан худди тарбиячи қўлидагидек ўйинчоқни топиш таклиф қилинади, «Худди шундай кубчани (байроқчани, шарни) бер». Шундан кейин ҳар хил рангли (ўлчамли, шаклдаги) 2-3 та буюм орасидан худди шу рангдаги (ўлчамли, шаклдаги) буюмни тан-лаш топширифи берилади.

Навбатдаги босқич берилган белги-аломатлари бўйича буюмларни танлаш ва гуруҳларга ажратишга оид машқлардан иборат бўлиши керак. Масалан: «Қизил рангли ҳамма кубчаларни мана бу қутига сол, бу қутига эса ҳамма кичик матрёшкаларни йиғ, мана бунисига эса ҳамма катта матрёшкаларни йиғ». Бундай машқлар натижасида болалар ҳар хил буюмларнинг умумий белгилари

бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин эқанини тушуна бошлайдилар: «Булар қўғирчоқлар», «Булар қоптоқлар», «Булар байроқчалар» каби.

Тарбиячи болаларни гуруҳдаги буюмларнинг бирор қисми учунгина умумий бўлган белгиларни кўра олиш-га ўргатади. Масалан, байроқчалар қўплигини, аммо уларнинг баъзилари сариқ, баъзилари эса кўк эқанини кўрсатади. (Сариқ байроқчалар кўп, кўк байроқчалар ҳам кўп).)

Миқдор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда бир жинсли (бир хил) буюмлардан гуруҳлар тўзиш ва гуруҳни алоҳида буюмларга ажратишга доир ҳар хил ўйин-машқлар маълум ўринни олиши керак. Одатда бу ўйин-машқлар машғулотда маълум изчилда ўтказилади.

Биринчи машғулотда бир хил ўлчам ва рангли мутлақ айнан ўйинчоқларнинг - сабзилар, арчалар, жўжаларнинг мажмуилари тўзилади, бунда гуруҳда болалар қанча бўлса, ўйинчоқлар ҳам шунча бўлиши керак. Тарбиячи дастлаб болаларга биттадан ўйинчоқ улашади, ўз ҳаракатларини ушбу сўзлар билан тушунтиради: «Менда арчалар жуда кўп. Мен болаларнинг ҳаммасига биттадан арча бериб чиқаман. Менда битта ҳам арча қолмайди...» Шундан кейин болаларга мурожаат қиласи: «Ҳар бирингизда нечтадан арча бор?» Шундан кейин тарбиячи ҳамма ўйинчоқни йиғиб олади, бунда у битта ҳам йўқ (болада) жуда кўп (тарбиячида) сўзларига уруғ беради.


Машқни бошқа ўйинчоқлар билан яна бир марта такрорлаш мумкин. Ҳар гал тарбиячи кўп, битта, биттадан, битта ҳам йўқ, ҳеч нарса йўқ сўзларини ишлатади; «Қанча?», «Қанчадан?» - саволларини қўяди. Кичкинтоллар буюмларни ва улар қанчаданлигини (кўп, битта) айтадилар. Машғулотнинг боришида болалар тўплам алоҳида буюмларга ажралишига ва алоҳида буюмлардан тўзилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласи.

### **Ўрта гурухда болаларни геометрик шакллар билан таништириш**

Ўқув йилининг дастлабки ойларида мактабгача ёшидаги болаларнинг ўзларига таниш геометрик шакллар - доира ва квадратларни фарқ қилиш ҳамда тўғри айтиш малакаларини мустаҳкамлаш керак. Бу ишни гуруҳларнинг миқдорийтаққослаш ва саноққа ўргатиш машқлари билан бир вақтда

үтказиш мақсадга мувофиқ. Болаларга «Билгин-чи, бунда нечта квад-рат бор», «Нима кўп, доираларми ёки квадратларми?» каби топшириклар ва саволлар берилади.

Ўрта гурух дастурида болаларни учбурчак билан таништириш назарда тутилган. Болаларни бу шаклнитаниш ва айтишга, доира ва квадратларни фарқ қилишга ўргатиш керак. Бу ишларни амалга ошириш



усуллари кичик гурухда фойдаланилган усулларга ўхшайди, булар: шаклни пайқаш- ҳаракатни текшириш, у билан ҳар хил амалий ишларни ташкил қилиш.

Учбурчак билан таништириш уни доира ва квадрат билан таққослаш асосида ўтказилади. Дастрлаб шакллар жуфтлаб таққосланади, масалан, биринчи машғулотда учбурчак билан доира таққосланади. Тарбиячи учбурчакни кўрсатиб, болалар эътиборини бурчакларга қаратган ҳолда учбурчак контури бўйлаб бармоғини (кўп марта) юритиб чиқади. «Бармоқ бурчаккача боради, тўхтайди, бурчакни айланаб, яна нарига кетади. Яна бир марта бурчаккача боради, бурчакни айланади, яна нарига кетади»,—деб тушуниради тарбиячи. У шаклни айтади («Бу — учбурчак»), унинг қандай рангда эканини сўрайди, болаларнинг эътиборини учбурчакнинг томонлари борлигига, улар 3 та эканига, бурчаклари борлигига ва улар ҳам 3 та эканига қаратади. Шундан кейин тарбиячи болалардан ўз учбурчак-ларини кўрсатишни, уларни санашни, унинг бурчаклари нечта эканини сўрайди. Кейинги машғулотларда учбурчак билан квадрат шунга ўхшаш таққосланади, шундан кейин эса доира, квадрат ва учбурчак бир вақтда таққосланади.

Тарбиячи болалар эътиборини учбурчаклар, доиралар ва квадратлар катта ўлчамли ҳам, кичик ўлчамли ҳам бўлишига қаратади, ҳар хил рангли

катта ва кичик шаклларни устига қўйиш усули билан таққослашни таклиф қиласди, шакли бир хил бўлган шакллар хар хил рангли ва ҳар хил ўлчамли бўлиши мумкинлигини тушунтиради.

Ўрта гурухда тарбиячи болаларда ҳар хил шаклдаги шаклларни идрок қилиш тажрибасини тўплашида давом эттиради. Болалар икки-беш қисмдан иборат содда ва мураккаброқ шаклдаги буюмларни кўздан кечиришади ва расмларини чизишади, уларни лой ва пластилиндан ясашади, бунда қисмларнинг шакли ҳозирча геометрик этalonга яқин бўлади (булар пиёла, жўжа ва бошқа нарсалар бўлиши мумкин).

Ўрта гурухда тарбиячи предметлар шаклини сезиш — ҳаракат ва кўриш билан - текширишни ташкил қиласди. Текшириш натижалари думалоқ (доиравий), тўғри тўртбурчак шаклида каби сўзлар билан мустаҳкамланади.

Бу гурухда «Буюм ўзи ҳақида нима дейди?», «Қисмларига кўра буюмнинг ўзини бил», «Буюмлар доминоси» каби ўйинлардан ва шунингдек кубчалар, қирқма расмлардан фойдаланиш мумкин.

Геометрик образлар ҳақидаги дастлабки маълумотларни болалар ўйинлардан, меҳнатдан, кундалик ҳаёт (турмуш)дан оладилар. Улар тарбиячига тақлид қилиб, мозаикалар ва қурилиш материаллари комплектига киравчи ёки бу буюм номини айтадилар. Уларнинг хоссалари билан амалда танишадилар.

Математика машғулотларида саноққа ўргатиш учун доиралар, учебурчаклар ва бошқа нарсалардан кўрсатма материал сифатида фойдаланилади. Болалар шакллар миқдорини аниқлаб, уларни айтишади.

Машғулотларда болаларни доира, квадрат, учебурчакнинг баъзи белгилари билан, кейинроқ эса, тўғри тўрт-бурчакнинг белгилари билан таништириш, шакллар хар хил ўлчамли ва ҳар хил рангли бўлишини кўрсатиш керак.

Болалар тарбиячи билан бирга катта ўлчамли (диа-метри 15 см) шаклларни қарашади, кичик ўлчамдаги худди шу шаклларни кўрсатишади.

Болаларга ўз конвертларидағи шаклларни ажратиш ва улар қандай шакллар экәнини ва қанчалигини айтиштаклиф қилинади.

Тарбиячининг топшириғига биноан, болалар шаклларнинг катталиклари бўйича ортиб ва камайиб бориш тартибида жойлаштирадилар, ҳар хил шаклларнинг миқдорларини таққослаб, қайси шакллар кам, қайси «шаклларнинг миқдори баробар экәнини аниқлайдилар. Биринчн машғулотда болаларга шаклларнинг бир хил комплекти берилади, кейинги машғулотларда эса, ҳар қайси бола шаклларнинг шундай комплектини оладики, унда шаклларнинг миқдори, ранги ва ўлчами ҳар хил бўлади.

Тарбиячининг қўрсатмасига биноан, болалар фигуralарни икки полоскали карточкаларга шакли, ранги, катталиги бўйича жойлаштирадилар, сўнгра полоскаларнинг ҳар қайсисидаги шакллар миқдорини таққослайдилар.

Шундай машғулотлар ўтказиладики, уларда болалар квадратлар билан тўғри тўртбурчакларни таққослайдилар ва уларнинг баъзи хусусиятлари билан танишадилар. Масалан, тарбиячи болаларга квадрат ва тўғри тўртбурчак олишни, навбати билан уларнинг контурларидан бармоқларини юритиб чиқишини ва улар нималари билан фарқ қилишини ўйлаб кўришни таклиф қиласи. Болалар квадратни тўғри тўртбурчак устига қўйиб, шаклларни таққослашади ва тўғри тўртбурчак ўзун экәнини, у шуниси билан квадратдан фарқ қилишини кўришади.

Болалар санашин ўрганиб олишганидан кейин, улар таниш шаклларнииг элементлари билан, яъни томонлари ва бурчакларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг миқдори билан таништирилади.

Тарбиячи квадратнинг бир учидан иккинчи учигача бармоғини юритади ва бу квадратнинг томони экәнини айтади. Квадратнинг ҳамма томонини кўрсатади.

Шуни кузатиш керакки, болалар «бурчак» сўзини бурчакнинг учи билан, яъни бурчакни ҳосил қилувчи нурлар (томонлар) чиқадиган нуқта билан боғламасинлар. Шунинг учун бурчак кўрсатилаётганда, қўлни бурчак

текислигига бир томондан иккинчи томонгача суреб бориб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар ўз квадратлари ва тўғри тўртбурчакларининг томонларини топишади, сўнгра эса бурчакларини топишади, томонлар ва бурчаклар миқдорларини санашади, квадрат ва тўртбурчакнинг тўрттадан бурчаги ва тўрттадан томони борлигини аниқлашади.

Навбатдаги машғулотда улар учбурчакларни ҳам худди шундай текширишади ва ҳамма учбурчакда учта-дан бурчак ва учтадан томон борлигини аниқлашади.

Бундай машқларни болалар шаклларни текшириб, қўйилган саволга жавобни мустақил излаб топа оладиган қилибтўзиш керак.

Геометрик шакллар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш учун тарбиячи болаларга олдин гугурт чўпларидан шакл тўзишни, сўнгра орнамент ҳосил қилишни таклиф қиласиди.

Шаклларни фарқ қилиш ва айтниш бўйича машқ қилдириш учун «Нима ўзгарди?», «Нима йўқ бўлди?», «Шакллар доминоси», «Худди шундай шаклни кўрсат» каби дидактик ва харакатли ўйинлардан фойдаланилади. Масалан, тарбиячидаги диск бўлиб, унга доира бўйлаб ҳар хил геометрик шакллар жойлаштирилади. У диск стрелкасини суреш билан гоҳ у шаклни, гоҳ бу шаклни кўрсатади, болалар эса, ўз шакллари орасидан худди шундай шаклларни топишади, кўрсатишади ва номини айтишади.

«Ўз уйчангни топ» ўйинида полга чизилган ёки чилвиридан "тўзилган доиралар, квадратлар, учбурчаклар ва бошқа шакллар уйча бўлиши мумкин. Катта ўлчамли шакллар шаклини аниқлаш болаларга қийинлик қилишкни ҳисобга олиб, бундай ўйчалар ўлчамларини тобора катталаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

Индивидуал машқлар учун «Жуфтини топ», «Карточкага мос шакл танла» ва бошқа ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Болалар шаклларнинг рангли ва контур тасвиirlарини мос қўйиншади, шаклга мос шакл танлашади.

Йил охирида болалар содда геометрик шаклларни нафақат фарқ қилишади ва айтишади, балки уларнинг баъзи белгилари бўйича ориентир оладиган бўлишади. Болаларни буюмлар шаклини геометрик шакллар билан таққослашга ўргатиш мумкин. Шу мақсадда маҳсус машқлардан фойдаланилади. Масалан, тарбиячи столга геометрик шаклни қўяди, болалар эса шу шаклдаги буюмларни танлашлари керак. Геометрик шакл — намуна шакл айрим болаларга берилиши ҳам мумкин, улар шаклни ва ўзлари танлаган буюмни қўрсатишади.

Машқларни «Худди шу шаклдаги буюмни топ», «Мен нимани айцам, шуни топ», «Топшириқ» ва бошқа ўйинлар шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Тарбиячи ҳар қайси шаклдаги буюмдан икки-учтадан танлайди. Астасекин уларнинг миқдорини тўрт-бештага етказиш мумкин.

### **Катта гуруҳда болаларни миқдор, катталик билан таништириш**

Ўзунлиги, кенглиги ҳар хил бўлган бир неча предметни (10 тагача) бир-бирининг устига ўзунлиги, кенглигига, қалин-юпқалигига кўра ортиб ва камайиб борадиган тартибда қўйиб қиёслашни ўргатиш (энг кенг, торроқ, яна торроқ, энг тор лента). Предметлар қандай тартибда териб чиқилганини тушунтириб беришга ўргатиш.

Турли ўзунликка, кенгликка, баландликка эга предметларни кўпайиб бориш ёки камайиб бориш тартибида (10 тагача бўлган предметлардан фойдаланиб) териб чиқишга ўргатиш, масалан: баланд, паст, янада паст, янада пастроқ, энг паст.

Бутунни 2 та, 4 та тенг қисмга бўлишни, бутун билан қисмни таққослашни ўргатиш.

Шартли ўлчов билан таништириш. Таққосланаётган предметлардан бирига тенг бўлган ўлчам ёрдамида иккита предметни ўзунлиги (кенглиги, баландлиги) га қараб таққослашга ўргатиш.

Нарсаларни кўз билан чамалаб, миқдори, катталиги (ўзун (қисқа), кенг (тор), энли (энсиз), баланд (паст), қалин (юпқа)) каби намуна ва унга тенг

бўлган болалар учун таниш нарсалар ёки ҳаракатлар натижасида қиёсланувчи нарсаларнинг ўлчамини аниқлашга ўргатиш.

**Катталик.** Катта гуруҳда ишлаш болаларнинг масофаларнинг ҳар хил турлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлашдан бошланади.

«Ўзунлик», «кенглик», «баландлик» «қалинлик» «йўғонлик») буюмларнинг катталикларида мустақил ориентир олиш тушунчаларини эгаллаб олиш, уларни таққослаш ва катталиклар бўйича муносабатларини тушуниб олиш имконини беради.

Буюмлар орасида катталик бўйича конкрет муносабатларни ўрнатиш тажрибаси қанчалик бой ва турли-туман бўлса, кейинчалик болаларни бу муносабатларни умумлаштиришга, конкрет чавсифларни абстракт таърифларга, яъни «тeng», «ортиқ», «кам» («катта», «кичик») тушунчаларига ўргатиш шунчалик осон бўлади.

Болалар буюмларнинг катталикларини таққослашга ва унинг олдин буюмлар масофаларининг бир тури билан фарқ қиласиган ҳолда, кейинроқ масофаларнинг икки тури, ниҳоят, уч тури билан фарқ қиласиган ҳолдарда аниқ белгилашга ўрганадилар.

### **Тайёрлов гурухида болаларни теварак-атрофда мўлжалга олишга ўргатиш**

Болаларни қоғоз варағи сатҳида предметларнинг қандай жойлашганлигини (чапроқ, ўнгроқ, ўртасида, юқорироқ, пастроқ аниқлашга) ўргатиш.

Дафтар сатҳини аниқлаш ва шаклларни штрихлар орқали чизишни машқ қилиш.

Болаларга предметларни пол, қаттиқ қоғоз, дафтар варағи устига жойлашни машқ қилдириш.

Теварак атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга доир машқлар.

Мактабга тайёрлов гурухида болаларнинг ҳаракат йўналишида уларнииг ўзи ва буюмлар орасидаги, буюмларнинг ўзи орасидаги фазовий муносабатларда, шунингдек, қоғоз варағида (текисликда) мўлжал олиш

малакалари ривожлантирилади ва мустаҳкамланади. Болалар билан ишлаш методикаси «чапдан-ўнгдан», «устида-остида» каби қарама-қарши йўналишларни ажратишга асосланиши керак.

Болада қоғоз варағида мўлжал олиш малакаларини шакллантириш учун бундай топшириқ берилади: варақ-нинг юқори чеккасига 4 та варақча ва иастки чеккасига шунча гулча қўйиш. Шундан кейин тарбиячи бола-ларга нима қаерда ётганини гапириб беришни таклиф қилиши мумкин. Бундан кейин топшириқларнинг мурак-каброқ вариантларидан (фигуралар миқдорини орттириш, улар ўринларини алмаштириш ва х. к.) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, «Ким эслаб қолади?», «Нима ўзгарди?», «Нималари билан фарқ қиласди?», «Жуфт карточкалар» каби ўйинларни ўтказиш тавсия қилинадя.

Бундай топшириқларни ўтказиш методикаси ҳақида фикр юритамиз.

Олти ёшли болалар «ўзига» нисбатан тўла ишонч билан мўлжал оладилар. Аммо ҳали уларнинг кўпчилиги буюмларнинг, бошқа одамларнинг ўнг ва чап томонларини фарқ қилишда қийналадилар. Уларни, масалан, ўзи томонига юзи билан айланган ўртоғининг ўнг қўли унинг чап қўли қаршисида бўлиш ҳоли ажаблантиради.

Нега бундай бўлади? Олдинги иш натижасида болада қуйидаги билим ва малакаларнинг пухта стереотипи (андозаси) йиғилиб қолади: ўнгда (ўнгроқда, ўнгга), ўнг қўл турган томонда бўлади. Бу фазо «ўзидан» мўлжал олишда мутлақо тўғри. Аммо энди вазият ўзгарди. «Болага бошқа одамдан ёки бошқа буюмлардан мўлжал олиш таклиф қилинади. Демак, муносабат нуктаси субъектнинг ўзидан ташқарида белгиланади. Бу ерда олдинги тажриба фазовий вазиятларнинг янги вариантлари билан зиддиятликка киришгандек бўлади. Ҳақиқатда эса, масалан, бола ўзи билан жуфт бўлиб турган Малик ўзидан ўнг томонда турганини яхши билади. Бу энди одат, оддий ҳақиқат. Аммо тескари фазовий муносабат-ларни (чунончи, «Агар Малик мендан чап томонда турган бўлса, у ҳолда мен ундан ўнг томонда турган бўламан») тушуниш тайёрлов гуруҳ болалари учун ҳам ун-чалик осон эмас. Бу ерда «бошқа одамга нисбатан» мўлжал олиш вазияти мавжуд. Буни тўғри таҳлил қилиш учун бола энг олдин

ўртоғининг ўнг ва чап қўли (томони)ни аниқлаши керак. Катта гуруҳда болалар бу малақани эгаллаб олишган, энди эса шу малака пухта ва устивор кўникма бўлиши керак.

Олти ёшли болалар ўнг ва чап томонни бошқа одамга нисбатан аниқлашни худди ўзига нисбатан «ўнг ва чап томоини аниқлагандек аниқлашини яхши тушуниб олмоқлари керак (чап томон ўнг кўл турган томонда; ўнг томон чап кўл турган томонда). Аниқлашпинг самарали усули ҳаёлан ўртоғининг орқасига туришдан ибо-ратдир. Шундай қилиб; «юзи билан орқасига» бошланғич ҳолатидан, яъни бола ўртоғишиг орқасида турган ҳолатида бошқа одамга нисбатан ўнг ва чап томонни аниқлаш керак; шундан кейин «юзма-юз» ҳолатида, яъни бошқа бола қарсисига туриб, «ўнг-чап»ни фарқлаш керак. Кейинроқ эса ҳар қандай бошланғич ҳолатда, хатто ўртоғи орқаси билан турганда ҳам, «ўнг-чап» томонлар аниқланади.

### **Элементар математика машғулотида мантиқий тафаккурни ўстириш (тайёрлов гуруҳи учун).**

#### **Дастур мазмуни:**

1. Ўқув йили давомида қуйидаги олинган билимларни мустаҳкамлаш:
  - масала ечиш малакаси;
  - нарсаларни 3 белгисига кўра туркумга ажратиш малакаси;
  - сон қатори билан ишлаш малакаси;
  - икки хонали сонларни билиш;
  - масала тўзиш малакаси;
  - график диктант ёзиш малакаси;
  - хафта кунларини билиш малакаси.

2. Болаларни диққати, хотираси, мантиқий тафаккури, ижодий тасаввурларини ривожлантириш.

#### **Машғулотнинг бориши:**

1-машқ. Хазил топшириқлар.

А) бир қирғоқда жўжа, иккинчи қирқоқда ўрдакча, ўртада бор оролча. Ким оролчага биринчи бўлиб етиб боради?

Б) столда иккита олма, еттита нок бор. Столда хаммаси бўлиб нечта сабзавот бор?

В) ховлида хўроз ва товуқ айланиб юрибди. Хўроз оёғи иккита, товуқни тўртта. Хаммаси бўлиб нечта оёқ бор?

Г) столда иккита яримтали, тўртта чорактали олмалар бор. Уларни кесгунимизча нечта олма бўлган.

2-машқ. Xонага Билмасвой киради. У жуда хафа, портфелида хат бор. Тарбиячи хатни ўқиди: «Қадрли Билмасвой, сенга биз Болтавой ва Тешавой хат ёзяпмиз. Бизни бошимизга ташвиш тушиб қолди. Ёвўз ялмоғиз бизни қоронғу зиндонга ташлади. Ким сехргарнинг топшириқларини бажара олса, калитини топиши ва бизни қутқариши мумкин. Агар бажара олишмаса, боғчадаги болалардан сўрашсин». Болалар топшириқларни бажарадилар.

1. Ҳафта кунлари номини билиш.

А) таблица билан ишлаш

*	**	***	***	***	***	***	****
---	----	-----	-----	-----	-----	-----	------

Б) карточкалар билан масала ечиш.


1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

Вазифа: она душанба куни сафарга кетдилар. Сешанба куни телефон қилиб, эртага ва индинга келмасликларини, кейинги икки кун эса автобус бўлмаслигини айтдилар. Она қайси куни келадилар?

2. Доскага сон қаторига рақамлар қўйилган.

А) тарбиячи болаларга сонни айтади, болалар улардан олдин ва кейин келадиган сонларни айтишини таклиф қиласди. Айтилган сондан каттаси ва кичигини айтиш сўралади.

Б) таблица билан ишлаш




5 сонини 8 үккәлә 3 ичидаги сонлар таққослаш.

В) карточка билан ишлаш.  $<$ ,  $>$  белгиларини түрүри жойлаштири.

8		7
---	--	---

Г) сонлар ичидан кичкинасини топ ва қызыл қалам билан белгиланг.

3. График диктант.



Бармоқ машқи.

4. Сонлар ҳақида айтаб бер. (икки хонали сонлар)

5. Кейин келадиган икки хонали сонни айт.

3	
---	--

--	--


	6
--	---

	4
--	---

--	--

5	
---	--

6. Энди болалар шаклларни жойлашувины чамалаб, таҳлил қиласиз ва қайси белгилари ўзгарганини айтамиз.




А) шаклларни шундай жойлаштиргинки

- битта белгиси;
- иккита белгиси;

- учта белгиси ўзгарсин.

7. Шаклларни шундай жойлаштиргинки, хар қайси қатор ва устунда иккита бир хил шакл бўлмасин.



8. Калит яширинган жой масалаларда белгиланган

$$10-7=3 \quad \text{С}$$

$$5+0=5 \quad \text{T}$$

$$6-3=4 \quad \text{O}$$

$$6-0=6 \quad \text{Л}$$

9. Чизилган режада қизил рангли нуқта билан калит яширинган стол белгиланган. Болалар калитни топдилар.

Машғулотни якуни. Билмасвой болаларга миннатдорчилик билдириб, шу карточкаларга унга бериб юборишларини сўрайди. Уйда бажариб кўрмоқчилигини айтади. Ҳамма карточкаларни Билмасвойни портфелига солишади.

### **Назорат саволлари:**

1. Мактабгача таълим муассасаларида математика машғулотларини ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?
2. Тарбиячи қандай билимга эга бўлиши керак?
3. Машғулотларни ташкил этишдан асосий мақсад нима?

## **5-амалий машғулот: Тасвирий фаолият машғулотини ўтказиш технологияси (4 соат)**

**Ишнинг мақсади:** тингловчиларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга расм чизишга ўргатишида: сюжетли,декоратив, предметлар расмини чиздириш, яssi аппликация, ҳажмли аппликация асосида ясашга ўргатиш, қоғоз ва картон билан ишлаш, қайта ишлаш жараёнида трафарет, шаблон ва муҳр асосида ишлаш техникаси, турли ёш гурухлари учун тасвирий фаолият бўйича машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиш малака ва кўникмаларини ошириш.

**Таянч тушунчалар:** индикатор, оригами, киригами, кусудама, цукудама, бадиий-эстетик тарбиялаш, конструктор, сунъий пластик масса, усул, услуг.

**Мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиш фаолиятига ўргатиши.**

*Алоҳида предметларнинг расмини чизишга ўргатишида*шаклларни тасвирлаш жараёнидаги хатоликлар фақатгина боланинг нотўғри тушунчалари ва кўникмаларнинг етарли эмаслиги предметни тўғри идрок этишни билмаслиги билан тушунтирилади. Боланинг тасвирлай олиш қобилияти ҳали яхши ривожланмагани учун унинг олдида фикр юритиб тасвирлаш каби қийинчиликлари ҳам туради. Расмда шакл тўғри контур билан чегаралаб чиқилган, лекин шу билан бирга ишнинг 1-босқичлари чизикларни тўғри аниқ чизиш ва контурларни (аниқлаш) тасвирий, расмда ишлаш жараёнининг вазифаси бўлиб ҳисобланмайди. Агар умумий шакл топилмаган бўлса, контурни тўғри чизик билан чизиб бўлмайди, чунки у ҳар доим ўзгарувчан, шунга қараб уни чизиш ҳам ўзгаради, яъни нитижаси, расмнинг охири йўналиши ҳам ўзгарувчандир.

Барча ёш гурухлар учун расм чизиш фаолиятига ўргатишининг асосий умумий вазифалари қуйидагилар:



ўргатиш.

3. Предметнинг рангини, унинг мазмунини ва образ характерини ўзаро бирлаштириб беришга ўргатиш.

4. Бўёқ, рангли қалам ва бошқа материаллар билан чизишда техник кўникумаларни ривожлантириш.

**Сюжетли расм чизиш.** Сюжетли расм чизишнинг мақсади боланинг атроф-муҳитдан олган таассуротларини ифодалашга ўргатишидир. Сюжетли расм чизиш ўрта гуруҳдан бошлаб киритилган. Бунда ҳам ёнма-ён турган 2-3 та предметни тасвирлаш ўргатилади. Сюжетли тасвирда предметларнинг бир-биридан ажратиш учун унинг ўлчамини, фазодаги ўринларига караб, предметларнинг катта ёки кичиклигини ўргатиш керак.



Мактабгача ёшдаги бола учун предметлар орасидаги фазовий муносабатларни фарқлай олиш жуда қийин.

Сюжетли расм чизиш ўргатишининг умумий вазифалари қуйидагилар:

- Мавзунинг мазмунини ифодалашда унинг асосини ажратишга ўргатиш.
- Объектлар орасидаги ўзаро алоқани тасвирлашга ўргатиш.

1. Предметнинг шакли ва тўзилишини тасвирлашга, уларнинг қисмларини ўзаро пропорциялашни кўрсатиб беришга, ҳаракат натижасида уларда ўзгатишларда ўргатиш.

2. Тасвирлашнинг образли, ёрқин қисмларни тасвирлашга ўргатиш.

- Объектлар орасидаги пропорционал жойлашувни тасвирлашга ва уларнинг фазодаги ўринларини кўрсатишга ўргатиш.

**Декоратив расм чизиш.** Декоратив расм чизиш тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари каби болада эстетик туйғуни ривожлантиради. Болаларни халқ амалий санъати намуналари билан таништиришда тарбиячи ватанпарварлик рухини шу санъат асарларини яратадиган одамларнинг меҳнатига ҳурмат каби туйғулар тарбияланади.



Декоратив расм чизиш қўйидаги умумий вазифаларни ўз ичига олади:

- нақшнинг турлича шаклларини боғлиқ ҳолда композицион ҳисни шакллантириш;
- ранг қобилияtlарини ривожлантириш;
- халқ амалий санъатининг стилларининг фарқлашга ва уларнинг алоҳида элементларини болаларнинг ўз ижодида фойдаланишга ўргатиш;
- қалам ва мўйқалам билан чизишнинг техник кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Болаларни декоратив расм чизишга ўргатишда тарбиячи уларда нақш компонентларининг ўзаро боғлиқлигини, рангини, композициясини шакл элементини ўришга ўргатади. Декоратив расм чизишда ранг қобилиятынинг ривожланиши асосий масала бўлиб ҳисобланади.

Болаларда расм чизиш кўникмаси асосан оғзаки нутқ орқали амалга оширилади. Масалан: бола биронта қиз, уй расмларини чизиб, унга кичик эртак ҳам тўқиши мумкин. Маълум мақсадли расм болага кўрсатилаётганда аниқ мақсадга эга бўлиши керак. Бола кўрсатилаётган расмни кўриб чиза олади. Болаларга ишланган расмлар намунасидан кўрсатиб қўйидагиларга алоҳида эътибор беришларини эслатиш керак. Масалан: предметларнинг пропорционал, симметрик жойланганлиги уйлар, дараҳтлар, самолётнинг парвоз қилаётганини чиздириш орқали болаларда таҳлил-синтез усулидан фойдаланиш муҳимдир.


Юқорида қайд қилинганидек, қуидагиларга аҳамият бериш керак:

1. Мавзунинг мазмуни аниқ бўлишига.
2. Объектлар орасидаги боғланишга.
3. Маълум мақсадга йўналтирилган мавзу бўлишига эътибор бериш керак.

Бу ёшдаги болаларга рангли қаламлар берилиб мақсад айтилади. Масалан, бола кўк рангда-ўтларни, ҳаво рангда-сув, сарик рангда-қум кўринишида тасвирлай оладилар. Бунда албатта тарбиячининг билимдонлиги катта маҳорат талаб қиласди.

Мактабгача таълим муассасасида трафарет, шаблон асосида чизиладиган буюмларни, шаклларни чизишга, қирқиши, елимлашга, ясашга ўргатилади.

**Трафарет-қалин** қоғоз, юпқа картон, тунука, пластмассадан тайёрланадиган турли мураккабликдаги нақши таркиб топтирадиган тирқишилар қилинган пластинкадир. Трафаретдан кўп карра такрорланувчи расмлар, харфлар, ёзувларни олишда фойдаланилади.



Трафарет орқали мўйқаламда бўёқ берилади. Бу мақсадда маҳсус мўйқаламлардан

фойдаланиш мумкин. Мўйқалам билан бериладиган бўёқ қуюқроқ бўлиши керак, акс ҳолда у трафарет тагига оқиб тушиши мумкин. Кўп рангли расмларни бажаришда бўёклар белгиланган изчилликда тартиб билан берилади.



Трафарет, шаблон тайёрлаш учун тасвирни чизиб олинади ва кесиб олинади, сўнгра қайчини ўзмасдан қирқишига ҳаракат қилинади. Агар узиб - узиб қирқилса тасвир нотўғри чиқиши мумкин. Трафарет шаблон 2 хил усулда бўлади:

1. Оддий трафарет.
2. Мураккаб трафарет.

Оддий трафарет - деб бир қисмдан иборат бўлган тасвирга айтилади.

Мураккаб трафарет- деб, 3-4 қисмдан иборат бўлган шаклга айтилади. Ҳар бир бажарилаётган ишга эътибор, меҳр, дид, фаросат талаб этилади.

**Шаблон** - буткул қабул қилинган наъмунадир. Керамика саноатида лаган, тарелка, чашкаларни тайёрлашда доира шаблон қўлланилади. Доира ва қайтарма шаблондан симметрик шаклдаги моделларни ясашда фойдаланилади.

Оддий, мураккаб трафарет ва шаблон намуналари: картошка, пўкак ва ўчириғичдан ясалган муҳрдан фойдаланиб чизилган расмлар болалар учун қўлайлик яратади.

Мактабгача таълим муассасаларининг катта ва тайёрлов гурухларида кўнгил очар соатларини мазмунли ўтказиш учун шаблон, муҳр, трафарет ёрдамида эртак қаҳрамонларини тайёрланади.

Қоғозни бўяшда қуидаги бўёқ ва мосламалардан фойдаланилади.

**Акварел бўёқлар** - сувда эритилади, тюбиклардаги акварел бўёқлардан фойдаланиш жуда қулай.

**Мой бўёқларнинг**- тайёр аралаштирилганини олиш лозим. Қуюқ пастасимонидан фойдаланиш мумкин.

**Қуюқ бўёқларнинг** - энг яхшилари тоза, очик ранглари бадиий бўёқлар дейилиб, герметик ёпиқ идишларда бўлади. Бўёқ танлашда фақат уларнинг рангигагина эмас, балки хусусиятларига ҳам эътибор бериш керак.

Қоғозни бўяшда сабзавот меваларни яъни қизил сабзи, сарик сабзи, лавлаги, ўсма, турп, помидор, мандарин сувларини сиқиш орқали бўёқ тайёрлашимиз мумкин. Уларни қирғичдан ёки майдалаб тўғраш орқали сиқиб олинади. Ҳосил бўлган рангларни алоҳида оғзи беркитиладиган идишларда сақлаш мумкин.

**Мактабгача ёшдаги болаларни қуриш-ясаш фаолиятига ўргатиш.**

Қуриш-ясаш фаолиятига ўргатиш жараёнида ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси янада шаклланиб боради, теварак-атрофдаги ҳодисаларни таҳлил қилиш кўнимкаси, мустақил фикрлаш, бадиий дид, шахснинг иродавий



сифатларидан (мақсадға интилиш, қатъийлик ва ҳакозо...) таркиб топа бошлайди, буларни барчаси болаларни мактабда ўқишига тайёрлайди.

Болалар күпинча катталарнинг қурилишдаги фаолиятларига тақлид қилиб, турли касб эгаларини ролини бажарадилар. Болаларнинг қурилиш

ўйинларида қурилишларни транспорт ҳаракати, катталарнинг меҳнати ҳақидаги таассуротларини акс эттирадилар. Бундай ўйинлар болаларда ташаббускорликни уйғотишига, уларни фикр юритиш ва ҳаракат фаолиятларини

фаоллаштиришига кенг имкон яратади.

Мактабгача ёшидаги болалар теварак атрофдаги маълум нарсаларни, яъни қуён учун уй, машиналар ва йўловчилар учун кўприк ясадилар. Ўйинчоқларни қуриш-ясашда ишлатиш катта аҳамиятга эга, ўйин фаолиятини



ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Қурилиш материалларни маълум бир шкафларда, тартиб билан сақланади.

**Қоғоздан қуриш-ясаш.Мактабгача ёшдаги болаларни лойдан буюм ясаш (моделлаштириш) фаолиятига ўргатиши.** Пластилин доимий ҳолда ишга тайёр бўлади. Пластилинидан предметлар тасвирини яратиш мумкин. Пластилин иссиқда юмшаб, совукда қотиш хусусиятига эгадир. Шу боисдан пластилин совук хонада сақланса, уни ишлатиш олдидан иссиқ сувга солиб олиш лозим. Пластилинни қўлда ушланибтурилса, албатта у юмшайди ва иш ҳолати яхшиланади. Аммо уни ўзок қўлда ушлаб турмаслик керак. Чунки, уни ўзок қўлда ушлаб турилса, ўз ҳолатини йўқота бошлайди.

Пластилиндан асосан кичик моделларни ясашда фойдаланилади. У *сунъий пластик масса* бўлиб лойга ўхшаб, қурилмаслиги ва доимо ишлатишга тайёрлаш билан фарқланади. Пластилиннинг ҳар хил - оддий ва мураккаб турлари мавжуд.

*Лой* нарсалар ясашда асосий материал ҳисобланади. Чунки у исталган жойда топилади, арzon ва қайишқоқдир. Лойнинг таркибида бошқа нарсалар (тош, қум ва шу кабилар) бўлмаслиги керак. Лой ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, ёпишқоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлиши керак. Лой билан ишлаганди асосан оддий асборлар: оддий конструкциядаги ёғоч ва стеклардан фойдаланилади.

Бундай лойни тайёрлаш учун тупроқ танланади. Тупроқ жигарранг, қўнғир бўлиб, улар икки хил хусусиятда, қуруқ ва ёғли бўлади. Ёғли тупроқ қуруқ тупроққа нисбатан намлиги яхши, ёпишқоқ, юмшоқ, текисланиш ва пардозланиш хусусияти яхши бўлади. Тупроқни текшириш одатда бир сиқим тупроқни олиб, сувга солинади, ёпишқоқлиги, илашимлиги текширилади.

Лой тайёрлашни бир неча усувлари мавжуд.

1-усул: лой тайёрлаш мумкин бўлган тупроқни танлаб, уни яхшилаб эзилади ва элакдан ўтказилади. Сўнгра уни ёғоч ёки пластмасса идишга солиб, сув қўйилади, сув тўла шимдирилгандан сўнг 1-2 кун сақланади, сўнгра яна сув қўйиб, қорий бошланади. Лой ёпишқоқ, ягона массали, қўлга ёпишмайдиган, яхши силлиқланиш ва эластиклик ҳолатига етгунча ишланади. Сўнгра, лойни полиэтилен халтага солиб, ҳаво ўтказмайдиган ҳолда ўралади. Ундан бир неча машғулотда фойдаланиш мумкин. Чунки, бу ҳолда лойни бир ой, ёки икки-уч ой ёки йиллаб сақлаш мумкин.

Лой қанча кўп сақланса, у шунчалик ёпишқоқ, эластиклик ва силлиқланиш хусусияти ортиб боради.



2- усул: Чамаси 1кг тупроқ эланади. Духовкада 20 минут қизитиб, совугандан сўнг, 25 грамм пахтани майдалаб солинади. 200 грамм ёғ қуилиби, кераклигича сув солинади. Лойга ишлов берилиб, қорилади. Лойни хўл матога ўраб, полиэтилен халтада 2 сутка тиндирилади. Бундай лойни кўп марта ишлатса бўлади.



Машғулотларда тайёрлаб қўйилган лойдан маълум қисми олиниб, унга яна ишлов берилади. Қўлга ёпишмайдиган ҳолга келгунга қадар ишланади. Лой қўлга ёпишмайдиган, лекин ўз массасига яхши ёпишадиган ва пластиклик ҳолати яхши бўлса, бундай лойдан ҳар қандай шакл ясаш мумкин бўлади.

Тасвирий фаолият машғулотларда ясаладиган материаллар хилма-хилдир. Бугунги кунда афзаллик полимер лойга (чинни ҳамир)га берилади.

Полимер лой ёки чинни ҳамир. Полимер лой ёки чинни ҳамирнинг келиб чиқиши тарихига кўра Аргентинада ихтиро қилинган бўлиб, ундан ажойиб гуллар, шакллар яратилади, бугунги кунда бу материалдан ноёб маҳсулотларни яратиш имконини беради. Визуал қарашда у чиннига ўхшайди, ундан тайёрланган маҳсулот ҳавода қотиб қолади. Бундай материалдан тайёрланган совгаларни болалар ҳам тайёрлашлари мумкин.

Соғлиқ учун хавфсиз, қийматлиги бўйича арzon, юмшоқ, у билан ишлаш завқли ва ундан ясаладиган нарсалар ўзок сақланади. Фантазия, дидни ривожлантиришга хизмат қиласиган аъло даражадаги қизиқиши ҳамдир.



Тўғри тайёрланган чинни ҳамир ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлади. Бу материал билан ишлаш учун чукурлаштирилаган маҳсус билим ва кўникмалар шарт эмаслиги, мактабгача ёшдаги болалар учун айни мудаодир.

Бундай лойни тайёрлаш усувлари хилма-хил.


1- усул:

3 ош қошиқ елим ПВА;

2 ош қошиқ писта ёғи;  
 1 ош қошиқ глицерин;  
 4 ош қошиқ жүхори крахмали;  
 3/1 ч қошиқ лимон кислотаси.

### Тайёрланиши:

Барча ингредиентлар аралаштирилади, ишлов берилади, ҳамир тайёр бўлади. Ҳамирни ёғланган стол устига ағдарилади, ишлов берилади. Неча хил ранг керак бўлса, шунча қисмларга бўлинниб, керакли ранг гуашъсолинади, (бўяш учун фақат гуаш ишлатилади). Ҳамирни хона ҳароратида 3 соатга ёғланган полиэтилен халтага солинади ва тиндирилади. Ишлатишга тайёр бўлган ҳамирдан лой иши маҳсулотларини ясаган каби ясалади. Ҳамир 4 ҳафтагача сақланади.



### 2- усул:

200 грамм жўхори крахмали.  
 200 грамм елим ПВА.  
 2ош қошиқписта ёғи.  
 1 ош қошиқ глицерин.  
 3/1 ч қошиқ лимон кислотаси.

### Тайёрланиши:

Барча ингредиентлар аралаштирилади. Буғли ҳаммолга қўйилади. 7-10 дақиқа ичидаги аралашма қўйилиб, ҳамир тайёр бўлайди. Ҳамирни ёғланган стол устига ағдарилади, ишлов берилади. Неча хил ранг керак бўлса, шунча қисмларга бўлинниб, керакли ранг гуашъ солинади (бўяш учун фақат гуашъ ишлатилади). Ҳамирни хона ҳароратида 3 соатга ёғланган полиэтилен халтага солинади ва



тиндирилади. Ишлатишга тайёр бўлган ҳамирдан лой иши маҳсулотларини ясаган каби ясалади. Ҳамир 2 ҳафтагача сақланади.



Пластилин, лой, полимер лой ёки полимер лой ёки чинни ҳамир билан бажариладиган барча ишлар кўлда бажарилади.

Пластик материаллар билан ишлаш тасвирий санъатнинг бир тури хисобланиб, **ҳажмли** ёки **рельефли** образлардан бутун композиция ясаш тушунилади. **Моделлаштириш техникаси** турли ва ранг- баранг бўлиб, шу билан бирга кичик ёшдаги болалар ҳам бажара олиш имкониятига эгадирлар. Фазовий моделлаштиришда пластик нарсаларни ясаш ажойиб беради.


**Предметли аппликация**- болалар қирқиши ва фонга алоҳида предмет ёпиштириш маҳоратини ўзлаштирадилар. Фаолият хусусиятига кўра атрофдаги предметларни анча умумлашган шартли тасвирий ўйинчоқлар, ҳалқ амалий санъати намуналарида ифодалаш мумкин бўлади.

Бошланғич босқичда тарбиячи-педагог тайёрлаган қисмлардан предметни елимлайди: - турли рангдаги иккита коптоқ, яримта бўлаклар, қўзиқорин-қалпокча ва оёқча; аравача - тўртбурчак асос ва думалоқ ғилдираклар. Болалар шакли, тўзилиши, ранглар бирикмалари, ҳажми, фарқланган предметларни тасвирлашлари мумкин.




тасвириларни  
материаллардан  
имкониятларни

қофоздан  
тасвирларини



Предметли аппликация учун катта ҳажмдаги материалларни танлаш керак бўлади. Масалан, ўзумнинг катта барглари, эман, заранг, тоғ терак, каштанинг катта барглари ёки тут барглари бўлиши ҳам мумкин.

**Декоратив аппликация-** турли безаклар ҳосил қилиш билан боғлик бўлган фаолият тури. Декоратив аппликацияда болалар қирқиши маҳоратини симметрия бўйича бирикмаларини турли элементларини бирлаштириш, қирқиши маҳоратини



узлаштирадилар. Бу машғулотларда болалар предметларни декоратив стиллаштириш, уларни тўзилишига аҳамият бериш, намуналарни янги сифатлар билан бойитишни ўрганадилар. Бу машғулотларда болалар яна қўйидагиларни ўрганади: предметларни ўзгартириш, уларнинг тўзилишини умумлаштириш, намуналарни янги сифатлар билан таққослаш.

**Сюжетли аппликация** - ўз олдига қийин масалаларни қўяди ва баъзи бир қоидаларни бажарилишини талаб қиласди: ранг, шакл бўйича бир-бирларига тўғри келадиган табиий материалларни йиғиш керак. Масалан, барглар ва чиганоклар ва майда тошлар, сомон, тахта қипиклари, қуриган шохчалар, данаклар ва ҳаказолар. Асосий эътиборни фон ва материаллар ранги мослигига қаратиш



лозим.



Сюжетдаги тасвиirlарга асосий қаҳрамонларни ёркин ранг билан композицион ечим қилиб олиш, яъни алоҳида эътибор қаратиш керак.

Сюжетли мавзуу аппликация сюжет ёки мавзуу билан боғлик предметларни

ёпишириш ва қирқиши маҳоратини мўлжаллайди. Бунда асосан бола олдига қўйидаги масалалар қўйилади:

1. Предметларни қирқиши, бир-бири билан таққослаганда уларни ҳажм бўйича фарқлаш;
2. Асосий предмет, асосий қаҳрамонлар юзини кўрсатиш, вазият ва ҳаракат жойи билан уларни боғлаш.
3. Асосий ҳажм, ранг билан бўрттириш;
4. Персонажларнинг феъл-атвори, ўзига хослиги ва уларнинг имо-ишора, ҳолати, кийими, рангини кўрсатиш;
5. Предметларни ясси жойда жойлаштириш: бир чизикда, қаторда горизонтал ва вертикал бўйича предметларни бўйини кўрсатган ҳолда.
6. Ҳар бир грухда бу масалалар турлича амалга оширилади. Уларнинг мураккаблашиши билим, маҳорат ва малака даражасига боғлик, атроф-оламнинг ҳар хиллиги турли сюжетларни аппликацияда акс этиши учун бой материал тақдим этади.




Катталарнинг мақсади - бу фаолликни қўллаш, сўнишига йўл қўймаслик, унга ижодий характер беришдир. Боланинг фаоллиги ва мустақиллиги ривожланиши учун керакли тасвиirlар бериб бориш лозим. Тасвирий фаолиятда

турли материаллар ва тасвирлашнинг техник усулларини турлича кўринишда бажара олиш йўлларини болаларга ўргатиш лозим. Шундагина болалар апликациянинг турли усулларини қўллаган ҳолда образларни тасвирлашда улар ўз кучига ишонган ҳолда шуғулланадилар.

Табиий материаллар тарбиячи раҳбарлигидаги экскурсияларда тўпланади. Экскурсия уюштиришдан олдин болаларга бўлажак иш намунаси кўрсатилади. Болалар уни диққат билан кўриб, унда ишлатилган барг пластинкаларининг шаклини, дарахт навларини аниқлайдилар. Шундан сўнг уюштириладиган экскурсия режаси тўзилади. Экскурсия маршрутида алоҳида эътибор бериладиган обьектлар (эман, заранг, акация дарахтлари, ҳашаротлар) аниқланади. Болаларнинг эътиборлари ва ақлий фаолиятларини кўзатилаётган обьектнинг зарур бўлган асосий муҳим белгилари ва хусусиятларини ажратишга, тўпланаётган материални тўғри баҳолашга йўллайдиган саволлар тўзилади.

Дарахтзорга келганда болалар кайфияти қўтарилиб, улар ҳар нарсага қизиқиши билан қарайдилар, барглар, уларнинг ранглари болаларни ажаблантиради. Кўзнинг гўзаллигини, унинг рангларини, тўкилган барглар ҳиди ва улар ўзининг эластиклик хусусиятини йўқотганлигини, қаттиқлашиб, синувчан бўлиб қолганлигини кўрадилар. Болаларнинг атроф-табиат билан завқланишлари камайиб боришига қараб, уларнинг эътибори баргларнинг шакли, дарахтлар навларига қаратилади. Ана шу вақтда ўсимликларда содир бўлаётган ички жараёнлар қисқа ва тушунарли шаклда баён этиб берилади: жумладан, ўсимлик янги шароитларга мослашиб, қишига тайёргарлик кўряпти. Болаларнинг эътибори атрофда учиб юрган капалак, ниначиларга, уларнинг асосий белгиларига жалб қилинади. Учиб юрган ҳашаротлар уларнинг тўзилиш шакллари меҳнат жараёнида ҳашаротлар апликациясини тайёрлаш учун образматериал хизматини ўташи керак.



Болалар баргларни тўплар эканлар, уларнинг ранглари, шаклларини қиёслашни ўрганадилар, бу уларнинг кўзатувчанлигини ўстиришга ёрдам беради. Тўпланган барглар олдиндан тайёрлаб қўйилган дафтар вараклари орасига қўйилади. Шундан кейин болаларга баргларнинг меҳнат машғулотларигача рангини йўқотмаслиги, буралиб кетмаслиги учун қандай ишлов бериш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир экскурсияда болаларнинг эътибори инсоннинг яратувчилик меҳнатига албатта жалб этилиши керак.



Экскурсия охирида якун ясалади, экскурсияда эгалланган билимлар умумлаштирилади. Бундан ташқари, болаларга капалак ва ниначилар тасвири туширилган расмларни кўриш, уларнинг танаси ва қанотларининг шакли, рангига алоҳида эътибор бериш топширилади.

Бундай уюштирилган экскурсиядан кейинги машғулотда болалар аппликацияларни иштиёқ билан намойиш қиласидилар, аппликацияни ўз истакларига кўра, ўзлари тўплаган материаллардан мустақил ясаш топширилса, қизиқишилари янада ортади. Бундай машғулот қуидаги тузилмага эга бўлиши мумкин:

**1. Машғулот мавзуси ва мақсадини**

айтиш.

**2. Ўтказилган экскурсия бўйича сухбат қуидагича бўлади:**

а) экскурсияда қаерда бўлдик?

б) қандай дараҳтларни кўрдик,  
уларнинг номини айтинг?

в) уларнинг баргларининг шакли бир хилми?

г) қандай ҳашаротларни кўрдик?

**3. Намуна таҳлили:**

а) капалак қандай қисмлардан ташкил топган?

б) унинг қисмлари қандай жойлашган?



в) уни тасвирлашда қайси дараҳтлар баргларидан фойдаланилган?

#### **4. Ишни бажариш тартибини аниқлаш:**

а) капалакнинг айрим қисмлари (танаси, қанотлари)нинг жойлашишини тасвирилаш;

б) капалакнинг танаси ва қанотлари учун шакли ҳамда ўлчамлари бир хил бўлган баргларли топиш;

в) уларни қофозда жойлаштириш;

г) ишни амалий бажариш.

#### **5. Аппликацияни бажариш бўйича мустақил иш:**

а) капалакнинг айрим қисмларини қофозда тўғри тасвирилаш;

б) шакл, ўлчам ва бўёқларини тўғри танлаш;

в) елимлаш ишларини тартибли бажариш;

г) капалакнинг кўз ва мўйларини тўғри тасвирилаш;

д) иш бажарилган қофознинг орқасида баргларидан фойдаланилган дараҳтларнинг номларини ёзиш;

#### **6. Ишни баҳолаш.**

##### **Назорат саволлари**

1. Аппликация турлари ҳақида маълумот беринг.

2. Моделлаштиришдаги пластик материалларни афзалликлари ҳақида сўзлаб беринг.


3. Аппликация ишини бажаришда ишлатиладиган керакли асбоб ускуналарга бўлган талаблар ҳақида маълумот беринг.

4. Мактабгача ёшдаги болаларни табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлашга ўргатишда машғулот тузилмасига изоҳ беринг.

5. Трафарет, муҳр, шаблон тайёрлаш технологияси ҳақида сўзлаб беринг.

## **6-амалий машғулот: Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш технологиялари (2 соат)**

**Ишнинг мақсади:** Турли ёш гурухларида жисмоний тарбия машғулот, байрам эрталикларни ва эрталабки баданбтарбия ишланмаларини ишлаб чиқиши. Жисмоний тарбия машғулотида ўйналадиган ўйинларни гурухларга ажратиш ва жараённи таҳлил қилиш.




Мактабгача таълим муассасасининиг кичик гурухида болаларни ҳаракатларини шаклланишига ёрдам бериш, гавдасини тик тутишга ўргатилади. Болаларни мустақил ўйнаётган пайтларидаги ҳаракатлари фаоллигининг барқарорлашувига ёрдам берилади. Тарбиячи томонидан кўрсатилаётган турли ҳаракатларга болаларни тушуниб боришига ва биргаликда ҳаракат қилишга ундалади. Шу билан бирга болаларни дикқатли бўлишга ўргатилади. Болаларни турган жойларида сакрашга, икки оёқни жуфтлаб сакрашга ўргатилади. Эмаклашга, тирмашиб чиқишга, тўп билан ҳаракат қилишга, думалатиш, улоқтиришга ўргатилади. Болаларда эрталабки бадан тарбияга нисбатан қизиқиш, ҳар хил ўйинларда иштирок этишга ўргатилади.

Мактабгача таълим муассасасаларда кичик гурухда асосий ҳаракатлардан юриш : тўп-тўп бўлиб юриш, йўналишини ўзгартирган ҳолда юриш, ёнламаси юриш, кетма-кет юришга ўргатиш назарда тутилади.

**Югуриш:** тарбиячи орқасидан югуриш, думалатиб юборилган буюмни қувиб этиш, икки чизик орасидан чиқмай юришга, 10-15 см баландликдан сакрашга ўргатилади.

Думалатишдан ирғитиб олиш. Тўпни бир-бирига қаратиб думалатиш, тўпни икки қўллаб олдига пастдан, кўкрак олдидан бошдан ошириб отиш, тўп ёки қум халтачасини 1 метр масофага бир қўллаб ўнг, чап қўл билан ирғитиш ўргатилади.



Эмаклаш ва тирмашиш 3-4 метр масофага эмаклаш,арқонли нарвонча, тик деворчадан бола учун қулай бўлган усулда юқорига тирмашиб чиқишга ўргатилади.

Бу ёшда болаларга мувозанат сақлашни ҳам ўргатилади. Бунда тўғри йўлка бўй-лаб юриш, илон изи йўлакчадан доира бўйлаб ташлаб қўйилган арқончадан, қия тахтачадан юриш ва эмаклаш, ҳалқадан-ҳалқага, доирадан-доирага ўтишни ўргатилади.

*Умумивожсантирувчи машқлар.* Қўлларни юқорига ва ёнга ўзатиш, букиш ва чўзиш, кўкрак олдида чалиштириш, қўлларни орқага чалиштириш, бош устида чапак чалиш (шиқилдоқлар, кубиклар, тасмачалар, рўмолчалар билан турлича ҳолатларни ба-жариш).

*Оёқлар учун машқлар.* Турган жойда юриш, олдинга, ёнга орқага қадам ташлаш. Бир оёқда турган ҳолда иккинчи оёқни букиш ва ёзиш, ўтириб туриш, оёқ учида кўтарилиш, товон билан туриш, оёқ бармоқларини қимирлатиш, ётган ҳолатда бармоқларни қимирлатиш.

*Гавда машқлари.* Ўнг ва чапга бурилиш, олдинга ва ён томонга энганиш, тиззалаб ўтириш, товонда ўтириш ва туриш, қорин билан ётган ҳолда қўлларни ўзатиш ва оёқларни кўтариш у ён бошдан бу ён бошга ўгирилиш.

*Сафланиши ва қайта сафланиши.* Доира бўлиб сафланиш, жуфт-жуфт бўлиб сафланиш, бир-бирини кетидан туриш.

*Ҳаракатли ўйинлар.* Юриш ва югуришга оид ўйинлар: “Кўғирчоқларникига меҳмонга”, “Йўлакчадан”, “Таёқчадан хатлаб ўт”, “Чумчуқлар ва автомобиль”, “Поезд”, “Самолёт”, “Пуфак”, “Қуёш ва ёмғир”, “Қушлар учмоқда” кабилар.



*Иргитии ва илиб олии. Тўпни илиб ол, дарвозага киритиш, саватга ташла, менга иргит кабилар.*

*Сакраб ўйналадиган ўйинлар. “Мени шўх коптогим”, “Оқ қуёним ариқчадан хатлаб ўт” кабилар.*

*Болаларнинг соглиги ва жисмоний ривожсланиши.*

*Чиниктириши. Бунда ҳаво, қуёш, сувдан фойдаланган ҳолда чиниктириш тадбир-лари амалга оширилади. Қуёшда чиниктириш асосан эрталабки сайр вақтида, болаларнинг турли фаолиятлари жараёнида амалга оширилади.*



Қуёшда дастлабки, кун давомида 5 дақиқадан то 10 дақиқагача бўлишлари, сўнг аста-секин 40-50 дақиқачагача кўпайтириш мумкин.

Болаларнинг юз-қўлларини мустақил ювишга одатлантириш. Баданни ҳўл сочиқقا артиш. Ёз ойларида чўмилишга, сув пуркагич душдан фойдаланишга ўргатиш. Агар шамол бўлса ва ҳавони ҳарорати 25 даражада, сувнинг ҳарорати 23 дан паст бўлмаса, очиқ сув ҳавзасида чўмилтириш мумкин. Чўмилиш давомийлиги 3 дақиқадан 8 дақиқага оширилади. Чўмилиш эрталабки сайрдан сўнг, тушликдан

олдин

ўтказилади. Чиниктириш жараёнида боланинг соғлифи ҳамда сувга қанчалик одатланганлигини эътиборга олиш зарур.


*Жисмоний соғломлаштириш ишлари.* Болаларни эрталабки бадан тарбия вақтида дақиқа давомида ўйин ҳаракатидаги машқларни бажаришга одатлантириш мақсадга мувофиқдир. Тарбиячига тақлид қилиб, биргаликда ҳаракат қилиш қўнимасини ўстириш, ҳаракатли



4-5

ўйинларда иштириок этишга иштиёқни ҳамда ўйин топшириқларни бажаришга ўргатиш назарда тутилади.

*Рақс машқлари.* Мусиқага қараб юриш ва югурниш, давра бўйлаб, жуфт-жуфт бўлиб ҳаракат қилиш мусиқа оҳангига мослаб бир оёқни тўпиллатиш ва



чапак чалиш, қўл, баданларни айлантириш, тиззаларни ярим букиб, ўтириб туриш, лапарларда қўшик матнларига қараб ҳаракат қилиш, ўзбек халқ рақс ҳаракатларидан тўзилган кичик рақсларда қатнашиш.


Ўрта гурух болаларини жисмоний ҳаракатларнинг турли хил турлари билан таништириш, уларни фаол бўлишга ундаш ҳамда турли ўйин ва машқларга қизиқиш ўйғотиш назарда тутилади.

Машғулот вақтида болаларни қўл ва оёқ ҳаракатларини машққа мувофиқ равишда оёқни судрамай, бошни эгмай, енгил юришга одатлантириш, нарвонга тирмасиб чиқиши, тўпни панжалари ёрдамида ушлаб олиш, шунингдек, турли усууллар орқали тўп улоқтираётганда бошланғич ҳолатни тўғри эгаллаш, велосипед учиш малакасини ўргатиш, турли тартибда юра олиш, фазода чамалашни ўрганиш ҳамда дор ўйинларига, мувозанат сақлашга ўргатиб бориши.

Эрталабки бадан тарбия вақтида юриш, югурниш, сакраш, қўл, оёқ, гавда машқларини фаол эгаллашга, гавда ҳолатини тикка тутишга эришиш, жисмоний сифатларни ривожлантириб бориши. Ўйинларни мустақил ташкил этишларга имконият яратиш. Болаларни велосипед, чана учишга, тўп, ҳалқа ва бошқа нарсалар ёрдамида бажариладиган ҳаракат малакаларини такомиллаштириш. Болаларни жисмоний тарбия машғулотларида биргаликда дам олиш дақиқаларидаги ўйин ва кўнгил очарларга қўшилишларга одатлантириш

Жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган байрамларда болаларни байрам кайфиятларини уйғотишга эришиш.

*Асосий ҳаракат машқлари.* Юриш: оёқ учida, тиззаларни баланд кўтариб юришга, товонда, оёқни кафтларни ён томони билан юриш, турли буюмлар оралаб, ён томонга юриш. Ҳаракат темпи ва йўналишини ўзгартириб, сафда юриш.




оёқ

*Юриш:* оёқ учida, тиззаларни баланд кўтариб, катта қадамлар билан юриш, саф-да жуфт бўлиб, турли йўналишда, доира бўлиб, қўлни ушлаб. Чизимчани ушлаб, илон изи бўлиб юриш (юриш 1-1,5 дақиқа давом этади) ҳамда югуришни юриш билан алмаш-тириш мақсаддага мувофиқ бўлади.

*Сакраш:* Турли жойда икки оёқлаб, айланиб сакраш, қўлларни юқорига кўтариб сакраш. Сакраш машқини 15-20 марта бажариш лозим. Олдинга қараб юриш вақтида сакраш. Бир оёқлаб турган жойда ўнг ёки чап оёқда ва юрган ҳолда сакраш, тўсиқдан сакраб ўтиш 70 см ўзунликка ва 20-30 см баландликдан сакраб ўтиш, арқон билан сак-рашга уриниш, думалатиш, улоқтириш, илиб олиш, айлана орасидан тўпни думалатиш, коптокни юқорига отиб ва ерга уриб илиб олиш, тўпни пастдан юқорига, юқоридан пастга, бошдан ошириб отишга ўргатиш. (чап ёки ўнг қўл билан)



*Эмаклаш ва тирмашии:* Камида 10 м масофани эмаклаб ўтиш турли баландликда-ги буюмлар остидан эмаклаб ўтиш. Гимнастика курсида қўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш. Тўрт оёқлаб юриш, гимнастика деворига ўнгдан чапга ўтиб тирмашиб чиқиши, 20-30 см баландликда тортилган арқон тагидан ҳалқа орасидан эмаклаб ўтиш.



*Мувозанат сақлаши.* Бунда чизиқ бўйлаб мувозанат сақлаб юриш, бирор нарсани кафтга, бош устига қўйган ҳолда юриш, гимнастика скамейкасида бир-бири билан алмashiб ўтиш, қавариқ тахта устида оёқ учida юриш, югуриб кегандан сўнг скамейкада мувозанат сақлаб туриш, бир оёқни букиб, иккинчисида туриш ҳамда иккала томонга айланиш, қўллар белда ён томонларда кўзни юмиб юриш кабилар назарда тутилади.

*Умумривожсантирувчи машқлар.* Кўл ва елка учун машқлар: қўлларни олдинга, ён томонларга, юқорига кўтариш ва ҳар сафар навбат билан пастга тушириш. Кўлларни ёнга, олдига ўзатган ҳолда кафтларни очиб-ёпиш ва айлантириш. Кўлни бирин-кетин навбат билан олинга ва юқорига кўтариш, тушириш, орқага силкаш. Кўлни тирсакдан букиб, айланма ҳаракат қилиш.

*Оёқ учун машқлар.* Оёқ учida тик туриш, навбат билан аввал товонда, сўнг оёқ учida туриш, кетма-кет бир неча марта ярим ўтириб туриш, оёқ кафтларини букиш ва ёзиш, оёқ панжалари билан арқонни йиғиш, товон билан буюмларни ушлаб бир жой-дан иккинчи жойга кўчириш.



*Гавда учун машқлар.* Кўллар белда, уларни ён томонга ўзатиб, гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга буриш, оёқларни жуфтлаб олдинга эгилиш, қўл бармоқларини оёқ учига теккизиш, бирон нарсани полга қўйиш ва олиш,

бир оёқни кўтариб, унинг остидан бирор буюмни ўнг қўлдан чап қўлга ўтказиш ёки аксинча, қўлларга таянган ҳолда иккала оёқни кўтаришга уриниш, булаш, тўғирлашга ҳаракат қилиш, тиззаларга таяниб туриб белни букиш ва тўғрилаш, қўлларни навбат билан кўтариш, чалқанча ётган ҳолда қўл билан турли ҳаракатларни бажариш, айланиб қоринда ётиш, қўлни ўзатиб бирор бир

буомни ушлаб туриш, қорин билан ётган ҳолда олдинга ўзатилган қўлни, елка ва бошни кўтариш кабилар назарда тутилади.

*Сафланиши ва қайта сафланиши.* Мустақил ҳолда алоҳида гуруҳчаларга ва бутун гуруҳ билан бирга қатор бўлиб сафланишга ўргатиш, 3 гурухга сафланиб туриш.


*Харакатли ўйинлар.* “Учди, учди”, “Чори-чамбар”, “Кўз бойлағич”, “Ким топқир”, “Тортишмачоқ”, “Қушим боши”, “Дўппи ташлар”.

*Спорт машқлари.* Велосипед миниш, унда доира бўлиб ўнга ва чапга бурилиш. Сўзишга тайёрлаш. Сувдаги ўйинлар: “Ўйинчи сувда”, “Сувда футбол”, “Тўпни кетидан югур”.

*Соғломлаштириши ишлари.* Эрталабки бадан тарбия вақтида болаларни юриш, сакраш ҳамда қўл, оёқ, гавдага мўлжалланган машқларни фаол бажаришга одатлантириш.

Сайр вақтидаги харакатли ўйинлар давомида жисмоний тарбия бўйича ўрганган ўйин қоидаларига риоя этишга ундаш, эпчиллик, чаққонлик, зийраклик кўникмаларини ўстириш. Турли фаолиятга қараб, велосипед, роликли коńьки, чана, миллий курашнинг айрим усулларини ўрганиш.


Йил охирида гавдани тик ҳолда тутиб, эркин юриш ва югуриш, гимнастика деворига чиқиб туришни ҳамда ўз ихтиёри билан харакатли машқларни бажаришни қўллаб-куватлаш.



Ҳар хил усулларда: қўл бармоқлари, тизза ва оёқ панжалари, товон ва кафт, қорин кабиларда эмаклашни турган жойда сакраш, ерга енгил тушиш, турган жойда 70 смгacha сакраш, ерга чизилган чизиқ устидан мувозанатни сақлаган ҳолда, чизиқдан чиқмай юриш, сафга биттадан, жуфт-жуфт бўлиб, текис сафланишни ҳамда фазода чамалашни, икки ғилдиракли велосипедда учишни, чап ва ўнг томонга бурилишни билишлари керак.

*Рақс машқлари.* Ҳаракатларни мусиқа билан бошлаш ва тамомлаш, мусиқа мазмунини ва қисмларига қараб мустақил равища ҳаракат ўзгартириш, бир қатор ва жуфт бўлиб, дадил қадам ташлаб шаҳдам юриш, енгил югуриш, бир

вақтнинг ўзида чапак чалиб ўнг оёқни тўпиллатиш, қўлларни майин ҳаракат қилдириш, хаккалаб сакраш, оёқ учи ва товоонларни олдинга қўйиш ҳамда эркин рақсларда ўзбек халқ рақс ҳаракатларидан самарали фойдаланиш, лапарларда қатнашиш назарда тутилади.



Катта гурухда тарбиячи жисмоний тарбия фаолиятига оид турли усулларни болалар билан биргаликда уларнинг хоҳишлирини ҳисобга олган ҳолда танлаши мақсадга мувофиқдир. Тарбиячи болаларни жисмоний тарбия бўйича машқларни онгли равища тушуниб, аниқ ва тўғри бажаришга ҳаракатли ўйинларнинг қоидаларига риоя этишга ўргатиш, енгил юриш ва югуришга, югуриш вақтида кучлироқ таяниб итарилиб чопишга, оёқни баландроқ кўтариш, қадам оралигини ошириш учун секин, ўртача тезликда, тез югуришга, югуриш вақтида турли тўсиқлардан сакраб ўтишга ўргатиш.

Югуриб келиб баландликка ва ўзунликка сакраш, сакрашнинг турига қараб ерга тушиш, тушаётганда ўзини йиғишириб олиш кўниқмаларига, бир қўл билан коптокни отиш ва илиб олишга, бирор бир буюмни қулочлаб отишга, иргитиб ташлаш билан бирга қўшиб олиб боришга, тирмашиб чиқиш ва тушишнинг турли хил усулларини ўрганиш, болани ўз ҳаракатини бажаришга таҳлил қилишга, ўзга болалар ҳатти-ҳаракати билан ҳисоблашишга, қоматни тўғри тутишга, мускулларни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи машқларни бажаришга ўргатиш.

Болаларни велосипед учиш, сўзишга оид турли усуллар, ҳар хил спорт ўйинда ўзлаштирилган қоидаларга ижодий риоя этишларига ҳам имкониятлар яратиш. Кураш тушишнинг айрим усуллари, қоидаларини ўргатиш (масалан, самбо усуллари).

Жисмоний сифатларини ўстириш, мувозанат сақлаш, ҳаракатни бошқариш ҳамда фазода мўлжалга олишни шакллантиришни давом эттириш.

Уюшқоклик, фаоллик, мустақиллик, дўстона муносабатлар ва ўзаро ёрдам кабиларни тарбиялаш. Спорт нинг турли хиллари билан таништириш, машхур спортчилар билан қизиқишиш ва таништириш, уларнинг ҳаётига оид қизиқарли воқеаларни сўзлаб бериш, шу орқали болалар қалбида спортга нисбатан муҳаббат уйғотиш.

Асосий ҳаракатлар.

*Юришини машқ қилиши.* Турли усулларда, яrim ўтирган ҳолда товонда бармоқ учлари билан қадам ташлаб, турли томонга оёқни ёnlама қилиб, қарсак чалиб юриш, оёқ учида, қўлларни бош орқасига қўйиб юриш. Кўзни юмган ҳолда 3-4 метр масофани босиб ўтиш, оёқларни чалиштириб юриш, ҳаракаларнибажарив юриш.



*Югуришини машқ қилиши.* Турли усулларда, яrim ўтирган ҳолда, товонда бармоқ учлари билан қадам ташлаб, турли томонга оёқни ёnlама қилиб, қарсак чалиб юриш, оёқ учида, қўлларни бош орқасига қўйиб юриш. Кўзни юмган ҳолда 3-4 метр масофани босиб ўтиш, оёқларни чалиштириб юриш, ҳаракатларни бажарив юриш.

*Югуришини машқ қилиши.* Оёқ учида кичик ва катта қадам ташлаб тўсиқларни ошиб ёки айланиб ўтиш, югуриш вақтида турли буюмлар орасидан илон изи бўлиб югу-риш (югуриш 1,5-2 дақиқа давом этади) ҳамда 60-100 метрга ўрта тезлиқда югуриш.

*Сакрашни машқ қилиши.* Турган жойда оёқларни жуфтлаб сакраш, оёқларни чалиштириб түғрилаб, галма-галдан ўнг ёки чап оёқда сакраш, оёқни жуфтлаб, ёнламасига пастроқ түсік устидан сакраб ўтиш, гоҳ ўнг оёқда, гоҳ чап оёқда сакраш, 80 см ўзунликка сакраш, югуриб келиб баландликка, ўзунликка сакраш, қимирлаб турган қимирламай турган арғимчоқ устидан сакраш.

*Отиш ва илиб олиш, иргитишини машқ қилиши.* Тұп билан бажарилған машқларни мукаммаллаштириш. Тұпни кетма-кет 10 марта юқорига отишга эришиш, тұпни ерга ташлаш ва икки құл билан илиб олиш, юқорига отишга эришиш, тұпни ерга ташлаш ва икки құл билан илиб олиш, юқорига отиб то тушгунча қарсак чалишга улгuriш, кетма-кет 10 марта ерга уриб ўйнаш, турли усуулларда илиб олиш, оғир тұпларни думалатиш кабилар.

*Эмаклаш ва ўрмалаб чиқишини машқ қилиши.* Тұрт оёқлаган ҳолда бош билан тұп-ни 3-4 м. масофага итариш, түсіклар устидан эмаклаб ўтиш, скамейка устида орқага ва олдинга эмаклаш, қорин билан силжиш, скамейка остидан эмаклаб ўтиш, гимнастика деворига чаққонлик билан чиқиши, арқонни ушлаб осилиш ва иложи борича арқонга тирмашиб чиқиши.

*Умумривожлантирувчи машқлар.* Құл ва елка мускули учун машқлар. Дастанбеки ҳолат: құллар күкрак олдида, құллар елкада, тирсаклар туширилған, құлларни тирсак-дан букиш ва түғирлаш, иккінчи ҳолатда құлларни юқорига күтариш, құлларни бош орқасига қўйган ҳолатдан құлларни юқорига күтариш, ён томонга ёзиш, иккала құлларни галма-галдан күтариш, бармоқларни букиш ва ёзиш.

*Оёқ учун машқлар:* Турган жойда қадам ташлаш, кетма-кет бир неча марта ўтириб туриш, оёқ бармоқлари билан майда нарсаларни қисиб олиб күтариш ва пастга туши-риш, уларни бир жойдан иккінчи жойга қўйиш.

*Гавда учун машқлар.* Деворга ёпишиб тик туриш, құлларни юқорига күтариш ва тушириш, гимнастика деворига елка билан ёпишиб туриб айни пайтда токчаларни ушлаш, букилған ва ёзилған ҳолда оёқни навбати билан күтариш, гимнастика девори олдида туриб құл билан токчаларни бел баландлигига ушлаш, олдинга букилиб, энгashiш, таяниб ўтириш, бир оёқда

таяниб ўтириш ҳолатига ўтиш ва иккинчисини ён томонга ўзатиш, чалқанча ётиб оёкларни бир-бирига чалиштириб ҳаракат қилдириш.

*Сафланиши ва қайта сафланиши.* Мустақил равища сафга, қаторга туриш. Икки гурухга жуфт бўлиб туриш ва ундан сўнг айлана бўлиб туриш. Бир сафдан бир неча гурухга бўлиниш ва қайта сафланиш, чап ва ўнгга қайта сафланиш, чап ва ўнгга қадам ташлаб бурилишлар қилиш, оёқ учига қараб текисланиш, бурчак ҳосил қилиб кетма-кет юриш, диагонал ҳосил қилиш.

*Ҳаракатли ўйинлар:* “Қувлашмачоқ”, “Ғозлар оқ қушлар”, “Айёр тулки”, “Үйсиз қуён”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Байроқчаларга ким олдин етади”, “Ўт ўчирувчилар”, “Овчи ва қуёнлар”, “Чиллак”, “коптокни уриб чиқар” кабилар.

*Спорт ўйинлари:* “Баскетбол”, “Волейбол”, “Футбол”, “Хоккей”

*Спорт машқлари:* Велосипедда учиш..

*Сўзиши.* Сувда нафас чиқариш, қўл ҳаракатларини ўрганиш, эркин усулда сўзиш.

*Сувдаги ўйинлар:* “Фонтан”, “Кутича”, “Денгиздаги тўлқинлар”.

*Рақс машқлар:* Мусиқа оҳангларига, осойишта ва тезлигига мослаб ифодали ҳара-кат қилиш, мусиқанинг қисмлари ва сўзларига қараб мустақил равища ҳаракатларни ўзгартириш, тантанали, байрамона, секин қадам ташлаб юриш, қадам алмашиб юриш, ёнга қадам қўйиб тиззаларини букиб туриш, кичик ва катта доира тўзиш, ўз жойларини билиш, жуфт-жуфт бўлиб шахмат бўлиб туриш, қўшиқ айтиб бир вақтда ҳаракат қи-лиш, ўзбек халқ ҳаракатларидан ташкил топган рақсларни ижро этиш ҳамда ўзбек халқ рақс ҳаракатларини бажариш.

### **Жисмоний тарбиямашғулотининг навий ишланмаси.**

**Мақсад:** Гавдани тўғри тутиб юриш ва тизаларни баланд кўтариб юриш, буюмлар орасидан илон изи бўлиб юриш, оёқ учига юриш, енгил югуришни суратини ўзгартириб югуриш, нафасни ростлаб юриш.

**Керакли жиҳозлар:** 1. бола сонига етарли чамбарак; 2. 2та гимнастик скамейка, 8-10та кубик ёки тўлдирма тўплар.

**Ташкилий қисм:** сафланиш, доира бўлиб юриш, буюм орасидан илон изи бўлиб юриш ва югуриш, нафас ростлаб юриш ва звенога бўлиниш.

**Асосий қисм:** чамбараклар билан умум ривожжлантириш машқлари.

I. Д.Х. тикиш. Чамбарак кўкрак олдида

1-қўлларни олдинга ўзатдик

2-Д.Х. қайтиш (3-4 марта)

II. Д.Х. асосий тикиш чамбараклар кўкрак олдида.

1-қўлларни ўзатинг

2-ўнга буриш

3-Д.Х.К

4-чап томонга (3-4 марта)

III. Д.Х. Асосий тикиш чамбарак ерда.

1-чамбаракни ердан олиб кўкрак олдига кўйиш

2-Д.Х.К (3-4 марта)

IV. Д.Х тикиш, оёклар жуфт, чамбарак ерда.

1-чамбарак атрофида айланиш.

V. Д.Х.: асосий тикиш чамбарак елка олдида.

1-ўтириб қўлларни олдинга ўзатиш.

2- Д.Х.К.

**Асосий ҳаракат машқлари:**

1. Буюм устидан сакраб ўтиш

2. Гардишлар орасидан тегиб кетмасдан ўтиш.

3. Гимнастик скамейкада мувозанатни сақлаб юриш.

**Мақсад:** буюмлар устидан сакраётганда оёклар жуфт бўлиши қўллар эса белда бўлиши керак. Бу машқни бажариб бўлгач болалар гардиш орасидан уларга тегиб кетмасдан ўтиш. Гимнастик скамейкада мувозанатни сақлаб юриш.

**“Иссик картошка”** қоидали ҳаракатли ўйини

Мақсад: болаларни эпчиллика, чаққонлика, зийракликка ўргатиш.

Үйин бориши: болаларни доира бўйлаб турғазиб улар орасидан санама орқали бошловчи тайинлаш, коптокни илиб олиш.

“Тўрт унсур” кам ҳаракатли ўйин.

Ўйиннинг бориши: иштирокчилар доира бўлиб ўтирадилар. Сардор ўйин иштирокчилари билан “ер” деганда ёnlарига чўккараб ўтириш “сув” сўзида эса қўлларни олдинга ўзатиш. “Ҳаво” сўзи эшитилиши билан қўлларини юқорига кўтариш, “шамол” сўzlари билан қўлларини ҳаракатга келтириш.

**Якуний қисм:** Нафас олиш машқлари. Машғулотда яхши қатнашган болаларни рағбатлантириш. Бир қатор бўлиб чиқиб кетиш.

**Ҳаракатли ўйинлар:** Ҳаракатли ўйинлар ҳаётдаги муаммоларни енгиш мантиқий тафаккурини ривожлантириш, мустақил фикрлаш қобилияtlарини руёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган жисмоний машқлар мажмуасини ўз ичига олади. Бундан ташқари ,одатда болалар севиб ўйнайдиган уларга қувонч баҳш этадиган мусобақа элементлари ҳам ҳаракатли ўйинларга киради . Ўйин воситасида ўзини қўршаб тўрган оламни англаб, унда турмуш ходисаларга нисбатан муайян муносабат пайдо бўлади . Кўплашиб ўйналадиган ҳарақатли ўйинларда болалар мақсадга эришиш учун ташаббускорлигни кўрсатиш керак. Шунингдек, ўйин жараёнида ўртоқларнинг ҳатти-ҳарақатлари учун ҳам жавобгарлик ҳисси шаклланиб бориши зарур.

Болалар ўйин орқали тилни яхши ўзлаштирадилар. Ўйинлар болаларда рухий тетиклик чарчоқларни олувчи завқ бағишлиайди

Шунинг учун болалар ўйин орқали тилни тез ўзлаштиришади. Ўйинларни қизиқтириб ўтиши учун, болаларга ўйиннинг мақсадини аҳамиятини тушунтира олиши лозим. Агар ўйин қизиқарли ўца , болалар ҳам шу ўйинни такрорлашни илтимос қилишади. Бундан қўриниб турибдики биз болаларга ўйин орқали тилнинг моҳиятини англатаолган бўламиз.

Ҳаракатли ўйинларни ўзига хос фазилати ўйинни мазмунни ҳаракатни ролини ёрқин ифода қилиш хисобланади (югуриш, сакрашлар, улоқтириш, отиш, тўпни ўзатиш ва илиб олиш, қаршилик кўрсатиш ва б.қ). Бу

ҳаракатлантирувчи ҳаракатланиш уни мазмунини асослаб беради (мавзу, ғояси). У ўйинда қўйилган мақсадга эришиш йўлида, турли-туман қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтишига йўналтирилади.

Ҳаракатли ўйинларни орасида хақиқатдан ҳам (элементар) ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари билан фарқ қиласди. Хақиқатан ҳам (элементар) ҳаракатли ўйинлар ўйновчиларнинг ўзларини ихтиёрий равища ўрнатилган, мақсадга шартли равища эришишга йўналтирилган, ўзида онгли равища ташаббускорлик фаолиятини мужассамлаштирган бўлади. Ўйновчиларнинг мақсадга эришишда фаол ҳаракатлантирувчи ҳаракат талаб қиласди, уни бажариши ўйновчиларни ўзларининг ижод қилишига ва ташаббускорлигига боғлиқдир

Оддий командализ ҳаракатли ўйинлар, бунда ҳар бир ўйин қатнашчиси, ўйин қоидаларига риоя қилган холда, битта ўзи учун курашадилар. Улардаги барча ўйин фаолиятини шахсий такомиллаштиришга, бошқалар устидан эпчиллик, аниқ нишонга тегизища, кучда, тезкорликда ва бошқа сифатлар бўйича шахсан устунликка эришишга, йўналтирилган. Бу ўйинларда энг асосий ахамият шахсий ташаббускорликни ва ҳаракат имкониятини, ўзининг шахсий сифатларидан фойдаланишини билиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпроқ муракаб, командали ўйинларга ўтишга оид ҳаракатли ўйинлар, бунда ўйновчилар биринчи навбатда ўзларини қизиқишлиарини ҳимоя қилишга айrim пайтларда шахсий имкониятларини, ўртоқларига ёрдам бериш, уларни қутқариб қолиш бўйича, уларни ўйинда хужумчилардан қутқариб қолишга ёрдам берадилар (“Петначи қўлингни бир”, “Югуриб ўтиш”). Баъзи вақтларда ўйинчилар мақсадларига эришиш учун бошқа ўйинчилар билан вақтинча ҳамкорликда ишлашга киришишлари мумкин. Айrim ўйинларда бундай ҳамкорлик қилиш қоида бўйича назарда тутилган

гурухларга ажратиладиган ўйинлар:

а) машғулотни ташкил қилиш шакли бўйича (машғулотда, жисмоний дақиқаларда, байрамларда ўтказиладиган ўйинлар);

б) мотор зичлиги хусусияти бўйича (катта, ўртача ҳаракатчанлик ва камҳаракатли ўйинлар);

в) иш жойларини ва мавсумларни хисобга олиш билан ўйналадиган ўйинлар (ёзда, қищда, бино ичида, очик хавода ўйналадиган ўйинлар).

МТМнинг таълим тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томонидан тарбиялашда қатта ўрин тутади. Ўйинда ёш организмга хос бўлиб, талаб ва эҳтиёжлар қониктирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бардамлик, тетиклик, қувноклик тарбияланади. Ўйин таълим ва машғулотлар билан қундалик ҳаётдаги кузатишлар билан ўзвий боғлиқ бўлиб жуда қатта таълимиytарбиявий аҳамиятга эгадир. Бола ўйнаб, ўз билимидан фойдаланишига, уни ҳар хил шароитда ишлата билишга ўрганади. Ўйинда ақлий ривожланиш билан боғлиқ холда ахлоқий сифатлар ҳам шаклланади. Ўйин жараёнда юз берган кечинмалар бола онгидча чуқур из қолдиради шунинг учун ўйин болада яхши хисларни улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишлиарни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйинда бола ўз хулқини бошқаришга қийинчиликларни енгишга, ўз мақсадига қатъий туриб этишишга ўрганади. Ўйин мустақил фаолият бўлиб, бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Мана шунинг учун ҳам ўйин болаларни интизомли қиласи.

Ўйинда болаларнинг машғулотларда олган билим ва малакалари акс этади ва ривожлантирилади, улар орқали эса бола ҳаётга ўргатилади.

### **Назорат саволлари**

1. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг мақсадлари нечта?
2. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг вазифаларини изоҳлаб беринг.
3. Мактабгача таълим муассасаларида кичик гурухда жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.

4. Мактабгача таълим муассасаларида турли ёш гурухларида болалар билан ўйналадиган спорт ўйинлари ҳақида тушунча беринг.

### **9-амалий машғулот. Бадиий адабиёт билан таништириш машғулотларини ўтказиш технологиялари (4 соат).**

**Ишнинг мақсад:** “Илк қадам” ўқув дастурида бадиий адабиёт билан таништириш машғулотлари бўйича болаларни эртак ва ҳикоя айтишга ўргатиш. Кун тартибининг барча қисмларида, машғулотлар жараёнида болаларни ўзаро бир-бирлари ва катталар билан мулоқот қилишга ўргатиш.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар “Бадиий адабиёт билан таништириш” методикаси бўйича таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишни ўрганиб оладилар ва фаолиятида кўллайдилар.

**Жиҳоз:** Тарқатмалар, маркерлар.

**Дарс методи:** “Ақлий ҳужум”, “3x4 технологияси”

**Амалий топшириқ:**

1. “Ақлий ҳужум” методи орқали савол-жавоб ўтказиш.

2. “Бадиий адабиёт билан таништириш” бўйича қилаётган ишларингиз.

Тингловчилар фикри йигилади. Таҳлил қилинади.

3.“ 3x4 технологияси”. Тингловчилар қайси гурухда ишлашларига қараб гурухларга ажратилади. Тарқатма берилади. Ҳар қайси гурух дастурда берилган таълим–тарбия вазифаларини амалга оширишда усулларидан фойдаланиш. Тақдимот ўтказилади.

**Таянч тушунчалар:** Образлар, заҳира, хусусият, салоҳият, мантиқий, интуитив, ибора, инстинкт, мотив, дидактика.

Бадиий адабиёт болаларни ақлан, ахлоқан ва эстетик тарбиялашнинг қудратли, таъсирchan қуроли сифатида хизмат қиласди, у бола нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир қўрсатади.

Шеърий образларда бадиий адабиёт жамият ва табиат хаётини, инсоний хис-туйгулар ва ўзаро муносабатлар оламини очиб беради хамда тушунтиради.

Бу намуналар ўз тасъир кучига кўра турлича бўлади: хикояларда болалар сўзларнинг лўндалиги ва аниқлигини билиб оладилар; шеърларда ўзбекча нутқнинг мусиқийлигини, охангдорлигини илғайдилар; халқ эртаклари улар олдида тилнинг аниқлиги ва ифодалилигини намоён қиласди, она тилидаги нутқнинг юмор, жонли ва образли таққослашлар, ифодаларга қанчалик бойлигини кўрсатади.

Болалар бадиий эртаклар қахрамонларига қайғуришни ўрганганларидан сўнг улар яқинлари ва атрофдаги одамлар кайфиятини пайқай бошлайдилар. Уларда инсонпарварлик ҳис-туйғулари - бирорнинг дардига шерик бўлиш, яхшилик қилиш, адолатсизликка нисбатан қаршилик қўрсатиш қобилияти уйғона бошлайди. Бу принципиаллик, халоллик, хақиқий фуқаролик хислари тарбияланадиган пойдевордир. Хис-туйғулар билимдан олдин келади; кимки хақиқатни хис қилмаган бўлса, у буни тушунмаган ва танимагандир.

Хикоялар оламига саёхат болалар тасаввурини, уларнинг хаёлот оламини, фантазиясини ривожлантиради. Энг яхши адабий намуналар асосида инсонпарварлик руҳида тарбияланган болалар ўз хикояларида ва эртакларида мазлумлар ва заифларни химоя қилиш, ёмонларни жазолаш орқали ўзларининг адолатпарварлигини намоён қиласдилар. Ва албатта болалар эстетик, айниқса ахлоқий тасаввурларни катталарни ўқиб чиқилган эртаклар бўйича насиҳатнамо мулоҳазаларидан, тайёрланган саволларга жавоб беришдан эмас, балки айнан бадиий эртаклардан олишлари лозим. Ўқиб чиқилган эртак бўйича хаддан ташқари кўп насиҳат қилиш катта, кўпинча эса тўзатиб бўлмас зиён етказади: майда-чуйда саволлар билан «сочиб ташланган» эртак болалар кўз ўнгига ўзининг барча жозибадорлигини йўқотади, оқибатда унга нисбатан болаларнинг хам қизиқиши йўқолади. Шунинг учун бадиий матнинг тарбия имкониятларига тўлиқ таяниш зарур.

Агарда эртак мазмуни унчалик катта бўлмаса, уни икки-уч марта ҳикоя қилиш ёки энг ёрқин жойларини такрорлаш мумкин. Уни айтиб бўлгандан сўнг болаларга шундай шароитни вужудга келтириш тавсия қилинадики, токи улар

энг қизиқарли жиҳатларни эсга олиш ва уларнинг эртақдаги сўзлар билан тақорлашга мажбур бўлсин.

Педагог вазият ёрдамида болалар билан халқ ҳикоя ва достонларини қаҳрамонларининг қўшиқларини, қаҳрамонлар исмларини тақорлаш, образли сўзларни болалар онгида мустаҳкамлашни амалга оширади, ва улар буни ўз нутқларида қўллай бошлайдилар.

Мактабгача босқичдаги болаларга ўқиб бериш учун унчалик катта бўлмаган ҳикоя ва шеърлар тавсия қилинади, булар кичик тингловчиларда ижобий эмотсияларни тарбиялашга ёрдам беради. Уларнинг боланинг шахсий тажрибасига яқин бўлган осон мазмуни оддий ва содда шаклда ифодаланган: қофиялар ўхшаш, шеър қаторлари қисқа. Болалар уларни тақорлар экан, қаторларнинг жарангдорлигини, шеърнинг мусиқийлигини илғаб оладилар, уларни осон қабул қиласидилар. Сўнгра эса бутун шеърни эсда сақлаб қоладилар.

Болаларни кичик ёшда кўпроқ шеърлар ўзига жалб қиласиди, чунки улар аниқ қофиялари, оҳангдорлиги ва мусиқийлиги билан алоҳида ажralиб туради.

Такрор ўқишда болалар шеър мазмунини ўзлаштириб оладилар, қофия ва ритмни ҳис қиласидилар, айрим сўзлар ва ифодаларни эсда сақлаб қоладилар ҳамда шу билан ўз нутқларини бойитадилар.

Ушбу ёшда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир: шеър ўқишда кичкинтойларга ҳар бир сўзни аниқ айтган ҳолда уларни шошмасдан талаффўз қилишни ўргатиш зарур. Болаларда қофиялананаётган сўзларга урғу бериш одати мавжуд, шунинг учун тарбиячи мантиқий урғуларни тўғри қўйиши ва болаларнинг ҳам шеърни тўғри айтишларига эришиши лозим.

Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар бир ёш босқичида болалар бадиий адабиёти билан таништириб бориш масалаларини кўриб чиқамиз.

Бола катталар билан биргаликда маталлар ва саноқ шеърлар сюжетлари асосида иштиёқ билан ўйинлар ташкил қиласиди, у товуш тақлидига ва фолклор йўналишидаги бир маромдаги тақорлашларга қулоқ тутади ҳамда уларга тақлид қиласиди.

Бола адабий эртакларда баён қилинган воқеаларни жуда жиддий қабул қиласди. Ўзига ёқиб қолган эртакни бир неча марта эшишишга ҳам тайёр. Унинг қаҳрамонларини иллюстратсиялар ва ўйинчоқларда хурсанд бўлиб таниб олади, ҳар гал эртакнинг бахтли якунини берилиб кутгани ҳолда сюжет ҳаракатларининг одатдаги кетма-кетлигини синчковлик билан қўзатиб боради.

Кичкинтойларга мўлжалланган бадиий эртаклар сони унчалик қўп эмас. Шунинг учун улар қўп марталаб такрор жаранглаши, боланинг кундалик ҳаётига кириб бориши ва унда бадиий эртакни ҳис қилишнинг бирламчи асосларини ривожлантириши лозим.

Кичик ёшдаги болаларга ўқиб бериладиган эртаклар доирасини асосан ўзбек фолклори эртаклари ташкил қиласди. Улар энг яхши тарзда кичик ёшдаги болалар эҳтиёжларига мос келади, чунки, у сўз, оҳанг, мусиқа ва ҳаракатни ўзида жамлагандир. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртаклари билан танишадилар: «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Уйча», «Чипор товук» ва бошқ.

Боланинг адабий эртакни ёки ўзи тўқиган эртакини ижро этиши (гурухда қайта хикоя қилиш, якка тартибда ифодали ўқиш ва катталар билан диалогда ўқиши) учун эмоционал бойитилган ижро мухитини яратиш. Бироқ, бадиий эртак фақат сўз билан айтилмасдан, балки унинг айрим ёрқин жихатлари болалар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида сахналаштирилиши, унга мусиқий ишлов берилиши, ҳаракатлар, суратлар, конструктив моделлар билан кўрсатилиши мумкин.

Тарбиячи болаларга яхши маълум бўлган анъанавий (ҳайвонлар ва сехргарлар ҳақида) халқ эртаклари ва ноанъанавий (болалар, табиат ходисалари, предметлар ҳақида) замонавий муаллифлик эртаклари руҳида ўз эртакларини тўқишилари учун шароит яратиб бериши лозим; болаларни уларнинг ўз ҳаётларида юз берган қизиқарли воқеалар ҳақида ҳикоялар тўзишига ундаш зарур.

Болаларнинг адабий эртакларнинг ўзига хос тўзилмаси ва типик персонажлари ҳақидаги тасаввурларидан фойдаланган ҳолда педагог ушбу элементлар асосида «Агарда ..... бўлса, нима бўлар эди» тоифасидаги ижодий

ўйинларни уюштириши лозим. Бундай ўйинларда типик қаҳрамонлар, сюжет элементлари эркин қўшилади, натижада ғайриоддий ва кутилмаган бирималар вужудга келади.

Шунингдек, образга кутилмаган ва қарама-қарши йўналиш берувчи алохидаги сўзлар ва жаранглашлар билан ўтказиладиган ўйинлар хам мухимдир. Педагог болаларнинг қоғия билан ўйинлари, сўз ижодкорлиги, шеърни давом эттириш ва шеър тўқищ, ташбехлар ва такқослашлар ўйлаб топишларига асосланган ўйинли хамда кулгили вазиятларини рағбатлантиради. Масалан, адабий эртаклар персонажларининг характеристикини акс эттирувчи янги ифодали исмларни, ёки эртакда образли тасвирланган нарсалар ва ходисалар учун янги номларни ўйлаб топиш.

Тарбиячи болаларнинг нисбатан йирик хажмдаги адабий хикоялар сюжетлари асосида ўйинли «хаёлотдаги оламни» яратишларига кўмаклашиши лозим. Масалан, йирик хажмдаги адабий ҳикоя (муаллифлик ҳикояси) билан таништиришда у гурухга ушбу ҳикоянинг «хаёлотдаги оламини» олиб кириши ва бир неча кун мобайнида (сайдра, ўйинларда) болалар билан биргаликда унинг ичидаги «яшаши» мумкин.

Эстетик қабул қилиш ва ижодкорликни ривожлантириш учун хикояларни мавзусига қараб гурухлашдан фойдаланиш самаралидир. Бу болаларга турли хикояларда тасвирланган образнинг вариативлигини ва унинг бир ҳикоя доирасида ривожланишини; айнан бир хил мавзу йўналишларини кўриб чиқишида контексларни ўзгартириш, образли ифодалар турли шаклларининг ўзаро боғлиқлигини (сўз, ҳаракат, товуш, тасвир) намойиш қилиш имконини беради.


Тарбиячи болаларнинг энг қизиқ фикрларини, уларнинг шахсий тажрибасига оид хикояларини, болалар томонидан ўйлаб топилган шеърлар ва эртакларни тўплаши лозим. Ушбу материаллар асосида болаларнинг ўзлари томонидан «китоб» яратиш ишларини уюштириш зарур. Бу болалар томонидан тўқилган эртаклар, шахсий тажрибага оид хикоялар, қўшиклар, саноқ шеърларнинг болалар расмлари билан безатилган тўплами, қўлёзма журнали ва

комикслари бўлиши мумкин. Гуруҳда ўқиб чиқилган, болалар суратлари, вариантив сюжетлар, импровизациялар ва тўқиб, охирига етказишдан иборат бўлган у ёки бу адабий эртаклар мотивларига оид «китоблар» хам айнан шундай тарзда яратилиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги бола санъатга, унинг бадиий образларига ошно бўлиш, бадиий фаолиятни эгаллаб олиш борасида кенг имкониятларга эгадир. У санъат образларини яхлит ва эмоционал қабул қилиши, уларнинг мазмунини оддий англаб етиши билан ажралиб туради. Чунончи, ёрқин ва ритмик марш мусиқасини тинглар экан, бола энг аввало, унинг қўтаринки кайфиятини қабул қиласди ва унинг муайян харакат хусусияти билан алоқасини илғаб олади. Бадиий қобилияtlар тизимида эмоционал муносабат билдириш ва сенсорлик қобилияtlари билан бир қаторда бадиий фикрлаш хам қарор топади. У бадиий образларни бир-бири билан таққослайди, уларни тегишли хаёт ходисалари билан қиёслайди ва ўзининг биринчи умумлаштиrmаларига келади.

Тўрт ёшга келиб болалар бадиий матнни эмоционал ва яхлит қабул қилгандари холда уни тушунганикларини нафақат нутқда (қайта хикоя қилиш, ёддан айтиб бериш, саволларга жавоб бериш), балки предметли ва ўйинли вазиятларда хам ифодалайдилар. Улар икки-уч персонаж ёки ходисани ажратадилар, улар ўртасида алоҳида алоқа ўрнатадилар ва шу тариқа эртак сюjetини гавдалантирадилар. Тавсифлашни такрорлаш кўпинча уларда кўпроқ қийинчилик туғдиради.






Бу ёшда адабий матнни қабул қилиш болаларнинг амалий ва ўйин фаолиятига яқин бўлган «харакат»дан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий эртак билан тўлақонли хамкорлик қилиш учун бола уни тинглаши, суратларни томоша қилиши, китобни қўллари билан ушлаб кўриши, ўйинчоклар билан ўйнаши, матннинг айрим қисмларини декламация қилиши ёки «бақириб айтиши», уларни муайян хаётий вазиятларда қўлланилишини аниқлаши лозим. Ушбу ёшда бадиий эртакни қабул қилиш, ижрочилик ва ижодкорликни амалда чегаралаб бўлмайди.

Бола хаётининг бешинчи йилида бадиий матнни мазмун-мохиятли ягоналик сифатида қабул қилиш механизмини шакллантириш бошланади. Болалар билан мулоқот жараёнида педагог энди бола харакатлари ва фикрларининг қабул қилинган бадиий эртакка қанчалик мос келиши хақида бевосита хulosалар чиқариши мумкин. Кўпчилик болалар матн мазмунини ёйик нутқий шаклларда баён қила олмайдилар, аммо уни суратлар, ўйинчоклар билан ўйинли вазиятларда, катталар ва тенгдошлари билан диалогларда мос равища тушунишларини намойиш қиласидилар.

Ушбу ёшда бошқача вазият хам юзага келиши мумкин – яъни, болалар тушунишда қийналган анча мураккаб матнни ёки унинг айрим қисмларини сўзлар билан айтиб берадилар.

Беш ёшларга келиб бадиий эртакни эмоционал-яхлит қабул қилиш шунга олиб келадики, болалар сюжетнинг айрим образлари ва элементларини ажратганлари холда улар билан «ўйнашни» бошлайдилар. Айни пайтда улар уни тўкиб тўлдирадилар, айрим лавхаларни такомиллаштирадилар, ўз эртакларини, шу жумладан улар томонидан ажратилган адабий образларни тўқийдилар, бадиий эртаклар асосида ўйин сюжетларини шакллантирадилар. Болалар нафакат у ёки бу адабий образларни ажратадилар, балки бадиий образларни ягона эмоционал-мазмун доминанти асосида умумлаштирма образларни яратганлари холда уларни бирлаштирадилар.

Болалар адабий жанрларни фарқлай бошлайдилар: эртаклар, хикоялар,



шеърлар; таққослашлар, гипербола каби айрим ифода воситаларини кўришга қодирдирлар; шеърий эртак кайфиятини интонациялар ёрдамида ифодалаб беришлари мумкин; юмор, лирика, тантана. Баёний матнларнинг анъанавий уч қисмли тўзилмаси (кириш, харакатнинг ривожланиши, якун) ва уларнинг стилистик воситалари (анъанавий кириш формуласи, эртак якуни, такрорлаш ва бошқ.) хақидаги тасаввурлар шакллана бошлайди.

Уч-тўрт ёшларда болалар адабий эртакларни танлашга қодирдирлар: улар айрим адабий қахрамонларни биладилар ва севадилар, ўзлари учун муайян эртакни ажратиб оладилар ва доимо уларни ўқиб бериш ёки айтиб беришни илтимос қиласидилар; ўзлари хам ёкиб қолган шеърий матнларни кўп марталаб такрорлайдилар. Беш ёшларга келиб айрим сюжетли харакатлар ва персонажларни афзал кўриш яққол сезила бошлайди. Буларнинг барчаси беш ёшли боланинг анча бой адабий тажрибаси умумлаштирмалари хисобланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган холда педагог уларни болалар бадий адабиёти билан таништиришда қуидаги ривожлантириш вазифаларини амалга ошириши лозим:

- Турли жанр ва мавзулардаги адабий эртакларни – эртаклар, хикоялар, шеърларни, шеърий фольклорнинг кичик шаклларини тинглаш, уларнинг мазмунига эмоционал муносабат билдириш ва сюжетнинг ривожланишини кўзатиб бориш қобилиятларини ривожлантириш;
  - Болаларни айрим эртаклар ва уларнинг айнан бир хил қаҳрамонлар билан бирлаштирилган циклари билан таништириш;
  - Тарбиячи билан биргаликда таниш эртакларни хикоя қилиш, уларни тўлиқ ёки қисман сахналаштиришга жалб қилиш;
  - Болалар сўз ижодкорлиги, шеърий матнларнинг ўйинли ва юмористик вариациялари учун қулай шароит яратиш;
  - Болаларнинг ўйин, тасвиrlаш фаолиятларини бадий образлар билан бойитиш;
- Етти ёшга келиб бола:
- Ўзига ёқсан нечта эртаклар номларини айтиши; сенга қайси китоб ёқади? У нима хақида? Бу эртакда кимлар хақида хикоя қилинади? Бу эртакда яна кимлар бор? Улар нима қилдилар? Буларнинг барчаси қандай тугади? каби саволларга жавоб берса олиши мумкин;
- Суратларни ўзига таниш бўлган эртакдаги воқеалар ривожига қараб териб чиқиши мумкин. Агарда суратлар ичидан ортиқча персонажнинг сурати чиқса, бола уни четга олиб қўяди, бироқ педагог илтимосига кўра, агар ушбу қаҳрамон хам эртакда иштирок эца нима рўй берган бўлиши мумкинлигини ўйлаб топади;
  - Ўзи хохлаган кичик шеър (овунмоқ) ёки ритмик ташкил этилган матнни (бўғирсоқ қўшиғи, эртакнинг айрим лейтмотивлари) эмоционал тарзда айтиб бериши мумкин.

•Мустақил фаолиятда – ўйинда, расм чизишда ва бошқа кундалик вазиятларда адабий образлардан фойдаланади.

Боланинг бадиий адабиёт билан ўзаро хамкорлиги унинг эстетик, билиш, ижтимоий ва нутқий ривожланиш имкониятларини амалга ошириш имконини беради. Бироқ шу билан бирга фаолиятнинг эстетик хусусиятлари бўзилмаслиги лозим, болаларнинг имкониятлари эса схематизм ва тақлидчиликдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Ушбу мақсадда педагог қуидаги қатор усуллардан фойдаланиши лозим: болаларнинг диққат-эътиборини алоҳида адабий эртакнинг бадиий қимматига – шеърларнинг образли ифодалилигига, ҳикояда сюжетнингкутилмаган ривожига қаратиш. Боланинг адабий эртакни ёки ўзи тўқиган эртакини ижро этиши (гурухда қайта ҳикоя қилиш, якка тартибда ифодали ўқиш ва катталар билан диалогда ўқиш) учун эмоционал бойитилган ижро мухитини яратиш. Бироқ, бадиий эртак факат сўз билан айтилмасдан, балки унинг айрим ёрқин жихатлари болалар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида сахналаштирилиши, унга мусиқий ишлов берилиши, ҳаракатлар, суратлар, конструктив моделлар билан кўрсатилиши мумкин. Педагог болаларга яхши маълум бўлган анъанавий (ҳайвонлар ва сехргарлар ҳақида) халқ эртаклари ва ноанъанавий (болалар, табиат ходисалари, предметлар ҳақида) замонавий муаллифлик эртаклари руҳида ўз эртакларини тўқишилари учун шароит яратиб бериши лозим; болаларни уларнинг ўз хаётларида юз берган қизиқарли воқеалар ҳақида ҳикоялар тўзишга ундаш зарур.

Болаларнинг адабий эртакларнинг ўзига хос тўзилмаси ва типик персонажлари ҳақидаги тасаввурларидан фойдаланган холда педагог ушбу элементлар асосида «Агарда ..... бўлса, нима бўлар эди» тоифасидаги ижодий ўйинларни уюштириши лозим. Бундай ўйинларда типик қаҳрамонлар, сюжет элементлари эркин қўшилади, натижада ғайриоддий ва кутилмаган бирикмалар вужудга келади.

Шунингдек, образга кутилмаган ва қарама-қарши йўналиш берувчи алоҳида сўзлар ва жаранглашлар билан ўтказиладиган ўйинлар хам мухимdir. Педагог болаларнинг қофия билан ўйинлари, сўз ижодкорлиги, шеърни давом эттириш ва шеър тўқиши, ташбехлар ва таққослашлар ўйлаб топишларига асосланган ўйинли хамда қулгили вазиятларини рағбатлантиради. Масалан, адабий эртаклар персонажларининг характерини акс эттирувчи янги ифодали исмларни, ёки эртакда образли тасвирланган нарсалар ва ходисалар учун янги номларни ўйлаб топишади. Педагог болаларнинг нисбатан йирик хажмдаги адабий эртаклар сюжетлари асосида ўйинли «хаёлотдаги оламни» яратишларига кўмаклашиши лозим.

Масалан, йирик хажмдаги адабий эртак (муаллифлик эртаги) билан таништиришда у гурухга ушбу эртакнинг «хаёлотдаги оламини» олиб кириши ва бир неча кун мобайнида (сайдра, ўйинларда) болалар билан биргаликда унинг ичидаги «яшаши» мумкин.

Эстетик қабул қилиш ва ижодкорликни ривожлантириш учун эртакларни мавзусига қараб  
гурухла

шдан фойдаланиш самаралидир. Бу болаларга турли эртакларда тасвирланган образнинг вариативлигини ва унинг бир эртак доирасида ривожланишини; айнан бир хил мавзу йўналишларини кўриб чиқишида контекстларни ўзгартириш, образли ифодалар турли шаклларининг ўзаро боғлиқлигини (сўз, характер, товуш,



тасвир) намойиш қилиш имконини беради.

Шунингдек, қуидаги шакллар хам мумкин: педагог болаларга эртаклар гурухини таништиради ва улар асосида ишни болаларнинг очиқ турдаги универсал билиш муаммоларининг (тирик ва ўлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик муаммолари) турлича образли ечимларини қидиришларига йўналтиради. Равshanки, қидирув жараёнида муаммоларнинг ўзлари умумлаштирилган кўринишда шаклланмайди, балки фақат турли адабий образлар ва сюжетлар, шунингдек болаларнинг ўзлари томонидан вужудга келтириладиган вазиятларнинг биргаликдаги мухокамаси рўй беради, холос.

### **Бадиий адабиёт машғулотларида интерфаол методлардан фойдаланиш.**

Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида интерфаол методни болалар қалби ва онгига сингдириш воситаси турли-тумандир. Улардан биринчиси бадиий адабиёт ҳисобланади, бадиий адабиёт орқали болалар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, юрга садоқат, мардлик, эзгулик, яхшилик, фидоийлик каби фазилатлар сингдирилиб, улар ушбу илғор маънавий-ахлоқий хислатлар руҳида тарбияланади.

Иккинчидан, халқ оғзаки ижоди билан таништириш, она тилига муҳаббат уйготиш орқали болаларга Ватан туйгуси сингдириб борилади. Бунда адабиёт асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бадиий адабиёт инсон маънавиятини шакллантиришнинг ва эътиқодини қарор топтиришнинг энг сермаҳсул воситасидир. Адабий эртаклардаги бадиий образлар, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари болалар руҳиятига таъсир кўрсатади, уни эзгулик ва фаолликка ундейди.

Бола ўз она тили жозибасини халқ кўшиқлари, эркалашлари, овутмачоқлар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар, достонлар, эртаклар, шеъру қўшиқлар орқали сезади ҳамда ўзи туғилиб ўсган Ватанидан, унинг халқидан, миллий анъана ва байрамлари, урф-одатларию, қадриятларидан баҳра олади. Халқ эртаклари, бадиий адабиёт намуналари ўғил болаларни ўша қаҳрамонлардек жасур, паҳлавон, уддабурон, ақлли бўлишга, қизларни эса оқила, доно, гўзал, меҳнацевар бўлишга ундейди.

Болалар мактабгача таълим ёшидаёқ Амир Темур ва унинг қудратини, Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Улуғбек ва уларнинг дунё илмидаги бой маънавий меросларини англай билишлари керак.

Болаларга Бобур ҳақида сўзлай туриб, унинг бир умр Ватан соғинчи билан яшагани ҳақида айтиб бериш, шу аснода уларда Ватанга муҳаббат руҳини тарбиялаб бориш мумкин.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг достонлари таркибидаги «Донолар доноси», «Шер билан Дуррож», «Икки вафоли ёр», «Бир кабутар», «Арслон ила айик», «Хотам тойи» каби ҳикоялари, «Тилга ихтиёrsиз-элга эътиборсиз», «Озоз ўрганиб доно бўлур», «Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» ва бошқа шу каби ҳикматли сўzlари болаларга турмушда, жамиятда, ўз жамоасида юриш-туришнинг тўғри қоидаларини эгаллашида, уларда ижобий фазилатларнинг шаклланишида катта ёрдам беради.

Болалар буюк мутафаккирларимиз ҳақида фақат илк маълумотга эга бўлиб қолмасдан, балки уларнинг бой маънавий мероси ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Машгулотлар орқали болалар юртимиз буюк алломалар юрти эканлигини ҳис эта бориб уларда бундан фахрланиш, ғуурланиш туйғулари шакллана бошлайди. Бадиий эртак болаларнинг ахлоқи,



хам

билими, дунёқарашининг шакланишига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида болалар буларни ўйинларда ифодалайдилар.

Болалар шеър, эртак, ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар, ижобий қаҳрамонлар образига тақлид қиласидилар, уларнинг хатти-ҳаракатини, сўзларини эслаб қоладилар. Тарбиячи томонидан берилган топшириқларни бажариш билан бирга болалар ўзларига берилган роллар, эртак қаҳрамонларининг образлари, шеърлар орқали, ўртоқларининг қувончига, қайғусига шерик бўлиш, ўстирган гули қуриб қолса қайғуриш, бировларнинг нарсасини сўроқсиз олмаслик, ўртоғи йиқилса турғизиб қўйиш, катталарга хурматда, кичикларга иззатда бўлиш кераклигини тушуниб, «увол», «гуноҳ», «савоб», «ҳақ», «ноҳақ» каби сўзларнинг маъносини уқиб борадилар.

Болада ёшлик чоғиданоқ атрофдан гўзаллик ахтариш, завқланиш, гўзалликни ҳис қилишнинг илк, беихтиёр туйғуси уйгона бошлайди. Гул ёки капалакни севиб қолган бола уларни авайлашга, асрашга ҳам интилади. Ана шу илк туйғу болада атрофдагиларга нисбатан инсонийликни тарбиялаш учун асос бўла олади. Энг муҳими, боланинг атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан бепарво бўлмаслигидир. Бу бепарволик оиласа, қолаверса, жамиятга жуда қимматга тушади. Зотан, мактабгача таълим муассасаларида болалар тарбиясига таъсир этувчи омил, биринчидан ташқи муҳит ҳисобланса, иккинчидан уни бевосита болаларга етказувчи тарбиячининг шахсий ва касбий маҳорати эканлиги барчага аёндир.

Адабиёт боланинг ақлий ва ҳиссий дунёсини ривожлантиради, нутқини бойитади, ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиради, дунёни танитади. Бадиий адабиёт тасвирланаётган нарса ёки кимсанинг ҳозирги ҳолатини қанчалик ишонарли акс эттираса, унинг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам шунчалик таъсирчан ва жонли акс эттира олади.

Ўз навбатида сахналаштириш, кино, телевидение ҳам шунчалик имкониятларга эга-кудеган фикр туғилади. Ҳар қандай сахналаштириш, кино, телевидениенинг асосида ҳам бадиий сўз ётади. Бадиий эртак лоқайдликдан халос этади. Бошқаларнинг туйғуларига шерик бўлишга

одатлантиради. Эртак қаҳрамонларининг ҳолатига бефарқ бўлмаган одам атрофидаги кишиларнинг дарду қувончларига ҳам лоқайд бўла олмайди. Бирор қизиқарли шеър, ҳикоя, эртак эшитган бола: «Ҳа, ҳаётда шундай ҳам бўлар экан-да», деб қўя қолмайди. У қайсиdir қаҳрамонни яхши кўриб қолади ва унга ўхшагиси келади. Бошқа бир қаҳрамонни эса ёмон кўриб қолади ва унга ўхшамасликка интилади.

Бадий адабиёт орқали болаларнинг қалби ва онгига интерфаол методни сингдириш натижасида мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия мазмунининг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришда қуидаги ютуқларга эришилади:

Биринчидан, болаларнинг нутқи ва тафаккури ҳар томонлама шакллантириб, ривожлантириб борилади.

Иккинчидан, болаларнинг жисмоний ривожланишига эришилади.

Учинчидан, болаларга хос маънавий-маданий етукликка эришилади. Бу орқали болаларда Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳислари, миллий ғурур, ифтихор, мустақиллик ғояси ҳамда ўз ҳудуди, ўлкаси, ҳалқига меҳр ва садоқат каби улуғ фазилатлар, миллий қадриятлар шаклланади.

Тўртинчидан, ўзга ҳалқларнинг ҳикоя, эртакларини ўқиши, эшлиши натижасида уларда умуминсоний, умумбашарий қадриятлар шаклана бошлайди. Шунинг билан бир қаторда боланинг қалби ва онгига бадий адабиёт орқали интерфаол методни сингдириш жараёнida қуидаги натижаларга эришилади:

-бадий адабиёт орқали болалар тарихни ўрганадилар, тарихдан хулоса чиқарадилар ва сабоқ оладилар;

-бадий адабиёт сабоқлари орқали “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал, умуман эзгулик” ғояси сингдирилади;

-болаларда мустақил, эркин фикрлаш кўнималари шакллантирилади;

-боланинг бадий адабиётга бўлган қизиқишлари, ижобий муносабатлари орттирилади;

-болалар ижодкорликка ўргатилади.

Қуидаги жадвалда айрим бадий адабиёт ҳамда ҳалқ оғзаки ижоди эртаклари орқали болаларда интерфаол методни шакллантириш намуналарини келтирамиз.

Бадий адабиёт болаларни ақлан, ахлоқан ва эстетик тарбиялашнинг қудратли, таъсирчан қуроли сифатида хизмат қилади, у бола нутқининг ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

Шеърий образларда бадий адабиёт жамият ва табиат ҳаётини, инсоний ҳис-туйғулар ва ўзаро муносабатлар оламини очиб беради ҳамда тушунтиради. Бу намуналар ўз тасъир кучига кўра турлича бўлади: ҳикояларда болалар сўзларнинг лўндалиги ва аниқлигини билиб оладилар; шеърларда ўзбекча нутқининг мусиқийлигини, оҳангдорлигини илғайдилар; ҳалқ эртаклари улар олдида тилнинг аниқлиги ва ифодалилигини намоён қилади, она тилидаги нутқининг юмор, жонли ва образли таққослашлар, ифодаларга қанчалик бойлигини кўрсатади.

Болалар бадий эртаклар қаҳрамонларига қайғуришни ўрганганларидан сўнг улар яқинлари ва атрофдаги одамлар кайфиятини пайқай бошлайдилар. Уларда инсонпарварлик ҳис-туйғулари – бирорнинг дардига шерик бўлиш, яхшилик қилиш, адолализмикка нисбатан қаршилик кўрсатиш қобилияти уйғона бошлайди. Бу принципиаллик, ҳалоллик, ҳақиқий фуқаролик ҳислари тарбияланадиган пойdevордир. «Ҳис-туйғулар билимдан олдин келади; кимки ҳақиқатни ҳис қилмаган бўлса, у уни тушунмаган ва танимагандир».

Ҳалқ – болаларнинг бетакрор ўқитувчисидир. Ҳалқ эртакларидан бошқа ҳеч қайси эртакларда қийин талаффўз қилинадиган товушларнинг бундай қойилмақом қилиб жойлаштирилишини, жарангига кўра бир-биридан зўрға фарқ қиласиган сўзларни ҳайрон қоларли даражада ёнма-ён терилишини учратиш қийин. Беозор ҳазиллар, нозик юмор, саноқ шеърлар – педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси, дангасалик, қўрқоқлик, ўжарлик, инжиқлик, фақат ўзини ўйлаш каби хислатларга қарши яхшигина «малҳамдир».

Эртаклар оламига саёҳат болалар тасаввурини, уларнинг хайвонот оламини, фантазиясини ривожлантиради. Энг яхши адабий намуналар асосида

инсонпарварлик рухида тарбияланган болалар ўз ҳикояларида ва эртакларида мазлумлар ва заифларни ҳимоя қилиш, ёмонларни жазолаш орқали ўзларининг адолатпарварлигини намоён қиладилар. Ва албатта болалар эстетик, айниқса ахлоқий тасаввурларни катталарнинг (ота-оналар, педагоглар) ўқиб чиқилган эртаклар бўйича насиҳатнамо мулоҳазаларидан, тайёрланган саволларга жавоб беришдан эмас, балки айнан бадиий эртаклардан олишлари лозим. Ўқиб чиқилган эртак бўйича ҳаддан ташқари кўп насиҳат қилиш катта, кўпинча эса тўзатиб бўлмас зиён етказади: майда-чуйда саволлар билан «сочиб ташланган» эртак болалар қўз ўнгига ўзининг барча жозибадорлигини йўқотади, оқибатда унга нисбатан болаларнинг ҳам қизиқиши йўқолади. Шунинг учун бадиий матнинг тарбия имкониятларига тўлиқ таяниш зарур. Мактабгача даврдаги ҳар бир ёш босқичи ўзининг нутқий ривожлантириш вазифаларини қўяди. Ёш ўсиб бориши билан адабий эртакларни қабул қилиш даражаси ҳам ортиб бориши туфайли улар аста-секин мураккаблаштирилиб борилади. Болаларда шеър тинглай олиш қобилияти ривожланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда катталар болаларнинг ёш имкониятларини билишлари зарур.

Беш-олти ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятлари – болаларнинг психологик ривожланишидаги иккита бир-бирига қарама-қарши тамойилларнинг бир-бирига зид бўлган уйғунлигидан иборат. Бир томондан – болалар юқори ижодий салоҳияти билан ажralиб турадилар. Иккинчи томондан – олти-етти ёшли болаларнинг тақлидчиликка, меъёрийликка интилиши хаммага яхши маълум. Бола қоидаларни, харакат усулларини ўзлаштиришга интилади ва у бунга қодирдир. Юқори баҳоланадиган натижаларга эришиш учун унда образли стереотиплар осон шаклланади ва улар болага адабий матнни талқин қилиш хамда уни тўғри тушуниш жараёнини осонлаштиради.




Бадиий адабиётнинг қуидаги жанрлари мақсадга мувофиқдир: фольклорнинг кичик шакллари, шеърий эртаклар, хикоялар, шеърлар. Айни пайтда бола учун адабий образларнинг эмоционал жозибадорлиги қуидаги холлардагина ортади: яъни, агарда бадиий мазмун унинг қабул қилиши учун имкон доирасида бўлса; бадиий эртак ёрқин ва ифодали тақдим этилса; бола бадиий матн мазмунини ташқи харакатларда ифодаласа; бадиий эртак асосида ўзи хам импровизация қилса.

Педагогик ишларни бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлган икки йўналишда олиб бориш лозим.

Биринчиси бадиий эртакни яхлит ва тугалланган эстетик объект сифатида қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ. Болалар айнан бир эртакга қўп марта дуч келадилар, тарбиячи уни такрор ўқийди, мазкур эртакни сахналаштиришни, диафильмлар ва видеофильмлар намойишини ташкил этади. Болалар шеърни ёддан ўқийдилар (яхлит ёки қисман), бунда улар ўқишининг ифодалиигини сахналаштириш элементлари билан кучайтирадилар. Гурухда болаларга ёқиб қолган китобдан bemalol фойдаланиш мумкин бўлган шароитни яратиш зарур. Бунда тарбиячининг ўзига қандай китоблар ёқишини болаларга хаққоний билдириши жуда мухимдир.

Иккинчи йўналиш айрим бадиий образларни ўзгартириш ва бир нечта образларни синтез қилиш жараёнида болаларда тасаввурни ривожлантириш



учун зарур шароитлар яратишни кўзда тутади. Бу асаларни ўхшашлик ёки қарама-қаршилик асосида гурухлаш, образларнинг улар фаолиятининг турли кўринишларида ривожлантириш туфайли амалга оширилиши мумкин.

Иллюстрация болага харакат ривожини кўзатиб бориш ва матнни тушуниш имконини

берувчи асосий таянч воситалардан бири хисобланади. Шу муносабат билан турли бадиий усулларда ва техникаларда бажарилган юқори бадиий ахамиятли қизиқарли иллюстрациялардан фойдаланиш зарур. Бироқ, уч-тўрт ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли қўпинча шундай вазият юзага келадики, бунда сурат матнни безамайди, аксинча матн суратга жон бахш этади. Шунинг учун айрим эртаклар боланинг тасаввурини, бадиий нутқни тинглаш ва қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш учун албатта, кўриш таянчларисиз тақдим этилиши лозим. Айниқса, бу образлари юқори даражада ноаниқ бўлган ва образлари юқори даражада ифодали бўлган (фольклор шеърларининг кичик шакллари) эртакларга тааллуқлидир.

Юқорида санаб ўтилган ривожлантириш вазифаларини амалга оширишда болаларда қўйидаги қобилияtlар шакллантирилиши лозим:

Билиш қобилияти: катталарнинг китоб ўқиши ва хикоя қилишини диққатни жамлаган холда тинглаш, чалғитмаслик, эртакни охиригача эшитиш. Катталар ёрдамида матн мазмунини тушуниш, ундаги воқеалар тартибини белгилаш, қахрамонларнинг муаллиф сўзи билан яратилган энг ёрқин хатти-харакатларини кўриш, уларни иллюстрациялардан таниб олиш.

Нутқий қобилият: ўқиган эртакдан олинган таассуротларини катталар ва тенгдошлари билан ўртоқлашиш. Таассуротлар, фикрлар, образларни сўзлар билан ифодалаш. Таниш эртакларни айтиб бериш, шеърларни ёддан айтиш, адабий сюжетларни сахналаштиришда, сахналаштирилган ўйинларда иштирок этиш.

Муносабат: болаларга ёрқин эмоционал муносабатлар, тасвиirlанган воқеалар ва қахрамонларга фаол кўмаклашиш хамда улар хақида қайғуриш хосдир. Болалар китоб, шеър ва халқ қўшиқлари билан такроран учрашишга интиладилар. Улар доно фикр, хазил, қофиядош сўзлардан завқланадилар ва уларни эсда сақлаб қолишни хамда ўз нутқида қўллашни хоҳлайдилар.

## **Намунавий машғулот.**

Мавзу: "Үжар сичқонча"

### **Мақсад:**

Болаларни нутқини ўстиришда ҳайвонларнинг товушига тақлид қилишга ва уларнинг нима билан овқатланишларини ўргатиш.



Эртак асосида ахлоқ сифатларини тарбиялаш.

Қизиқарли мазмуни, бадиий образларининг гўзаллиги, тилининг ифодалилиги, шеърий сўзларининг маънодорлилигини ривожлантириш.

**Керакли жиҳозлар:** Эртак қаҳрамонларининг расмлари. Она сичқон, сичқонча, товуқ, ўрдак, бақа, балиқ ва мушук расмлари.

### **Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи:

– Болажонларим бугун мен сизларга қизиқарли ва ажойиб эртак айтиб бераман. Эртак қаҳрамони қайсар, үжар сичқонча ҳақида.

Бир бор экан, бир йўқ экан қадим ўтган замонда яшар экан она сичқон якка ёлғиз ўғли билан ҳар туни она сичқон аллалар боласини:

Чи, чи, чи, чи ухласин

Ўзимнинг ёлғиз ўғлим.

Лекин аҳмоқ сичқонча,

дер онасига бақириб:

Керак эмас овозинг

чи, чи-ку бари созинг.

Топиб беринг бошқасин

Бўлсин майин овози

ҳамда мулойим сози.

Она сичқон тез бориб, дер товуққа ёлвориб:

Товуқ хола уйга юр,



Боламни терватиб тур.  
Товук келиб сичқоннинг боласин  
ухлатиби:

Қў-қў-қў ухласин  
Сичқонвойнинг боласи.  
Эрта тонгда турганда,  
Дон-дун бериб боқаман.



Лекин аҳмоқ сичқонча, дер онасига бақириб:  
Керак эмас овозинг  
қў-қў-ку бари созинг.  
Топиб беринг бошқасин  
Бўлсин майин овози  
ҳамда мулойим сози.  
Она сичқон тез бориб, дер ўрдакка  
ёлвориб:

Ўрдак хола уйга юр,  
Боламни терватиб тур.

Ўрдак келиб сичқоннинг боласин  
ухлатиби:

Ға-ға-ға ұхласин  
Сичқонвойнинг боласи.  
Эрта тонгда турганда  
Балиқ бериб боқаман.

Лекин аҳмоқ сичқонча, дер онасига бақириб:

Керак эмас овозинг  
ға-ға-ку бари созинг.  
Топиб беринг бошқасин  
Бўлсин майин овози  
ҳамда мулойим сози.  
Она сичқон тез бориб, дер бақага ёлвориб:



Бақа хола уйга юр,  
 Боламни терватиб тур.  
 Бақа келиб сичқоннинг боласин ухлатиби:  
 Вақ-вақ-вақ ухласин  
 Сичқонвойнинг боласи.  
 Эрта тонгда турганда,  
 Пашиа, чивин бераман.

Лекин аҳмоқ сичқонча, дер бақага бақириб:  
 Керак эмас овозинг  
 вақ-вақ-ку бари созинг.

Топиб беринг бошқасин  
 Бўлсин майин овози  
 ҳамда мулойим сози.

Она сичқон тез бориб, дер балиққа ёлвориб:  
 Балиқ ххола уйга юр,  
 Боламни терватиб тур.  
 Балиқ келиб сичқоннинг боласин ухлатиби.  
 Аммо чиқмас сози, чунки йўқдир овози.

Шунда ўжар сичқонча баттарда чиқиб жаҳлин,  
 дер онасиға бақириб:

Керак эмас овозинг  
 йўқ-ку бари созинг.  
 Топиб беринг бошқасин  
 Бўлсин майин овози  
 ҳамда мулойим сози.

Она сичқон тез бориб, дер мушукка ёлвориб:  
 Мушук хола уйга юр,  
 Боламни терватиб тур.  
 Мушук кўриб сичқоннинг боласин иштаҳаси очилиб, аллалашга  
 тушубди:



Мияв-мияв ухласин

Сичқонвойнинг боласи.

Шунда тентак сичқонча, дер мушукка оҳиста:

Вой мунча ширин овозинг

Бирам ёқимли созинг.

Она сичқон кўнгли тўқ ухлаб қопти бир зумда.

Эрта туриб ёлғизин тополмабди хеч ёқдан.

Тарбиячи:

- Болажонларим эртагим сизларга ёқдими?
- Сичқонча қандай экан?
- Она сичқон нима учун боласини топа олмабди?
- Товуқ қандай алла айтибди ва нима бераман дебди?
- Фозчи, балиқчи?

Машғулот якунида тарбиячи болалар билан эртак қаҳрамонларининг овазига тақлид қилиб "Бу кимнинг овози" ва "Ким нима ейди" таълимий ўйинини ўйнайдилар.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болаларни сўзлашга ва ҳикоя қилишга қандай одатлантирилади?
2. Назорат-текширув сұхбатлари тарбиячи томонидан нима мақсадда ўтказилади?
3. Такрорловчи ва умумлаштирувчи сұхбатларда тарбиячи болаларга нималарни ўргатади?
4. Бадиий адабиётни самарали ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратилади?
5. Болаларнинг кундалик ҳаётига боғлаб олиб бориладиган қандай мавзуларни танлар эдингиз?
6. Ижодий топшириқларни қандай бажара оласиз?
7. Халқ оғзаки ижоди билан таништириш методикасидан қандай фойдаланасиз?

## **8-амалий машғулот: Ўйинларни ташкил этиш методикаси ва технологияси (2 соат).**

**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим муассасаларида ўйинлар, унинг турлари ҳақида тушунча бериш. “Кластер” методини қўллаш. Мазкур методдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тингловчилар машғулотни бугунги кун талаби даражасида ўтказишни, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида интерфаол методларни қўллашни ўрганиб оладилар ва амалиётга жорий қиласидилар.

Мактабгача таълим муассасаларида ўйинлар ҳаракат қобилияtlари ва психик жараёнларни мажмуали ривожлантириш вазифасининг амалга оширилишини мақсимал даражада таъминлайди, чунки уларнинг мазмуни ҳаракат дастурларини шакллантириш ва алмаштиришга йўналтирилган.

Маълумки, инсоннинг ривожланиш жараёнида эгаллаб борадиган ҳаракат тажрибаси турли даражадаги ҳаракат дастурларининг юзага келиши ва мустаҳкамланишида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, сенсор ва мотор таркибий қисмлар, уларнинг тизимидағи турли сатхлари орасида ўзаро таъсир юзага келадики, бу янги ҳаракат дастурларининг пайдо бўлиши билан кузатилади.

Педагогика амалиётида предметлар билан сюжетли, ҳаракатли ва дидактик ўйинлар фарқланади. Болалар ривожланишида ўйинлар жуда катта аҳамиятга эга, ўйинлар кичик, ўрта ва катта ҳаракатчанлик даражасига эга бўлиши мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болалар табиий ўйинлар ёрдамида ўзлаштирадилар (қадамлаб юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашиш). Ўйинлар болаларни жисмонан тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири. Уларни икки ёшдан бошлаб қўллаш мумкин. Бу даврда болалар югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашиб чиқиш каби ҳаёт учун зарур ҳаракат кўнилмаларини ўзлаштира бошлайдилар.

Катта мактабгача ёшдаги болалар куч (қўлларда тортилиш), тезкорлик (қисқа масофага югуриш, мокисимон югуриш) ва бошқа сифатлар бобида мусобақалашар эканлар, ўз ҳаракат ва имкониятларини баҳолашга қодир бўладилар. Жисмоний ривожланишдан ўйинлар болаларда ирода, мардлик, қатъиятлилик, чидамлилик, журъат каби хислатларни тарбиялашга ёрдам берадилар.

Болалар ўзларининг улкан эҳтиёжларини, одатда, ўйинлар воситасида қондиришга уринадилар. Улар учун ўйин – биринчи навбатда, фаолият, ҳаракат. Ҳаракатли ўйинлар чоғида болаларнинг ҳаракатлари такомиллашади, ташаббускорлик ва мустақиллик, ишонч ва қатъият каби сифатлари ривожланади. Улар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ҳатто айrim қоидаларга риоя қилишни (дастлаб, албатта, содда шаклда) ўрганадилар.

Уч ёшли болалар, одатда, жуда таъсирчан, эмоционал ҳолатда бўладилар: улар серҳаракат бўладилар, лекин бир турли ҳаракатлардан тез чарчайдилар, танаффусизузоқ вақт юра (югуря) олмайдилар. Шунинг учун ўта фаол болаларни назорат қилиб туриш: қўлларида осилишга, катта баландликдан сакрашга рухсат бермаслик, уларнинг эътиборларини бирмунча суст суръатли ўйинларга тортиш керак. Аста-секин ўйинларнинг мазмuni ҳам ўзгариб боради. Болалар дастлаб катталарнинг кўрсатмалари билан ҳаракатларни бажарадилар масалан, товуқ ёки қушчани тасвирлайдилар – «дон чўқийдилар», «учадилар». Уч ёшда болалар катталарнинг ҳаракатларига тақлид қилишдан турли «тасвирий» ёки роллар бўйича бўладиган ўйинларга ўтадилар: улар «хола – хола» ўйнайдилар, шифокор, сотувчи, ҳайдовчи, ошпаз ва бошқаларни тасвирлайдилар. Болалар ўзларига таниш ҳаракатларнигина эмас, кўрганларини фаол равишда тақрорлайдилар. Ўйин узокроқ давом этади, унинг сюжети хилма – хил ва тушунарлироқ бўлиб боради. Кейинроқ ўйин янада мураккаблашади. Унда учта роль пайдо бўлади, масалан бир бола қўйни, иккинчиси – бўрини, учинчиси – чўпонни тасвирлайди.

Ҳар хил ўйинчоқлар билан ўтказиладиган мустақил ўйинлар жуда фойдали, болаларни иккита, учтадан гуруҳларга бўлиш мумкин. Боланинг

ҳаракатлари одатда ўйинчоқ турлари билан белгиланади. Масалан, байроқчалар, халқалар билан югуриш, машиналарни юргизиш, коптокларни думалатиш, отиш, илиб олиш керак.

Болалар бундай ўйинчоқлар билан қизиқиб шуғулланадилар. Бирор мустақил ўйинларда болалар дарҳол фаоллик ва ташаббускорликни намоён эта олмайдилар, уларнинг ҳаракатлари бир турли ва чекланган. Лекин катталарнинг топширигини бажариш билан боғлиқ ўйинларда болаларнинг ҳаракатлари аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади, улар ҳаракатларни бир неча бор такрорлаб, ҳаракат кўникмаларини мустаҳкамлайдилар, чаққонлик, эпчиликни ривожлантирадилар.

Болалар хатто ўзлари ўйин билан машғул бўлган вақтларида ҳам уларга раҳбарлик қилиб туриш жуда муҳим. Улардан айримларининг ўйинини мураккаблаштириш, бошқаларига бошлаган ишини охирига етказишини ўргатиш, учинчиси агар жимгина ўйнаётган бўлса, гаплашиб туриш мақсадга мувофиқ.

Кўпинча мустақил ўйинларда болалар нотўғри ва ҳатто хавфли ҳаракатларни ҳам бажарадилар. Курси ёки хода устидан бутун оёқ кафтига таянган ҳолда деярли тўғри оёқ билан сакраб тушадилар, ердан бутун оёқ кафти билан итарилиб югурадилар. Бундай ҳолларда ҳар хил йўллардан фойдаланилади: катта одам ўзи ўйинга киришади. Болаларга улар тақлид қила оладиган бирор таниш ва яқин образни эслатади (мушук қандай юмшоқ сакрашини, қушчалар қандай шовқинсиз учишларини).

Болаларга ўргатилиши керак бўлган дастлабки ўйинлар муайян сюжет ва қоидаларга эга бўлмайди. Бола оддий, қизиқарли топшириқларни бажаради: келиб, ўйинчоқни қўлига олади, катталар олдига югуриб бориб, улар қўлида нима яширилганлигини кўради («Байроқчани ол», «Менинг ёнимга югур», «Байроқчани топ»).

Ўйинларни ўргатища муайян изчилликка риоя қилиш керак. Масалан, «Мени тутиб ол» ўйини, «Сени тутиб оламан» ўйинига қараганда соддароқ. Биринчи холатда бола ўзидан катта кишини тутиб олиши лозим; иккинчи

ўйинда тутилиш хавфи юзага келади, шунинг учун бола кўпроқ жисмоний куч сарфлашига тўғри келади. Ўйинлар тобора мазмунан бойроқ ва хилма-хилроқ бўлиб бориши, янада мураккаброқ топшириқларни ўз ичига олиши зарур. Агар бола дастлаб ўйинчоқни олиш учун ўзи истаган суръатда юргурган бўлса, ўйин яхши ўзлаштирилиб олинганидан сўнг югуриш суръатини катталар белгилаши керак.

Нутқ ўйин мазмунининг ижодий ривожлантирилишига, қоидалар ва тактика билан бойитилишига, ўйинлар тажрибасининг алмашинишига, янги ўйинларнинг яратилишига ёрдам беради. Нутқ ўйин жараёнида иштирок этувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри йўналтириб, ўйинни ўргатишга, ўйинга раҳбарлик қилишга ёрдам беради. Нутқ кишига мавхум фикрлаш ва умумлашмалар қилиш имконини беради, ўз образларини яратишга, ўйинни ижодкорона ёндашув асосида бойитишга ёрдам беради.

Ўйин фаолияти психик жараёнларда ихтиёрийликнинг шаклланишига таъсир қўрсатади. Масалан, ўйинлар туфайли болаларда ихтиёрий диққат ҳамда ихтиёрий хотира ривожлана бошлайди. Ўйин шароитида болалар лаборатория тажрибаларига қарагандя яхшироқ фикран жамланиб, кўпроқ нарсани эслаб қоладилар. Онгли мақсад (диққатни жамлаш, эслаб қолиш ва ёдга олиш) айнан ўйинлар чоғида бола ҳаракатларида тез ва осон намоён бўлади. Ўйин шароитлари боладан ўйин вазиятига киритилган предметларда фикрни жамлаш, ўйналаётган ҳаракат ва сюжет мазмунига чукур киришни талаб қиласи. Агар бола ўйин вазияти ундан нимани талаб қилаётганига диққатини қаратмаса, ўйин шартларини эслаб қола олмаса, у тенгдошлари томонидан четлаштирилиб қўйилади. Мулоқотга, ҳиссий рафбатга бўлган эҳтиёж болани мақсадли равишда фикрларини жамлаш ва эслаб қолишга мажбур қиласи. Ўйин вазияти ва у билан боғлиқ ҳаракатлар мактабгача ёшдаги боланинг ақлий ривожланишига мунтазам равишда таъсир қўрсатади. Ўйинда бола нарсанинг (предметнинг) ўринбосари билан муносабатга киришади – у ўринбосарга янги ўйинбоп ном беради ва у билан шу номга мувофиқ фаолият олиб беради. Ўринбосар предмет тафаккур учун таянч бўлиб

қолади. Ўринбосар предметлар билан фаолиятини амалга ошириш асосида бола ҳақиқий мавжуд нарса тўғрисида фикр юритишни ўрганади. Аста – секин предметлар билан ўйин фаолиятлари қисқариб, бола предметлар ҳақида фикрлаб, улар билан ақл нуқтаи назаридан фаолият олиб боришга ўрганади. Шундай қилиб, ўйин боланинг тасаввурларга таяниб фикрлашни ўзлаштиришига кўмаклашади.

Айни вактда сюжетли-харакатли ўйинларда боланинг ўйин ва айниқса, реал (ҳақиқий) ўзаро муносабатлари тажрибаси тафаккурнинг алоҳида хусусияти асосини ташкил этиб, у туфайли бошқа кишиларнинг нуқтаи назари ўрганилади, уларнинг кейинги хатти – ҳаракатларини олдиндан қўра билиш ва шунга қараб ўз хатти – ҳаракатларини шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Ҳаракатли ўйинлар тасаввурнинг ривожланишида белгиловчи аҳамиятга эга. Ўйин фаолиятида бола бир хил предметларни бошқалари билан алмаштиришни, ўзига ҳар турли ролларни олишни ўрганади.

Буларнинг барчаси тасаввурнинг ривожланишига ёрдам беради.

Катта мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйинларида ўринбосар предметлар ҳам, кўпгина бошқа ўйин ҳаракатлари ҳам шарт эмас. Болалар предметлар ва улар билан боғлиқ фаолиятларни тенглаштириб, ўз тасаввурларида янги вазиятларни юзага келтира бошлайдилар. Ўйин ички томондан амалга оширилиши мумкин. Бола шахсининг ривожланишига ўйиннинг кўрсатадиган таъсири шундан иборатки, у орқали бола катталарнинг юриш – туриши, ўзаро муносабати билан танишади, булар унинг ўз хатти-ҳаракатлари учун намуна бўлиб хизмат қиласи; бола ўйинда мулоқот олиб боришнинг асосий кўникумларини, тенгдошлари билан муносабат ўрнатиш учун зарур сифатларни ўзлаштиради. Болани бутунлай қамраб олган ўйин уни зиммасидаги ролга мувофиқ қоидаларга бўйсунишга мажбурлайди, ҳис-туйғуларнинг ривожланиши ҳамда хатти-ҳаракатларни ирода орқали бошқариш қобилиятининг такомиллашишига кўмак беради.

## **Назорат учун саволлар**

1. Ўзбекистонда ҳаракатли ўйинлар назариясини ривожланишига қайси олимлар асос солганлар?
2. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний хусусуятлари ва психик жараёнлари ривожланишига қандай омиллар таъсири кўрсатади?
3. Ҳаракатли ўйинлар куннинг қайси пайтларида ташкил этилади?
4. Ўйинни якунлаш учун ҳаракатли ўйин нима билан тугалланади?

#### **9-амалий машғулот: Машғулотларни ташкил этишда мультимедия технологияси (2 соат).**

**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим муассасаларида машғулотлар давомида мультимедия дастурларидан фойдаланиш, тингловчиларга ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланилган холда машғулот ишланмаларини ёзиш тартибини тушунтириш, слайд яратиш, машғулотларни мультимедиа ёрдамида ташкил этиш. Тингловчиларга компьютердан фойдаланишга ўргатадиган компьютер ўйинларидан фойдаланиш. Тарбиячиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш.

Хозирги даврда ҳаётимизда кўп ишлатиладиган сўзлардан бири “ахборот” дир. Бу сўз телекўрсатувларда ҳам, радио эшлитиришларда ҳам, газета ва журнал саҳифаларида ҳам, муассаса ва ташкилотларда ҳам тез-тез эшитилиб туради. “Ахборот” атамаси лотинча “Informatsion” сўзидан олинган бўлиб, хабар, маълумот кўрсатгичларни мажмуасини билдиради. Ахборот-аниқ ва амалда ишлатиладиган хабардир. Профессор А.А.Абдуқодировнинг таъкидлашича: “Ахборотнинг ўзини, бирор объект, атроф муҳитнинг маълум бўлаги ёки маълум жараёни ҳақидаги аниқсизлик даражасини камайтирадиган белгилар, параметрлар, тафсилотлар, йўриқларнинг мажмуаси дейиш мумкин”.

Жамиятни ахборотлаштиришда-ахборот захиралари муҳим роль ўйнайди. Ахборот захиралари - алоҳида ахборот тизимлари (кутубхона, архив, фонд, маълумот банклари, компьютер хотираси ва бошқа ахборот тизимлари)даги

хужжатлар тўпламидир. Ахборот захираларнинг бир нечта хусусиятлари мавжуд:

1. Битмас – тугалланмаслиги (табиий захира – нефть, маълум бир муддатдан кейин тугаб қолади, ахборот захиралари эса йилдан-йилга ортиб боради).
2. Ахборот захираларидан фойдаланиш имконияти сақланади ва кўпайиб боради.
3. Ахборот захиралари бошқа захира (мехнат, малака, техника, энергия, хом ашё) лар билан бирлашган ҳолда харакатланувчи куч сифатида намоён бўлади.
4. Билимни ахборот захирасига айлантириб, уларнинг кодланиш, қайта жамланиш ва узатиш имкониятига қарам бўлади.

Шакл ва турлари. Маълумотлар, матн, графика, билимлар, реал дунё обьектлари, жадвал, видео, тасвир, нутқ ва товуш каби кўринишиларда ифодаланади.

Ахборотни қайта ишлаш. Ахборотни қайта ишлаш дастлаб қоғозда, сўнгра механик, электр машиналарда бажарилиб келинди. Ҳозирги даврда эса, компьютерларда амалга оширилмоқда. Ахборотни қайта ишлаш технологик жараён бўлиб, илмий адабиётларда унинг қуидаги таърифи берилган. Ахборот технологияси - обьект, жараён ёки ҳодиса (ахборот маҳсулоти)нинг ҳолати ҳақидаги янги сифат ахборотларини олиш учун маълумотлар, бошланғич ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ҳамда узатиш восита ва услубларидан фойдаланувчи жараёндир.

Ахборот технологиясининг технологик жараёни қуидагича амалга оширилади:

- а) маълум бир турдаги ахборотлар жамланади;
- б) қайта ишланади, яъни гурухланади, турларга ажратилади, агрегатлаштирилади ва ҳисобланади
- в) тайёр ахборот маҳсулоти олинади ва исътемолчиларга узатилади.

Ахборотни узатиш. Инсонлар ахборотнинг хабар шаклидан қадим замонлардан бошлаб фойдаланиб келганлар. Масалан, инсонлар қабила бўлиб яшаган даврларида, бирон қабилага ташки хавф-хатар туғдирилганда, унинг бир аъзоси тепалик устида олов ёқсан ва унинг тутуни орқали бошқа жамоага хабар қилган ва қўшни қабила одамлари ёрдамга етиб келганлар.

Одамлар ёзиш ва ўқиши ўрганганларидан сўнг, бундай хабар (ахборот)ларни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга чопар орқали ёки хат ташишга ўргатилган кабутардан бериб юборганлар. Кейинчалик, секин-асталик билан почта хизмати шаклланиб борган.

Ўтган асрнинг охирларида мультимедиа технологиясининг яратилиши ва уни ахборот технологияларига татбиқ этилиши, замонавий мультимедиа технологиясини яратилишига олиб келди.

Қўйида ахборот технологиясига асосланган **мультимедиа технологиясини** яратилиш босқичларини қараймиз.

Шуни таъкидлаш керакки, мультимедиа ахборот технологиялари фанининг бир шахобчаси бўлиб, унинг тез ривожланаётган соҳасига киради.

МТМларнинг таълим-тарбия жараёнида мультимедиа технологиясидан фойдаланишни амалга ошириш учун, тарбиячилар мультимедиа тўғрисида маълум бир даражада элементар билимларга эга бўлишлари керак. Илмий ва ўқув адабиётларда, мақолаларда мультимедиа тўғрисида турли хил қарашлар, фикрлар ва тушунчалар берилган бўлиб, МТМ тарбиячи-педагоглари уларнинг қайси биридан фойдаланишни билмасдан қийналмоқдалар.

Шунинг учун, қўйида мультимедиа асосларини (мультимедиа атамаси, таърифлари, мазмуни, шаклланиши, воситалари ва мультимедиа технологияси бўйича баъзи-бир маълумотларни) содда ва элементар шаклда баён қиласиз. Тарбиячиларга мультимедиа тўғрисидаги маълумотлар тушунарли бўлиши учун аналогия услубидан фойдаланиб, баъзи бир таққослашларни хам келтирамиз.

1.Мультимедиа атамаси (multum+medium) каби иккита сўз йиғиндисидан (ёки ингл. multi+media) лардан ташкил топган бўлиб, multi- кўп, media-муҳит маъносини англатади.

Ушбу атама илмий ва ўқув адабиётларда “Кўп воситалик”, “Мультимедиа муҳити”, “Кўпқатламли муҳит”, “Мультимедиа - биттадан қўп бўлган медиадир”, “Маҳсулот ташувчи восита”, “Маълумот ташувчи восита” каби талқин қилиниб келинмоқда, ҳатто айрим адабиётларда “Ҳозиргacha мультимиани аниқ таърифи мавжуд эмаслиги” ҳам эътироф этилган.

Бизнинг фикримизча, МТМ тарбиячиларига мўлжалланган адабиётлар ва машғулотларда фойдаланиш учун атаманинг таржимасига яқин бўлган қуидаги таъриф “кўп элементли(таркибли) муҳит” атамаси мос келади.

2.«Мультимедиа» атамасининг таърифлари. Қуйида мультимедиа атамасининг адабиётларда ёритилган бир нечта таърифини келтирамиз: “Мультимедиа-деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади”, “Мультимедиа – бир вақтнинг ўзида турли кўринишдаги ахборотлардан: матн, графика, товуш ва бошқалардан фойдаланишни қўзда тутган фойдаланувчи интерфейсининг концепцияси”, “Мультимедиа – бу информатиканинг дастурий ва техниковий воситалари асосида ахборотнинг анъанавий ва оригинал турлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир”, “Мультимедиа – гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир”, “мультимедиа – бу маҳсус технология бўлиб, дастурий ва техник моддий таъминот асосида компьютерда бир вақтнинг ўзида матнли, тасвирий ахборотни товушли ва ҳаракатли ҳолда (ҳаттоқи видеофильм ҳолатида) ифодалаш имкониятидир”, “Мультимедиа – тасвирли маълумотлар билан ишлашга қодир бўлган восита ҳисобланади”, “Одатда мультимедиа деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади”, “Мультимедиа – компьютер тизимида матн, товуш,

видеотасвирини ва турли анимацияларни мужассамлаштириш имконини берувчи замонавий ахборотлар технологиясидир”.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, МТМ тарбиячилари ўзларининг иш фаолиятларида мультимедиа тушунчасининг қайси бир таърифидан фойдаланишга қийналадилар. Мультимедиа тушунчасининг таърифиға аниқлик киритиш учун дастлаб унинг мазмунини кўриб ўтамиш.

3. Мультимедианинг мазмунни тасаввур этиш ва тушуниш учун, биринчи навбатда қуидаги иккита таққослашни келтириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи таққослаш. Маълумки, дехқончилик маҳсулотлари темир йўл транспорти вагонларига ортилиб марказий шаҳарларга жўнатилади. Бунинг учун, биринчи галда маҳсулотлар, масалан, картошка, пиёз, сабзи, карам, турп, шолғом, қовун, тарвуз ва бошқаларга ишлов берилиб (сарапаниб ва тозаланиб) омборхоналарда тўпланади, сўнгра вагонларга ортилади.

А) маҳсулотни вагонга ортиш икки усулда амалга оширилиши мумкин:

- вагонга фақат бир турдаги маҳсулот, масалан, фақат картошка ортилиши мумкин;
- вагонга бир неча турдаги маҳсулот – картошка, пиёз, карам, сабзи, турп ортилиши мумкин.

Шундай қилиб, биринчи ҳолда битта вагонда бир турдаги маҳсулот, иккинчи ҳолда эса битта вагонда беш турдаги маҳсулот жўнатилади.

Б) истеъмолчи ишлов берилган ва омборхонада тўпланган маҳсулотни шу ернинг ўзида ёки мўлжалга етиб келган жойда истеъмол қилиши мумкин.

Демак, биринчи ҳолда вагондаги маҳсулотни бир таркибли маҳсулот, иккинчи ҳолда эса кўп таркибли маҳсулотлар мажмуаси деб қарашимиз мумкин.

Иккинчи таққослаш. МТМ тарбиячиси бошқа шаҳардаги ҳамкасбига иш юзасидан хат юбориши билан боғлиқ ҳол. Хат юбориш учун дастлаб хат матнини, фотосуратини, ишга доир битта жадвал ва битта схема тайёрлаб уларга ишлов беради. Хатни юбориш эса икки усулда амалга оширилади:

1. Битта конвертда одатдагидек фақат битта хатни ўзини жойлаштириб юборади. Бу бир турдаги маҳсулот юборишга ўхшаш бўлади.

2. Битта конвертда хат матнини, ўзининг фотосуратини, тайёрлаган жадвал ва схемасини жойлаштириб юборади. Бу битта вагонда кўп турдаги маҳсулот юборишга ўхшаб, конверт ичидаги маълумотлар мажмуасини юборган ҳисобланади.

Юқоридаги такқослашлардаги мисолларни ахборотлар технологиясига татбиқ этамиз. Маълумки, мультимедиали ахборотлар тизимиға матн, жадваллар, графика, нутқ, схема, мусиқа ва бошқалар киради. Ушбу ахборотларни ҳам фойдаланувчиларга юқоридаги тартибда икки усулда узатиш мумкин.

1. Ҳар бир ахборотни, масалан, матнни маълум бир масофадаги фойдаланувчига ёки шу жойнинг ўзидағи фойдаланувчига битта “пакетга” бир ўзини жойлаб узатиш мумкин .

2. Ахборотнинг бир нечта турларини – матн, графика, схема, тасвир, мусиқа ва бошқаларни компьютер хотирасида сақлаб, ишлов бериб ва барчасини битта “пакетга” мужассамлаштирилиб маълум бир масофадаги фойдаланувчига ёки шу жойнинг ўзидағи фойдаланувчига узатиш мумкин .

Шундай қилиб, мультимедианинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда мультимедиа тушунчасининг МТМ тарбиячилариға тушунарли бўлган қўйидаги таърифини келтириш мумкин: «Мультимедиа - бир нечта ахборот турларини компьютерда ишлов бериш натижасида ҳосил қилинган ва битта “пакетга” мужассамлаштирилган ахборот жамламасидир».

Мультимедианинг анимация самараси. Мультимедианинг ташкил этувчилирдан (элемент)бири – ахборотларга анимация самарасини беришdir. Бу мультиликацион фильмларда рассомнинг чизган қатор чизмалари ва расмларини тез (бир дақиқада 24 кадр тезликда) намойиш эттирилиши асосида содир бўлади. Ҳозирги кунда эса, мультиликацион фильмлар компьютерда 3D.Flash дастури асосида яратилмоқда. Мультимедиада эса, маҳсус дастурлар (Power Point, Macromedia Flash ва ҳоказолар) орқали амалга оширилади.

1986 йилда Amida компьютерида биринчи марта маҳсус роликда товуш (музыка) билан биргалиқдаги анимация самараси намойиш қилиниб, мультимедианинг шаклланиши ниҳоясига етказилди ва бу йиғилишда тўлақонли мультимедиа технологияси яратилгани эътироф этилди. Шундай қилиб, 1986 йил расмий равишда мультимедиани яратилган (“туғилган”) йили ҳисобланади. Мультимедиа воситаларига мультимедиа маҳсулотини яратишда фойдаланадиган ускуналар (ёки жиҳозлар), дастурлар ва амалда фойдаланишга мўлжалланган материаллар киради. МТМ тарбиячилари мультимедиа воситалари осон тасаввур этишлари учун, ускунавий, дастурий ва амалий воситалар каби уч турга бўлиб тушунтириш қулайроқ бўлади:

1. Ускунавий воситалари қаторига аудио плата, видео плата, компакт диск (CD ROM, DVD, DVD ROM ташқи ускуна)лар, видеокамраш платалари, видео киритиш ва чиқариш, товуш киритиш ва чиқариш қурилмалари ва бошқалар киради.

2. Дастурий воситаларига Power Point, Macromedia Flash, Adobe Premiere, Media Player, CD Player ва бошқа дастурларини киритиш мумкин. Шунингдек, маҳсулот тайёрлашда Corel Draw, Paint Brush график мухаррирлардан хам фойдаланилади.

3. Амалий воситаларига турли хил жадваллар, маълумотномалар, электрон дарсликлар, тақдимотлар, слайдлар, компьютер ўйинлари ва бошқалар киради. Булардан таълим жараёнида, молия-иктисод тизимида, илмий-тадқиқот ишларида ва бошқаларда фойдаланилади.

**Мультимедиа технологияси.** Дастрлаб маълум бир соҳадаги технологик жараён мазмунини кўриб чиқайлик. Технологик жараён деганда, бирон хом ашё, материал ёки ахборотни маълум бир асбоб-ускуна, восита, қурилмалардан фойдаланиб, уларга ишлов бериш, хоссаларини ўзгартириш ва қайта ишлаш натижасида янги сифатли маҳсулот олиш жараёни тушунилади.


Мультимедиа технологиясини кўриб чиқишидан олдин таққослаш мақсадида мева қуритиш технологиясини қараб ўтамиз. Одатда, мева қуритиш технологиясининг жараёни қуйидагича кечади:

1. Мевалар танланиб терилади(бошланғич ашё);
- 2.Куритиш олдиdan технологик ишлов берилади (саралаш, тозалаш, махсус эритмада ишлов бериш);
3. Куритиш қурилмасига жойлаб қуритилади;
- 4.Куритилган махсулот истеъмолчиларга жүннатилади.

Худди шунингдек, мультимедиа технологиясида ҳам маълум бир технологик жараён амалга оширилади. Бу жараёнлар қуидагилардан иборат:


1. Дастребаки якка тартибдаги ахборотлар (маълумотлар) танланади.
2. Улар битта “пакетга” жамланади ва компьютерда технологик ишлов берилади.
3. Янги мультимедиа ахборотлар мажмуаси ҳосил қилинади.
4. Сақланади.
5. Фойдаланувчиларга тақдим этилади.

Ушбу технологик жараённинг схемаси қуидагича (ахборотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш ва узатиш).



Шундай қилиб, мультимедиали технологик жараён натижасида якка тартибдаги ахборотлар – нутқ, матн, тасвир, графика, мусиқа ва анимация самаралари компьютерда ишлов берилиши натижасида битта “пакет” (диск)да жойлаштирилади.

Мультимедиали ахборот технологияси – қисқача мультимедиа технологияси деб юритилади. С.С. Гуломов ва бошқалар мультимедиали ахборот технологиясининг ташкил этувчиларини (компонентларини) умумлаштириб, қуидаги схемада ифода этганлар.



**Мультимедиа технологиясининг қўлланиш соҳалари.**Ҳозирги даврда мультимедиа технологиясидан кўп соҳаларда, жумладан, молия, иқтисодиёт, фан, таълим, маданият, ижтимоий соҳалар, майший соҳалар, ташвиқот, компьютер ўйинлари фойдаланилмоқда.Шунингдек, фирмаларда тақдимот ва маҳсулотларни ташвиқот қилишда фойдаланилади. Айниқса, банкларнинг операцион залларида, кўргазма ва ярмарка залларида, автосалон, саёҳат бюроси, аэропорт ва темир йўл вокзалларининг залларида ташвиқот ахборотлари кенг кўламда маълумот беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришда, муассасаларда, хизмат қўрсатиш шаҳобчаларида, архивлаштиришда, музейларда кенг қўлланилади.

Мультимедиали компьютер технологиясидан таълим соҳасида янги педагогик технология сифатида фойдаланиш мумкин. Ушбу технология қуидаги афзалликларга эга: дарс ва машғулотларнинг самарадорлиги ва бериладиган материалларни ҳажми оширади, ўрганилган материаллар тарбияланувчиларнинг хотираларида узоқ вақт сақланади.

Мультимедиа технологиясидан фойдаланиш борасида, кўпгина таълим воситалари – ўқув электрон дарсликлар, қўлланмалар, ишланмалар, тақдимотлар ишлаб чиқилган. Масалан, ўрта-маҳсус, касб-хунар коллекциялари учун “Информатика” электрон дарслиги, “Ўзбекистон-2000”, “Амир Темур” альманахлари шулар жумласидандир.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, мультимедиали электрон дарсликлар, одатдаги анъанавий дарсликларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Таққослаш:

1) одатдаги дарсликларда бирон мавзуга тегишли материаллар матни ва статик қўринишдаги битта расм берилади;

2) мультимедиали электрон дарсликларда эса, шу мавзуга тегишли материал матни ва уни шарҳлаб борувчи суҳандоннинг овози, мавзуга тегишли анимация берилган бир нечта тасвирий маълумотлар, ўтган даврга тегишли кичик кино лавҳа ва мусиқа қўшиб берилади. Масалан, А.И.Аширова ўзининг техника олий ўқув юртлари учун яратган электрон дарслигига 40%дан ортиқ мультимедиа материалларидан фойдаланган. Шунингдек, Н.Тойлоқов ўзининг электрон дарслигига мультимедиа материалларига ҳам эътибор қаратган.

Мультимедиа технологиясидан МТМларда фойдаланиш. Ҳозирги даврда, мультимедиа технологиясидан олий ўқув юртлари, касб-хунар коллекциялари ва академик лицейлар, умумий ўрта-таълим мактабларида фойдаланиб келинмоқда. Шу билан бирга, узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури бўлган МТМларда ҳам мультимедиа технологиясидан фойдаланишининг кенг имкониятлари мавжуд. Жумладан, МТМ тарбияланувчиларига ҳарфларни ўргатишда элементар математик тушунчалар билан таништиришда, ижобий ва салбий экологик таъсирларни баён қилишда, таълимий ва ривожлантирувчи компьютерли ўйинларни амалга оширишда фойдаланилади.

Мультимедиа ва масофали таълим. Масофали таълим ўқитишинг замонавий шаклларидан бири сифатида таълим тизимининг барча соҳаларида ўз ўрнини топмоқда. Жумладан, Интернет тармоғидаги ўқув материалларидан

кенг фойдаланилмоқда. Интернетдан олинадиган материалларнинг аксарияти мультимедиали тақдимот шаклида яратилган. Масалан, МТМлар учун “Кимнинг уйи қаерда?”, “Уй ясаш” тақдимотлари ва турли хил компьютер йийинлари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, МТМ тарбиячилари мультимедиа түғрисида түлиқ маълумотга эга бўлганларида, ундан МТМларнинг таълим-тарбия жараёнига фойдаланишлари осон кечади.

### **Мультимедиа технологияси ва уни шаклланиши**

Ҳозирги даврда мактаб, академик лицей, коллеж ва олий ўкув юртларининг таълим жараёнларида кўплаб янги педагогик технологияларидан фойдаланилмоқда. Жумладан, МТМ ларнинг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга қаратилган янги педагогик технологиялар ишлаб чиқиш ва улардан болаларга таълим-тарбия беришда фойдаланиш масалалари ҳам шу куннинг долзарб масасаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли қўйида педагогик технология тушунчасининг таърифлари ва МТМ ларда татбиқ этиш учун ишлаб чиқилган “мультимедиа технологиясининг” асослари бўйича маълумот берилади.

Технология сўзи юононча (*tehni*) санъат, маҳорат маъноларини англатади. Бу эса, жараёнлар демакдир. Ҳозирги даврда технологияларнинг сони кўпайиб бормоқда ва турли соҳаларда қўлланиб келинмоқда. Масалан, ишлаб чиқариш технологияси, ахборот технологияси, овқат тайёрлаш технологияси ва бошқалар шулар жумласидандир.

“Педагогик технология” атамаси инглизча “an eductional technologiya ” сўзидан олинган бўлиб, айнан таржимаси “таълим технологияси” деган маънони билдиради. Педагогик технология тушунчасига жуда кўп таърифлар берилган ва ҳозиргача унинг таърифи бўйича ягона бир фикрга келингани йўқ.

Қўйида педагогик технология тушунчасининг адабиётларда берилган бир нечта таърифларини келтирамиз:

1. Педагогик технология - амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

2. Педагогик технология - таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш учун ўқув жараёнида қўлланиладиган усуллар ва воситалар мажмуудир.

3. Педагогик техналогия - олдиндан белгиланган лойиҳалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини изчил амалга оширишдир.

4. Педагогик технология - таълим-тарбия жараёнини илғор воситалар, услублар, техник воситалар, усулларга таяниб такомиллаштириш тизими ҳисобланади.

5. ЮНЕСКО таърифи: педагогик технология - таълим шароитини оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли услуги эканлигини инобатга олган ҳолда: «Педагогик технология тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижани кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштирилиш жараёнларида қўлланиладиган усул ва услублар мажмуасидир» каби умумлаштирилган таъриф берилган.

Юқоридаги таърифлардан педагогик технология таълим жараёнини характерлайдиган бир тизим эканлиги келиб чиқади. Ушбу тизимни, ўқув мақсади кутилаётган натижалар, таълим олувчи, таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолашлар ташкил этади.

Юқоридагиларга биноан, МТМларнинг таълим жараёнига татбиқ этиш учун мультимедиа технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни, 6-7 ёшли болаларни мультификация тасвирларига қизиқишилари ҳам тақозо этади.

Мультимедиа технологиясининг асосий мазмуни - компьютерли таълимдир. Машғулоти эса, компьютерли машғулотдир. Демак, мультимедиа технологияси компьютердан фойдаланиб, машғулот ўтказишга мўлжалланган .

Умуман олганда, МТМларда қачондир тўла компьютер таълимига ўтилади. Шунинг учун, бу муаммони ҳозирданоқ аста-секинлик билан ҳал этиб бормоқ зарур. Ҳозирги кунда Республикаизда телевизори бўлмаган биронта оила бўлмагани каби, яқин келажакда барча оилалар ўз компьютерларига эга бўладилар. Ушбу фикр ҳам республика келажаги бўлган болаларни ёшлигиданоқ компьютер билан таништириш ва уларда ушбу йўналишдаги зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш заруратини тақозо қилмоқда.

МТМлар узлуксиз таълим тизимининг биринчи поғонаси бўлгани учун юқоридаги тизим МТМларнинг таълим жараёнларига тегишилдири. Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим концепциясида МТМлар учун мўлжалланган педагогик технология қуидаги мазмунда ёритилган, яъни: . “Педагогик технология деганда таълимий мақсадларни самарали амалга оширишга имкон берувчи таълим ва тарбия жараёнининг назарий асосланган восита ва усуслари мажмуини амалга ошириш тушунилади”.

Мактабгача таълимда педагогик технологиялардан фойдаланишда таълимий мақсадлар бир хил берилиб, босқичма-босқич ўзгаришлар ва эришилган натижаларни якуний баҳолаш имкониятининг сақланишига мос ҳолда илмий лойиҳалашни мўлжаллайди .

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш ва амалга ошириш мақсадида МТМларнинг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш ва синовдан ўтказиш учун ишлаб чиқилган мультимедиа технологиясининг асослари тўғрисида маълумот берамиз.

Мультимедиа технологиясини МТМларнинг таълим жараёнида татбиқ этиш ва унга педагогик ишлов бериш асосида, таълим беришнинг барча талабларига мос келадиган таълим жараёнини тўла-тўкис амалга оширадиган мультимидали технология сифатида шакллантириш мумкин.

Маълумки, педагогик технологиянинг ўзига мос ва хос элемент бўлади.Агар шу элементлар тарбияланувчиларгатўла шакллантирилган бўлса,педагогик технология тўла шаклланган ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг – “таълим–тарбия жараёнини илғор воситалар, услуглар, техник воситалар, усулларга таяниб такомиллаштириш тизими” мазмунидаги таърифидан келиб чиқиб, мультимедиа технологиянинг компонентларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- 1.Назарий ва амалий асослари.
- 2.Педагогик–психологик жиҳатлари.
- 3.Техник ва дидактик воситалари.
- 4.Таълим-тарбия бериш услубиёти.
- 5.Тарбияланувчиларнинг олган билимларини баҳолаш мезони.
- 6.Таълим манбалари.

1.Мультимедиа технологиясининг назарий ва амалий асослари-информатика ва замонавий ахборотлар технологияси асосларига бориб тақалади. Мультимедиа – дастлаб восита сифатида ахборотларни биратўла товуш, видео, графика, матн, тасвир, анимация берилган ҳолда узатиш ва сақлаш усули (муҳити) сифатида шаклланди. Шаклланиш, асосий техник таъминоти бўлган компьютер ва унинг ахборотни, нутқни киритиш ва чиқариш қурилмалари, сканерлар, видео ва аудио платалари, видеокамраш платалари орқали амалга оширилади. Дастурний таъминотда эса мультимедиа воситаси мазмунини ифодалаш алгоритмини тузиш ва дастурлаш муҳим роль ўйнайди. Амалий таъминотда мультимедиали дарслклар, компакт дисклар, тақдимотлар, слайдлар, шунингдек, компьютерда мавжуд дастурлар (Macromedia Flash, Power Point, Paint, Corel Draw) ва телекоммуникация воситаларидан кенг фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда ахборот технологиялари тезкорлик билан ривожланиб замонавий мультимедиа технологияларига айланди. Шу боисдан, у ўнлаб йўналишлар ва соҳаларга татбиқ этилиб келинмоқда. Таълим жараёнига эса 1990 йиллардан бошлаб кириб келди. Мультимедиа технологиясининг бир неча таърифлари мавжуд бўлиб, шулардан бирини келтирамиз. «Мультимедиа технологияси- информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати)

самаралари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган кўринишидаги технологиясиdir”. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, мультимедиа ахборот(материал) шакллантирилиши учун камидан унинг учта элементи (нутқ, тасвир ва анимация) қатнашиши шарт. Масалан, радиоэшиттиришда бериладиган ахборотни ёки телекўрсатувларда кўрсатиладиган овозсиз тасвирларнинг ўзи мультимедиа бўла олмайди.

Ҳозирги кунларда, МТМларнинг таълим-тарбия жараёнига масофали таълим ашёларидан, жумладан, Интернет тизимидан фойдаланиш ҳам жорий этилмоқда. Интернетдан фойдаланишда тарбиячи Интернет тармоғидан МТМ тарбияланувчиларига мос материалларни қидириб топиб, ундан у ёки бу йўналишдаги машғулотларда фойдаланади.

МТМлардамультимедиатехнологиясининг таълим соҳасидагиасосий ва етакчи ташкилий шакли –компьютерли машғулотдир. Ушбу технология бўйича машғулотлар 30 дақиқа давомида, компьютерлардан фойдаланиб олиб борилгани учун, ўртада 15 дақиқадан сўнг 5-10 дақиқали ўрганиладиган материалга тегишли ўйин машғулоти ёки сухбат, савол-жавоб ўтказилади. Шундан кейин, яна машғулотнинг 15 дақиқаси давом эттирилади.

МТМларнинг таълим-тарбия жараёнига компьютерлардан фойдаланишнинг афзаллик томонларидан бири шундан иборатки, болалар компьютерда ишлашни тўла ўрганиб олганларидан кейин, ундан 15 дақиқа давомида мустақил равишда материалларни ўрганишлари мумкин. Компьютернинг “бағри кенг” ва “тоқатли, сабрлидир”. Бола хато қилган тақдирда ҳам, хатони ўзи тузатгунга қадар, ҳеч ким унга танбех бермайди. Мультимедиа технологиясида таълим ва тарбияни машғулот шаклидан ташқари, ўйин шаклида (компьютерли ўйинлар), экскурсия, саёҳат, амалий машғулот шаклида (экологик таълим), масофали мулоқот шаклида олиб бориш мумкин.

**Таълим манбалари.** Болалар учун “қўлланма” ёки “дарслик” сифатида – компьютер хотирасига юкланган маълумотлар, тарбиячи учун эса, мультимедиа

технологиясига оид педагогик, илмий-услубий адабиётлар, услубий қўлланмалар ва услубий тавсиялар таълим манбалари ҳисобланади.

**Техник воситалари(дидактик асослари).** Шахсий компьютерларлар мультимедиа технологиясининг асосий воситаси ҳисобланади. Ундан, МТМлардаги таълим-тарбия жараёнида фойдаланишда эса, қўшимча воситалар компакт дисклар, турли хил тақдимотлар, слайдлар ва ҳоказолар талаб этилади. Мультимедиа воситаларидаги таълим-тарбия материаллари динамик характерга эга бўлиб, улар анимация билан берилган бўлади. Таълим тизимида узоқ вақтлардан буён фойдаланиб келинаётган анъанавий кўргазмали материаллар – статик характерга эга. Масалан, тарбиячи болаларга А ҳарфини анъанавий усуlda ўргатиш мобайнида, болага уни қоғоздан ёки картондан ясалган шаклини кўрсатади (статик восита). Мультимедиа воситасида кўрсатилганда А ҳарфи компьютер экранида тебраниб, болаларнинг дикқатини ўзига жалб этади(динамик восита).



*“Эркатой” болалар мактабгача таълим муассасасида  
компьютерли машғулот*

Хозирги кунда турли хил мультимедиа таълим-тарбия воситаларини ишлаб чиқиши ва уларни татбиқ этиши жадал ривожланаяпти. Лекин ҳануз улардан МТМларнинг таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш услубиёти ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун, МТМ тарбиячи-педагоглари мультимедиа воситаларини мультимедиа технологияси сифатида қабул қилмоқдалар, ҳатто айрим мақолаларда шундай қарашлар ёзилмоқда. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мультимедиа воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳсус


муассасадан ташқари, ҳар бир МТМ лар шароитида тарбиячиларнинг ўзлари томонидан тайёрлай оладиган: дастурли ва ролли(ижроли) мультимедиа воситаларидан(DVD-диск) фойдаланиш ҳам мумкин.

DVD видео диски –мультимедиа воситаси сифатида бир неча афзалликларга эга. Дискдан фойдаланиб ўрганиладиган материални босқичлар бўйича тўла кўриш мумкин, баъзи ҳолларда алоҳида элементлари кўрилади, зарур бўлганда материал қайта намойиш этилади. DVD видео дискда схемалар, расмлар, графиклар ҳам жойлаштирилган бўлади Мультимедиа технологиясининг техник воситалари таълимнинг дидактик талабларига тўла мос келади.

**Таълим-тарбия бериш услубиёти.** Мультимедиа технологиясининг таълим-тарбия бериш услубиётини баён қилишдан олдин, унинг қуидаги икки жиҳатига эътибор бериш керак:

1. Агар у ёки бу мультимедиа воситаси тарбияланувчиларга баён этиб борилмасдан намойиш этилса, у оддий мультфильм бўлиб қолади.
2. Агар тарбиячи мультимедиа воситасини намойиш этиш давомида, уни таҳлил этиб (тушунтириб, баён этиб) борса, таълим жараёнини акс эттириб мультимедиа технологиясига айланади.

1



2

### *Компьютер иширикдаги диалог услубининг схемаси*

Схемада 1 ва 2 чизиқлар тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги диалогни билдиради. 3-тарбиячини (педагогни) компьютерга киритган мультимедиали материалини ва уни бошқаришини, 4 тарбияланувчилар

томонидан ўтилган машқларни(материалларни) мустақил бажаришлари ва тест саволларига жавоб беришларини билдиради

Таълимнинг анъанавий услубларида таълим берувчи (тарбиячи) таълим жараёнининг марказида бўлиб, таълим оловчичи (тарбияланувчи) пассив эшитувчи ва иштирокчи бўлиб қолади.

Мультимедиа технологиясидан фойдаланиладиган жараёнда эса, таълим жараёнининг марказида компьютер хотирасига юкланган ва ўрганиш учун мўлжалланган таълим материаллари туради. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, юқорида таъкидланганидек, компьютер хотирасига юкланган материал ўзига хос “таълим қўлланмаси” ёки “дарслиги“ ролини ўйнайди. Иккинчи ўринда, компьютердаги таълим материалларини кўриб ва товушни эшитиб турган таълим оловчичи (тарбияланувчи)лар турадилар. Бу ҳолда асосий мулоқот компьютер-тарбияланувчи ўртасида амалга оширилиб, тарбияланувчи ахборотни компьютер экранидан қабул қилиб олади.

Аммо МТМларнинг таълим-тарбия жараёнига мультимедиа технологияси татбиқ этилган тақдирда ҳам гарчи маълумот монитор экранидаги материалдан олинса-да, тарбиячи-педагогнинг фаолияти биринчи ўринда қолаверади, чунки анъанавий усул билан таълим беришда “бўр-доска”дан ёки бошқа турли хил кўргазмали воситалардан фойдаланилса, мультимедиа технологиясида эса, компьютер экранидаги материаллардан фойдаланилади.

Таълим берувчи (тарбиячи)нинг вазифаси – компьютер экранида болалар кузатаётган материалларни шарҳлаб бериш, уларнинг дикқатларини жалб этиш, гурух тарбияланувчиларига такрорлаб ўргатиш бўлиб, компьютер-тарбияланувчи ва тарбиячи ўрталарида биргаликда олиб борилаётган фаолиятни билдиради.

Схемадаги пунктир чизиги таълим берувчи билан таълим оловчи ўртасидаги савол-жавобни англатади.

МТМлар учун мультимедиа технологияси услубиётининг алгоритми қўйидагича:

1. Тарбиячи гурух тарбияланувчиларини компьютер қаршиисига

үтказтиради.

2. Компьютер хотирасига юкланган материални очади.

3. Ўрганиладиган материал экранда пайдо бўлгач, уни намойиш этади ва шу ерда кадрни тўхтатади.

4. Материалга гуруҳ тарбияланувчиларининг диққатини тортади, масалан, машғулот А ҳарфини ўрганиш бўлса, “Болалар, экранда харакатланаётган ҳарф-А ҳарфини шакли бўлади (агар ижроли (ролли) диск қуйилган бўлса,”Айиквой” сизларга “A”- ҳарфини кўрсатяпти деб таъкидлайди.

5. Тарбиячи, болалар яна бир марта экранда кўрсатилаётган “A” ҳарфини кўриб, хотираларингизда сақланглар дейди.

6. Тарбиячи, экранда кўрган “A” – ҳарфини болаларнинг хотираларига қанчалик даражада қолганини аниқлаш мақсадида, уларга стол устида қофоздан тайёрлаб қўйилган А ҳарфини кўрсатади ва бу қандай ҳарф? деб сўрайди. Болалар А ҳарфи деб жавоб берадилар.

7. Сўнгра болалардан бирига клавиатурадаги А ҳарфи тугмачасини босиб, монитор экранидаги А-ҳарфи ҳосил қилишни буюради ( 18-расм).

8. А ҳарфи шаклини ўрганилган даражаси аниқлангач, материални навбатдаги қисмини ўрганишга ўтилади.

Мультимедиали ахборот технологиясини таълим жараёнига татбиқ этиш асосида, МТМ лар учун мультимедиа технологиясини шакллантириш амалга оширилади.

Демак, мультимедиа технологиясида таълим жараёни қўйидагича кечади: компьютерга ўрганиладиган материални юкланиши, намойиш этиш, кузатиладиган ва ўрганиладиган материал бўйича тарбиячи-тарбияланувчи ўрталарида мулоқат ва материални ўрганилган даражасини аниқлаш. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, мультимедиа технологиясида маълумот гарчи компьютердан олинса-да, натижа тарбиячининг маҳорати ва қобилиятига боғлиқ бўлади.

Мультимедиа технологиясида тарбияланувчиларга элементар билим бериш қўйидагилар асосида олиб борилади:

1.Монитор экранида кўрсатиладиган мультимедиали тасвирлар ва кўргазмалар орқали.

2.Болаларнинг ҳаётда,турмушда,уйда,теварак-атрофда мавжуд предметлар ва обьектлардан фойдаланиш орқали.

3.Тарбияланувчиларга элементар математик тасаввурлар беришда, у ёки бу материални ўргатишда аналогия(такқослаш) усулидан ҳам фойдаланишни тавсия этилади.

### **Мультимедиа технологиясининг педагогик-психологик жиҳатлари ва тамоийиллари**

Мактабгача тарбия педагогикаси педагогика фанининг муҳим соҳаси бўлиб, тарбиянинг ёш билан боғлиқ бўлган жиҳатларини очиб беради.Шу билан бирга, мактабгача тарбия педагогикаси маҳсус ва ёш педагогикалари билан умумий илмий-назарий асосларга эга.

Мактабгача тарбия педагогикаси маълум бир даражада МТМ ларнинг таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, кўп олимлар, педагоглар, изланувчиларнинг ишлари натижасида шаклланди.

Мактабгача тарбия педагогикасининг илмий-назарий асослари ва тарбиявий (жисмоний, ақлий, аҳлоқий, меҳнат, эстетик) жиҳатлари бўйича кўпгина олимлар, амалиётчилар, педагоглар ўз фикрларини баён этганлар.

Мактабгача таълим дидактикаси – умумий дидактиканинг бир соҳаси бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар таълими ва ўқитиши назарияси ҳисобланади, унинг мақсадини белгилайди, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни мактабга тайёрлашни таъминловчи таълимнинг мазмуни, услублари ва ташкилий шаклларини ишлаб чиқади.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш ҳам, билиш назариясига асосланади, жумладан, унинг «жонли мушоҳададан абстракт фикрлашга ва ундан амалиётга» деган қонунини МТМ ларнинг компьютерли таълим жараёнига ҳам кўллаш мумкин. Жонли мушоҳада МТМ тарбияланувчиларига кўрсатиладиган дидактик материаллар, ҳарфлар, расмлар, чизмалар каби воситаларни киритиш мумкин. Буларни таълим-тарбия

жараёнида фойдаланиш ёш болаларга турлича психологик таъсир кўрсатади. Масалан, юқорида таъкидланганидек, қоғозда ёзилган ёки картондан кесиб тайёрланган “А” ҳарфини тарбияланувчиларга кўрсатилса (статик ҳолат), уларга маълум бир психологик таъсир кўрсатади. Агар, монитор экранда анимациядан фойдаланилган, мультимедиа технологияси асосида “А” ҳарфини кўрсатилса (динамик ҳолат), тарбияланувчиларга бошқача психологик таъсир этилади. Шунингдек, болаларга қоғозда чизилган арча расмини кўрсатилса (статик ҳолат), у ҳолда уларга оддий психологик таъсир этилади, монитор экранда анимация билан берилган (жилоланиб турган) мультимедиали расмни кўрсатилса, болаларга умуман бошқача психологик таъсир (самара) этади.

Тарбияланувчи монитор экранда кўрган (кузатган) обьектлари тўғрисида маълум бир фикр юрита бошлайди. Ёш болаларнинг элементар математик тушунчалар бўйича фикрлашларини шакллантириш масалалари кўпгина услубий адабиётларда, қўлланмаларда тахлил этилган. Масалан, М.Жумаев ва Л.С.Выгодскийлар фикрлашнинг ривожланиш муаммосини ўрганиб, дастлаб математик тушунчаларни шакллантиришни илгари суради. Бунда, улар болаларда математик тушунчаларни шакллантириш учун энг қулай шароитларни топиш лозимлигини таъкидлайдар. Л.С.Выгодскийнинг фикри бўйича, боланинг тасавурининг ривожланиши билимларни ўзлаштириш жараёнииз ўтмайди, фақат ўқув ахборотлар тўплами (билиш, билим) болаларнинг фикрлашини ҳаракатлантиради, уларнинг фикрини ривожлантиради .

МТМ ларда эса, юқоридаги фикрдан ўлароқ, билиш асосларидан бири бўлган “жонли кузатиш” ёш болаларнинг фикрлашларини ривожлантиришга олиб келади. Масалан, мультимедиали слайдларда предметлар турли рангларда берилади – бири оқ, бири қизил, бири яшил. Ёш болалар монитор экранда уларни кўришлари биланоқ – ранглар тўғрисида фикр юрита бошлайдилар.

З.И.Калмаковнинг фикрича, “болада математик тушунчаларни шакллантиришнинг энг ишончли кўрсатгичи – унинг таълимийлиги, таълимийликнинг асоси, унинг асосий ташкил этувчиси – таълимийликнинг

бошқа параметрларини юқори даражада аниқлаб берадиган фикрий фаолиятнинг умумлаштирилишидир”.

Л.С.Выгодский ва З.И.Калмаковнинг фикрлари анъанавий усулда таълим беришдаги умумий ўқув жараёнига тегишлидир.

Абстракт фикрлашни энг қулай усулини топиш мультимедиа технологиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Жонли кузатиш”, “абстракт фикрлаш”дан кейинги босқич “амалиётга татбиқ этиш” дан иборат. Компьютерли таълимни амалиётга татбиқ этиш, МТМ тарбияланувчилари томонидан ўрганиладиган материалларни компьютерда бажартирилиши ва уларни техникага амалиётга татбиқлари асосида амалга оширилади.

Қуйида, мультимедиа технологияси (компьютерли таълим) таълимтарбия жараёнига татбиқ этишнинг педагогик–психологик жиҳатлари ва тамойилларини қараб ўтамиз.

Мультимедиа технологиясини МТМларнинг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилаётганлигига унча катта вақт ўтмаганлиги сабабли, хозирги кунда унинг педагогик-психологик жиҳатлари, тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Педагогик жиҳатлари.** Педагогика нуқтаи назаридан, мультимедиа технологиясининг МТМлардаги таълим-тарбия жараёнига татбиғи – уларга компьютерлар асосида янгича технологик ёндашув ҳисобланади. Шунинг учун, мультимедиа технологиясини ўзига хос белгилари, хусусиятлари ва тамойиллари мавжуд: Асосий белгилари - техник воситалардан фойдаланиш, тарбияланувчиларнинг билимларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиши, таълим самарадорлигини ошириш, монитор экранига қараб ва экрандаги материаллардан фойдаланиб билим олишдан иборат. Мультимедиа технологиясидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бир вақтнинг ўзида болаларнинг компьютер саводхонликларини шаклланишига ҳам олиб келади.

Масалан, диалогли таълим технологиясида компьютер - техник восита сифатида қаралади, мультимедиали компьютер технологиясида эса, у

кўргазмали воситадан ташқари “Таълим манбаи” сифатида мужассамланади, яъни ўрганиладиган материал олдиндан компьютер хотирасига киритилган бўлади. Ушбу материал тарбиячининг анъанавий услугуб билан машғулот ўтказиш бўйича тузган ишланмасига ўхшайди.

МТМ тарбияланувчилари компьютер монитори экранида намойиш этиладиган материалларидан ўргана борсалар ва етарлича кўникма ҳосил қиласалар, келажакда мактабда ёки лицейда ёки олий ўқув юртида компьютер экранидан маълумотларни қабул қилиб олишга қийналмайдилар.

Шу билан бирга, тарбияланувчиларнинг компьютердан фойдаланиш жараёнида мантиқий тафаккурлари ривожланади, билим олишга ҳаваслари ва иштиёқлари ортади, дунёқарашлари ошади.

**Психологик жиҳатлари.** Болаларнинг ёшларини ва фикрлаш даражаларини ҳисобга олиш, болаларнинг таълим материалини хотираларида саклаш имкониятларини ҳисобга олиш, компьютер билан ишлаганда кўз толиқишини олдини олиш, болаларнинг хотираларини ривожлантириш, диққатларини барқарорлаштириш, таълим материалларига қизиқишиларини орттириш, ҳис-ҳаяжонли ҳиссиёт уйғотиш, компьютерда ишлаш қобилиятларини ўстиришлар психологик жиҳатларни ташкил этади. Монитор экранида тасвирни кўрганда ва ўкиётганда бола миясининг иккала ярим шари бир вақтда ишлайди ва обьект образи бир вақтда қабул қилиб олинади.

Анимацияли маълумотларнинг инсонга таъсирчанлиги катта бўлиб, ундан МТМ таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш болаларнинг диққатларини кўпроқ жалб қилиш хусусиятига эга.

Мультимидаининг бир вақтнинг ўзида ҳам қўриш, ҳам эшитиш орқали билим олишнинг самарали эканлиги ҳаётий тажрибада аллақачон синовдан ўтган. Масалан, халқимизда бу тўғрида “юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрмоқ яхши ” деган мақоли бор. Психологлар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам қўриш, ҳам эшитиш орқали билим беришда ўзлаштириш юқори бўлишини таъкидлаб келмоқдалар.

Бу борада С.С.Ғуломов ва бошқалар қуидагиларни таъкидлайдилар: “Агар ўқувчилар берилаётган материалларни кўриш (видео) асосида қабул қиласа ахборотни хотирада саклаб қолиши 25-30 % га ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада саклаб бориш 75 % га ортади ”.

Психологларнинг таъкидлашларича, болалар асбоб-ускуналарга, техник қурилмалар ва транспорт воситаларининг моделларига, ўйинчоқларга жуда қизиқувчан бўладилар. Шулар қаторида, уларда ишлаш ҳам болаларнинг ўрганилаётган материалга нисбатаан қизиқишлигини орттириб, билим олишга иштиёқларини кучайтиради, кўникма ҳосил қиласи ва фикрлаш доираси ошади.

**Тамойиллари.** Асосий тамойили, кафолатланган якуний натижа, таълимнинг маҳсулдорлиги, тўғри ва тескари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланишидан иборат. Шунингдек, педагогик тажриба натижалари мультимедиа воситаларидан МТМ таълим-тарбия жараёнида фойдаланишининг дидактик тамойиллари қаторига: “компьютер монитори кўрсатуви каби бажар” ёки “компьютер мониторига қараб бажар” бўлиб, умумий тамойилларига дастурлаштириш, илмийлик, мослик, жадаллик, таълим мақсадларининг ўзаро боғлиқлиги, кўргазмалик, тизимилик, материални тушунарли бўлиши, фаоллик ва мустақиллик, ривожлантирувчи ва тарбияловчи омиллари, восита(компьютер)нинг ихчамлиги ва умумийлиги (барча турдаги техник воситаларни ўрнини боса олиши) киришини кўрсатди.

Булардан ташқари, мультимедиа технологиясида изчиллик ва кетма-кетлик тамойиллари ҳам амалга ошади.

Юқорида таъкидланган асосий “компьютерга қараб бажар“ тамойили компьютер хотирасига киритилган ўқув материалларини монитор экранига чиқариш ва намойиш этиш асосида амалга оширилади. Тарбиячи ўқув материалини тушунарли бўлиш тамойилига алоҳида эътибор бериш керак. Жумладан, танланган ўқув материаллар мураккаб бўлмасдан тарбияланувчиларга тушунарли бўлиши лозим.

**Ўзига хос хусусиятлари.** Тарбияланувчиларнинг фаоллигини оширишда, ўрганиладиган ўкув материалларни ҳажмини кўпайтиришда, таълим жараёнини олдиндан лойиҳалашда, натижани кафолатлашда, таълим шаклини қулайлаштиришда, шунингдек таълим мазмунида, тузилишида, услугларида ва шаклларида намоён бўлади. Тарбияланувчиларда олинган билимларини узоқ вақт хотираларида сақлаш имконияти яратилади. Болаларнинг қизиқишлигини ва компьютерга нисбатан иштиёқларини орттирадиган ўзига хос услуг мультимедиа технологиясидан фойдаланиш ҳисобланади.

Мультимедиа воситалари тарбияланувчини психикасини ривожлантириш ва фикрлаш қобилиятини шакллантиришда катта таъсир этади. Яқингача босма нашр (китоблар, рисолалар ва ш.к.) лар ахборотнинг асосий анъанавий манбаи бўлиб келди. Улардан фойдаланиб (уларни ўқиб) болаларда фикрлаш шакллантирилди, мультимедиа технологиясидан фойдаланишда эса, матн билан танишиш мобайнида, у билан бир қаторда (видео образ) ва анимация хусусиятларини ошириб, боланинг фикрлаш салоҳиятлари ортиб боради.

Компьютерли таълимнинг ўзига хос хусусиятлардан бири компьютерни болалар организмига салбий таъсир этишидир. Шунинг учун, тарбияланувчилар ундан узлуксиз 15 дақиқадан ортиқ фойдаланмасликлари лозим.

Юқорида мультимедиа технологиясининг педагогик ва психологик жиҳатлари қисқача ёритилди. Уларни тўла ва ҳар томонлама кенг ишлаб чиқиш педагог, психолог, услугчи олимлар томонидан амалга оширилиши керак.

## **10-амалий машғулот: Кичик ёшдаги болаларнинг сенсор тарбияси(2 соат).**

Ишнинг мақсади: Тингловчиларга сенсор тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмун-моҳияти, болаларнинг сенсор қобилиятларини шакллантириш, сенсор қобилиятлар орқали болалар идрокини ривожлантириш, болаларда сенсор

эталонлар системаларини-буюмларнинг хусусиятлари, сифатлари ва муносабатларитўғрисидаги умумлашган тасаввурларни шакллантириш ҳақида тушунча бериш.

**Таянч сўзлар:** сенсор тарбия, сенсор тарбиянинг шартлари, сенсор тарбиянинг методлари, персептив ҳаракатлар.

Мактабгача ёшдаги бола ўзлаштириши лозим бўлган буюмлар ва ходисаларнинг хусусиятлари ва сифатлари, муносабатлари доирасини ўз ичига олади. Бу хажм, бир томондан, болани ўраб турган дунёнинг хилма-хил хусусиятлари, иккинчи томондан - мактабгача ёшда таркиб топа бошлайдиган фаолият турларининг хилма-хиллиги ва турли сенсор асосларига эга эканлиги билан белгиланади.

Хар бир фаолият тури учун (буюмлар, нутқ товушлари, ҳаракатлар, муносабатларни) яхлит идрок этиш ва тасаввур қилиш, шунингдек таҳлил этиб идрок этиш ва тасаввур қилиш қобилияти зарур. Зотан, буюмларда шакли, катталиги, ранги, материали, қисмлари ва уларнинг макондаги муносабатларини, буюмнинг бошқа буюмларга нисбатан ҳаракатланиши, тезлиги ва йўналишини, буюмларнинг ўзоқлигини ва бошқаларни ажратиш муҳимдир. Эшитиш йўл-йўриқлари умуман товушларнинг ва хусусан нутқдаги товушларнинг хусусиятини: уларнинг кучини, баланд-пастлигини, овозини, суръатини, ритмини, вақтинча изчиллигини ва ҳоказоларни ажратиш, фарқлаш ва тасаввур этиш кўникмаси асосига қурилади.

Бошқа фаолият учун материяллар ёки буюмларнинг зичлиги, намлиги, қаттиқлиги ёки юмшоқлиги, силлиқлиги, тиниқлиги, ҳаракат кўрсаткичлари, оғирлиги, эгилувчанлиги, мўртлиги ва бошқа сифатларини ажратиш ва қўрсата олиш муҳимдир.

Ҳаракатларни фақат яхлит қабул қилиш ва тасаввур этишгина эмас, шу билан бирга уларда алоҳида ҳаракатларни ажратиш, уларнинг кетма-кетлиги, давомийлиги, йўналиши, ҳаракат кўламига, сарфланадиган куч - ғайратга ва

ҳоказоларга риоя этиш ва шу асосда ўз ҳаракатларини тартибга солиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳаракатлар, уларни ўзлаштириш ҳар қандай фаолиятга зарурдир.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги сенсор тарбия назарияси унинг мазмuni атрофдаги дунёни сенсор тавсифларининг бутун хилма-хиллигини қамраб олиши керак. Сенсор тарбиянинг замонавий дастурига киритилган бу ҳиссий тажрибанинг кенглиги уни аввал таркиб топган сенсор тарбия системаларидан ажратиб турувчи белги ҳисобланади.

Иккинчи фарқ шундан иборатки, сенсор тарбия дастурига шунингдек буюмларнинг ажратилган у ёки бу сифатлари, хусусиятлари, муносабатларини, яъни бола эгаллаши мумкин бўлган перцептив ҳаракатларни тадқиқ этиш усувларини ҳам ўз ичига олади. Бунда сифатларнинг бир гурӯҳини ажратиш учун оддий ҳаракатлар, масалан: силлиқлиги ёки ғадир-будурлигини аниқлаш учун силаб кўриш; қаттиқлиги ёки юмшоқлигини билиш учун қисиб кўриш ёки бармоқни ботириш; оғирлигини аниқлаш учун кафтда чамалаб кўриш ва ҳоказолар талаб этилади.

Анча мураккаб сифатлар, муносабатлар, белгилар системасини ажратиб кўрсатиш учун якка ҳаракат эмас, муайян изчилликда бажариладиган ҳаракатлар системаси талаб қилинади. Зотан, у ёки бу буюм нимадан қилинганлигини аниқлаш учун материалнинг хусусиятлари: мастихкамлиги, қаттиқлиги, тиниқлиги, юзасининг хусусиятлари ва ҳоказолар аниқланади. Масалан, ялтираши, ушлаганда мўздек тегиши, мустаҳкамлиги, уни урганда ўзига хос товуш чиқиши, метални бошқа материаллардан фарқловчи хусусиятлар бўлади. Уларни аниқлаш учун ҳаракатлар системасини эгаллаган бўлиши керак. Тадқиқ этиш ҳаракатлари системаси сўзининг юқори товуш муносабатлари ва ритмини, товуш таркибини аниқлаш учун ҳам (эшитиш, айтиб кўриш, ҳаракат қилиш, товушнинг модуллаштириладиган ўзунлиги, ҳаракатларни кўз билан идрок этиш ва уни кинестетик қайта такрорлаш ва ҳоказолар) зарурдир.

Сенсор тарбия дастурига атрофдаги воқеликда мавжуд бўлган хусусиятлар, сифатлар, муносабатлар ва уларга мос бўлган перцептив ҳаракатлар рўйхатидан ташқари, эталонлар системаси ҳам киритилган. Бу хозирги сенсор тарбия системасининг классик системалардан учинчи фарқидир.

Бола фаолият жараёнида кўп қиррали сенсор тажриба ҳосил қиласди. У ранглар, шакллар, катталиклар, материаллар, товушлар, миқдор ва макон муносабатлари аниқ намоён бўлишига дуч келади. Кўп қиррали аниқ тажрибада йўл топиш умумлаштиришларни, хилма-хилликни, умумий типик ходисаларга келтиришни, яъни инсоният ишлаб чиқкан сифат мезони- эталонларни ўзлаштиришни талаб этади. Бу ранг (спектр ранги), шакл (геометрик юзадаги ва хажмли шакллар), материаллар эталонлари, макондаги ҳолат ва йўналишлар эталонлари (юқорида, пастда, чапда, ўнгда ва бошқалар), миқдор эталонлари (метр, килограмм, литр ва бошқалар), вақт давомийлиги (минут, секунд, соат, сутка ва бошқалар), нутқ товушларни янграши, юқори товуш интерваллари эталонлари (оҳанг, ярим оҳанг) ва ҳоказолар.

Бола катталар раҳбарлигига ўзининг аввалги сенсор тажрибаси асосида сифатларнинг этalon аҳамиятини ўзлаштирад экан, билимларнинг янги, янада юксак- умумлаштирилган, системага солинган, маълум даражада умумий даражасига кўтарилади. Этalonларни билиш болага воқеликни таҳлил этиш, мустақил равишда нотаниш нарсада таниш нарсани кўриш, нотаниш нарсанинг хусусиятларини хис этиш, янги сенсор тажрибани тўплаш имконини беради. Бола билиш ва фаолиятда анча мустақил бўлиб қолади.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болалар учун сенсор тажриба дастури уларнинг кенг сенсор тажриба (сенсор эталонлар ва перцептив ҳаракатларнинг хилма-хиллиги, яъни тадқиқ қилиш усуллари) тўплашни кўзда тутади.

### **Болалар боғчасида сенсор тарбиянинг шартлари ва методлари**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мазмунли фаолияти сенсор тарбиянинг муҳим шартларидан биридир. Худди ана шу мазмунли натижали фалият шароитида болаларнинг эътиборини буюмларнинг ўзига хос хусусиятларига жалб этиш, уларга бу буюмларни ўзлаштиришда ёрдам бериш имконияти пайдо

бўлади. Бу имконият шу билан изохланадики, худди ана шундай фаолиятда болалар унинг натижаси сифатларни, хусусиятларни муносабатларни ажратиш кўникмасига боғлиқлигини ва унга асосланиб иш тутиш кераклигини англаб етишади. Масалан, бола чизган расмнинг сифати буюм шаклини, қисмлари муносабатини, рангини, катта-кичиклигини ажратиш кўникмасига боғлиқ бўлади; агар бола пирамида ҳалқалари ва матрёшка қисмларининг каттакичикилигини ажратиб, уни ҳисобга олса пирамида ёки матрёшқани тўғри йиғиши мумкин. Шу муносабат билан сенсор тарбия - болалар боғчасида тарбия ва таълим дастурийнинг маҳсус мустақил бўлими қилиб ажратилмаган, балки тасвирий, мусиқий, ўйин, меҳнат, нутқ каби фаолият турларига киритилган.

Сенсор тарбия таълим шароитида айниқса муваффақиятли амалга оширилади. Бола сенсор тажрибасини катталарнинг мунтазам раҳбарлигисиз ўз холика ўзлаштирар экан, у ўзок вакт давомида синаш ва хатолар йўлидан боради; унинг сенсор тажрибаси онгли тарзда ҳосил қилинган бўлмайди., у обьектларни таҳлил қилиб идрок этиш кўникмасини етарли даражада кўникмасини етарли даражада эгалламаган бўлади. Ҳатто катта ёшдаги болалар, масалан, геометрик шаклларни, уларни номланишини билмасликлари мумкин, уларнинг ҳарактерли белгилари ва фарқларини кўра олмайдилар, уларни реал буюмларда таний олмайдилар; болалар буюмларнинг физик хоссаларини (силиқлиги, тиниқлиги, юмшоқлиги, ялтироқлиги, товушининг ўзига хослигини ва бошқаларни) билмаслиги мумкин; мактабгача ёшдаги болалар буюмларни текшириш, кўрсатилган сифатларни ажратиш ҳаракатларини ҳам эгалламаган бўладилар. Сенсор ривожланиши стихияли кечган болалар ялтироқлик, тиниқлик, силлиқлик, қаттиқлик, эгилувчанлик каби сифатларни 10 фоиз холларда (турли ёш гурухларида) ажратишган ва номлашган, ўргатилганда эса бу мазмунни 3-4 ёшли тарбияланувчилар эгаллаши мумкин бўлади.

Шундай қилиб, сенсор тарбиянинг муваффақияти болаларнинг мазмунли фаолияти ва катта одамнинг ўргатиши таъсири остида ўтишига боғлиқдир.

Сенсор тарбия жараёнида бир қанча босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Биринчи босқичнинг мақсади болаларни диққат-эътиборини ўзлаштирилиши лозим бўлган сенсор белгига қаратишидир.** Бунинг учун тарбиячи болага намунага ўхшаш бўлган ёки муайян талабларга жавоб берадиган маҳсулотни тайёрлашни, масалан, намунага қараб расм чизиш ёки бирор нарса қуриш, қоғоздан ўзок сўзадиган қайиқча ясаш, силлиқ конус ҳосил бўлиши учун пирамидани йиғишни ва ҳоказоларни таклиф этади. Етарли даражада уюшган сенсор тажрибага эга бўлмаган болалар намунани таҳлил этмай, зарур материалларни танламай, топшириқни бажаришга киришадилар. Улар дарҳол ҳаракатга тушадилар; қирқилган қоғоз парчаларини ва китобнинг катта-кичиклигини чамалаб кўрмай китобни елимлашга киришадилар, конструкциянинг хусусиятларини, шаклларни бир-бирига мос келишини аникламай туриб, қуришни бошлаб юборадилар ва ҳоказо.

Барча холларда болалар фаолият учун таклиф этилган намуна ёки материалларни таҳлил этмайдилар, тадқиқ қилмайдилар. Улар умумий, қисмларга бўлинмаган идрок этиш билан чекланадилар ва табиийки ҳатто қиласадилар: расм ва қурган нарсалари ўхшамай қолади, китоблар заруридан қисқароқ қоғоз парчалари ёки жуда тез йиртилиб кетадиган қоғоз билан елимланади ва ҳоказо. Йўл қўйилган хато, фаолиятда натижага эриша олмаслик болага билиш, буюмлар, материал хусусиятларини ажратиши зарур қилиб қўяди. Катта одам бу муваффақиятсизлик вазиятидан фаолият мақсадига эришиш учун муҳим бўлган ва фаолиятда ҳисобга олиниши лозим бўлган хусусиятни кўриш, ажратиш, англаб этишда болага ёрдам бериш учун фойдаланади. Бу жихат болаларга буюмларнинг хоссалари, хусусиятларини ажратиш усулларини ўрганишда замин бўлади.

Болаларни перцептив ҳаракатларга ўргатиш ва сенсор белгилар тўғрисидаги тасаввурларни тўплаш сенсор тарбия иккинчи босқичнинг мақсади ҳисобланади.

Бундай таълим жараёнида тарбиячи перцептив ҳаракатнинг ўзини ва текшириш натижаси бўлган ҳиссий таассуротни кўрсатади ва номлайди.

Шундан кейин у болаларга кўрсатилган ҳаракатни аниқ такрорлаб буюмни тадқиқ этишни қайтаришни, ҳаракатни ва бунинг натижасида ҳосил бўлган сифатни номлашни таклиф этади. Масалан, тарбиячи тарбияланувчиларни думулоқ шаклни ажратишга ўргатиш учун улар олдида думалоқ буюмни думалатади, - думалатаман, - думалаяпти дейди, шундан кейин -думалоқ буюм, деб унинг хусусиятини белгилайди. Сўнгра болаларнинг ўzlари буюмни думалатадилар, тарбиячи эса уларни нима қилаётганларини, буюм думалатяптими, агар у думалаётган бўлса у қандай буюм деб сўрайди. Болалар ҳаракатни ҳам, унинг нутқдаги ифодасини ҳам такрорлайдилар.

Бу босқичда у ёки бу сифатни аниқ ажратишни ва уни ёнидагилардан фарқлашни таъминлаш учун бу сифатни худди шундай тадқиқ этиш ҳаракати билан ажратиладиган қарама-қарши сифат билан таққослаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бола юмшоқ буюмни ғижимлаб, уни юмшоқлигини хис этганидан, ҳаракат ва сифатни сўзлар билан таърифлагандан кейин, унга қаттиқ буюмни ғижимлаш ва у юмшоқми деган саволга жавоб қайтариш таклиф этилади.

Болаларни текшириш усуллари ва буюмларнинг сифатлари билан таништиргандан кейин, бу сифатларни ажратиш бўйича уларни машқ қилдиришни ташкил этиш лозим. Бунда бола қўллаётган усулнинг аниқлигини, сўз орқали бериладиган таърифнинг аниқлигини кузатиш муҳимдир. Машқ қилдириш учун мазкур сифатга эга бўлган турли буюмларни танлаш зарур. Машқларни мазкур сифат белгиси асосида хилма-хил буюм гурухларида ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда сифатнинг аниқ бир буюмдан ажралиши (абстракциялаш) рўй беради, бу эса янги босқичга- турли хоссалар хақида умумлашган тасаввурларни шакллантиришга ўтиш учун асос бўлади.

**Иккинчи босқични** мақсади эталонлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришдир.

Бу жараёнда буюмларни у ёки бу сифатига қараб гурухларга ажратиш барча қизил шарчаларни қизил қутига түплаш, барча шаффоф буюмларни танлаш, барча думалоқ буюмларни думалоқ бўлмаган буюмлардан ажратиш ва ҳоказолар асос ҳисобланади. Бундан кейинги иш болаларни сифатнинг у ёки бу ўлчови хилма-хил ифодаланиши билан таништиришни кўзда тутади: мазкур рангнинг ёруғ ва қорамтирлиги, турли томонли ва бурчакли учбурчаклар ва ҳоказо. Бунга у ёки бу сифатнинг турли ўлчовларига эга бўлган хилма-хил буюмларни таққослаш орқали эришилади. Буларнинг ҳаммаси болаларни нутқда мустаҳкамланадиган эталонларнинг асосий белгиларини ажратиш асосида умумлаштиришга олиб келиш имконини беради. Бундай белгилар, масалан, шаклда томонлар ва бурчакларнинг миқдори (учбурчакда учта бурчак ва учта томон, тўртбурчакда тўртта бурчак ва тўртта томон), металлда юзанинг ялтираши, мустаҳкамлиги, қўл тегизганда мўздек туюлиши ва ҳоказо. Бола аста секин эталонларнинг номларини билиб олади. Болалар буюмларни таҳлил этиш учун ўзлари билиб олган сифат эталонларини қўллашга, буюмни этalon билан таққослашга, ўхшайдиган ва фарқ қиласидиган томонларини сезишга ўргатилади. Бу буюм хусусиятларини кўриш, янги нарсада маълум нарсани кўриш, буюмларни турли сифатларига қараб гурухларга бўлиш имконини беради. Этalonни билиб олиш боланинг ақлий фаолиятини янги босқичга кўтаради: ҳиссий негизда (этalon) умумлаштириш жараёни шаклланади, этalonни билиш асосида таҳлил қилиш, умумлаштириш жараёнлари чуқурлашади.

Бу иш жараёнида мактабгача ёшнинг охирига келиб болалар якка эталонларни эмас, балки уларнинг системаларини (шакллар, ранглар(спектр ранглари) эталонлари, миқдор, вақт давомийлиги эталонлари, материаллар эталонлари ва ҳоказолар)ни эгаллайдилар. Этalonлар системаларини ўзлаштириш учун таснифлаш машқлари, тўлиқ бўлмаган системаларни тўлдириш муҳимдир.

Ўргатиш жараёнида перцептив ҳаракатлар системалари ва эталонлар системаларини эгаллаш натижасида болалар атрофдаги воқеликда йўл топиш

учун кенг имкониятга эга бўладилар. Ишнинг навбатдаги босқичи худди шунга бағишиланади.

**Учинчи босқичнинг мақсади-** болаларнинг ўзлаштирган билимлари ва кўникумларини атрофдаги воқеликни таҳлил этиш ва ўз фаолиятини ташкил этишда мустақил қўллаш учун шарт-шароит яратишдир. *Бу мақсадни амалга ошириш учун шундай топшириқлар системаси муҳимки, уларни бажаришда мустақил таҳлил этиш, муайян фазилатлар, хусусиятлар, муносабатларни ҳисобга олиш талаб этилади.*

Буюмларни мустақил ифодалаш бундай топшириқларнинг мазмуни бўлиши мумкин, бунда бола шакл хусусиятларини, қисмларнинг нисбати ва жойлашиши ва ҳоказоларни таҳлил қилиши, меҳнат учун сув ўтмайдиган қоғозни ёки сув, қор, қум билан ўтказиладиган ўйинлар учун ўйинчоқларни танлаши лозим.

Ишнинг бу босқичида тарбиячи машғулотларда бўлганидек, кундалик турмушда ҳам фаолиятнинг барча турларидан кенг фойдаланади.

Сенсор тарбия мазмуни бутун мактабгача ёшдаги болалик давомида болаларда турли ёш даврларида вужудга келадиган ва ривожланадиган фаолият турларини ҳисобга олиб амалга оширилади.

Сенсор тажриба натижасида бола дунёни ҳиссий билиш, кўргазмалиобразли фикрлаш усусларини эгаллайди;

Болаларнинг барча турдаги фаолияти янада такомиллашади, билиш ва амалий фаолиятда нисбий мустақиллик шаклланади.

## **Назорат саволлари**

1. Сенсор тарбия мазмунини тушунтиринг.
2. Мактабгача таълим муассасаларида сенсор тарбиянинг шартлари ва методлари ҳақида нималарни биласиз?

## **11-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш(2 соат).**

**Ишнинг мақсади:** Тингловчиларни болаларга экологик тарбия беришнинг мазмун-моҳияти, табиатга нисбатан инсоний муносабатда бўлишни тарбиялаш ва мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбиялашнинг характерли усул ва шакллар билан таништириш.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар экологик тарбия бериш методикаси бўйича таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишни ўрганиб оладилар ва фаолиятида қўллайдилар.

Бугунги кунда экология фани тушунчаси ҳар бир кишининг онгига сингиб бормоқда. Деярли ҳар куни газета саҳифаларида, радио ва телекўрсатувларида ҳозирги шароитдаги экологик муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш борасида олиб борилаётган саъй-харакатлар ҳақида маълумотлар берилади.

“Экология” тушунчаси юонча сўз бўлиб, “эко” - уй, макон ва “логос”- фан деган маънони билдиради. Табиий уйимизни ўрганиш деганда, албатта, ундаги барча тирик организмлар ва жараёнларни ўрганиш, яъни ушбу уйни ёки масканни ҳаёт учун яроқли ҳолда сақлаш каби масалалар тушунилиши керак.

Экология фани ҳам биология, география фанлари сингари мустақил фан ҳисобланади. У тирик организмларнинг яшаш шароити ва уларни ўзи яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ҳамда шу асосда вужудга келадиган қонуниятларни ўрганади.

Болаларнинг экологик тарбияси - педагогиканинг болаларни табиат билан таништириш дастурларида ўз ифодасини топган анъанавий ёндашиш, кейинги йилларда юзага келган янги бир йўналиш ҳисобланади.

Вояга етаётган авлодни экологик тарбия муаммоси авваламбор ҳозирги замон олимларининг табиат ва жамиятдаги ўзаро боғлиқликларини дикқат билан кузатишлари натижасида келиб чиқди. Ҳозирги кунда инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлар характери ер шарида ҳаётни сақлаб қолиш билан боғлиқдир. Ушбу муаммоларнинг долзарблиги, экологик ва биологик

қонуниятларни ҳисобга олмаган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсиб бориши ва ниҳоят, табиатда инсон фаолияти орқали юзага келган аниқ экологик хавф вужудга келганлиги билан асосланади.

Олимлар табиат ва жамият бир-бирига таъсирининг ўзига хослигини таҳлил қилиш орқали ҳозирги замон шароитида табиат ва жамиятнинг янги турига ўтишни таъминлаш керак деган холосага келдилар.

Мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбияси муҳим ахамиятга эга, чунки ҳудди мана шу ёшда болада маънавий маданиятнинг бир қисми ҳисобланган шахсий экологик маданиятнинг пойdevор асослари шаклланади. Болаларнинг экологик тарбияси - мақсад сари йўналтирилган педагогик жараён ҳисобланади.

Шахсни экологик тарбиялаш, табиатни муҳофаза қилиш муносабатларига ижобий ёндашиш, табиат билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширишда экологик муҳофаза нуқтаи назаридан йўналтирилган интизом, экологик онгнинг юзага келиши билан характерланади.

Шахснинг экологик маданияти экологик тарбиянинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги боланинг шахсий экологик маданиятнинг таркибий қисми - табиатни билиш бўйича билим ва унинг экология нуқтаи назаридан йўналтирилганлиги, кундалик турмуш, турли-туманфаолиятларда(уй шароити, меҳнат жараёни ва турли-хил ўйинларда) фойдаланиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараёнда шахсни экологик тарбиялашга тайёрлаш қўйидаги фаолият турларини очиб бериш орқали амалга оширилиши мумкин:

1. Болаларда экологик онг элементларини шакллантириш. Бола томонидан экологик онг элементларини тушуниш ва тасаввур этиш, табиат тўғрисидаги билимларнинг характеристи ва мазмuni билан аниқланади. Уларда, табиий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини намоён қилувчи экологик мазмунга эга бўлган билимлар бўлиши керак.

2. Болаларда табиат билан боғлиқ бўлган турли хил билим ва малакаларни шакллантириш, фаолият билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар табиатни сақлаш характерига эга бўлиши керак. Табиат билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётган аниқ фаолият давомида (дала ҳовли ва табиат бурчакларида ўсимлик ва ҳайвонларга қарашиб, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ишларда фаол қатнашиш) болалар тирик организмларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўсимлик ва ҳайвонлар учун табиий шароитга яқин бўлган шароитларни ташкил қилишни ўзлаштирадилар. Бунда салбий ишларнинг оқибатларини олдиндан кўра-билиш, табиатда ўзини қандай тутишни билиш, алоҳида олинган туркумлар ва тирик организмларнинг бутунлигини сақлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган тушунчалар асосида тингловчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, баҳс мунозара олиб борадилар. Сўнг гуруҳларга “Экологик таълим-тарбия бериш” мавзууда машғулот ишланмаларини яратиш вазифаси берилади. Ишлаб чиқилган машғулот ишланмалари асосида гуруҳлар тақдимоти ташкил этилади.

**12-амалий машғулот: МТМларда интеграциялаштирилган машғулотларни ташкил этиш технологиялари (2 соат).**

**Ишнинг мақсад:** Тингловчиларга “Илк қадам” ўқув дастури асосида машғулотларни интеграциялаштириш ва олиб бориш технологиялари, ҳар бир гурухда интеграциялаштирилган машғулотларни ўтказиш методикаси ҳақида тушунча бериш.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар “Интеграциялаштирилган машғулотларни ўтказиш” методикаси бўйича таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишни ўрганиб оладилар ва иш фаолиятларида қўллайдилар.

**Жиҳоз:** Тарқатмалар, расмлар ва маркерлар.

**Дарс методи:** “Чорраха” методи, “Чархпалак” технологияси

**Амалий топширик:**

1. “Чорраха” методи орқали савол-жавоб ўтказиш.

2. “Илқ қадам” дастури асосида интеграциялаштирилган машғулотларбўйича қилаётган ишларингиз. Тингловчилар фикри йиғилади. Таҳлил қилинади.

3.“Чархпалак” технологияси. Тингловчилар қайси гурӯҳда ишлашларига қараб гурӯҳларга ажратилади. Тарқатма материал берилади. Ҳар қайси гурӯҳ дастурда берилган таълим–тарбия вазифаларини амалга оширишда усулларидан фойдаланиш. Интеграциялаштирилган машғулотлар ишланмасини тузишни ўрганадилар. Тақдимот ўтказилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами, ривожланиб бораётган таълим-тарбия тараққиёти асрида ота-оналар, педагоглар болаларга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, уларнинг ёшига мос ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда керакли машғулотларниташкил этиш, маънавияти юксак, ақлан етук, атрофдаги оламни онгли равишда идрок қила оладиган,мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўниумасига эга бўлганкомил инсон қилиб вояга етказиш лозимлигини тобора англаб етмоқдалар. Болаларнинг эртанги куни қандай бўлиши, кўп жиҳатдан, уларнинг бугунги кундаги таълим-тарбиясига, улар яшаб, нафас олаётган ижтимоий муҳит билан боғлиқдир.

Бунинг учун тарбиячи ва педагоглар ўз устларида мунтазам изланишлари, кириб келаётган инновацияларни амалиётда жорий этишлари таълим тизимини такомиллаштиришда, таълим самарадорлигининг ошишида муҳим ўрин эгаллайди.

Жумладан, “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган Давлат талаблари” ҳамда “Илқ қадам” ўқув дастурига киритилган интеграциялаштирилган машғулотларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш мақсади бугунги кун долзарб масалаларидан биридир.

Давлат талабларида мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, жаҳон тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий

информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш мақсад қилиб олинади.

Давлат талабларида туғилгандан 7 ёшгача бўлган болаларнинг бешта асосий ривожланиш соҳалари мавжуд бўлиб, ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган, улар ҳар бир ёш гуруҳига мос бир нечта талаблардан (кутилаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборатдир. Давлат талаблари ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутади.

“Интеграция” сўзи (лотин, integratio-тиклаш, тўлдириш, боғлаш) уйғунлик, узвийлик яъни, бирлаштириш, бирламчи деган маънони билдиради. Демак, интегралаштирилган машғулотларни ташкиллаштиришда бир хил фаолиятни интеграцияси (масалан пластилиндан алоҳида предметларни ясаш, сюжетли тасвирлар ҳосил қилиш) ёки ушбу фаолиятни бажариш техникасининг интеграцияси (масалан, бармоқ билан чизиш техникаси, бўёқни суриш, пуркаш техникаси) содир бўлади, бунинг натижасида болалар фаолият турининг янги усусларини ўзлаштириб борадилар.

МТМларида машғулотлар “Илк қадам” Давлат ўқув дастури асосида ташкил этилади, дастурнинг мақсади болалар учун янги билимларни ўзлаштиришда машғулотларни уйғунлаштириши ҳамда болалар билимларини кенгайтириб боришидир. Дастурда таълим-тарбиявий фаолият таълим ва ижтимоий эҳтиёжлар (саломатлик, овқатланиш ва хавфсизлик)ни қондириш мақсадида боланинг ёши ва индивидуал ривожига асосланувчи ўқув режасига мувофиқ олиб борилади. Ўқув-тарбиявий фаолият бола ҳаёти ва унинг атрофидаги муҳитдан келиб чиқувчи ягона бир бутун мавзуга бирлаштирилади, ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш таълим шароитларига боғлиқ ҳолда интеграция, хилма-хиллик ва мослашувчанлик тамойилларидан таркиб топади, деб таъкидланади.

Масалан, дастурда тайёрлов гуруҳида сентябрь ойи учун “Ўзбекистон менинг-Ватаним” мавзуси берилган. Демак шунга кўра биринчи ҳафтаси “Менинг қадрдон Ўзбекистоним”, иккинчи ҳафта “Менинг шахрим – менинг

маҳаллам”, учинчи ҳафта “Мен ва менинг оилам” ва тўртинчи ҳафта “Мен ва менинг дўстларим” номли мавзуларга бағишлиданади, яъни мазмунан бир-бирига боғланади. Ёки табиат билан таништириш машғулотларида дараҳтлар ҳақида маълумот бериладиган бўлса, болаларни ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш учун расм машғулотида дараҳт расмини чиздириш мақсад қилиб олинади. Ёки бадиий адабиёт машғулотларида дараҳт ҳақидаги шеърни ёд олдириш орқали болалар олган билимларини мустаҳкамлашназарда тутилади. Бугунги кунда педагогик восита сифатида қўлланилаётган турли шакллардаги электрон ўқув материалларини, ўқув жараёнида уларнинг дидактик хоссалари ва интеграциялаштириш усулларини ижодий қўллаш замон талаби ҳисобланади.

Таълим муассасаларида олиб бориладиган нутқ ўстириш, тасвирий фаолият, бадиий адабиёт, табиат билан таништириш, элементар математик тасаввурларва шу каби машғулотларбола шахсини шаклланиши, онгли фаолият юритиш малакаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, тасвирий фаолият жараёнида бола атроф-оламни идрок этади. Расм чизиш, қуриш-ясаш, аппликация, лой ишига ўргатиш, бошқа фаолият турлари билан уйғунлаштириш болаларнинг ақлий, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланишига олиб келади.

Мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тенденцияларидан бири-таълим мазмунини интеграциялаш асосида мактаб таълимига тайёрлаш, тасвирий фаолият машғулотларида ижодкорликка ўргатишда турли фаолият турлари (бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, табиат билан таништириш ва ҳоказо) билан уйғунлаштириш болаларнинг эмоционал ҳиссиётига таъсирини ошириш имкониятини яратади.

Турлиёшгурухларида ўзаро боғлиқ ўхшаш мавзуларни киритилиши уларнинг индивидуал имкониятларига мувофиқ уйғун ривожланиш ва бутун мактабгачаёш даврининг турли гурухларида болаларни ривожлантиришда таълим мақсадлари бирлаштириш ваузлуксизлигини таъминлаш орқали сифатли натижага эришилишига олиб келади.

Таълимфаолиятимазмунини мавзули-комплекс равишда ташкил этиш, режалаштиришдақуидаги ривожланиш соҳалари интеграциялаштирилади:

- жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, мулоқот, ўқиши ва ёзиш малакаларига тайёргарлик;
- билиш жараёнини ривожланиши;
- ижодий ривожланиш.

Турли ёшгурухларида ўзаро боғлиқ ўхшаш мавзуларни киритилиши уларнинг индивидуал имкониятларига мувофиқ уйғун ривожланиши ва бутун мактабгачаёш даврининг турли гурухларида болаларни ривожлантиришда ўқувмақсадлари бирлигини вузлук сизлигини таъминлаш орқали таълими мақсадга эришилишига олиб келади.

### **Интеграциялаштирилган намунавий машғулот ишланмаси.**

**Мавзу:** “Йил фасллари билан таништириш.

**Машғулот мақсади:** Бадиий адабиёт ва табиат билан таништириш машғулотларини уйғунлаштириб, шеърий эртаклар орқали болалар нутқини ўстириш ва фасллар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш.

**Машғулот тури:** Янги билим берувчи, интеграциялаштирилган.

**Машғулот услуби:** эркин фикрлаш, сухбат, шеърий эртак, интерфоал усууллар.

**Машғулотнинг жиҳози:** Фаслларнинг рангли расмлари, буклетлар, слайдлар тақдимоти, тарқатма материаллар, техник воситалар.

**Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи: Болажонлар бугун мен сизларга табиатнинг тўрт фасллари ҳақидаги эртакни айтиб бераман. Йил фасллари бир-бирлари билан навбат талашиб тортишиб қолар эканлар.

Бирйилдабортўртфасл,

Бир- бириданчиройли.

Опа- сингилтўртфасл,

Бахслашибқолдилар.

Баҳордеди:

–Менҳаммаданчиройли,

Фаслларкелинчаги.

Қуёшнурсочганида,

Гуллабкетадиолам.

Ёздеди:

–Мениҳаммахушкўрар,

Айниқсаболакайлар.

Иссиқкунда чиниқиб,

Илиқсувдачўмилар.

Кўзҳам жимтурмади:

–Мениҳаммасевади,

Меваларим пишганда.

Ҳаттоменибилингиз,

Ўхшатишаролтинга.

Баҳсгақишқўшилди:

–Мен билан завқлидир,

Қишкиўйинларбилинг,

Янгийилкирганида

Қувончгатўларўйин г.

Опа – сингилфасллар,

Хечкелишаолмагач,

Қуёшбобоолдига

Маслаҳатгабордилар.

–Қуёшбобобизгаайт

Сизҳаммаданюқори,

Қайси фаслкеракли

вабарчаданчиройли.

Жавоб берди қуёшбобо:

–Агар баҳор бўлмаса,

Гулламайдидарахтлар,  
Кўкармайдимайсалар.  
Шунингучунбаҳорой  
Барчагабирдайкерак.  
–Агарёзбўлмаса,  
Пишмайдихечбирмева,  
Хаттоболаларқувонмас,  
Маззақилибчўмилмас.  
–Агаркўзбўлмаса,  
Савзавотларпишмайди,  
Хаттопахтаочилмас.  
–Ундейбўлса, бизга  
–Қишкарак эмас, – дейишибдиғасллар.  
–Йўқ, йўқадашасизлар,  
Жавобберарқуёшбобо:  
–Агарқишибўлмаса,  
–Ухламайдидарахтлар,  
Дамолмайдитупроқлар,  
Қоргатўймайдитоғлар.  
Шунингучунбилингиз  
Сизбарчагакераксиз,  
Хаттобир –бириңгизсиз  
Бир кун яшай олмайсиз.  
Опа-сингилийилфасл  
Қилмишидануялиб,  
Хурматқилиббир-бириң  
Навбат билан келишар

**КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ**

## КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-кейс** Мактабгача таълим муасассасида бадий адабиёт билан таништириш машғулотларида ананавий ва ноананавий таълим технолгиялари афзаллик ёки камчиликлари.

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Мактабгача таълим муасассасида бадий адабиёт билан таништириш машғулотларини сифат ва самарадорлигини оширишда ананавий ва ноананавий таълим технолгиялари афзаллик ёки камчиликлари	<p><b>Анъанавий таълим технологияси</b> - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни қўпроқ тарбиячи шахсига қаратилган бўлиб, машғулотнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.</p> <p><b>Ноанъанавий таълим технологияси</b> - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида бола шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмuinи таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>	<p><b>Ноанъанавий таълим технологияси</b> - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмuinи таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.</p>

## **2-кейс топшириғи: Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиши технологиялари**

Кейс топширигини бажариш учун иш қофози:

<b>Асосий фарқлар</b>	
<b>Афзалликлари:</b>	<b>Камчиликлари:</b>
<p>1. Аниқ маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш</p> <p>2. Ўқитувчи томонидан ўқитиши жараёнини ва ўқитиши муҳитини юқори даражада назорат қилиш</p> <p>3. Вактдан унумли фойдаланиш</p>	<p>1. Аниқ илмий билимларга таянишбўлиши мумкин</p> <p>2. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланиши сусайди</p> <p>3. Тассавурларни ўзгармасдан қолиши тингловчиларнинг машғулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг пастлиги</p> <p>4. Дарснинг бир хил қолипдалиги, бир хиллиги</p> <p>5. Ўқитувчининг тўла назорати барча тингловчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди</p> <p>6. Тингловчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди</p> <p>7. Эслаб қолиш даражаси ҳаммада тенг бўлмаганлиги сабабли гурухда ўзлаштириш пастлиги.</p>

## **3-кейс топшириғи: Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш**

Гурӯҳ баҳоси	Гурӯҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳоси	Муомолар ечими
					Машғулот мавзусини белгилаш
					Машғулотнинг режасини тўзиш
					Машғулотнинг мақсадини белгилаш
					Машғулотнинг мазмунини танлаш

					Машғулот ўтказиладиган жойни жихозлаш хамда керакли техникаси тайёрлаш
					Машғулотни бошлаш йўлини танлаш ва унинг ишланмасини ёзиш
					Машғулотни вақтларга бўлиш
					Бўлажак машғулотнинг энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
					Ўтказилган машғулотнинг якуний тахлили ва кейинги машғулотга тайёргарлик

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
МАВЗУЛАРИ**

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Мактабгача ёшдаги болаларни арифметик масалалар тўзиш ва ечишга ўргатиш.
2. Машғулотларда болаларни ранглар билан таништиришда дидактик ўйинлардан фойдаланиш.
3. Илк ёш гуруҳида сенсор тарбиянинг вазифаси ва иш мазмуни.
4. Элементар математик кўникма ва билимларни ривожлантириш бўйича машғулотларни лойиҳалаштириш.
5. Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни ривожлантириш методикасининг назарий асослари.
6. Мактабгача таълим муассасаларида элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларини режалаштириш ва ташкил этиш.
7. Кичик гурух болаларида элементар математик тасаввурларни ривожлантириш. Болаларни буюмларнинг катталиги, шакли, теварак-атрофда мўлжал олиш ва вақтни чамалашга ўргатиш.
8. Мактабгача ёшдаги болаларнинг сон ва саноқ бўйича тасаввурларини шакллантириш, ҳисоблаш амаллари билан таништириш.
9. Мактабгача ёшдаги болаларни геометрик шакллар билан таништириш.
10. Мактабгача ёшдаги болаларнинг микдор, катталик ҳақидаги тасаввурларини таркиб топтириш.
11. Математик тасаввурларни таркиб топтиришда болаларни теварак атрофда мўлжал олишга ўргатиш.
12. Мактабгача ёшдаги болаларнинг вақт бўйича тасаввурларини шакллантириш.
13. Болаларнинг математик тушунчаларини ривожлантиришда қўлланиладиган кўргазмали материаллар.
14. Математик тасаввурларни таркиб топтиришда болаларни фазода мўлжалга олишга ўргатиш.

15. Болаларда бадиий асарларга нисбатан қизиқиши күникмаларини таркиб топтириш.

16. Кичик ёшдаги болаларда бадиий адабиётта меҳр уйғотиш орқали нутқини ўстириш.

17. Болаларнинг сўз бойлигини таълимий ҳикоялар асосида ошириш.

18. Болаларни ҳикоя қилишга ўргатишида нутқий алоқа күникмаларини тарбиялаш.

19. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳикоя қилишга ўргатиши жараёнида нутқий талаффуз устида ишлаш.

20. Мактабгача ёшдаги болаларга шеър ёдлатиш жараёнида нутқий талаффуз устида ишлаш.

21. Болаларни халқ оғзаки ижоди билан таништириши жараёнида сўз бойлигини ошириш.

22. Болаларнинг товуш маданиятини шакллантириш орқали боғланишли нутқини ўстириш.

23. Болаларнинг боғланишли нутқини сўз бирикмаларини тўзишига ўргатиши орқали ўстириш.

24. Болаларда хулқ-автор маданиятини шакллантириш орқали нутқий мулоқотга ўргатиши.

25. Болаларда сўзларни бўғинларга бўлиш малакаларини шакллантириш.

26. Мактабгача ёшдаги болаларни эртак тўзишига ўргатиши жараёнида нутқий талаффуз устида ишлаш.

27. Нутқ ўстириш машғулотларида болаларнинг луғат бойлигини оширишнинг аҳамияти.

28. Боланинг китобга бўлган қизиқишини ошириши орқали сўзлашув нутқини ўстириш.

29. Болаларнинг оғзаки нутқини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

## **ГЛОССАРИЙ**

## ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шархи</b>
<b>Инновация</b>	янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация - киритилган янгилик, ихтиро).
<b>Вазият</b>	Вазият- situation (ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - ахвол) – муайян вазият, ахволни ҳосил қиласиган шартшароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.
<b>Дастурлаштирилган таълим бериш</b>	Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.
<b>Касб</b>	бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафакат аник билим ва қўнималарни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қиласи
<b>Адолатли</b>	Инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири.
<b>Азалий</b>	Олдинги, қадимги.
<b>Билим</b>	Борлиқни билишни амалётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган натижа.
<b>Болалар</b>	Инсоннинг вояга етишидан олдин келадиган ривожланиш
<b>Буюк</b>	Великий
<b>Дид</b>	Кишининг ҳаёти ва санъатнинг барча жабҳаларида гўзалликни фарқлаш,

	тушуниш ва баҳолаш қобилияти.
<b>Декоратив аппликация</b>	Болалар боғчасининг кичик гуруҳидан бошлаб қўлланиладиган аппликация
<b>Фарзанд</b>	Ребенок
<b>Харакатли ўйинлар</b>	Болаларнинг ҳаракатланиш фаоллиги устунли қилган ўйинлар
<b>Ижтимоий</b>	Инсон томонидан жамиятда муаян вақт оралиғида қадриятлар ва хужжатлар
<b>Инсон</b>	Человек
<b>Истиқтол</b>	Мустақил, ўз-ўзига мустақил бўлиш.
<b>Истеъдод</b>	Қобилятлар иқтидорларни юқори даражаси.
<b>Таълимда кўргазмалик</b>	Дидактик принципларидан бири. Кўргазмалик ўқув материалларини пухта ва чукур эгалаштиришга, болаларни билам доираларини кенгайтиришга ва тафаккурларини ривожлантиришга ёрдам беради.
<b>Иқтисодий</b>	Жаҳон бозорларини дунё бозорларига олиб чиқиш ва фойда чиқариб олиш.
<b>Истак</b>	Шахс интилишларининг эмоционалшакли.
<b>Жамоа</b>	Ижтимоий аҳамиятга эга мақсадлар, умумий қадриятлар ва кишиларнинг ижтимоий бирлиги
<b>Жараён</b>	Воқеа ва ходисалар ривожидаги ўзлуксизлик
<b>Жанр</b>	Барча саънат турларида асарларнинг тарихан қарор топган тўзилмаси
<b>Кўмак</b>	Поддержка
<b>Кўникма</b>	Кўп марталаб такрорлаш йўли билан шакилланган, юқори даражада ўзлаштириш
<b>Кўнгиллилар</b>	Хомилий кўрсатаётган шахс ёхуд ташкилот
<b>Кўргазма</b>	Моддий ва манавий соҳадаги фаолият ютуқлари

<b>Кўрсатма</b>	МТМда сўз воситасида кўрсатма бериш усули.
<b>Метод</b>	Ахлоқ, усул.
<b>Маънавият</b>	Олий ибтидорликка, онгли интилишга қодирлик.
<b>МТМ услугчиси</b>	Катта тарбиячи лавозимида ишлаётган ходим
<b>Мулоқат</b>	Икки ёки ундан ортиқ бўлган шахсларнинг фикр алмашуви.
<b>Ўйин</b>	Инсон фаолиятининг тарихан таркиб топган, асосан унинг болалик даврига хос бўлган маҳсус тури.
<b>Ўйин фаолияти</b>	Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий ўз–ўзини қарор топширишга, “мен ва жамият” тушунчасини ифодалашга, хаёли вазият, ўйиндаги роль ва ўйин қоидалари.
<b>Интерфаол таълим</b>	Таълим олувчининг ўзлаштирилаётган билимлар ва тажриба соҳаси сифатида ҳизмат қилаётган атроф ўқув билими билан яқин Ўзаро муносабатига асосланган таълим.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърӯзаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 80

6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

8. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### **1. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори. 2017 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3931-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрь куни “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш» масалаларига бағишиланган йиғилишидаги нутқи.

7.Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”. Т.: 2018

8. Илк қадам” ўқув дастури. Т.: 2018.

#### **4. Махсус адабиётлар**

1. Ў.Толипов ва бошқ. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари Т.: 2006. – 163

2. Ф.Р. Қодирова ва бошқ. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси методикаси. Т.: “Истиқлол”, 2006.

3.Л.Миржалолова. Болаларни ҳикоя қилишга ўргатиш. Т.: 2006

4. Л.Миржалолова ва бошқ. “Машғулотларни ўтказиш технологиялари” модули бўйичаўқув –услубий мажмua. Т.: 2017

5.Р.Ишмуҳамедов Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. Т.: РБИММ, 2008. 68 б.

6.Р.Ишмуҳамедов ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог–ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.

7.Р.Ж.Ишмуҳамедов ва бошқ. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гурух раҳбарлари учун амалий тавсиялар). Т.: Истеъдод, 2010.

8.Л.Миржалолова. Сўз бирикмаларини тузиш машқлари-нутқ маданиятини ўстириш воситаси. Т.: 2011

9.Л.Миржалолова. Болаларнинг сўзлашув нутқини ўстиришда дидактик ўйинларнинг роли. Т.: 2013

10. Р.Ж.Ишмуҳамедов ва бошқ. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2016.

11.Р.С. Саломова. «Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» Т.: 2014.

12.К.М.Махкамджонов. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 .

13. М.М. Нуриддинова. «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия йўриқчилари учун меъёрий хужжатлар мажмуи». Т.: “Мухаррир”, 2013.

14.М.Файзулаева ва бошқ. “Соф танда-соғлом ақл” Т.: 2014

15.Т.Усмонхўжаев ва бошқ. “500 ҳаракатли ўйинлар”. Т.: “Янги аср авлоди”, 2014.

16. Р.Хўжаев ва бошқ. “Ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси. Т.: “Чўлпон номидаги – матбаа ижодиёт уйи”, 2010.

17.Л.Г. Евстафьева. Подвижные игры для детей дошкольного возраста по программе “Болажон”.2012 г.

18.З.Ибрагимова. Мактабгача таълим муассасаларида бадиий адабиёт. (*илк, кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлар учун машғулотлар тўплами*). Т., 2012.

19.З.Ибрагимова.“Болажон” дастури бўйича бадиий адабиёт мажмуаси. 1-китоб., Т., 2013.

20.З.Ибрагимова.“Болажон” дастури бўйича бадиий адабиёт мажмуаси. 2-китоб., Т., 2013.

21.М. Файзулаева ва бошқ. Нутқ ўстириш, саводга тайёргарлик. Т., 2014.

22.Г.А.Амирова вабошқ. Мактабгачатаълиммуассасаларида апликация машғулотлари. Т.: 2014.

23.3.А. Рахмонқурова ва бошқ. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан танишириш (*илк, кичик, ўрта гуруҳлар учун*). Т.: 2015.

24.А.Сулаймонов. Мактабгача таълим муассасаларида ҳайкалтарошлиқ машғулотлари. Т.: 2015

25.3.А Рахмонқурова ва бошқ. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан танишириш (*катта, тайёрлов гуруҳлари учун*). Т.: 2015.

26.А.Сулаймонов ва бошқ. Тасвирий фаолият. Т.: 2016

27.Л.Миржалолова. Болаларнинг нутқий фаоллигини ошириш. Т.: 2016.

27. Л.Миржалолова. Ўзбек тили машғулотларида болаларга ўзаро саволжавоб қилишни ўргатиш методикаси. Т.: 2016

### **Электрон таълим ресурслари**

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
9. Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази:[www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz)
10. Тошкент давлат педагогика университети хўзуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giu.uz](http://www.giu.uz)
11. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
12. Мактабгача таълим вазирлиги: [www.mtv.uz](http://www.mtv.uz).
13. Республика болаларкутубхонаси: [www.kitob.uz](http://www.kitob.uz).
14. «Мактабгачатаълим» журнали: [www.jlmt.uz](http://www.jlmt.uz).